

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Э.ИШМУХАМЕДОВ,
М.Т.АСҚАРОВА

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талаabalари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

A.E.ISHMUKHAMEDOV,
M.T.ASKAROVA

**NATIONAL ECONOMY OF
UZBEKISTAN**

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

А.Э. Ишмуҳамедов, М.Т. Асқарова. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти (Ўқув кўлланма) - ТДИУ, 2004 – 256 бет.

Ушбу ўқув кўлланмада Ўзбекистон миллий иқтисодиёти-нинг бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос ривожланиш йўллари, келгусида ривожлантириш йўналишлари, жаҳон бозорига чиқиш, интеграция жараёнларига боғлиқлиги кўрсатилган; республика иқтисодиётида рўй берәётган таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг молия - кредит дастаклари, уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ёритилган; тармоқлар ривожланиши ва улар ўртасидаги мутаносибликлар рақамлар асосида изоҳланган ва кўрсатилган. Кўлланма иқтисодий таълим йўналишидаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг талабалари учун мӯлжалланган.

Ундан, шунингдек, олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари бакалаврлари, магистрлари, профессор - ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф.
Ш.Р. Холмўминов

Тақризчилар: и.ф.д., проф. А. Вахобов
и.ф.д., проф. А.Ф. Расулов
и.ф.д., проф. Б.Т. Салимов

Ishmukhamedov A.E., Askarova M.T. National economy of Uzbekistan (Manual) – T.: TSSEU, 2004 – 256 pages.

The manual is about developing trends of national economy of Uzbekistan in market conditions, future development trends, integration into the world market, structural changes happening in the economy of the Republic, financial-credit branch of economy, and its regulation mechanism government. Also development of branches and their connections are explained by statistical numbers and explanations.

The manual is designed for the students of Higher Education Establishments, and for the researchers of economic direction.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.

References: doctor of economic science,
prof. Vahobov A.
doctor of economic science, prof.
Rasulov A. F.
doctor of economic science, prof.
Salimov B T.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президент И.А.Каримов айтганидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади». Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланниб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмаси вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар томонлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими, шу давр ичидаги миллий истиқдолояси ва мафкураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Кўйган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги асрда умумий уйимиз – янгилаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидағи тараққиёт манбанини ташкил этади.

Бундай янгилашиш жараёнида биз учун илгари унча таниш бўлмаган қонун-қоидалар, тушунчалар, хўжалик юритиши механизмлари, усуслари, тамойиллари кириб келмоқда. Мулкдорлар, тадбиркорлар, тижоратчилар, акционерлар, банкирлар, биржа эгалари ва ходимлари, менеджерлар, брокерлар ва бозор иқтисодиётининг бошқа амалиётчиларидан иборат янги ижтимоий гурӯҳ ва қатламлар шаклланмоқда.

«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фани мамлакатимизда яшаётган ҳамма фуқароларнинг даромадлари, турмуш даражаси иқтисодиёт ривожланиши ва унинг тараққиёти билан, уларнинг ижодий меҳнати натижасида миллий маҳсулотнинг кўпайиши, бу маҳсулот тўғри тақсимланиши ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши, шунингдек, миллий пул барқарорлиги билан боғлиқлигини ўргатади ҳамда миллий истиқдол мафкурасининг фуқаролар онгига шаклланишида, уларнинг интеллектуал камолотга эришувида муҳим аҳамият қасб этади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фани ва унинг предмети

Республикамиз мустақилликка эришганлигига ва деярли барча халқаро ташкилотларнинг teng хуқуқли аъзосига айланганига қисқа вақт бўлди. Аммо шу вақт ичидаги республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган иқтисодий сиёсат шаклланиб, истиқболли йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар қайд қилиб ўтилган.

Эндиликда миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари ва таркибий қисмларини жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти жами соҳалар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, улар ягона иқтисодий тизимга, умумий қонунларга ва ривожланиши мақсадларига асосланган ҳолда ўзаро бирлашган.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги яқин ўтмишда умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуисининг ташкилий қисмiga киради. Шу билан бирга собиқ иттифоқдаги меҳнат тақсимотида асосан хомашё етказиб берувчи мавқени эгалларди.

Бундай шароитларда «миллий иқтисодиёт» тушунчаси ҳақида сўз юритиш хуқуқига эга эмас эдик. Эндиликда Ўзбекистонда сиёсий ва давлат мустақиллиги камол топиши билан унинг миллий иқтисодиёти шакллана бошлайти. Бу ўринда қайд этиш жоизки, миллий иқтисодиёт бозор иқтисодиёти муносабатларини ўрганувчи барча аниқ фанлар назариясига, услубига таяниди. Иқтисодиётни самарали тартибга солиш билан унинг шаклланишига қулай иқтисодий, хуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос бошқариш моделлари мавжуд. Уларни яратишда ҳар бир мамлакат ўзининг барча хусусиятларини хисобга олган. Албаттга, уларда ҳар бир мамлакатнинг географик жойлашиши, иқтисодий ва табиий ресурслари, иқлими ва қолаверса, демографик тузилиши инобатта олинган. Бу ўринда кўп тилга олинаётган ЇЖанубий Корея, Швеция, Туркия моделларини мисол қилиб кўрсатишмиз мумкин.

Шу билан бирга иқтисодиётнинг умумий назарияси мавжуд. Уни чуқур билмай туриб, иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун миллий иқтисодиётда бозор шароитига мос инфратузилмавий такомиллашув, самарали бозор тузилмасининг шаклланиб бориш жараёни билан мос равишда янги бозор иқтисодиёти институтлари яратилиб борилади.

Истиқлол ўзбек халқи учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уғқларини очиб берди. Юртимизда тарихан қисқа, мазмундан бой мустақиллик йилларида асрларга татигулик улуғ ўзгаришларга асос солинди. Куни кеча тасаввуримизга сифмаган ҳодисалар бугун оддий воқейликка айланиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан ислоҳотлар натижаларини сарҳисоб қилиш, ютуқларимиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўйлаб кўриш, ҳали қилиб улгурмаган ишларимизни рӯёбга чиқариш ҳақида фикр юритиш, таҳлил қилиш ҳам мұхим, ҳам долзарб.

Миллий модель дунё ҳамжамияти томонидан мамлакатимизда бозор иқтисодиёти асосларига ўтиш борасида олиб бориладиган ислоҳотлар ўзига хос «Ўзбек модели» номи билан аталмоқда. Йнги жамият қуришнинг бу модели бугунги кунда хоримлил олимлар на сиёсатчиларни қизиқтирумокда. Ҳамдўстлик давлатлари орасида риоюжланган энг мақбул, энг самарали йўл деб тан олинимоқда. Бундан 5-6 йил аввал, Ўзбекистонда амалга оширилифтган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига шубҳа билан қарангни сиёсатчилар, иқтисодчи олимлар ҳам бугун бизнинг тажрибамизни ўрганмоқдалар, айрим жиҳатларини ғалирида татбиқ этмоқдалар.

Утган қисқа вақт ичида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча кўрсаткичлари бўйича Ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам пасайишга эришилди. Улар орасида биринчи бўлиб, 1996 йилдан бошлиб асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш таъминланмоқда, ижтимоий ларзаларсиз чуқур тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаяпти.

Бунинг сири нимада? Бунинг сири аввалимбор, миллий Моделимизнинг ўзига хослиги, унга бозор иқтисодиётининг маълум бир тури ёки муайян бир давлат йўли тўғридан-тўғри кўчириб олинмаганлигига, ўз тараққиёт йўлимизни танлашда мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий шароит ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилганидадир.

Биздаги ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиб чиқкан финландиялик иқтисодчи олим Ярмо Эронен шундай дейди: «Собиқ Иттифоқ республикалари ичида бизни кўпроқ Ўзбе-

кистон тажрибаси қизиқтиради. Чунки қисқа вақт ичида «Ўзбек модели» ўзини оқлади. Биринчи бўлиб сизларда ўсиш бошланди. Сизларга қўшни давлатларда бўлганимда, уларнинг айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бутунлай издан чиққанини кўрдим. Экин майдонлари 50 %га камайиб кетибди. Ҳосилдорлик эса ундан ҳам кўпроқка тушиб кетган. Чорвачиликда туёқ сони кескин камайган. Ўзбекистонда эса умуман бошқа манзара. Қишлоқ хўжалиги ўтиш даврининг энг оғир йилларида ҳам бир маромда ривожланди. Бу эса танланган йўлнинг тўғри эканлигидан далолат беради».

Шунингдек, мамлакатимизнинг географик жойлашуви нуқтаи назаридан келиб чиққанда унинг денгиз артериясидан узоқда жойлашганлиги иқтисодий савдо алоқаларида маълум ноқулайликларни келтириб чиқаради. Лекин, бу дегани бизнинг алоқаларимиз самараси пасайиб боради, дегани эмас. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу алоқаларни ривожлантиришнинг бошқа йўлларини излаб топиш талаб этилади. Чунончи, ҳаво ва автомобиль йўллари транспортини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Бу яширин имкониятлар миллий мустақилликка эришилгандан сўнг анча кенгайди. Миллий иқтисодиётимизнинг ички ялии маҳсулот ҳажмида экспорт миқдори ўсиб бормоқда. Экспорт қилинадиган товарлар жумласига нефть маҳсулотлари, уран, олтин қўшилди. Паҳта толасини экспорт қилиш охирги йиллар ичида 49,2 %дан 38,6 %гacha пасайди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда уларнинг қайта ишланган маҳсулотларини экспортта чиқариш ҳажми анча ортди. Нефть ва бензинни импорт қилиш батамом тўхтади. Ишлаб чиқариш воситалари ва эҳтиёт қисмлари импорти 15,3 %дан 47,2 %гacha ўси ва 2002 йилда экспорт имиортдан кўп бўлди.

Албатта, босиб ўтилган йўлда муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Лекин, энг муҳими, ислоҳотларнинг умумий стратегиясида сабит турган ҳолда тактикаизга йўл-йўлакай тузатишлар киритиб боряпмиз. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга муайян чоракда, ҳар йили чуқур таҳдил орқали баҳо бериб келинмоқда. Нуқсонларни ўз вақтида барта-раф қилиш чоралари кўрилмоқда, зарур ҳолларда эса давлат дастури қабул қилинмоқда.

Айниқса, баъзи бир давлатлардагидек парламент сафсатабозликларига йўл қўйилмай, ўз вақтида қонунлар қабул қилиш, зарур бўлганда зудлик билан тузатишлар киритиш, Президент фармонлари ва хукумат қарорлари қабул қилиш орқали ислоҳотларнинг хуқуқий асослари тақомиллаштириб борилиши ютуқлармиз асоси бўлмоқда.

Дарҳақиқат, саноат тармоқлари таркибини статистик рақамлар орқали таҳлил қиласиган бўлсак, истиқолол йилларида ўзгаришлар қанчалик улуғворлиги яққол намоён бўлади. Айниқса, уни собиқ иттифоқ давридаги саноат тузилмаси билан солиштирганда, қисқа вақт ичида тузилмавий сиёsatнинг амалий натижалари, бунёдкорлик ишларининг салобати қўз олдимизда ёрқинроқ гавдаланади.

Эски саноат тизимида енгил саноатнинг, аниқроғи, пахта тозалаш саноатининг мавқеи жуда юқори эди. Аксарият минтақалар саноатида унинг салмоғи 70-80 %ни ташкил қиласиган бўлсада, катта хомашё ресурсларига эга бўлган ҳудудларда якуний тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди. Биздаги оғир саноат корхоналарининг ҳаммаси собиқ марказга бўйсунгандиги, уларнинг аксариятида маҳаллий хомашё, аҳоли талаб ва эҳтиёжларига алоқаси йўқ маҳсулотлар чиқарилиши, технологик жиҳатдан бизнинг ҳудудда бошқа саноат корхоналари билан боғлиқ бўлмаган.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти таркибида ҳалқ иsteъмоли молларининг улуши атиги 37,1 %ни ташкил этганлиги боис ўзимизга керакли иsteъмол товарларининг аксарият қисми четдан келтирилар эди.

Бундай оғир вазиятда саноатни қайтадан тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаганида, бизда ишлаб чиқариш кескин тушиб кетиши, саноатда банд аҳолининг 300-400 минг нафари ишсиз қолиши мумкин эди.

Иқтисодий мустақилликка эришиш учун ислоҳотларнинг дастлабки босқичиданоқ ёқилғи-энергетика мажмуисининг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириб бориш ҳисобига мамлакатимизда энергетика мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди.

Чунки, Ўзбекистон ҳудудида нефть саноатига асос солинганига қарамасдан, биз нефть маҳсулотларига бўлган талабимизни таъминлай олмай келардик. 80- йилларда республика-миага ҳар йили четдан 6 млн. тонна атрофида нефть маҳсулотлари ташиб келинган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида валюта тушумимизнинг асосий манбай ҳисобланган пахта толасининг 600минг тоннасини Россияга ёқилғи маҳсулотларига айирбошлишга мажбур эдик.

Мамлакатимиз, ҳалқимиз тақдирини ўзимиз ҳал қилиши хуқуқини олганимиздан кейинги 4-5 йил ичида юз йиллар давомида рўёбга чиқмаган орзуларимиз амалга ошди. 1999 йилда 1991 йилдагига нисбатан нефть қазиб олиш ҳажми 3,7 баробар кўпайди. Хомашёдан тайёр ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқа-

радиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди, натижада биз нафақат мамлакатимиз нефть мустақиллигини таъминлаб қолмасдан, балки хорижга ёқилғи маҳсулотларини сота бошладик. 2002 йилда экспорт қилинган маҳсулотларнинг 7,9 фоизларини ёқилғи ва электр энергия ташкил қилди.

Ўзбекистон саноатида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг мавқеи кун сайин ортиб бормоқда, айниқса, унинг тизимида автомобильсозликнинг ташкил топиши жиддий тузилмавий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Бу саноатда барқарор ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда.

Истиқлолгача оддий велосипед ишлаб чиқармаган Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, дунёда 28-бўлиб автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланди.

Ҳозирги кун янги тармоқ тизимида йиллик қуввати 200минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «ЎзДЭУавто», автобус ва юқ машиналари ишлаб чиқаришга ихтинослашган «СамҚўчавто» қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ўндан ортиқ янги корхоналар ташкил қилинди. Мамлакатимизда 40 дан ортиқ корхоналар улар билан ҳамкорликда ишламоқда, автомобильсозлик саноатида ҳозир 14 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда.

Устувор йўналиш сифатида Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги республикалардан фарқли улароқ, ички бозорни хориждан сотиб олинган бошқа моллар билан тўлдириш эмас, балки ўзимизда импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириши йўлидан бораюпти. Ҳамдўстликдаги қатор мамлакатлар валюта захиралари ва чет эл кредитларини озиқовқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфлаётган бўлса, бизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган замонавий технологияларни олиб келиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш устувор вазифа, деб белгиланган.

Истеъмол молларининг энг зарур турларини ўзимизда ишлаб чиқариш нафақат валюта ресурсларимизни тиклаш, давлатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, балки маҳсулот таннархи туширилиши орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш имконини ҳам берди. «Ўзбек модели»нинг ўзига хос томони айнан шунда намоён бўлди.

Тузилма сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада фақат охирги икки йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини импорт қилиш 2 баробар, жумладан, қандолат маҳсу-

лотлари 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари 5 ҳисса, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар 17 марта, кийим- кечаклар 7 баробар, пойабзал 4 марта камайди.

Бу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиёти учун устувор ҳи-собланган бой табиий, қишлоқ хўжалиги, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Корхоналарни, айниқса, кичик ва ўрта корхоналарни замонавий ҳамда ихчам технология, энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Аҳоли зич жойлашган, қишлоқ хўжалиги хомашёсига бой ҳудудларда тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Етмиш йилда оддий бир цех қурилмаган узоқ, чекка қишлоқлари-мизда ҳам маҳаллий хомашё ресурсларидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий қўшма корхоналар барпо этила бошланди.

Масалан, янги қурилган «Антекс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 4 та корхона аҳоли зич яшаётган қишлоқларда қурилди. Ирик тўқимачилик мажмусини бунёд қилиш учун бир ярим млрд. сўм сармоя сарфланди, фақатгина хориждан замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 26 млн. АҚШ доллари ишлатилди.

Корхона ишга тушгандан кейин З минг нафардан ортиқ қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди. Андижон вилоятида тайёрланаётган пахта толасининг анчагина қисмини шу жой-нинг ўзида қайта ишлаш имкони яратилди.

Ушбу мажмуи таркибиға кирган тикув фабрикаси Булоқ-боши қишлоғида ишга туширилди. Германия, Италия ва АҚШ-да ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган мазкур техника тўлиқ компьютер дастури асосида ишлайди. Йилига З млн. дона кўйлак, шим, эркаклар костюми ишлаб чиқараётган корхонанинг салкам 70 % маҳсулоти четга сотилмоқда.

«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанининг предметига юқорида қисман изоҳ берилди. У халқ хўжалигини ягона ти-зим сифатида ўрганади. Халқ хўжалиги ҳар бир тармогининг ривожланиши, тартибга солиниши ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш ана шулар жумласига киради.

«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанининг вазифалари-дан бири- мамлакат иқтисодиёти таркибиға кирувчи тармоқлар, соҳалар ва мажмуиларнинг ўзига хос хусусиятини ва ўзаро алоқасини ўрнатишдан иборат.

1.2. Миллий иқтисодиёт жараёнлари объектларини иқтисодий баҳолашуда макроёндашув

Миллий иқтисодиётда рўй берадиган жараёнларни баҳолашда, албатта, макроиктисодий томондан ёндашилади. Демакки, бутун мамлакат миқёсида рўй берадиган ўзгаришлар кузатилади ва таҳдил қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётда жами ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблаб боришидир. Бунинг учун миллий ҳисобкитоблар тузиш борасида керак бўладиган баъзи муаммоларни ҳал қилиш лозим. Бир бутун иқтисодиёт учун ҳам ижтимоий ҳисобкитобларнинг зарурияти ана шунга мисол бўла олади.

Миллий иқтисодиёт жараёнларини баҳолашга макроиктисодий ёндашув, уни барқарорлаштириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгиланиш йўлинни давом эттириш режасини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Республикамизда иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноатнинг анъанавий ривожланган турлари қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати кабилар билан бир қаторда мутглақо янги саноат соҳаларини ташкил этиш зарур. Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Унинг асосий бўғини бўлган пахтачилик энг рентабеллидир. Шу сабабдан, пахтачиликни ривожлантириш, унинг тармоқ инфрастузилмасида қулай, мос ҳажмини, салмоғини аниқлаш, шунингдек, тола сифатини тубдан яхшилаб, дунё стандарти даражасига келтириш энг долзарб муаммодир.

Давлатимиз нисбатан катта худудга эга ва унинг географик ўрни ҳам алоҳида хусусиятларга молик. Бу ҳолат қурилиш ва транспортни ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифасини қўяди. Ялпи ишлаб чиқариш майдонларини, уй-жой, маданий-маиший муассасалар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг мустақил моддий-техник пойдеворини яратиш қурилиш соҳасининг мазмунини ташкил этади.

1.3. Иқтисодий фанлар орасида «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» курсининг ўрни

Иқтисодий фанлар орасида «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» курсининг ўрни бекиёс салмоқлидир. Барча иқтисодий

фанлар иқтисодиётнинг турли жабҳаларини ўрганса, «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» халқ хўжалигини ягона бир тизим сифатида ёритади. Миллий иқтисодиётдаги жараёнларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, келгусидаги ривожланишини такомиллашган йўлларини кўрсатиш ва иқтисодиётни тартибга солишни бевосита шу курс ўрганади. Наинки бу, балки ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад каби кўрсаткичлар таҳлили асосида мамлакат иқтисодиёти хусусида ҳам айнан у фикр юритади. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фани мамлакатдаги меҳнат бозорини ўрганади. Сиёsat борасида у монитар ва фискал сиёsatларнинг моҳиятини, шу билан бир қаторда давлат бюджети камомадини бартараф этиш йўлларини кўрсатади. Иқтисодиётни тартибга солишда солиқлар тизими орқали тартибга солишини кўрсатиб, тадбиркорлик фаолиятининг аҳамиятини очиб беради. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни миллий иқтисодиётда қандай ўзгаришларга олиб келганигини рақамлар асосида изоҳлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётта мувофиқлашган қуйидаги вазифаларни ёритиш кўзда тутилган: миллий иқтисодиётнинг бошқарув тизими, иқтисодиёт ривожланишининг макрокўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш муаммолари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Бундан ташқари миллий иқтисодиётнинг асосий муаммоларидан бири миллий иқтисодиёт ҳажми ва ўсиш суръатларини ҳисоблаш ҳам ҳисобланади. Таркибий тузилишини назарда тутганда, албатта, ЯММ, ЯИМ, СММ, МД каби макроиктисодий ҳолатни характерловчи ишсизлик даражаси, инфляция даражаси ва истеъмол баҳолари индекси каби кўрсаткичлардан фойдаланилади, чунки, истеъмол баҳолари индекси, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархи базис даврига нисбатан ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттиришdir.

Қисқача хуросалар

«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» курсининг предмети – халқ хўжалигининг ягона бир тизим сифатида ўрганилишидир. Халқ хўжалиги ҳар бир тармоғининг ривожланиши, тартибга солиниши ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш ана шулар жумласига киради.

Миллий иқтисодиёт жараёнларини баҳолашда макроиктисодий ёндашув уни барқарорлаштириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини янгилаш, қонунчилик ва хуқуқий тартибни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Барча иқтисодий фанлар иқтисодиётнинг турли жабҳаларини ўрганишади. Миллий иқтисодиётдаги жараёнларни ўрганиш, уларни таҳдил қилиш, келгусидаги ривожланишининг тақомиллашган йўлларини кўрсатиш ва иқтисодиётни тартибга солиш «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» курсида ўрганилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фани нимани ўрганади?
2. Курснинг таркиби ва асосий вазифалари нималардан иборат?
3. «Ўзбекитон миллий иқтисодиёти» фани иқтисодий фанлар орасида қандай ўринга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдиқ, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Кочетов Э.Г. Ориентир внешнеэкономической деятельности: Национальная экономика и предприятие. – М.: Экономика, 1992.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЛЧОВ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси

Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ўзига хос миллий, диний, сиёсий хусусиятларга эга. У шу мамлакат ичида миллий ҳамжамиятлар, яъни ижтимоий гурӯҳлар ва кишилар ҳамжамиятлари иқтисодий алоқаларини ташкил қилишнинг ўзаро ички алоқалар билан боғлиқ ва интеграциялашган шакли сифатида намоён бўлади.

Бу миллий иқтисодиётнинг таърифидир. Энди миллат ўзи нима эканлигига тұхталамиз.

Миллат икки маънода тушунилади:

- кишиларнинг тарихий таркиб топган шакли;
- мамлакат, давлат.

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани миллат тушунчасига ёндашув доимо ўзгариб туришини таъкидлайди. Давид Рикардо миллатнинг табиий омилларига унумдорлиги нотекис бўлган тупроққа эга жуғрофий макон сифатида қарайди. У бу омиллар иқтисодий фаолият характерини белгилаб беради (Португалия вино, Буюк Британия эса газлама ишлаб чиқаради) деб ҳисоблаган.

Стюарт эса миллат, бу ҳудуд, айни пайтда шундай ҳудудки, унинг ичкарисида ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатчан ва бу ҳаракатчан давлат чегаралари билан чекланган, деб билган.

Р.Бар иқтисодий жиҳатдан миллат тушунчасини янада мураккаброқ таърифлайди, яъни миллатнинг иқтисодий концепциясини беради. Унинг фикрча:

а) аввало миллат – ўз табиатига, келиб чиқишига, характерига ва фаолият шароитларига кўра, фарқланувчи фаолият маркази;

б) миллат – кучлар марказидир. Унинг таъсири географик ва қиёсий макон доирасидан келиб чиқади;

в) миллат - иқтисодий, сиёсий ва маънавий сабабларга кўра, имтиёз берувчи бирдамлик марказидир.

Шундай қилиб, миллат дунёning ундан бошқа миллатларни фарқ қилдирувчи ва улар билан ўзаро алоқада бўлиш заруритини туғдирувчи сиёсий ва маънавий характерга, ўзига хос хусусиятга эга бўлган бир бўлгидир.

Айни пайтда миллат тушунчасига унинг иқтисодий атамаси изохини бериб ўтиш ҳам зарур:

- иқтисодий муносабатлар йигиндиси;
- худуд, гурухлар;

- иқтисодий муносабатларнинг функционал ёки тармоқ жиҳатларини ўрганувчи фан соҳаси.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт — мамлакат хўжалиги, унинг таркиби (тузилмаси) алоҳида элементларининг ўзаро алоқасидир. Миллий иқтисодиёт бир мамлакатдаги индивидлар, оиласалар, гурухлар ва давлатнинг иқтисодий фаолияти маълум интеграция ва ўзаро боғлиқлиги билан характерланади. Шу сабабли миллий иқтисодиётни фаолиятнинг турли қарор ва фактлари оддий йигиндиси, деб тушунмаслик лозим. Иқтисодиётнинг вазифаси турли иқтисодий субъектлар фаолиятини бирлаштириб турувчи алоқаларни кўрсатиб беришдан иборат.

Мамлакат миллий ҳамжамият сифатида олий ҳокимииятга эга ва бу ҳокимииятга иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари бўйсунади. Мамлакат — маънавий тамойилдир. Унинг аҳолиси жамиятда рўй берадиган барча ҳодиса ва жараёнларга жавоб бериш хусусиятига эга.

Мамлакатнинг иқтисодий бирлигини унинг валютаси белгилайди. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун, бу ерда унга потенциал шарт-шароитлар яратилади.

2.2. Миллий иқтисодиётнинг амал қилишини таъминловчи омиллар

Миллий иқтисодиётга жаҳон иқтисодиёти тизимининг бир қисми сифатида қаради. Уз навбатида, миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари нафақат ички омиллари, балки ташқи омиллари билан ҳам белгиланади.

Шу туфайли миллий иқтисодиётнинг амал қилишини таъминловчи омиллар икки гурухга - ташқи ва ички омилларига ажратилади. Аммо бу омиллар ўзаро боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Ташқи омиллар умумлаштирилган ҳолда қўйидаги гурухларга ажратилади:

- иқтисодий;
- сиёсий;
- демографик;
- маданий.

Ташқи иқтисодий омилларга:

- халқаро меҳнат тақсимоти;
- у ёки бу давлат жаҳон бозорида доминантлик қилиши киради.

- Ташқи сиёсий омиллар турли шаклларда намоён бўлади:
- эмбарго эълон қилиш;
 - мамлакатнинг турли савдо иттифоқларига қабул қилиниши;
 - қулай режимлилик;
 - ҳарбий блокларга кириш;
 - уруш ҳолати.

Ташқи демографик омилларга у ёки бу мамлакатда а) ишсизлик хавфини келтириб чиқарувчи ишчи кучи миграцияси оқимининг ўзгариши ёки аксинча; б) тўлов баланси таркибини яхшилаш мисол бўла олади.

Ички омилларга қўйидагилар киради:

- миллий иқтисодий фаолият агентлари, яъни алоҳида шахслар, гурӯҳлар ва давлат;
- бу фаолиятни ташкил этиш шакллари;
- мамлакат миқёсида ва доирасида иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш имконини берувчи омиллар.

Иқтисодий ривожланиш даражасини ўлчовчи макроиқтисодий кўрсаткичлар мажмууси ва уларнинг тавсифи қўйидагича:

Миллий иқтисодиётда мамлакат ривожини тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тоифасига ЯММ, СММ, МД, ШД ва ШИД киради.

ЯММ - халқ хўжалигининг моддий ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари бўйича иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини тавсифловчи кўрсаткичdir. Бу кўрсаткич мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажмини тўғри ва аниқ кўрсатиб беради.

Ялпи миллий маҳсулот мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор қийматидир. ЯММ да фақат якуний неъматлар ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар ва хизматлар эса эътиборга олинмайди.

ЯММ икки усул билан:

- харажатлар усулида;
- даромадлар усулида ҳисобланади.

ЯММни харажатлар ва даромадлар усули бўйича ҳисобланганда бир хил натижка чиқади, чунки истеъмолчи маҳсулотни сотиб олиш учун қанча маблағ сарфласа, ишлаб чиқарувчига даромад сифатида шунча пул тушади.


1-усул бўйича ЯММни ҳисоблаш:

$$Y = C + I + G + X_n$$

Бунда: Y-товарларни сотиб олиш учун кетган харажатлар;

C- шахсий истеъмол харажатлари;

I-бизнеснинг инвестиция харажатлари;



Г-товар ва хизматларни давлат томонидан сотиб олиниши;
Х -соф экспорт. (экспорт-импорт)

2-усул бўйича ҳисоблаш.

$$Y = CCA + W + I_t + R + I_k + P$$

Бунда: ССА-истеъмол қилинган капитал ҳажми;

W-ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи;

I_t-бизнесга бевосита солиқлар;

R-ижара тўлови;

I_k-% ставкаси-хусусий бизнес бўйича, бундан давлат мустасно;

P-корпорациялар даромади; Бу ерда корпорациялар даромади 2 га бўлиниб қўшилади, яъни P₁-корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси ва P₂-корпорациялар фойдасига солик, бунда

$$P=P_1+P_2$$

Шахсий истеъмол харажатларига уй хўжаликларининг узоқ муддат давомида фойдаланадиган истеъмол буюмлари харажатлари киради.

Товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олинишига давлат харажатлари инобатга олинади бюджет ташкилотларига ойлик маошларни бериш, армияни боқиши, мудофаани мустахкамлаш ва бошқалар киради.

Трансферлар бундан мустасно.

Инвестициялар - станоклар, асбоб-ускуналар сотиб олиш, бино-иншоотлар қуриш билан боғлиқ харажатлар;

Умумий инвестициялар ички соф хусусий инвестиция ва амортизация йигиндисидан иборат, яъни:

$$I_{ym} = I_{ichki\ sof\ xus.} + \text{Амортизация}$$

Соф миллий маҳсулот ЯММдан амортизация харажатларини айриб ташлаш билан аниқланади:

СММ=ЯММ – амортизация;

МД = СММ – бевосита солиқлар.

ШД= МД – корпорациялар тақсимланмаган фойдаси – сугурта ажратмалари-корпорациялар даромадидан солиқлар + трансферлар + дивидендер;

ШИД=ШД - солиқ турлари (индивидуал).

$$\text{ЯММ дефлятори} = \frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Реал ЯММ}} \cdot 100\%$$

Номинал ЯММ - жорий йил баҳоларида ўлчанади.

Реал ЯММ - базис йил баҳоларида ўлчанади.

Соф экспорт эса экспорт ва импортнинг айирмаси бўлиб, угоҳ мусбат, гоҳ манфий сальдо билан бўлиши мумкин.

Рента тўловлари уй хўжаликлари томонидан олинадиган даромаддан иборат бўлиб, улар иқтисодиётни шахсий ресурслар билан таъминлайди.

Бизнесга бевосита солиқларга акциз солиги, қимматли буюмлар солиги ва шунга ўхшаш солиқ турлари киради.

Корпорациялар даромадига солиқ ва корпорациялар фойдасига, яна корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдасига (инвестицияга мулжалланган қисми) киради.

Ялпи миллий маҳсулотнинг икки усул бўйича ҳисобланishi ёпиқ эмас, балки очиқ иқтисодиёт учун ҳам характерлидир. Ёпиқ иқтисодиёт деганда, экспорт ва импорт харажатлари, яъни соф экспорт инобатга олинмайди ($Y=C+I+G$). Очиқ иқтисодиётда эса, албатта, экспорт ва импорт, чет мамлакатлар билан зоқа инобатга олинади ($Y=C+I+G+X_n$).

Қисқача хуросалар

Миллий иқтисодиёт – мамлакат хўжалиги, унинг таркибий тузилмаси алоҳида элементларининг ўзаро алоқасидир. Иқтисодиётнинг вазифаси турли иқтисодий субъектлар фаолиятини бирлаштириб турувчи алоқаларни кўрсатиб беришдан иборат.

Миллий иқтисодиёт миллий ҳамжамиятлар ва иқтисодий алоқаларни ташкил қилишнинг ўзаро алоқалар билан боғлиқ ва интеграциялашган шакли сифатида намоён бўлади. Унинг амал қилишини ташки ва ички гурух омиллари таъминлайди. Миллий иқтисодиётда мамлакат ривожини тавсифлашда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий иқтисодиёт нима?
2. Миллат шакланаётган миллий иқтисодиётга қандай таъсирга эга?
3. Миллий иқтисодиётнинг амал қилишини таъминлаш учун қайси омиллар таъсирини ўрганиш керак?
4. Иқтисодиёт ривожини аниқлашда қандай макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. -Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Макроэкономика. Теория и российская практика: Учебник. Под ред. Грязновой А.Г. – М.: ИТД КноРус, 1999.

III боб

МИЛЛИЙ БОЙЛИК – ДАВЛАТНИНГ ҚУДРАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КҮРСАТКИЧ

3.1. Мамлакат миллий бойлиги тушунчаси

Миллий бойлик – жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар мужассами. Бу күрсаткич мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим күрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш давомида жамғарилган барча истеъмол қиймати йигиндининг пул билан ифода ланишидир.

Миллий бойлик халқ моддий ва маънавий даражасининг негизи, кентайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир.

Республикамизда миллий бойлик оғир саноат, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати, пахта, ипакчилик, қорак ўлчилик, мевачилик, узум етишириш, сабзавотчилик билан боғлиқдир. Жаҳон бозорида меҳнат тақсимотида пахта толаси, ипак, каноп пояси, қорак ўл, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринни эгаллаб келмоқдамиз.

Ижтимоий тузум хусусиятига биноан миллий бойлик бутун жамият мулки ёки унинг айрим синфлари, гурӯҳлари, айрим шахслар мулки бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда миллий бойликнинг асосий қисми хусусий секторда, миллион ерлар қўлида йигилган. Масалан, АҚШда бир гурӯҳ энг йирик молия-саноат гурӯҳлари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнайди, чунки уларнинг қўлида миллий бойликнинг асосий қисми йигилган. Булардан энг бақувватлари Морган ва Рокфеллар гурӯҳларидир. Улардан сўнг Калифорния, Чикаго, Дюпон, Меллерлар корпорациялари туради. Охирги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръати бўйича ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори күрсаткичга эга Японияда давлат сектори анъанавий тармоқлар (транспорт, алоқа, тамаки саноати) билан чекланган. Давлатга қарашли корхоналарда иш билан банд аҳолининг 12% ишлайди, яъни миллий бойликнинг асосий қисми хусусий секторга тўғри келади. Социалистик давлатларда миллий бойлик халқ манфаатларига хизмат қилиб, жамият аъзоларининг тобора ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга мўлжалланган эди.

Бироқ ягона давлат режаси асосида ривожланиш республикалар ва минтақаларда миллий бойлик халқ учун эмас, балки умумиттифоқ мөхнат тақсимотини ҳисобга олиб ўтказилди, оқибатда айрим республикалар хомашё зоналарига айланиб қолди. Ўзбекистонда миллий бойлик асоси-нефть, кўмир, мис ва бошқа табиий бойликлар топишли. Мавжуд мөхнат ва моддий техника ресурсларидан юқори даражада фойдаланиб, пахтачиликни янада ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса оғир саноат тармоқларини тез суръатлар билан тараққий эттириш, янги корхоналар куриш, мавжудларини реконструкция қилишга алоҳида аҳамият берилди.

Республикамизда халқ ҳўжалиги тармоқларида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми ва миллий даромад ошиди. Масалан, 1990 йили бу даромад 1970 йилдагига нисбатан 3 баробар ошиди ва 21,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, саноатда 7,1, қишлоқ ҳўжалигига 7,5, қурилиш бўйича 3,0 транспорт ва алоқада 1,1, савдо, тайёрлов, моддий-техника таъминоти ва бошқалар бўйича 2,5 млрд. сўм бўлди. Шунга қарамасдан, собиқ СССРда Ўзбекистоннинг миллий бойлиги атиги 3,5%ни ташкил қилган. Юқорида келтирилган рақамлардан 70 йилдан ошиқ ҳукм сўрган тоталитар тузумнинг оғир оқибатларини кўриш мумкин. Собиқ Иттифоқнинг 7% аҳолиси яшаган республикада жами маҳсулот ишлаб чиқариш атиги 4, саноат ишлаб чиқариши 1,1%ни ташкил қилган. Ҳозирги кунда республикада миллий даромад оғир саноат, шунингдек, енгил ва озиқовқат саноати, пахта, ишакчилик, қоракўлчилик, мевачилик, узум етишириши, сабзавотчилик билан боғлиқ. Улар Ҳамдустлик давлатлари орасида аҳамиятлайдир. Мамлакатимиз жаҳон бозорида мөхнат тақсимотида пахта толаси, ишак, каноп пояси, қорақўл, пахта териш машиналари, пахта тозалари жихозлари, хом-ип тайёрлайдиган машиналар ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринда, электрокранлар, ип, газлама, шоли, сабзавот етишириш бўйича 3-ўринда, табиий газ қазиб чиқариш бўйича 4-ўринда туради.

Миллий бойликнинг аҳамияти ва салмогини республикада бир кунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан ҳам таърифлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда бир кунда ҳозир 150 млн.квт. электроэнергия, 113 млн.м³ табиий газ, 17 минг тонна кўмир, 2.5 минг тонна прокат, 3 минг тонна пўлат, 65 трактор, 17 минг тонна цемент, 1679 минг м² ип газлама, 121.4 минг жуфт пойабзal, 52 музлаткич, 200 дона автомобиль ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиётiga ўтишда миллий бойлик Ўзбекистон танлаб олган йўл – республика ва унинг халқи манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган маибадир.

3.2. Миллий бойлик таркиби

Миллий бойлика халқ хўжалигининг асосий ва айланма ишлаб чиқариши фондлари (бино, иншоот, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, материаллар, ёқилғи ва ҳоказо), муомала фонди (тайёр маҳсулот захиралари), эҳгиёж фондлари ва сугурта захиралари, халқча хизмат қилувчи тармоқларнинг асосий фондлари (мактаб ва шифохоналар, уй-жой, маданият саройлари), ахолининг шахсий мол-мулклари, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилинган табиий бойликлар (ер ости қазилмалари, табиий экин майдонлари, қўриқ ва бўз ерлар, ўрмон ва сувлар), шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий-техника ва тадбиркорлик бўйича билимлари ҳам киради. Миллий бойлик таркибида аҳолидаги хизмат муддати бир йилдан ошган, узоқ вақт фойдаланиладиган предметлар (уй-рӯзгор бисоти) алоҳида гурухни ташкил қиласди. Булар индивидуал транспорт воситалари ва уларга керакли ашёлар, мебель, идишлар, маиштий приборлар, фото ва кинотехника, соатлар, заргарлик буюмлари, маданий моллар, кийимкечак ва пойабзал, ишлаб чиқариш кийимлари ва шу кабилардир.

Миллий бойлик таркибининг асосий қисмини ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш асосий фондларига бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, маҳсулдор чорва ва иш ҳайвонлари, кўп йиллик экинлар киради. Улар бўлимига ҳар бирининг қиймати 100 сўмдан кам турадиган меҳнат воситалари ва қийматидан қатъи назар хизмат муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат воситалари киритилмайди. Миллий бойликни режалаштириш ва ҳисобга олишда ишлаб чиқариш асосий фондларига фойдаланишга топшириш пайтида балансга қабул қилиб олишдаги дастлабки қиймати; фондларни такрор ишлаб чиқариш пайтида уларнинг баҳосини белгилаб берувчи тиклаш қиймати билан ҳисоблаб қўйилган, ейилиш суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлган қолдик қиймати фарқланади. Узбекистонда асосий фондлар 1986-1990 йилларда 26,5 млрд. сўм, 1991-1995 йилларда 32,5 млрд. сўм ва 1995-2000 йилларда 43,2 млрд. сўмга ошди.

3.3. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик

Иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаганда кўпгина давлатлар АҚШ даражасини стандарт сифатида қабул қилиб, ишлаб чиқариш омилларини ва ривожланишнинг турлича ша-

роитлари иқтисодий ривожланиш даражасини қандайдир битта нұқтасидан туриб баҳолашға имкон бермайды.

Шунинг учун бир қатор күрсаткічлардан фойдаланилади:

- ақоли жон бошига тұғри келувчи ЯИМ, (ЯММ, МД);
- миilliй иқтисодиёттің тармоқ тузилиши;
- ақоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш;
- ахолининг турмуш даражаси ва сифати;
- иқтисодий самарадорлик күрсаткічлари.

Булардан әнг мұхими, ақоли жон бошига тұғри келувчи ЯИМ (ЯММ) күрсаткічидір. Бу күрсаткічга мұвоғиқ мамлакат халқаро стандарт бүйіча ривожланаёттан ёки ривожланған давлатлар категориясига киритилади. Ривожланған давлатлар категориясига йилига ақоли жон бошига 506 минг \$ ва ундан ортиқ ЯММ яратадан давлатлар киради. Мамлакаттің ривожланиш даражаси, шунингдек, әнг мұхим тармоқла-рининг мамлакат иқтисодиётінде құшаёттан ҳиссасига қараб ҳам белгиланади. Мустақиллікка эришганимиздан сүнг Үзбекистонда ақоли жон бошига ёқылғы-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш бирмұнча күпайды. Нефть ишлаб чиқариш 270% ва табиий газ ишлаб чиқариш 120%га ошди.

1-жадвал

Нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажми

Республикалар	Нефть, млн. т			Табиий газ млрд. м ³		
	1991й	2001й	1991 й. га ниспектан, %	1991й	2001й	1991й.гә ниспектан, %
Қазоғистон	26,6	23	85	7,9	11,4	80
Қыргызстан	0,1	0,1	100	0,1	2,2	30
Токикистан	0,1	0,03	30	0,1	3,5	50
Түркменистан	5,4	4,4	81	84,3	77,2	42
Ўзбекистон	2,8	7,6	270	41,9	49,0	120

Хар қандай давлат иқтисодиёттің ривожланишини аввалимбор унинг табиий ресурслари сони ва ҳажми белгилаб беради, чунки табиий ресурслар барча ишлаб чиқариш тармоқла-рини ривожлантиришнинг асоси, мамлакаттің жағон иқтисодиётінде интеграциялашувини, самарадорлыгини белгиловчи мұхим өмілдір. Үзбекистон табиий ресурсларнинг улкан потенциалига эга. Олтін ишлаб чиқариш бүйіча дүнёда 8-чи, олтінни ақоли жон бошига ишлаб чиқаришда әса 5-үрінни эгаллай-миз. Ҳозирги кунға қадар республикамизда 30та олтін кони аникланған (әнг каттаси - Мурунтов).

Республикамизда 34 турдаги минерал хомашёнинг 850 дан ортиқ кони очилған. Мамлакатимизда углеводород хомашё-

сининг умумий захиралари: газ -1828 млрд. м³; газ конденсати-136 млн.; нефть - 103 млн.т.

Республика худудида 20 дан ортиқ тошкүмир конларининг ётқизиқлари аниқланган. Уларнинг башоратлик захираси 3499 млн.т Ангрен кони захирасининг ўзи эса 1885 млн.т 33та нодир ва 32 та рангли металларнинг конлари базасида 16 та төф-кон саноати корхоналари ишламоқда. 5 та вольфрам кони бор (Қўйтош, Лангар, Ингичка).

Тасдиқланган минерал сувлар захираларининг 1 суткалиги 8208 минг м³. Ҳозирда аниқланган минерал сувларнинг 32 манбай базасида 12 та курорт, минерал сувларни қуловчи 10 дан ортиқ корхона ишламоқда.

Республикада 4,2 млн. га. суғориладиган ер бор. Мамлакатда фойдаланилаётган сув ҳажми 62-65 км³ бўлса, унинг 36 км³ и Амударё ва Сирдарёдан, қолган қисми эса ички манбалардан олинмоқда. Ер ва сув ресурсларининг мавжудлиги, қулай иқлим шароити 1,7 млн.т пахта толаси етиштириш имконини бермоқда. Бу соҳа республиканинг муҳим базасидир.

3.4. Республиkaning қазилма бойликлари

Ўзбекистон худудида катта аҳамиятга эга бўлган олтин, мис, рух, вольфрам, молибден, флюорит, шунингдек, алюминий ва магний рудалари, нодир металлар, олtingутурт, ош тузи, калийли ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўтга чидамли хомашёлар, бентонит, мармар ва бошқа безак тошлари, унча қимматли бўлмаган баъзи пардоз ишлов тошлари топилган. Ёқилғи ресурслари бўйича эса қўмир, нефть, табиий газ конлари очилган.

Ўзбекистонда минерал хомашё базаси мавжудлиги сўнгти 20-25 йил мобайнида республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, айниқса, газ, нефть, олтин ишлаб чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлургия, руда бўлмаган хомашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди. Республикада топилган конлар асосида Олмалиқ, төф-кон металлургия комбинати, Ангрен кимё-металлургия ва Қўйтош руда бошқармалари, Мурунтов төф-металлургия комплекси, газ, нефть бентонит, бирюза, графит чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар фаолият кўпсатмоқда. Шу кунгача республикада ҳаммаси бўлиб 90 хил саноат миқёсидаги ва 450 та истиқболдаги төф-кон саноати корхоналари, газ ва нефть корхоналари, шахталар, карьерлар, йирик сув иншоотлари ишлаб турибди. Қаттиқ фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 100 млн. тоннани таш-

кил этади. 2003 йилда 49 млрд. кубометр табиий газ, 7,6 млн. тонна нефть қазиб чиқарилди. Суткасига 2500 минг кубометр ер ости сувлари олинмоқда. Конларнинг фойдаланишга топширилиши баъзи туманлар иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Айрим тоғ-саноат комплекслари бунёд этилди (Олмалиқ-Ангрен, Мурунтов-Зарафшон).

Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон шаҳарлари эса бўз ерларнинг саноат жиҳатидан ўзгартирилишига асосий омил бўлди. Ҳозирги даврга келиб аниқланган мислий бойлик манбалари ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, табиий газ, қўрошин, рух, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, ҳатто ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имконини ҳам беради.

Айни вақтда вольфрам ишлаб чиқарувчи корхоналар хомашё манбалари билан етарли даражада таъминланмаган. Қўйтош ва Ингичка руда бошқармалари, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати шулар жумласидандир. Республикада чиқарилиши мумкин бўлган нометалл минерал хомашёларнинг ташиб келтирилиши жиддий иқтисодий чиқимларга ҳамда транспорт балансининг асоссиз равишида кучайишига олиб келди. Ўзбекистонда аниқланган баъзи бир нометалл минерал хомашё конлари (Шўртон газ комплекси, Устюрт сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати) мавжудлигига қарамай, ҳар йили 500 минг тонна фосфорит, 280 минг тонна калийли ўрит, 408 минг тонна ош тузи, 87 минг тонна кварц қумлари, 127 минг тонна бетонит гўллари ҳамда оҳак, барит, асбест, каолин концентрат, дала шпати, тальк, графит, минерал пигментлар, натрий сульфат, олtingугурт ва ҳоказолар Украина, Қозогистон, Россиядан ташиб келтирилар эди. Келажакда республиканинг нометалл минерал хомашёлари асосий турларига, улардан қилинадиган буюмларга талаби бир неча бор ошиди. Агар уларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилмаса ташқаридан ташиб келиш лозим бўлади ва катта сарф-харажат қилинади. Шунинг учун республикада геологик қидирив ишларининг истиқболини аниқ белгилаб, уларни тез суръатларда амалга ошириш лозим. Бу фақат республикамиз талабинигина қондирмай, балки фойдали қазилмаларнинг кўп турларини яқин ва узоқ чет давлатларга юбориш имкониятларини ҳам беради.

Ҳозир Ўзбекистонда разведка қилинган истиқболли фойдали қазилмаларнинг манбаи бўйича саноатнинг айрим тармоқларини жадал ривожлантириб, 2000 йилга мўлжалланган даражада мавжуд истиқболи конлар ва майдонлар текширилиб, улардан 2005-2015 йиллар давомида фойдаланиш имкониятини

таъминлаш мумкин. Бунда биринчидан, олтин, мис, қўрғошин, рух, кумуш, висмут ва бошқа нодир элементлар чиқарувчи рангили металлургиянинг келгуси ривожланиши масаласини ҳал қилиш имконияти туғилди.

Иккинчидан, республикада разведка қилинган ва истиқболли конлар базасида тоғ-руда, тоғ-қимё саноатининг янги тармоқлари яратилиши мумкин. Ҳозир Ўрта Осиёга ташиб келтирилаётган қора металл буюмларининг микдори йилига 6 млн. тоннага яқин, келгусида эса 20 млн. тоннага етади. Бунга хотима бериш учун қора металлургия базаси яратилиши керак. Шу мақсадда Тебинбулоқ (Султон Увайс тоғи-Ўзбекистон), Ирису (Жанубий Қозогистон), Чоқадамбулоқ (Тожикистон) ва бошқа иирик конлардан фойдаланиш керак. Учинчидан, бу ерда захиралари нисбатан кўп бўлган сульфид газини бойитиш орқали газ ишлаб чиқариш кенгайтирилади ва олтингугурт ажратиб олинади. Мавжуд нефтни хайдаш Фаргона ва Қоравулбозор заводларини маҳаллий хомашё билан узлуксиз таъмиғлаш нефть саноатининг янада ривожланиши учун шарт-шаройт яратади.

Тўртинчидан, сульфат кислота ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Навоий электрокимё комбинатида натрий сульфат олиш, шунингдек газ-конденсат хомашёси базасида кўп микдорда хлороорганик синтез маҳсулотлар олишдан иборат бўлган кимё саноати (Шўртон комплекси каби) анча ривож топади.

Бешинчидан, кўп микдорда янги қурилиш материаллари, масалан, керамзит ишлаб чиқариш учун керак бўлган бетонитлар, Тошкент метрополитени, янги меҳмонхоналар ва экспорт учун зарур безак тошлари ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш керак. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши транспорт балансини яхшилаш, қатор катта ҳажмли юклар Ўрта Осиёга ташиб келтирилиши камайтириш имкониятини беради ва уларни янги йўллар орқали Европага ташинш мумкин.

Қисқача хуросалар

Миллий бойлик – жамият ихтиёридаги меңнат билан яратилган ва жамғарилган мөддий неъматлар мужассами. Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодий қурдатининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Миллий бойлик таркибига авлодлар томонидан яратилган неъматлар киритилади.

Миллий бойлик таркибини ҳисоблаш методикасида айрим камчиликлар мавжуд, яъни миллий бойлик аниқланадиган баҳолар ҳар доим ҳам бозор баҳоларига тўғри келмайди; шунингдек, унга олтин захиралари, илмий салоҳиятлар қўшилмайди.

Иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, (ЯММ, МД); миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси; аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш; аҳолининг турмуш даражаси ва сифати; иқтисодий самараదорлик кўрсаткичлари.

Ўзбекистон Республикаси қазилма бойликларга бой мамалакатлар сарасига киритилади, заминимизда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча кимёвий элементлар мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий бойлик деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий бойлик таркиби нимлардан иборат?
3. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик ўртасида қандай боғлиқлик бор?
4. Табиий ресурслар – барча тармоқларни ривожлантиришнинг асоси, деган фикрни тушунтиринг?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағқураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши - Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

МАКРОИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифа

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишdir. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин әмас. Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишни иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олди.

Иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъи молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, макроиқтисодий барқарорликнинг ўсиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан юқори даражада бандлиги, тўлов балансининг қониқарли ахволда эканлиги ва миллий валютанинг ташқи бозорлардаги барқарорлиги сингари кўрсаткичларда акс этади. Бу кўрсаткичларни барқарорлаштиришга вазмин монетар-фискал сиёsat, нарх ва иш ҳақи ҳамда ташқи иқтисодий сиёsat юритиш билан эришиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон хукумати макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёsat олиб борди. Ўз навбатида, мамлакатимизда аграр, мулкий муносабатлар, молия-кредит, ташқи иқтисодий алоқалар, нархнаво ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотлар ва макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ўз самарасини бермокда. 1995-2001 йиллар давомида мамлакатимизда реал ЯИМ нинг ўсиш суръатлари $-0,9\%$ ни ташкил этди. Бу ўсиш иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожланиш туфайли юз берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми, 1996 йилни ҳисобга олмагандা, узлуксиз ўсиб борди. Энг юқори ўсиш саноат соҳасида ($108,1\%$) кузатилди (2-жадвал). Аҳоли реал даромадлари

16,9%га ортди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси якка тартибдаги тадбирколарни қўшганда ҳам 2001 йилда 33,8%ни ташкил этди. Ойлик инфляция даражасини 26,6%гача камайтиришга эришилди.

Иқтисодиётни барқарорлаштиришда пул-кредит сиёсати асосий ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда пул-кредит сиёсатида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Накд пул эмиссияси даражаси 2001йил якунлари кўра, 9% ўрнига 6,5%ни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди. Натижада, пул массасининг ўсиши ЯИМга нисбатан 2000 йилда 17,1% ни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 16,4%гача қисқарди. Ўтиш иқтисодиёти даврида қатъий пул-кредит сиёсати юритиш тавсия этилади. Бироқ жаҳон тажрибасидан маълумки, қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражасини камайтиришга ижобий таъсир этиш билан бирга, бошқа соҳаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган солиқ-бюджет сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштиришга, солиқ тизимини такомиллаштиришга йўналтирилди. Республикада бозор муносабатлари ривожланиши давомида давлат бюджетини шакллантиришга бўлган ёндашувлар ҳам ўзгарди. Мамлакатимизда солиқ-бюджет сиёсатини пул-кредит сиёсати билан мувофиқлаштириб олиб бориш ҳамда солиқ тўловчилар сони кўпайганлиги ва бюджет маблағлари устидан назорат кучайганлиги натижасида давлат бюджети камомадини 1995-1999 йилларда ЯИМ га нисбатан 2,5 –1,7%, 2000-2001 йилларда 1,0% атрофифда назорат қилишга эришилди.

Ишлаб чиқариш тармоқлари, корхоналар зиммасига тушаётган солиқ оғирлиги йилдан-йилга камайиб бораётганлиги ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бироқ мамлакатимизда солиқ тизими асосан фискал вазифасида намоён бўлмоқда ва унинг рағбатлантирувчилик вазифаси етарлича ишга туширилмаган. Агарда солиқ сиёсатидан оқилона фойдаланилса, инфляция ва иқтисоднинг пасайиб кетишига зарур таъсир кўрсатиш мумкин. Аҳолидан олинадиган солиқлар қисқартирилса, у холда истеъмолчилар харажатлари кўпаяди, корхоналар даромадидан олинадиган солиқларни кўпайтириш эса инвестициялар ўсишига олиб келади.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг ўтган даврларида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Ташқи иқтисодий фаолиятни ислоҳ қилишда, биринчи галдаги вазифа, соҳани эркинлаштириш бўлди. Республика мизда олиб борилаётган қатъий пул-кредит ва

валюта сиёсати, жумладан, миллий валютамизнинг жорий опе-
рациялар бўйича эркин айирбошланишини таъминлаш мақса-
дида ҳукumat томонидан босқичма-босқич олиб борилаётган
валюта сиёсати натижасида 2001 йилда ҳам мамлакат тўлов
балансининг барқарорлиги саклаб қолинди ва ташки савдо опе-
рацияларида ижобий сальдога эришилди (3-жадвал)

3-жадвалдан кўриниб турганидек, 1997-2001 йилларда
олдинги йиллардагига нисбатан экспорт тушумлари камайган-
лиги кузатилди. Бунинг асосий сабаби, Шарқий Осиё ва Rossiya
яда содир бўлган иқтисодий инқизорзининг таъсири ва дунё бозо-
рида асосий экспорт маҳсулотларимиз бўлган пахта хомащёси,
олтин ва ҳоказоларга нархларнинг пасайишидир. Импорт то-
варлари нархи пасайиши ва мамлакатда импорт ўрнини қоп-
лайдиган товарлар ишлаб чиқаришнинг кўпайганлиги 1997-2001
йилларда импортнинг камайишига сабаб бўлди.

Ташки иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақ-
садида экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган
маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўшишни имтиёз-
лар бериш орқали чет эл сармоялари билан ҳамкорликда иш-
лайдиган корхоналарни кўпайтириш мамлакатимиз имконият-
ларини янада кенгайтиради. Мамлакатимизда меҳнат ресурслари,
хомашё базаси етарлилиги иқтисодиётда барқарорликка
эришишда муҳим маңба ҳисобланади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришишда иқтисодий си-
ёсат воситаларидан алоҳида-алоҳида эмас, балки умумлашти-
рилган ҳолда фойдаланиш лозим. Келгусида иқтисодий исло-
ҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштириш мақсадида иқти-
содиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция
даражасини пасайтириш, қатъий пул-кредит ва солиқ-бюджет
сиёсатини ўtkазиш зарур. Хусусийлаштириш обьектларига хо-
рижий сармояларни кенг миқёсда жалб қилиш асосида қўшим-
ча ишчи ўринларини барпо этиш, мамлакатимизда йилдан-йил-
га ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш-
га имкон яратади. Ташки иқтисодий алоқаларни эркинлашти-
риш мақсадида, божхона тўловларини янада енгиллаштириш,
экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш,
валюта курсини бирхиллаштириш самарали натижалар беради.
Иқтисодий сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш нати-
жасида макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва халқ фаро-
вонлигини оширишда асосий омил бўлади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (олдинги йилга нисбатан %да)

	1995й.	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000.	2001й.
ЯИМ (доимий нархларда)	99,1	101,7	105,2	104,3	104,4	103,8	104,5
Ялини саноат ишлаб тиқарини	100,1	102,6	104,1	103,6	105,7	106,4	108,1
Кишлак хўжалик маҳсулотлари етнотириш	102,2	94,4	105,8	104,1	105,6	103,2	104,5
Давлат бюджети таъкидлиги ЯИМга нисбатан	-2,5	-1,8	-1,7	-2,1	-1,7	-1,0	-1,0
Истеммол нархлари индекси (йиллик)	76,5	54,0	58,8	17,9	29,1	24,9	26,6

3-жадвал

Ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичлари динамикаси (олдинги йилга нисбатан %да)

	1995й.	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000.	2001й.
Ташқи савдо айланмаси	124,8	140,8	95,7	76,5	93,1	97,9	103,1
Экспорт	138,3	123,4	95,6	80,4	91,7	100,9	100,0
Импорт	110,9	193,2	95,8	72,7	94,6	94,8	106,4

Манба: Собиқ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари

4.2. Мулкий муносабатлар

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини белгилашда ўтиш даврининг бошларида давлатимиз раҳбарни сурган беш тамойил- иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, фаол ижтиёмий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма- босқич ўтиш асос қилиб олинган эди. Ўтган давр, гарчи, тарихан қисқа бўлса-да, ислоҳотларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик ва зифаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Ислоҳотлар стратёгияси бозор иқтисодиётига ўтишнинг қуидаги асосий ўйналишларини акс эттирмоқда.

1. Ислоҳотлар мулкий масалалар тўғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдаги на ўзининг салмоқли натижаларини беради. Мулк муносабатларини такомиллаштириш бўйича ҳали ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ қабул қилинган тегишли қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этди ва этмоқда.

Бу борада «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларни ва «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. 2003 йил бошига келиб хусусий мулк шаклига оид корхоналарнинг умумий сони 86,3 мингтага етди. Бу барча корхоналарнинг 49,8 % и, демакдир. Уларнинг энг кўни савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келади. Жамоа мулкига оид корхоналар сони эса 78,3 мингтани ёки 39,1% ни ташкил этди. Бу жамоаларнинг асосий қисми - 38,0 мингга яқини микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар 2002 йили ташкил бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 240 мингтага етди.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2002 йили ушбу секторда 73,3% ялпи ички маҳсулот, 78,6% соф маҳсулоти, 99,0% ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 73,4% қурилиш-пурдат ишлари, 99,0% чакана товар айланмаси айнан шу соҳада амалга оширилди. Халқ хўжалиги нодавлат секторида банд бўлганларнинг умумий сони 72,1% ни ташкил этмоқда. Давлат сектори иқтисодиётда ўзининг монопол аҳамиятини йўқотмоқда, кўп қиррали, аралаш хўжаликка кенг йўл очилиб, рақобат учун борган сари кенгроқ имкониятлар яратилимоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 2002 йилда 370 минг янги иш ўринлари очилди.

Илгари, яъни шўролар ҳукумати томонидан ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган эди. Аммо улар мулкий муносабатларда чуқур ўзгаришлар ясай олмаганилиги сабабли поёнига етмаган, муваффақият қозонмаганди. Мулкий муносабатлар яратган бойликларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ўзлаштириш, инсондаги бекиёс қобилияtlарни, имкониятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқдир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ислоҳотлар тақдирини белгиловчи шартлардан биридир. Бу, биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қиласи, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ички бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда қисқа вақт давомида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва ташки-

лий тузилмалари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўрта ва кичик биснесни қўллаб-куватлаш бўйича хукумат комиссияси, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш фонди, «Мадад» сугурта агентлиги, консалтинг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес - инкубаторлар иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда кичик ва хусусий корхоналарнинг умумий сони 100 мингдан ошиди. Қишлоқ хўжалигида 2002 йилда 38 мингдан ошикроқ дехқон хўжаликлири ташкил топди.

Аммо кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволини қониқарли, деб хисоблаш қийин. Ҳали яна қўллаб кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилиш, бу ишга аҳоли шахсий жамғармаларини жалб этиш, шу йўл билан янги иш жойларини барпо этиш имкониятларини ишга солиш лозим. Айрим кичик ва хусусий корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликлари моддий-техника ва хомашё, узоқ муддатли кредитлар билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек, жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовлар туфайли ўз фаолиятларини ривожлантира олмаётирлар. Яна муҳимики, биз ўтмиш сарқити боқимандалик рухиятидан қутила олмаяпмиз. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишини ихтиёр этганларнинг аксарияти уни давлат ёки бошқа бирорнинг ҳисобидан амалга оширишни хоҳлайди. Тўғри, кичик ва ўрта бизнесни давлат дараҷасида қўллаб - қувватлашга барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо давлат томонидан ажратилган маблағларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат кўмагидан ташқари яна бошқа йўллари ҳам мавжудки, бугунги кунда улардан унумли фойдаланмоқ зарур.

Хўжалик юритувчи субъектлар динамикасига тұхталганды, мулкни гаров сифатида қолдириш ҳисобига ҳар қандай тижорат банкидан кредит олиш мумкин. Бундай имконият бўлмаган холда табиркорликни молиялаштиришнинг Венчур усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Бу вақтда тадбиркорга маблағ ажратган банк қарзидан қўтулгунга қадар фирманинг ёки ушбу хусусий ишнинг эгаси бўлиб тураверади. Айрим мамлакатларда кредит иттифоқлари ташкил этилган бўлиб, уларда кичик корхоналар ҳисобидан умумий жамғарма тўпланади ва ундан бирбирига қарз беришда фойдаланилади. Биз эса шу мақсадга ажратилган 350 млн. АҚШ долларга teng чет эл кредитининг атиги 1-5 миллионини ўзлаштира олдик, холос.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, бошқа мулк шакллари хусусий мулк замирида пайдо бўлади ва шу мулкнинг транс-

формациясини билдиради. Хусусий мулк миллийлаштирилганда жамоа мулки юзага келади. Мулкий хилма-хиллик мулк шаклларининг тенглигини билдиради. Барibir бу, хусусий мулк устуворлигини талаб қилади.

Устуворлик хусусий корхона ва хўжаликнинг маҳсулот ва хизматларни яратишида, уларнинг олди-сотди қилинишида етакчи бўлинишини англатади. Булар биргаликда миллий иқтисодиётнинг хусусий секторини вужудга келтириб, хусусий корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликлари ва хусусий капиталнинг ҳиссаси катта бўлган акционерлик жамиятдан ташкил топади. Иқтисодиётнинг мулкчилик жиҳатидан тузилиши щуни кўрсатадики, ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётидаги хусусий мулк ҳиссаси расман 35 %, давлат мулки 24,4 %, жамоа мулки эса 39,5 %ни ташкил этади. Бу рақамлар ҳозирда хусусий мулкнинг мавқеи унчалик юқори эмаслигини билдиради. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор: хусусий фаолият натижалари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Бу фаолият хонадон доирасида кечади, у товар ва хизматлар яратади, лекин уларнинг бозор нархи аниқ эмас. Дехқон хўжалиги, томорқа ва хонаки ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажми тўғри аниқланиб, улар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилса, мақсадга мувофиқ булар эди. Чунки миллий иқтисодиётда турли мулк ҳиссаси аниқ бўлмас экан, мулкий тузилмани яхшилаб бўлмайди ва Ўзбекистонда мулкий ислоҳотларни қайси йўналишда чуқурлаштириш ва эркинлаштириш заруриятини ҳам билиб бўлмайди.

4.3. Таркибий силжишлар

Иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодий ўсишли таъминлашнинг муҳим шартларидан бири - иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга оширишdir. 90-йиллар бошида ҳалқ хўжалигининг амалдаги таркиби собиқ иттифоқдаги меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви таомиллари асосида шаклланган бўлиб, Ўзбекистонга арzon хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, стратегик минерал ресурслар етказиб бериш ва саноат марказларида ишлаб чиқарилган тайёр молларни сотишнинг кенг бозори мавқеи ажратилган эди. Ҳалқ хўжалигининг бундай мустамлака таркиби мустақилликнинг дастлабки йилларида, эски хўжалик алоқалари узилиб, янгилари ҳали шаклланиб улгурмаган шароитда мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир қўрсатмасдан қолмади. Мустақил миллий иқтисодиёт ҳалқ хўжалиги таркибига мутлақо янги талабларни қўйди.

Таркибий сиёсат, энг аввало, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг туталланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди.

Ички ва ташқи кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳозирлашга йўналтирилди. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль йўллари ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналариридир. Биргина Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада тўқимачилик фабрикаси қурилиб ишга туширилди. Матъумки, Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик қурилишларнинг географияси анча кенгайди. Бу сиёсат узоқ вақтдан бери ҳукм сурисиб келаётган саноат тараққиётидаги минтақавий номутаносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди.

Табиийки, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришда компаниячилика йўл қўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иктисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичida тўхтовсиз давом этаверади. Бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоқлар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг ҳиссаси ошиб бораверади. Аксинча, бозор ва тараққиётга мос келмайдиган соҳаларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишдаги улуши пасайиб ёки бутунлай йўқолиб, ўз ўрнини бошқа, илгор соҳаларга бўшатиб бераверади.

Ҳаёт бутун халқ хўжалиги тармоқлари орасида айрим тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга устуворлик бериш ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама кўллаб-куватлаш тўғри йўл эканлигини исботламоқда. Устувор соҳаларининг тўғри белгиланиши нафақат илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишига, балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга ҳам имконият беради, шу билан бир қаторда бутун халқ хўжалигини олдинга силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос олга етакловчилик вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта қуришлар жараёнида тармоқларни саноат негизида ривожлантиришни жадаллаштириш, экспорт потенциалини кучайтириш ва четдан келтириладиган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, бозорни халқ истеъмоли ва озиқ-

овқат маҳсулотлари билан түйинтириш, коммуникация ва ишлаб чиқарыш инфратузилмаси тузимини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва бошқалар устун йўналишлар сифатида белгиланган эди. Масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси 63% ни, ёқилғи-энергетика саноати тармоқлари саноат инвестициялари умумий ҳажмда 43 %ни ташкил этди. Транспорт ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга мавжуд сармояларнинг 31 %и сарфланди. Бу эса ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни реал кўрсаткичларда ошириш имконини берди. 2002 йилда иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 %га ўсиб, 1 трлн. 400 млн. сўмга ортди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун ўтказилмайди. Улардан мақсад — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз ўстириш асосида халқнинг яшаш, турмуш даражасини юксалтиришдир. Худди ана шу борадаги натижалар ислоҳотларга ҳақиқий мазмун бахш этади.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Иқтисодий ислоҳотлар мулкий масалалар тұғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жарайёнлари узлуксиз амалга оширилған, күп үкладлы иқтисодиёт барпо этилған тақдирдагина салмоқли натижалар беради.

Таркибий сиёсат, әнг аввало, қишлоқ хұжалиги хомашеши ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланғанлық даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллігини таъминлашга қаратылды.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мулкий муносабатдарнинг ривожланиши жараёнидаги ўзгаришларни күрсатынг?
2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш милий иқтисодиётдаги вазиятни қай даражада ўзgartирмоқда?
3. Макроиқтисодий ҳолатда қандай таркибий ўзгаришлар бўлмоқда?
4. Милий иқтисодиётни ривожантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
5. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги қандай аниқланади?
6. Иқтисодий тантликтан қандай йўллар билан чиқиш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда. Халқ сўзи, 2003 йил 18 февраль.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

РЕСПУБЛИКАНИНГ САНОАТ МАЖМУИСИ

5.1. Республикада саноат мажмуини ривожлантиришнинг асосий сабаблари

Тармоқлар ичида асосий бўғин бўлиб ишлаб чиқариш мажмуси хисобланади. Саноат мажмусининг муҳим хусусияти шундаки, уйнинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари яратилади, илмий-техника тараққиёти ҳамда милий даромаднинг катта қисми ишлаб чиқарилади ва яратилади. Айни пайтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам саноат ишлаб чиқаришида банд. Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон саноати айни вақтда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда халқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб бермоқда. Шу боисдан ҳам саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадорлигининг ўсишини таъминлаш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори шунчак мустаҳкам аҳолининг турмуш шароити ҳам яхши бўлади.

Шуни ҳам айтиши лозимки, саноат мажмуи ҳар қандай тармогининг ич тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар - қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуининг бошқа соҳалари, қазиб олувчи тармоқлар билан узвий боғлиқдир.

Эндилиқда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса, четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунга келиб саноат тармогида ялпи ички маҳсулотнинг 30%и яратилади. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиётини индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Саноат тармоқларидаги 2001 йилги 8,1 %ли ўсиш ҳам шундан далолат бермоқда.

5.2. Саноат мажмуюи тармоқлари

Саноат мажмусига доир жами маҳсулотларга бу соҳа тармоқлари кўйидагича ҳисса қўшмоқда:

1. Ёқилғи саноати ва энергетика -18,3%;
2. Металлургия - 13,9%;
3. Енгил саноат - 18,6%;
4. Химия саноат - 5,2%;
5. Машинасозлик - 15,8%;
6. Озиқ-овқат - 10,8%;
7. Курилиш материаллари - 6,5%;
8. Ёғочни қайта ишлаш - 2%.

Саноат халқ хўжалигининг йирик соҳаси бўлиб, унда 1 млн.дан ортиқ ишчи ва хизматчилар хизмат қиласи. Бу, иш билан банд аҳолининг саккиздан бири қисмини ташкил этади. Саноатда 100 дан ортиқ тармоқ бўлиб, улардан 6 таси базавий хисобланади. Асосий фондларнинг 40 % и саноат ҳиссасига тўғри келади, ялпи ички маҳсулотнинг 16 %дан ортиқроғи саноатда яратилади. Узбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефть, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электрдвигателлар, трансформаторлар; аккумуляторлар, кабеллар, экскаватор, кўпиркли кўтаргичлар, йигириув машиналари, самолётлар, отингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, сунъий толалар, цемент, турли қурилиш материаллари, газламалар, пахта мойи, ун, гуруч, кийим - кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Республика саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил (4-жадвал). Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуга хизмат кўрсатувчи тармоқлар тарихан етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат тармоқлари. Шунингдек, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатлари ривожланмоқда.

Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмусининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика тармоқлари киради. Бу мажмунинг ҳиссаси саноат ишлаб чиқаришида 26,8% дан иборат. Узбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Республикада қудратли гидроэлектр стациялари ва иссиқлик электр стациялари мавжуд.

Металлургия мажмуси таркибига маъдан хомашёсини, қора ва рангли металларни қазиб чиқарувчи корхоналар кира-

ди. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, ли-тий, уран, алюминий хомашёси, нодир металлар ва бошқа бир қатор қазилма бойликларнинг аниқланган захиралари қўп. Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган. Қазиб олинадиган олтиннинг умумий миқдори бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи, кумуш, мис, қўрғошин, рух ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринда.

Кимё ва машинасозлик мажмуилари саноатнинг муҳим соҳалари дидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Жами истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда анъанавий етакчи соҳа тўқимачиликдир.

4-жадвал

Саноат маҳсулотларининг тармоқлар бўйича таркиби (%)

Тармоқлар	1990	1995	2000
Бутун саноат	100,0	100,0	100,0
Екилин-энергетика мажмуи	18,3	18,3	28,1
Металлургия	14,1	13,9	10,6
Кимё ва нефть саноати	4,6	5,2	4,0
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	7,3	8,8	12,0
Ёроғсоҳлик саноати	0,9	1,0	0,8
Қуриллии материаллари саноати	5,0	4,5	4,2
Енгил саноат	19,0	18,6	16,0
	9,7	9,8	9,8
	9,9	9,9	9,9

Энергетика Республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, республикада иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,5 млн.кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станцияларида йилига 55 млрд. кВт. дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ўзбекистон энергетика тизимининг барча кучланишлардаги электр тармоқлари умумий узунлиги қарийб 228 минг км ни ташкил қиласди. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. Ҳозир республика энергетика тизимида 60 мингга яқин киши ишлайди.

Ўзбекистонда электр қувватидан асосан XX аср бошларидан фойдаланила бошланди. Уша даврда Тошкентда 2 электр станция қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизель)

трамвайни ток билан таъминлаш, иккинчиси (Павлов электр станцияси, куввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913 йилда Ўзбекистон ҳудудида умумий куввати 3 МВт чамасида бўлган 6 кичик дизель электр станциялари бўлган, йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн.квт.с га етган.

Утган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда иссиқлиқ энергетикиси дизель ва майдо буғ турбинали электр станцияларини қуриш йўналишида ривожланди. Дизель электр станциялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлиқ энергиясига эҳтиёжи бўлмаган пахта заводлари, насос станциялари, каналлар ва бошқа корхоналар қошида қурилди. Республикадаги дастлабки буғ турбинали электр станциялари Фарғона ва Каттакўрон ёғ-мой заводлари қурилди. Фарғона ёғ-мой заводининг «Шарқ тонги» иссиқлиқ электр маркази (ИЭМ)-умумий мақсадлардаги электр стацияси бўлган биринчи ИЭМ дир.

1934 йил 25 сентябрда Ўзбекистон энергия тизимининг ташкилий асоси – «Ўзбекэнергия» энергетикиси бошқармаси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тузилди.

30-йиллар бошидан Чирчик-Бўзсув ГЭС лар каскади барпо этилди. Ўзбекистон биринчи гидроэлектрстанцияси Бўзсув ГЭС шу трактда қурилиб, 1926 йилда ишга туширилган эди. Чирчик - Бўзсув гидроэнергетика қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилиб, 1926 йилдан 1940 йилга қадар мазкур тракт гидроэлектрстанцияларида 67 минг кВт генератор кувватлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги таркибида лойиҳа, қурилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуси энергетика тизими-нинг ишончли ишлапини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон энергетика тизими ҳозир республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминламоқда ва электр энергияси қисман қўшни давлатларга экспорт қўлмоқда. 2002 йилда Ўзбекистонда жами 56,0 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Ёқилғи саноати. Республикада ёқилғи энергетика саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефть-газ кони очилган, уларнинг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли турлари мавжуд. Ҳозир 71 нефть, газ ва газ-конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефть, газ ва газ-конденсат кони эса кела-жакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи - энергетика мажмуда тармоғини ташкил этади ва барча ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Улар халқ ҳўжалигининг барча бўғинларида хизмат кўрсатади. Йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика мажмуси магетика мажмусини ташкил этмокда (1980 йилда 8,8%). Республика саноатида банд бўлган ишчи-хизматчилар (саноат ишлаб чиқариши ходимлари)нинг 6% ёқилғи саноати тармоқлари ҳиссасига тўғри келади (80 минг нафар ортиқ). Республикада 1992 йилда ёқилғи саноатида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи – 7000 килокалория ҳисобида) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3 % ни, газнинг ҳиссаси 87,3% ни, кўмир ҳиссаси 4,4% ни ташкил этган. Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат кони-нинг очилиши ва ишга туширилиши билан нефть саноатининг ёқилғи саноати мажмудидаги мавқеи ортиб бормоқда.

Нефть саноати. Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 йилда очилган (Фарғона водийсидағи Чимён нефть конида 278 м чуқурликда суткасига 130 тонна нефть олинган). Уша йили Ванновск (ҳозирги Олтиариқ) темир йўл станциясида нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Кейинроқ Фарғона ботифида Ёрқўтон, Сельроҳс конлари ҳам очилди, Чимён-Ванновск нефть қувури қурилди, нефтни қайта ишлаш заводи кенгайтирилди. Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тўла ўз назоратига олди. «Санто»-Урта Осиё нефть савдоси ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиариқ, Фарғона, Бухоро нефни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фарғона заводи сукков мойлари ва ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Кўкдумалоқ нефть-газ кони очилганидан кейин Франциянинг ТЕКНЕП фирмаси билан ҳамкорликда 1993 йилдан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди ва бир йилда 2,5 млн. т газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 1-навбати 1997 йил августида ишга туширилди. Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин (шу жумладан, Б-92 авиабензини), дизель ёнилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун матор сурков мойлари (компрессор, турбина, урчук мойлари), керосин, битум, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник

пропан), мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқди. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришиň ұзлаштыриш дастурига мувофиқ янги технологиялар үзлаштырылмоқда. Ҳозирғи даврда республикамиз нефть саноати корхоналари құвватлари бир йилда 11 млн.т нефтни ишланып имконияттың ең (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши

	1960 й.	1980 й.	1990 й.	1999.	2000 й.	2002 й.
Нефть (газ конденсати б-и бирга), Минг т	1603	2005,3	1805,4	3205,4	8500	9000
Газ.млн.м ³	446,6	42094	4504,6	4667,5	5500	6312

Кейинги йилларда күрилган кескин тадбирлар натижасында нефть (газ ва конденсати бирга) қазиб олиш ҳажми юқори суръатларда үсди. Республиканинг нефть мустақилиги таъминланади.

Газ саноати - ёқилғи энергетика мажмусининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги хиссаси 87,2% ни ташкил этади. Нефть билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллардан бошланган. Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км узунликдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» - Андижон-шахри ўртасида қурилган. Газни алоҳида саноат усулида чиқариб олиш ўтган асрнинг 50-60 - йилларида бошланди. Газ қазиб олиш саноати жойлашган асосий туманлар – Бухоро ва Қашқадарё, шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидир.

Республикада газ саноатининг ривожланиши қишлоқ ҳужалиги ва бошқа саноат тармоқларининг ўсишини таъминланмоқда. Шаҳар, шаҳарча айниқса қишлоқларни газлаштыриш авж олди. Ўзбекистонда табиий газ билан 7,8 млн. хонадон (жами хонадонларнинг 78%), шу жумладан, шаҳар ва шаҳарчаларда 3,85 млн., қишлоқ жойларида 2,98 млн. дан ортиқ хонадон таъминланган (2000 й.).

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йиллар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрен кўмир, Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конлари бор.

1990 йилда 10,4 млн. т кўмир қазиб чиқарилди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди. 2001 йилда республикамизда 3976 минг т кўмир қазиб олинди. Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСларининг тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ормокда.

Металлургия саноати. Ўзбекистон ерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металлар - қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, қувиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шахридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат) ишлаб чиқарилади, темир-терсак, металл чиқиндилари эритилади.

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи курилиши умумхалқ ҳашари йўли билан 1942 йилда бошланди ва 1944 йилда дастлабки металл эритмаси олинди. 1978 йилда заводда ишга туширилган электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш цехи энг замонавий техника билан жиҳозланган.

6-жадвал

Пўлат ва тайёр прокати динамикаси

	1998.	2000 й.	2001 й.	2002 й.
Пўлат	1214,5	800,4	1221,3	1333,4
Тайёр прокат	965,3	785,3	1221,1	1450,3

Завод тўмфали прокат маҳсулотлари, қувурлар билан бирга 50 га яқин турдаги халқ истеъмоли товарларини ҳам ишлаб чиқаради.

Рангли металлургия – республика металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Бу соҳа маҳаллий минерал ҳомашё ресурслари негизида ўтган асрнинг 30-йиллардан ривожланди. Республикада рангли камёб ва қимматли металлар (олтин, мис, қўргошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва бошқалар) конлари, Қорамозор мис қўргошинрух кони, Обираҳмат, Бурчмулла, Оқтуз, Такоб, Ингичка, Қўйтош мис конлари ва бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди.

Кимё саноати республика иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кимё саноатида 750 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноат маҳсулотлари

умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотлари хиссаси 4,6% ни ташкил этади. Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, күмир, олтингугурт, турли минераллар, оҳактош, графит, шунингдек, рангли металлургия, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндилиридан хомашё тарзида фойдаланилади. Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисми (70%га яқини ёки 650 дан ортиқ турдаги маҳсулот) ҳамда эҳтиёт қисмлар ва асбоб ускуналар четдан олиб келинади (Россиядан толуол, ёғоч целлюлозаси, каустик сода, Қозогистондан фосфоритлар ва бошқалар). Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, капролактам, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёқлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

Машинасозлик саноати. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари XX аср бошларида вужудга келди. Дастлабки пайтларда Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати асосан 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда темир йўл, пахта тозолаш ва ёғ заводларининг таъмирлаш ишлари бажариларди.

Автомобилсозлик. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган автомобильсозлик — автомобиллар, (асака автомобиль заводи) двигателлари, (Тошкент мотор заводи) автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақилликка, эришганидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистондаги бир неча автомобиль тузатиш заводлари енгил машиналарга хизмат кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «ЎзавтоВАЗхизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва автомобилларга техника кўрсатиб келган. Асакада енгил автомобиллар, Самарқандда йўловчи ва юқ автомобиллари чиқарилмоқда.

Автомобиль саноатини барпо этишда, асосан, республика даги концернлар, корпорациялар, МДХ корхона ва ташкилотлари, чет эл фирмалари сармояларини жалб этиш орқали акциядорлик жамиятлари ташкил этиш йўли танланган. Ишга тушириладиган корхоналарда ишлаб чиқариш босқичларини шакллантириш дастлаб автомобильларни қисм ва агрегатлардан йиғишидан то уларни шу корхоналарда тайёрлаш ва йиғишигача босқичма-босқич, тўлиқ ўтиш йўли билан олиб борилади. Корхоналарда автомобиль двигателлари (моторсозлик), подшипниклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

5.3. Саноат мажмусининг асосий кўрсаткичлари

Саноат тармоғида ишлаб чиқариш дастурларининг яратилиши алоҳида аҳамият қасб этади. Ҳар бир корхона ихтинослашувига кўра, ишлаб чиқариш дастурида ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ифодалаши лозим.

Ишлаб чиқариш дастурларини шакллантиришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ялпи маҳсулот;
- товар маҳсулот;
- реализация қилинган маҳсулот;
- маҳсулот таннархи;
- баланс фойда;
- соф фойда;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги;
- маҳсулот рентабеллиги;
- меҳнат унумдорлиги;
- фонд қайтими;
- фонд сифими;
- фонд билан қуролланганлик.

Саноат корхоналари фаолиятини характерловчи кейинги кўрсаткич – қувватдир. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати корхонага бириктирилган меҳнат воситаларидан унинг ихтинослашувига мувофиқ тўла-тўқис фойдаланилган ҳолда маълум давр мобайнида ишлаб чиқариш мумкин бўлган даражадаги маҳсулот ҳажмидир.

Ишлаб чиқариш қувватларини аниқлашда қувват балансидан фойдаланилади. Бу балансда қуйидаги элементлар мавжуд бўлади:

Йил бошидаги қувват.

Режалаштирилган даврда қувватларнинг ўзгариши, яъни эски қувватларнинг чиқариб юборилиши, реконструкция қилиниши, техник тадбирлар ўtkазилиши ва бошқалар.

Ялпи ишлаб чиқариш қувватларининг киритилиши.

Йил охиридаги қувват.

Ўртача йиллик қувват.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Қувватлардан фойдаланиш коэффициенти.

Қисқача хуосалар

Саноат республика иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Саноат мажмуи ўз характерига кўра, миллий иқтисодиётниң барча тармоқларини қайта қуроллашибдириш реконструкция қилиш, иқтисодий ислоҳотларнинг асоси ҳисобланади.

Саноат ўз ичига бир қанча функционал мажмуиларни - ёқилғи саноати ва энергетикаси, металлургия, енгил саноат, кимё, машинасозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш саноатларини олади.

Саноат мажмусини характерловчи кўрсаткичлар таркибига саноат ялпи маҳсулоти, баланс фойда, соф фойда, ишлаб чиқариш рентабеллиги, маҳсулот рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими ва фонд сигими кабилар киради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Саноат мажмуи нима учун халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланди?
2. Саноат мажмуининг характерловчи қандай асосий кўрсаткичларни биласиз?
3. Саноат ишлаб чиқариш дастурларининг моҳияти нишадан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётниң ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТРАНСПОРТ МАЖМУИСИ

6.1. Транспорт қоммуникациясининг тузилиши

Темир йўл транспортининг иқтисодиётда тутган ўрни.

Халқ ҳўжалигига темир йўл транспортининг йўловчилар ҳамда юқ ташишда салмоғи катта. Республика темир йўлида бу транспорт тури МДХ доирасида қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон 1972 йилда қурилган Қўнғирот-Бейнов магистрали Қозоғистон орқали Россиянинг Марказий, Жанубий Урал минтақаларига туташган. Ховас-Арис магистрали ҳам мамлакатни Қозоғистон орқали Россиянинг Сибирь, Узок Шарқ минтақалари билан, Тошкент-Туркманбоши йўли Туркманистон билан боғлайди, Навоий – Нукус йўли Қозоғистон орқали Россияни боғлайди.

1995 йилда республикада халқ ҳўжалигига тегишли темир йўлларнинг узунлиги 6,6 минг км, шу жумладан, умумий фойдаланадиган қисми чининг узунлиги 3,5 минг км ортиқ, асосан саноат корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) темир йўлларнинг узунлиги 3,1 минг км ни ташкил этди.

Ўзбекистонда дастлабки темир йўл 1886-88 йилларда Фароб станциясидан Самарқандгача ётқизилган (Красноводск-Чоржўй темир йўлиниң давоми). Бу темир йўл 1895-97 йилларда Қўқонгача, 1899 йилда Тошкенттacha етказилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли ишга туширилди.

1994 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида жойлашган темир йўл корхоналари ва муассасалари негизида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган, Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва Фарбий Европанинг жануби билан туташтирадиган Трансосиё магистрали (Истанбул-Тошкент-Олмаото-Пёкин) қурилишида ҳиссабой иштирок этмоқда. Бу магистралнинг Тажан-Сарахс ва Эронда Сарахс-Машҳад қисмлари қурилиб фойдаланишга топширилди (1996й. 13 май) ва йўлда поездлар қатнови бошланди. Республика қурувчилари узунлиги 133 км бўлган Тожан-Сарахс йўлини қуришида фаол қатнашди. Ўзбекистон темир йўли келажакда Бу катта йўлнинг марказий бўғини бўлиб қолади. Бу йўлдан Бухора-Бейнов орқали Европага, Тажан-Сарахс орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш мумкин. Рес-

публика темир йўл транспортини ривожлантириш истиқболларининг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари (Эрон, Туркия, Покистон, Марказий Осиё давлатлари Афғонистон, Озарбайжон) ўртасидаги Кватта режасида белгиланган вазифалар бўйича ҳамкорлик йўналишлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» 50 мингдан ортиқ турли турдаги юк вагони ва Германияда тайёрланган рефрежераторларга, 1450 йўловчи ташиладиган вагонга эга. Компаниянинг темир йўлдан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Орол бўйи, Қарши темир йўл бўлимлари бор. 2001 йил умумий фойдаланилайдиган темир йўл транспортида 66,2 млн.т юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар билан юк ташиш республиқадаги 12 станцияда (Шумилов, Жиззах, Қақар, Марғилион, Андижон, Раустон, Улугбек, Тинчлик, Бухоро-2, Қарши, Ургенч)да амалга оширилди, келажакда Нукус темир йўл станцияси шулар жумласига киради.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари (умумий ташиладиган юк ҳажмининг 21%и), пахта толаси (3%), нефть ва нефть маҳсулотлари (35%), фалла, цемент, кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар, кўмир, сабзавот ва бошқа халқ хўжалиги юклари ташкил этади. Юк ташишда тепловозлар, йўловчилар ташишда тепловоз ва электропоездлар хизмат кўрсатади. 2001 йил темир йўл транспортида 18,4 млн. йўловчи ташилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда, айниқса шаҳарлар атрофидаги қатновларда электропоезлардан тобора камроқ фойдаланилмоқда.

7-жадвал

Ўзбекистонда транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

№	Соҳа	Йўловчи ташиш	Йўловчи ийланмаси
1	Автомобиль транспорти	0,5	6,9
2	Кувур йўли	0,03	11,6
3	Темир йўл	8,6	5,2
4	Хаво йўллари	90,9	76,3

8-жадвал

Ўзбекистонда транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи ийланмаси таркиби (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

№	Соҳа	Йўловчи ташиш	Йўловчи ийланмаси
1	Темир йўл	0,5	6,9
2	Хаво йўзи	0,03	11,6
3	Шахар электр транспорти	8,6	5,2
4	Автомобиль транспорти	90,9	76,3

Автомобиль транспорти ва йўлари. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, мудофаа ва бошқа тармоқларида ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд.

2001 йил республикада умумий фойдаланадиган автомобиль транспортида йўловчилар ташишга мўлжалланган 16,7 минг автобус, 5,5 мингдан кўпроқ енгил такси машиналари ишлади. Республика бўйича 2992 автобус маршрутларида (жумладан, 623 шаҳар, 1798 шаҳар, 572 шаҳарлараро) автобуслар қатнади. Автобуслар билан 6 млн. га яқин йўловчи ташилади. Республикада 27 автовокзал, 120 автостанция хизмат кўрсатади. Фақат шаҳарлардаги автобус маршрутларида турли маркадаги 3,65 мингга яқин автобус қатнайди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ хўжалиги тасарруфидан турли мақсадларга мўлжалланган 200 мингга яқин юк автомобильлари, 45,4 минг автобус, 50,9 минг енгил автомобиль хизмат кўрсатади. Шунингдек, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган 801,2 минг енгил автомобиль бор.

Юк ва йўловчилар ташувчи умумий фойдаланилайдиган автомобиль транспортининг йирик корхоналари «Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси таркибига киради. Корпорация 1993 йил январда ташкил этилган. Таркибida акциядорлар жамиятларига айлантирилган, йўловчи ташишни амалга оширидиган 99, юк ташиш билан шуғулланадиган 99 ва аралаш 67 автокорхона бор. Бу автокорхоналарда 14 мингдан ортиқ автобус, 24,6 минг юк автомобили (10 мингга яқини ўзи ағдарувчи машиналар) бўлиб, уларда 2001 йили 420,6 млн.т га яқин юк ташилди. Бу жами транспорт турларида ташилган умумий юк ҳажмининг 24,7 фоизларини автомобиль транспортида ташилган юкнинг 36,8 фоизларини ташкил этади.

Корпорациянинг «Ўзташқитранс» савдо-транспорт бирлашмаси ва «Ўзбекавтотур» фирмаси халқаро юк ташиш ва йўловчилар қатновига хизмат кўрсатади. Кейинги йилларда корпорация аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни ривожлантиримоқда. Шаҳарлараро юк ташишни «Ўзшаҳарлараротранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси қорхоналари амалга оширади. Автомобиль транспорти тизимида «Йўловчи» акциядорлик сугурта компанияси йўловчиларни сугурта қилиш ишлари билан шуғулланади. Кейинги йилларда бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, юк автомобиллари газ ёқилғиси билан ишлашга ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ривожланган, замонавий тарабларга жавоб берадиган, халқаро, республика маҳаллий аҳамиятига молик йўл хўжалигига эга. Йўл хўжалиги тармоқлараро 43,5 минг ишчи ва муҳандис-техни ходим банд. Республикалдаги автомобиль йўлларининг жами узунлиги 175 минг км дан ортиқ. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 53,4 минг км. Уларнинг жумладан 3843 километри халқаро, 1980 километри давлат (республика) аҳамиятига, 23439 км маҳаллий (вилоят) аҳамиятга эга йўллардир. Шунингдек, республикада идоралар (корхона, жамоа хўжаликлари, хўжалик ташкилотлари) га қарашли йўллар ҳам мавжуд.

1992 йил 3 июлда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. 1992 йил февральда Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва ундан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни («Ўзавтойўл») тузилди. Концерн таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бошқармалари, 532 та йўлларни асраш ва улардан фойдаланиш бўлимлари, «Ўзйўллойиҳа» республика йўл ва иншоотлар қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-қидирув институти, кўприк темир – бетон қурилмалари заводи ва бошқа корхоналар бор.

XX аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб, асосан отарава, карvon ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км га шағал ётқизилган эди. Республика мустақилликка эришгандан кейин мавжуд автомобиль йўлларни халқаро андо-заларга мослаш, уларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат районларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилиши масалаларига эътибор кучайди. Бу борада республика Ҳитой ва Покистонга чиқиши имкониятини берувчи Андижон-Уш-Эргонтом-Қашқар автомобиль йўлини ишга туширишда (1997 йил 21 июль) Хинд океанига чиқишга имкон берадиган Термиз-Хирот-Карачи автомобиль йўли қурилишида ўз улуши билан қатнашмоқда. Республиканинг ўзида Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Қамчик давони (танкель) орқали боғлайдиган йирик автомобиль йўли ҳамда Қўнғирот-Деунов автомагистрали қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Республикада жами йўлларининг 95,6 %ига қаттиқ қопламалар ётқизилган, жумладан, цемент-бетон қопламали йўллар 0,8%ни (336 км), асфальт-бетон қопламали йўллар 49,6 % (21819 км), қора шағалли ва қора қопламали йўллар 40,6 % (17796 км)ни ташкил этади.

**Автомобиль йўллари қурулишининг асосий кўрсаткичлари,
МИНГ. КМ.**

	1990 й.	1995 й.	2000й	2001й
Халқ ҳўжалигининг жами тош йўллари	78,4	83,2	84,8	85,7
Шу жумладан, қаттиқ қопламали	67,0	70,7	73,6	74,4
Умумий фойдаланиладиган тош йўллар жами	42,7	43,2	43,3	43,5
Шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар	40,4	409	41,3	41,6
Ундириш				
-цемент-бетон қопламали	0,3	0,3	0,3	0,3
-асфальт-бетон қопламали	20,7	21,4	21,7	21,9
-қатрон-асфальт ва кора қопламали тош йўллар	17,7	17,5	17,7	17,8

Ҳаво, сув ва бошқа транспорт воситалари.

Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларниң пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Республиканинг ҳаво транспорти-фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланади. 1924 йил 12 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент-Авлиёота (Жамбул)-Пишпек (Бешкек)-Олмаота маршрутида дастлабки йўловчилик ташиш рейси амалга оширилди. Уша йили узунлиги 450 км бўлган Когон-Оқтўқай-Дарғонота-Хива ҳамда Бухоро-Термиз-Душанбе ҳаво йўллари очилди. 1930 йилдан Тошкент –Москва йўлида самолётлар мунтазам қатнай бошлади.

Авиациядан қишлоқ ҳўжалиги зааркунандаларига қарши курашда ва санитария мақсадларида ҳам фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 йилдан собиқ иттифоқ тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-таъмирлаш заводи, «Авиакурилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамахсусмонтажсозлаш» негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Республиканинг, айниқса, хорижий мамлакатлар билан таъки иктиносидий, туристик алоқаларини йўлга қўйишда ўз ҳаво транспорти мухим роль ўйнамоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» нинг бир қанча Европа ва Осиё, Америка мамлакатларида ва колатхоналари очилди. 1993-95 йилларда 18 та янги ҳалқаро маршрутларда самолётлар қатнови йўлга қўйилди: 1993 йилдан Тошкентдан МДХ дан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истанбул, Караки, Дехли, Куала-Лумпур, Бангкок, Пекин, Афина, Амстердам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига мунтазам ҳалқаро авиарейслар, Ҳалаб

(Амппо), Сингапур ҳамда Осиё ва Европанинг кўпгина мамла-катларига йўловчи ташиш рейслари бажарилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йилдан шундай ҳамкорлик натижасида Европанинг йирик «Эрбас индастри» концернидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сотиб олган «Эрбас»-A-310-300 автобуслари халқаро маршрутларда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Нукусдаги бўлинмаси хилма-хил турдаги ҳаво кемаларига эга: қишлоқ хўжалик ишларига мўлжалланган «АН-2», маҳаллий (республика ичида) ҳаво йўлларида қатнайдиган «АН-24», «ЯК-40», халқаро классдаги «ИЛ-76», «ИЛ-62», «ИЛ-86», «ТУ-154», «А-310» каби самолётлар, вертолёт паркида «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» каби машиналар бор. Республикада «АН-2» самолёти, «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» вертолётларидан иборат маҳсус мақсадлардаги авиация парки қишлоқ хўжалиги, тиобий-санитария хизмати, метеорология, геология-қидириув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилади. 1996 йилдан «БОИНГ-757» ва «БОИНГ-764» самолётлари, маҳаллий ҳаво йўлларида ИЛ-114, Rj-85 самолётларидан фойдаланилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибида 12 замонавий аэропокзал (аэропорт) бор. Булар Тошкент. Самарқанд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Қарши, Қўқон шаҳарларида. Сергели, Учқудук, Зарафшон, Сариосиё, Шахрисабз, Қўнғирот, Тўрткўл, Мўйнок шаҳарларидағи аэропортлар вилоят марказидаги аэропортларга қарайди, «ЯК-40», «АН-24» самолётларини қабул қилишга мослаштирилган.

Вилоят марказларидағи аэропортлар «ТУ-154», Самарқанд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари «ИЛ-62», «ИЛ-76», Нукус аэропорти «ИЛ-86», «А-313» аэробусларни қабул қилишга қодир.

Тошкент, Самарқанд, Термиз, Нукус аэропортлари халқаро мақомга эга. Республика хукумати қарорига кўра, янги йирик халқаро аэропорт, Учқудукда жаҳондаги энг илгор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қурилиши бошланди.

XX аср бошларида Амударё ва Орол дengизидаги сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1924 йилда кема ва қайиқлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий узунылти 887 км эди. Амударё ҳарбий флотилияси, «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек

хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган, зарур юклар ташиб берилиган. Уша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1980 йилда Ўзбекистонда сув йўлларининг умумий узунлиги 2800 км га етди. Амударё панжи (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноққа қадар кемалар қатнови амалга оширилди.

Дарё сувининг камайиши ва Орол дентгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 йили дарё транспортида 1420 минг т юк ташилди. Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Ўрта Осиё кемачилиги Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё кемачилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпогистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳудудида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. Республикада Термиз дарё порти, Шарловуқ, Тўрткўл, Беруний, Қаратов, Хўжайли бандаргоҳлари, Амударё орқали Тўрткўл-Хонқа, Чалиш-Беруний сузма кўпrikлари, Хўжайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз дарё порти йилига 2,5 млн. т. юкни қабул қилиш - жўнатиш қувватига эга. У Афғонистоннинг Ҳайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 150 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республика сув йўлларининг умумий узунлиги 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз-Ҳайратон, Шарловуқ-Тўрткўл, Хўжайли-Тўрткўл, Хўжайли-Беруний, Қаратов-Тахиятош йўналишларида ташилмоқда. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари темир йўлдар билан бофланган.

Республикада трубопровод транспорти ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда 20 км узунликдаги биринчи нефтепровод 1905 йил Чимён нефть конидан Ванновск (ҳозирги Олтириқ) нефтни қайта ишлаш заводи тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть конлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть конларидан Фарғона ва Олтириқ нефтни қайта ишлаш заводларига умумий узунлиги 228,5 км бўлган нефтепроводлар қурилди. Республика жанубида-Сурхондарё вилоятида 1947 йил

Лалмикор - Кумқўргон ва 1969 йил Амударё- Аму-Занг линиялари барпо этилди (умумий узунлиги 40 км). Қашқадарё янги нефть конлари очилганидан кейин 1967 йил Фарбий-Тошлоқ-Қашқадарё станцияси (3,3 км) Шимолий Ўртабулоқ-Олтингургут заводи (72 км) нефтепроволари ишга туширилди. 1994-1997 йилларда узунлиги 100 км бўлган Кўкдумалоқ-Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нефтепроводи қурилиб, ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хомашё билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиласидиган Қамчиқ давони орқали ўтадиган Хонобод-Ангрен нефтепроводи қурулишини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бухоро, Қашқадарё вилоятларида улкан газ конларининг топилиши ва ишга туширилиши билан Узбекистондан газпровод транспорти ривож топди.

Шаҳар йўловчилар ташиши транспорти

Республика шаҳарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган маршрутларда ташийдиган жамоат кўча транспорти-автобус, трамвай, троллейбус, ер ости транспорт (метрополитен), енгил автомобиль транспорти (такси) хизмат кўрсатади. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг ижтимоий тури XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик шаҳарларда пайдо бўлган кўп сонли извошлар эди. 1901 йилда Тошкентда конка - тор темир йўли издан отлар судрайдиган бир вагонли аравачалар дастлабки шаҳар транспорти, 1912 йил биринчи трамвай қатнай бошлади. 1913 йили тор изли трамвай йўлининг узунлиги 38 км га етказилди. Унда 68 трамвай вагони қатнади, 27 млн. йўловчи ташилди.

Троллейбус қатнови 1947 йил Тошкентда бошланди (троллейбус йўли узунлиги 18 км, 10 та машина). Кейинги йилларда Самарқанд (1967), Олмалиқ (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992), Урганч (1997), Жizzах(1997) шаҳарларида ҳам троллейбуслар қатнай бошлади. Троллейбус йўлларининг умумий узунлиги 403 км (1998 Тошкент шаҳрисиз), шу шумладан, Андижонда (72,2 км) Бухорода (30,7 км), Наманганда (65,5 км), Нукусда (15 км) Олмалиқда (53,2 км), Самарқандда (65,5 км), Фарғонада (56 км), Уранчда (5 км), Жizzахда (14 км), Тошкент шаҳрининг ўзида эса 296,5 км. 1997 йилда Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида Урганч шаҳрида аэропорт билан темир йўл вокзалини боғлайдиган троллейбус йўли ва 25 км ли Урганч-Хива троллейбус йўли ишга туширилди.

Трамвай қатнови Тошкент шаҳрида ривожланган. Трамвай йўлларининг узунлиги 293,1 км, 1995 йилда 23 маршрутда ўртacha 293 трамвай (вагон) йўловчиларга хизмат кўрсатди.

Тошкент шаҳрининг ўзида трамвай ва троллейбуслар бир кунда 1 млн. дан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади.

Автомобиль йўловчилар транспорти мухим ўринда туради. 85 шаҳар ва шаҳарчаларга ички шаҳар автобус ва енгил такси қатнови йўлга кўйилган, шаҳарларда 670 дан ортиқ маршрутда автобуслар қатнайди. Нукус шахарида 70-йиллик арафасида йўловчиларни янги маршрути автобуслари фойдаланишга топшириш асосида умумий ҳажмининг 75% дан кўпроғи автобус ва енгил ҳамда микроавтобус таксиларга тўғри келади.

Метрополитен йўловчиларга хизмат кўрсатишида тобора катта ахамият қасб этмоқда. Республикада метро қурилиши Тошкент шаҳрида 1972 йилдан бошланди. Унинг узунлиги 12,2 км бўлган «Собир Рахимов»- «Максим Горький» стациялари 1-йўлининг биринчи навбати 1997 йил 6 ноябрьда, 4,6 км ли 2-навбати 1980 йил 18 августда ишга туширилди. Тошкент метрополитенининг иккинчи йўли «Машинасоз»-«Беруний» стациялари 1984-91 йилларда 4 навбат билан боқичма-боқич фойдаланишга туширилди (узунлиги қарийб 15 км). Тошкет метрополитенининг 3-йўли шаҳар марказини Юнусобод даҳаси билан болжайди. Узунлиги 14 км бўлган бу йўл ҳам ишга туширилди. Метрополитенда суткасига ўргача 300-300 минг йўловчи ташилади.

6.2. Республика транспорт мажмуисини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча темир йўл, автомобиль, авиация, шаҳар электр транспорт, дарё, трубопровод транспорти, шунингдек, умумий фойдаланилмайдиган - темир йўл, автомобиль, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган. 2001 йил мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 8,8%и транспорт тармоқлари ҳиссасига тўғри келди. Транспорт тармоқларида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг ўргача йиллик сони 318,1 минг нафарни, жумладан, темир йўл транспортида 62,1 минг, сув, дарё транспортида 0,6 минг, автомобиль, шаҳар электр транспорти, юк ортиш- тушириш корхоналарида 303,8 минг нафарни ташкил этди. Мустақилликкача республика транспортининг асосий турлари сабиқ иттифоқининг марказий вазирликларига ёки уларнинг Ўрта Осиё, Узбекистон бўйича, худудий бошқармаларига бўйсунган: темир йўл транспортига Ўрта Осиё темир йўл транспортига, Ўрта Осиё давлат кемачилиги бошқармаси, ҳаво транспортига Иттифоқ фуқаро авиация вазирлигининг Узбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, уму-

мий фойдаланишдаги автомобиль транспортига автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлик қилган.

Республика мустақилликка эришгандан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва ахолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон автомобиль транспорти», давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва бошқа идоралар ташкил этилди. Мамлакат транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акционерлик компаниялари, корпорациялари, очик турдаги акционерлик, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Республикада автотранспорт воситаларининг бир қисми жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулки. Саноат ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кенг миқёсдаги капитал курилиши ва транспорт моддий - техника базасининг юксалиши билан юк ва йўловчилар ташиб ҳажмлари ҳам орта борди. Республикализнинг умумий юк айланмасида транспорт турларининг солиштирма ҳиссаси ҳам ўзгарди. Умумий фойдаланишдаги ва саноат транспорти турларида юк, автомобиль тарспортида эса йўловчиларнинг асосий қисми ташилди.

Республикада транспорт иқтисодий районлар ва корхоналар, халқ, хўжалиги тармоқлари ўртасида, шунингдек, мамлакатларо иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Республиканинг транспорт тизими темир йўл, автомобиль йўллари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган вокзаллар, станциялар, юк омборлари ва бошқа инфратузилма бўлинмаларини камрайдиган мураккаб халқ хўжалиги мажмуини ташкил этади.

Транспорт мажмуини тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиллади:

- ташиладиган юкларнинг ҳажми;
- юк айланмаси;
- йўловчи айланмаси;
- юк ташибнинг ўртacha масофаси;
- ҳаракатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичлар хар бир транспорт турининг хусусиятларига қараб ажратилилади. Темир йўл транспорти техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра бўлинади: а) 1-вагонга тўғри келадиган статик ва динамик оғирлик; б) вагонларнинг айланиш вақти; в) техник ва участка тизими; г) юк вагонларининг ўртacha суткалик меҳнат унимдорлиги.

6.3. Транспорт корхоналарининг истиқболли фаолиятини яратиш асослари

Иқтисодиётнинг аниқ турларини ва амал қилиш механизмини талқин қилишдаги босқич - бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ва уларнинг вазифаларини таҳлил қилишидир. Хўжаликни бошқариш – умумлаштирилган меҳнатнинг маҳсулни ва зарурий шартидир.

Меҳнат тақсимоти унинг ижтимоий хусусияти кучайиши жараёнида бошқарув фаолиятининг мустақил бир тури сифатида ажралиб чиқди. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва маҳсус органлари шундан келиб чиқади. Умумлаштириш мантиқига мувофиқ фақат шундай тузилмалар ва бошқарув органлари яшаши хукуқига эга бўлдики, буларсиз ишлаб чиқариш бўғинлари (транспорт хизмати, аҳоли транспорти воситаларига ТҲҚ корхоналари ва унинг бўлинмалари)нинг ўзлари (корхоналар, концернлар, ассоциациялар, корпорациялар) муайян ўзаро алоқасидан келиб чиқувчи тармоқ жараёнларини ягона ижтимоий жараёнга қўшиш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлмай қолмайди.

Иқтисодиёт мулкчилик шаклидан, тармоқ ва худудларнинг тарихий даврларидан қатъи назар хўжалик юритишнинг бир қанча тамойилларига риоя қилинишини мустасно этади. Бу – натижалар ва ҳаракатларни ўтчаб бўлиш, бойликларни ҳисобга олиш ва улардан оқилюна фойдаланиш, ишлаб чиқарувчилар учун маълум рафбатлантириш имконини яратиш, демакдир.

Иқтисод аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, жамиятнинг ижтимоий ва бошқа ҳаёт фаолиятларини тараққий эттириш билан тавсифланади. Шундай экан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги даражасига нисбатан анча юқори, жамиятимизнинг эса ижтимоий фаоллиги ўта баланд. Шу туфайли халқимизнинг шахсий мулки, шу жумладан, шахсий автомобиллар ортиб бормоқда.

Корхона фаолияти деганда унинг бажарадиган иши, маълум бир йўналишда ишлаши, автомобиль транспорти ёки автомобилларга ТҲҚ, корхона жамоасининг ижтимоий ҳаракати, максадга эришиш учун жамоа аъзоларига таъсир этиш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш дастурининг бажарилишига ҳаракат қилиш, хўжаликни юритиш, хўжаликни бошқариш, ақлий ва жисмоний қучлардан, корхона маблағларидан фойдаланиш каби вазифалар тушунилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун корхонани ташкил этувчи одамлар гурухларининг фаолиятлари ўзаро мувофиқлаштирилади.

Корхонанинг иқтисодий ва хизмат кўрсатиш фаолияти даражаси фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари - маблағдан олинадиган даромад, хизмат кўрсатиш сифати, даромад ёки тушумнинг ўсиш суръати, меҳнат унумдорлиги, фойда, бажариладиган хизматлар ҳаракати ва шу қабилар билан баҳоланади.

Корхонанинг фаолияти қўп қиррали ва уни бошқариш санъати унинг иқтисодиётидадир. Ҳар қандай корхона тизим кўришини ифодалайди:

- бошқариш тизими, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), таъминот, захира, жўнатувчи, қабул этувчи ва шунга ўхшашлар.

Корхонанинг мақсади унумдорликни оширишда ва харатларни пасайтиришда, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда, истеъмол баҳоси ҳамда доирасини кенгайтиришда ва хизмат кўрсатишни реклама қилишда, хизмат ёки маҳсулот турини топишда, эҳтиёжни қондиришда ифодаланади.

Корхонанинг иқтисодий фаолиятини яхшилаш учун хизмат кўрсатувчилар, айниқса унинг менежерлари қўпгина қоидаларни, жараёнлар ва тавсифларни билишлари керак. Улар натижасида меҳнат (хизмат кўрсатиш)нинг тартиби бирлашсин, шакллари ривожлансин, хизмат кўрсатишнинг унсурлари проvard натижага ижобий таъсир этиб, самарадорлик ошсин. Корхонанинг самарадорлигини ошириш ва фойдани кўпайтириш қабилар ёрдами билан хизмат кўрсатиш тамойиллари, унсурлари ва воситалари корхона менежменти моҳияти ва мазмунини ифодалайди.

Албатта, корхона фаолияти мураккаб тизим ва ҳар хил кўринишдаги фаолиятдир: ташкилий-бошқариш, муҳандислик-менежерли, ҳисобга олиш-иктисодий, назорат-тафтиш, тадқиқот лойиҳали- тадқиқот ва бошқа фаолиятнинг умумий саволларидан тузилган.

Корхона бўлинмалари ичida ўзаро бир-бирига боғлиқ тизим бири-бирига таъсир кўрсатади, шу жараёнларга, яъни таъсир этувчи ташки омиллар ҳам бор. Корхонанинг ички фаолияти хизмат кўрсатишни бажарышда, ходимлар, ускуналар, воситалар, асбоблар ва бинолар билан таъминлашда намоён бўлади.

Ташки омиллар (мизқозлар, ўйловчилар, мулкдорлар, эҳтиёт қисмлар материаллар) дан бирортаси бўлмаса, корхона фаолияти қийинлашади, баъзи ҳолларда корхонада иш тўхтаб қолади, корхона маблағлари (авторанспорт, ускунулар)нинг техник тайёрлик даражаси пасаяди.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш хизмат жараёнларини ташкил этишни яхшилаш, меъёрий – техник таъминлаш, эгилувчан ёки эпчил бошқариш тизимини

яратиши, эҳтиёт қисм ва материаллар билан таъминлаш, бажариладиган иш сифатини ошириш, корхона ходимларининг малакасини ошириш ва бажариладиган ишларни сифати ва унуми ошишидан ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларни рағбатлантириш, чора-тадбирларини ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш ва бошқариш таркибини танлаш, шакллантиришда тизимнинг таркибий усуллари орасидаги нисбатан ва ўзаро таъсирни аниқлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини мақбуллаштириш ҳамда замонавий технологик жараёнлар яратишида ўз ифодасини топади.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини самарали ташкил этишда қўйидагиларга эътибор бериш ўта муҳим; иш тартибини танлаш; хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлар бир маромда бажарилишини таъминлаш; энг қулай бўлинмалар тузилишини ишлаб чиқиш; корхонанинг барча бўлинмалари билан энг самарали бошқариладиган усулларни ишлаб чиқиши ва амалга жорий этиш; корхона захираларини мақбул даражада бошқариш.

Корхонанинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш масалаларининг кўпчилигини оммавий хизмат кўрсатиши назарияси усулларини қўллаш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Бу жараёнда, шунингдек, хужжатларнинг шакл ва айланниш жараёнларини тўғри танлаш ва такомиллаштириш, хизмат кўреатишини бошқаришга, мулкнинг турли шаклларини ишлатишига ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларига эътибор бериш зарур. Бунда, тўғри танланган бошқарув аппарати ходимларига кўп нарса боғлиқ. Уларнинг мақсадга мувофиқ иш юритиши корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини таъминлайди.

Юқ ва йўловчиларни ташиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатишини ташкил этиш, корхонанинг муҳим вазифаси.

Корхонанинг истиқболда муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашда қўйидагиларга риоя қилиш керак:

- транспорт ва техника хизмати кўрсатиш жараёнини технологик жиҳатдан қайта қуриш ва автоматлаштириш иш жараёнига, юқори малакали ходимларни жалб этишига ўтиш;

- корхона ходимлари учун қулай меҳнат шароитни яратиши, юқорироқ иш ҳақи белгилаш, бир қанча номоддий рағбатлантириш шаклларини жорий қилиш;

- корхона фаолиятининг самарадорлигини доимий назорат қилиш, унинг барча бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш;

- мунтазам изланиш ва янги бозорларни ўзлаштириш.

Шу билан бирга корхонанинг тараққий этиш мақсадларини аниқлаш, бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- энг мухим масалаларни, улар навбати ва ечимининг кетма-кетлигини аниқлай билиш;
- корхонанинг устувор ривожланиш ишланмасини тайёрлаш – хўжалик масалалари тизими ва уларни ечиш йўллари;
- ҳар хил даврларга мўлжалланган моаммоларни ечмоқ учун чора-тадбирлар тизимини тайёрлаш;
- зарур бўлган неъматларни ва уларни таъминлаш манбаларини баҳолаш;
- қўйилган масала ва топшириқларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

Корхона истиқболли фаолият қўрсатиши учун устувор бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун бизнеснинг бош мақсадини ишлаб чиқиш, омиллар таъсир қўрсашиб турган шароитда корхонанинг тараққий этиш натижаларини башорат қила билиш, натижалар параметрларидан оғмаслиги учун устувор ривожлантиришни қўллаш керак. Юқоридаги чора-тадбирлар қундалик фаолиятда тезкор бошқариш орқали рӯёбга чиқарилиши шарт.

Қисқача хуросалар

Республикада транспорт тузилмаси иқтисодий районлар ва корхоналар, халқ, ҳўжалиги тармоқлари ўртасида, шунингдек, мамлакатларо иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Транспорт тизими темир йўл, автомобиль йўллари, ҳаво йўллари, қувур ва сув транспорти, замонавий ускуналар билан жиҳозланган вокзаллар, аэропорт, насос станциялар, юк омборлари ва бошқа инфратузилма бўлинмаларини қамрайдиган мураккаб халқ ҳўжалиги мажмуини ташкил этади.

Транспорт мажмуи қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида тартибга солинади: ташиладиган юкларнинг ҳажми, юк айланмаси, йўловчи айланмас, юк ташишининг ўртача масофаси, ҳаракатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишининг техник кўрсаткичлари.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш ва бошқариш таркибини танлаш ва шакллантириш уларнинг тизим таркибий усуслари орасидаги ўзаро таъсирини аниқлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаш ҳамда замонавий технологик жараёнлар яратишида ўз ифодасини топади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Республикада транспорт мажмуининг ривожланиши тузилмаси қай даражада?
2. Транспорт мажмуини тартибга солишида қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
3. Транспорт корхоналарининг истиқболи қандай белгиланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – нировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т.: Энциклопедия, 1997.

РЕСПУБЛИКАНИНГ АГРОСАНОАТ МАЖМУИСИ, УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЮКСАЛИШ ЙҮЛЛАРИ

7.1. Агросаноат мажмуси (АСМ) – иқтисоднинг кўп тармоқли тизими сифатида

Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда, умуман, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳамияти беқиёс эканлиги барчамизга маълум. Агросаноат мажмусининг тараққиёти нафақат озиқовқат таъминотини яхшилашда, балки муҳим хомашё сифатида мамлакат индустриясининг тараққиёти учун ҳам асосий омилдир. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон қишлоқларидағи хилма-хил хўжаликларда қарийб 4,5 млн. гектар майдонда дехқончилик билан шуғулланилади. Ана шунча кенгликтаги зироатни ўстиришда катта ва кичик техника воситалари дехқонга қудратли қанот бўлади. Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтищнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари ана шу ҳаёттй тармоқни мукаммал ва самарали техника воситалари билан таъмин этишини асосий фаолият сифатида белгилаб олишган.

Республика Президенти Ислом Каримов айтганидек, қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлади. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш қўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалик самарадорлигини юксалтиришнинг асосий омили сермехнат юмупларни техника гарданига юклашдир. Жаҳон тажрибаси тармоқ ишлаб чиқаришининг барқарорлиги, юқори унумдорлиги ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий-техника тараққиёти, моддий-техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита мутаносиблигини кўрсатади.

Буни фермерлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бир фермерга АҚШ да ўртача 150 гектар экин майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландияда ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмо-

нияды 18, Голландияда 17, Италияда 8 гектарга тенгдир. Ер, техника, фан ютукларидан унумли фойдаланилгандағина натижалар юқори бўлиши мүкинлигини улар амалда исботлашди. Умуман, тармоқдаги иқтисодий кўрсатқичлар техникадан оқилюна фойдаланишга ва унинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ дейишимизга тўла асос бор.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси ташкил этилган эди. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9та қўшма корхона, 17 та минтақавий техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари киради.

Шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил натижаларига назар ташласак, компанияга қарашли корхоналар анча муракқаб даврни бошдан кечирганлиги аён бўлади. Кетма-кет рўй берган сув тақчиллиги пировард натижаларга таъсир этмай қолмади. Аксарият жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йиллардагига нисбатан камайтирмаслик, эришилган мағомни йўқотиб қўймаслик учун кураш кетди.

Кейинги йилларда компания ривожланган давлатларнинг тармоқ техникаси ишлаб чиқарадиган фирмалари билан ҳамкорлик қилаётганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Масалан, 9 та қўшма корхона ишга туширилди ва бугунги кунда жаҳон талабларига жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқармоқда. «ЎзКейстрактор», «ЎзКејсервис», «АгроХим» корхоналари шулар жумласига киради. Масалан, улар томонидан фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмумига 2760 та трактор, 971 та тележка, 100 та пахта териш машинаси, 118 та плут, 994 та борона, 80 та пичан ўрадиган комбайн, 1066 та культиватор ва 1 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари ва уларнинг муайян қисмлари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2 мингта трактор ва 404 та тележка ишлаб чиқарилиб, дехқонларга жўнатилди. Республикада ҳозирги пайтда нуфузли компания ва фирмалар вакиллари билан ҳамкорликда бир қанча қўшма корхоналар тузиш бўйича лойиха – изланиш ишлари олиб борилмоқда. Германиядаги «КЛАСС» ва «КЮН» фирмалари билан «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ем-хашак ўриш комбайнини, «Ўзқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида фалла экадиган сеялка, «Агрегат заводи» корхонасида фрезерлик культиватори ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Қишлоқ хұжалиғи машинасозлиги узлуксиз ва ўзаро чамбарчас тизимга эга. Бу илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлық ишларини бажариш, конструкторлық ишләри үртасидаги ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетликни таъминлайды. Айни пайтда тармоқнинг илмий-тадқиқот, лойиха институтлари ҳамда конструкторлық бөйролари мавжуд. Компания муаммолар ечимини таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиб, республика илмий – техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши (собиқ фан ва техника давлат құмитаси) билан ҳамкорликда иш олиб борди. Үтган йили умуман компания бўйича 25 млрд. 255,9 млн. сўмлик техника воситалари, 622,5 млн. сўмлик ҳалқ истъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Эришилган ижобий силжишлар қаторида корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари камайғанligини тилга олиш мумкин.

Компаниянинг чет эл сармоясими жалб қилишдан, умуман, унинг инвестиция фаолиятидан мақсади баъзи корхоналардаги ишлаб чиқариш техникасини янгилашдир. Масалан, яқин келажакда Тошкент трактор заводи, Агрегат заводи, Мотор заводи, Технолог ҳиссадорлик жамиятларида хориж сармоясими жалб этиш, замонавий талабларга жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача компанияга қўшма корхоналар устав жамғармасини шакллантириш учун 28,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси олиб кирилди.

Хукуматимизнинг маҳаллий ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дастурига кўра, «Кейс» пахта териш комбайнлари ва тракторларига бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Үтган йили «ЎзКейсмаш»да пахта териш машиналарининг замонавий бўяш мажмуи ва бошқа баъзи қисмлари таъмирланди. «Тошқишлоқмаш»да корхонасида пахта териш машинасининг бункери, унинг баъзи қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тармоқ техникаси учун гидроцилиндрлар тайёрлайдиган чет эл дастгохи сотиб олинмоқда.

7.2. Агросаноат мажмуиси ривожланишининг асосий муаммолари

Агросаноат мажмуиси (АСМ) - қишлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган ҳалқ хұжалиғи тармоқларининг жамланмасидир. АСМга кирувчи тармоқларнинг барчаси пировард натижада мухим вазифани мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хұжалик хомашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

АСМ таркибида учта соҳа ажралиб туради:

- қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб-чиқариш техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари (масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги);
- қишлоқ хўжалигининг ўзи;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш (тайёрлаш, саклаш, қайта ишлаш, ташиб, сотиш) билан банд бўлган тармоқлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу инфратузилмани ривожлантириш мамлакат аҳолиси эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантирувчи кучга айланиши мумкин.

Мустақиллик йилларида АСМда жуда кўп ютуқларга эришиш билан бирга, албатта, камчиликларга ҳам йўл қўйилди, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида янги муаммолар ҳам юзага чиқди. Эндиғи вазифа- ушбу муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ечимини топишдан иборат. Агарар секторнинг бундан кейинги ривожланишида қўйидаги муаммоларга эътибор бериш зарур:

- ўн йиллик тажриба шуни кўрсатадики, барча бўғинларда кадрлар янгича ишлашга, бозор муносабатларига тўлиқ мослаша олмаётирлар. Бу, айниқса, туманлар ва хўжаликлар миқёсида кўпроқ қўзга ташланмоқда. Тўғри, ҳар йили кадрлар ўкуви ўтказилмоқда, аммо аксарият раҳбар кадрлар иш юритишни бозор муносабатлари асосида эмас, балки, эскича – маъмурний буйруқбозлиқ асосида олиб бормоқда;

- аграр соҳа учун муҳим масала бўлган экология масалалари ислоҳот жараёнида бирмунча четда қолмоқда. Баҳоланки, бу муаммо ўзига эътиборни талаб қиласди. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши, оғир техника ва самараси паст технологиялар қўлланилаётганлиги оқибатида тупроқ таркибининг бузилиши, шўрланиш даражасининг ортиб бориши шундан далолат бермоқда. Шунингдек, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб қиласди;

- баъзи иқтисодчилар, қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни қўшимча маблағ сарфламасдан олиб бориш мумкин, деган фикрларни илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрига қўшилиш қийин. Негаки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарасак, уларнинг қўпчилигига фермерлар даромадининг 40-50 ва ҳаттоқи 60 фойзларини ташкил қиласди. Шуни ҳисобга олиб, агарар соҳани қўллаб-қувватлаш фондини ташкил қилиш ва унинг маблағи қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, экология мувозана-

тини сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қараталиши зарур.

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш молия-кредит механизмини такомиллаштириши талаб қиласди. Чунки, хўжаликларнинг тўғридан-тўғри кредит олишлари ниҳоятда мураккаб, айниқса, узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг камайиб кетиши натижасида хўжаликлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаб бориш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Албатта, лизинг тизими-нинг тузилиши бу муаммони бироз енгиллаштиради, аммо барча турдаги асосий воситаларни қамраб олмаган;

- қишлоқ хўжалиги моддий таъминоти, техника, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминланиши бўтунги кун тараблари даражасида эмас, моддий-техника ресурсларининг нархи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархига нисбатан бир неча баробар юқори ва тез ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги учун керакли саноат молларига нарх белгилашни ҳам тартибга солиш лозим. Қишлоқ хўжалик корхоналарига сервис хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас, шунингдек, хизмат ҳақдарининг баҳоси ниҳоятда юқори;

- ўзлари қабул қилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тайёрлов ташкилотлари вактида ҳақ тўламаётганлиги натижасида хўжаликларнинг молиявий ҳолати оғирлашмоқда, бунинг устига инфляция оғирлиги ҳам бутунлай қишлоқ хўжалиги корхоналари елкасига тушмоқда;

Қишлоқ хўжалигини қийин аҳволдан олиб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча соҳалар унга ўз ёрдамини кўрсатиши зарур. Шундагина улар қишлоқ хўжалагидан арzon ва сифатли хомащё оладилар, ўз навбатида, қишлоқ уларнинг маҳсулотлари учун муҳим бозор вазифасини бажаради;

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни кечмоқда, эндиликда бу жараёнда аграр секторни бошқаришдан уни тартибга солишга ўтиш, нарх-навони эркинлаштириш билан бирга уни давлат томонидан тартибга солиш тақозо этилади. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг пастки ва юқориги нархлари чегарасини давлат томонидан назорат қилиш тизимини яратиш зарур.

Иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонда, биринчи навбатда, аграр секторда бошланди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, чунки аҳолининг 60% дан кўпроғи, иш билан банд аҳолининг 44% и қишлоқ жойларда яшаб, меҳнат қилмоқда, ЯИМ-нинг 30% и, валюта тушумининг 55% и, товар маҳсулот алмашинувининг 70 % и, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90% и аграр сектор ҳиссасига тўғри келади.

1991 йилнинг 11 январида мамлакатдаги шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга оид кўшимча тадбирлар белгиланди. Президент кўрсатмаси асосида яна 1 млн. 221 минг 477 оиласга сугориладиган пахта далаларидан 137 минг 246 гектар ер кўшимча томорқа сифатида бўлиб берилди. Бундай амалий ғамхўрлик файрат-шижоатли одамлар ҳаракатига қаноат бағишлади.

Шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари уюшмаси ташкил этилиши лозим. Кейинчалик эса шу асосда дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси юзага келади, яъни шахсий ёрдамчи хўжаликлар замирида дехқон ва фермер хўжаликлари шаклланади. Уларни имтиёзли солиққа тортиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш, хўжалик аъзоларини нафақа ва пенсия билан таъминлашга доир тартиблар жорий этилади.

Иқтисодиётимизнинг таянчига айланиб бораётган минглаб дехқон ва фермер хўжаликлари фаолияти бу тармоқнинг истиқболи биз ўйлагандан кўра порлоқ эканидан далолат беради. Унинг тарихи эса, шахсий томорқа хўжаликларига, 1989 йилнинг ёзида давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб бошлаган кенг кўламли ишларга бориб тақалади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига, шахсий ташаббус ва хусусий тадбиркорликка ўша мураккаб даврда асос солинган.

Бутунги кунда (2003й.) мамлакатимиз 240 мингдан ортиқ микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилиб ва 3 млн.дан зиёд дехқон-фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 78 фоизларини етиштириб бермоқда..

Кейинги пайтда мамлакатимизда хусусий мулкни қишлоқ жойларда қарор топтириш, уни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Шу Ўзбекистон Республика Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқармасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари алоҳида аҳамиятта эга. Зоро, айнан ушбу ҳужжатлар замирида юртбошимизнинг «Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулк етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш зарур» деган гояси ётади.

Бу гоя эса, чуқур илмий ва ҳаётий мулоҳазалардан келиб чиқсан бўлиб, миллий иқтисодиётимизнинг агросаноат мажмуусида мулкий тузилишни ўзгартиришни кўзда тутади.

7.3. Чет эл давлатлари тажрибаси ва унинг республикада жорий қилиш йўллари

Марказий Осиёдаги ёнг йирик корхоналаридан бири «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик бирлашмасида саналади. Бу ерда ишлар бир маромда бормоқда. Хориж сармоясини жало этиш ишлари икки йўналишда давом эттирилаяпти. Аввало, бу «Кейс-Нью-Холланд» фирмасининг универсал-ҳайдов тракторларига комплектловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича бўлса, кейингиси Хитой кредити асосида мини тракторлар тайёрлашдир. Бундай митти техникаларни дехқон ва фермер ҳамда ширкат хўжаликарига, шу билан бирга томорқа эгаларига етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Рақамлар, уларнинг мағзини чақишига, замирида яширган меҳнат маромини илғашга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, янги асрнинг дастлабки йилида корхона 2966 та трактор, 1033 та тележка ишлаб чиқаради. Хўш, бу озми ё кўп? Агар уни 2000 йилдаги натижага таққослайдиган бўлсак – кўп, қишлоқ хўжалигидағи эҳтиёжимизни назарда тутадиган бўлсак – оз. Албатта, ҳеч бир ҳаракат беиз кетмаганидек, ишлаб чиқариш бўғинидаги бирор узилиш ўз таъсирини сездирмай, янги муаммо туғдирмай қолмайди. Гап фақат техника воситаларини бутлаш учун айрим қисмлари тақчилигидагина эмас, балки ана шу техникага муҳтоҷ бўлган хўжаликларнинг тўлов қобилияти паст бўлиб қолиши ҳам бунга сабаб бўляпти. Айтайлик, 1997 йилда тракторлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш 97,6 %га чиқкан бўлса, 1999 йилда бу кўрсатич 56,4 %ни ташкил этди. Эҳтиёжнинг бундай паст даражада қондирилиши хосил салмоғига ҳам таъсир кўрсатади.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясига қарашли бир қанча корхоналарда экспорт имкониятларидан етарли фойдаланимаяпти. Суриштириб кўрсангиз, уларда маҳсулот экспорти бўйича аниқ белгиланган дастурнинг ўзи йўқ. Яна бир танг соҳа: корхоналарда акцияларни сотиш қониқарсиз аҳволда. Бундай камчиликлар юртимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги интилишларимизга тушов бўлади.

Ҳақиқатдан бой табиий ресурсларга эга бўлган Ўзбекистонимиз заминида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-куллигини таъминлаш орқали чексиз имкониятларни ишга солиш мумкин. Ҳамма гап ана шу имкониятларни кўра билишда, улардан оқилона фойдаланишда. Биз сўз юритаётган компания раҳбарлари бу масъулиятини янада чукурроқ ҳис этишлари зарур. Президентимиз юритаётган иқтисодий сиёsat талаблари, халқимиз кутаётган умидлар ана шуни ҳис этиб ишлашни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида-
ги барча бўғимларда ҳисоб-китоб билан ишлашни тақозо этади.
Биз сўз юритган ҳар иккала компания мулк шакли жиҳатидан
ҳам, хўжаликлараро муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам бозор-
нинг ўзига хос талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.
Мақсад ички имкониятларимизни ишга солиш ҳисобига импорт
ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтириш, экспорт салоҳия-
тини ошириш ва лизинг хизматини ривожлантиришга қаратил-
ган. Эндиликда нафақат техника, айни пайтда ана шу техника
жилови қўлида бўлган компаниялар ҳам дехқоннинг қудратли
қанотига айланмоғи лозим.

Ривожланган хориж давлатдари ҳалқ хўжалигига лизинг
хизматининг алоҳида ўрни бор. Ўтган асрнинг 40-50-йиллари-
дан бошлаб Америкада илк бор жорий этилган бу хизмат тури
айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлла-
нилмоқда. Республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгариш-
лар мазкур хизмат турини жорий этиш масаласини тақозо этди.
Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янги-
лаш, замонавий техникага эга бўлиш унинг афзалликларидан
биридир.

Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 30 октябрдаги қарорига
кура, республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий техника
билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш
учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «Ўзқишлоқхўжа-
ликмашлизинг» компаниясини ташкил қилди. Компания ўз
фаолиятини бошлаган йилиёқ, яъни 2000 йилда лизинг асосида
тармоққа 700 млн. сўм миқдоридаги 471 дона техника етказиб
берди. Тўғриси, ўша пайтда техникага бўлган талабнинг юкори-
лиги лизинг ҳажмини ошириш заруриятини тақозо қиласарди.
Бунинг учун паст %ли, йирик миқдордаги кредит маблағлари-
ни жалб этиш, машинасозлик заводлари билан компания фао-
лиятини мувофиқлаштириш, ҳисоб-китоб механизимини тако-
миллаштириш, хўжаликларга имтиёзлар бериш зарур эди. Ва-
зирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги қарори ушбу
муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Ўтган йиллар лизинг компанияси учун шаклланиш, яъни
оёқса туриш даври бўлди. Ишни тўла йўлга қўйиш ва лизинг
хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча
масалаларни босқичма-босқич ҳал этилади.

Маъдумки, компания республикамиз лизинг бозорида фа-
олият кўрсатаётган энг катта ташкилотdir. Ўтган йили компа-
ниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 та трактор,
100 та «Кейс-2002» русумли пахта териш машинаси ва 494 та

турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларга етказиб берилиди.

Компаниянинг ўтган йил якуни бўйича молия бозоридаги фаолияти у малакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг лизингга бериши соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатъи назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишиди. Лизинг хизмати жорий этилгач, одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ҳам жонланди.

Лизинг компанияси айни пайтда ўз мижозларига берилаётган техника қийматининг 15%ни олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қуладилек яратди. Лекин техниканинг тўлиқ қиймати тўлангунга қадар у компания мулки ҳисобланади. Шу боис лизингга олинган техникадан самарали фойдаланиш ва унинг тўғри ишлатилишини назорат қилиши нафақат мижознинг, балки компаниянинг ҳам бевосита фаолиятига киради.

Лизинг хизмати фермерлар учун катта имконият яратди. Ҳозир янги тартибда техника олувчиларнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилмоқда. Маълумки, илгари фермер бирор-бир техника восита учун ширкат хўжалиги ёки МТП га мурожат қиласарди. Бу унга ортиқча ташвиш келтирас, яъни қўшимча харажат қилишга тўғри келарди. Бугун эса мазкур хизмат туфайли ўз машина-трактор паркини тузатаётган фермерлар ҳам кўп. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши рагобат кучайишига, хизмат сифати яхшиланиши ва етиштирилаётган маҳсулот таннархи пасайишига олиб келди.

Биз бальзида хизмат сафарида бўлганимизда лизингга техника ололмаётган, ҳаттоқи дастлабки бадал пулини тўлаган бўлсада, иш чўзилаётган ҳолларга дуч келамиз. Бунинг сабаби эса битта: компаниянинг жойлардаги бўлимлари ўз вақтида мижозларини техника билан таъминлай олмаяптилар. Афсуски, бундай ҳоллар, кам бўлса-да, учраб турибди.

Биз мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида лизинг компаниясида бўлдик. У ердаги мутахассислар муаммо жиддий эканлигини, масаланинг бир томони Молия вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалигига техникалар етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш Жамғармасига бориб тақалишини айтишди. Ўйлаймизки, Жамғарма мутасаддилари бу борада дехқонларга мададкор бўлиш чораларини кўрадилар.

Қисқача хуросалар

Агросаноат мажмуси: кўп тармоқли йирик мажмуи бўлиб, ўз таркибига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи тармоқларни олади. Агросаноат мажмусининг тараққиёти нафакат озиқ - овқат таъминотини яхшилашда, балки муҳим хомашё сифатида мамлакат индустриясининг тараққиёти учун ҳам асосий омилдир.

АСМ мураккаб ишлаб чиқариш – иқтисодий тизим бўлиб, таркибига қуйидагиларни олади:

- қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, щунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари.

- қишлоқ хўжалигининг ўзи;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш билан банд бўлган тармоқлар.

Ривожланган хориж давлатлари халқ хўжалигига лизинг хизматининг алоҳида ўрни бор. Ўтган асрниг 40-50-йилларидан бошлаб Америкада илк бор жорий этилган бу хизмат тури айни пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат турини жорий этишни тақозо қиласди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Агросаноат мажмуюи дегандо нима тушунилади?
2. Агросаноат мажмуюи таркибига нималар киради?
3. Агросаноат мажмууда қишлоқ хўжалиги қандай ўрин эгаллайди?
4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш дастурининг моҳияти нимадан иборат?
5. Қишлоқ хўжалиги дастурининг қандай кўрсаткичлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. И.А.Каримов. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедова.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций.- М.: Специальная литература, 1997.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

8.1. Миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг аҳамияти

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётни ривожланишида янги саҳифа очди. Тармоқлар ва тармоқлараро пропорцияларда ижобий ўзгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, қўшма корхоналар сони ўсиб бормоқда. Иқтисодий ўсишга катта инвестициялар юборилди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, машинасозлик, металлургия, кимё мажмуи, енгил саноат, саноатнинг озиқ - овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик миқёсдаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. Кейинги йилларда транспорт мажмуига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, ўз жумладан, таълим соҳасига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон хўжалигига кириб бориш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратади.

Инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташки молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажagini белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса, биринчи навбатда, истеъмол ва жамгарма нисбатига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг фоят муҳим аҳамияти ва зарурлиги ҳақида таъқидлаб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи «... доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни талаб қилувчи масалалардан...» бири бўлишини эслатиб ўтди. Иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар киритилишини «... бизнинг доимий дикқат марказимизда...» бўлишини, «... ўзимизнинг асосий вазифамиз...» сифатида қаращимизни унутмаслигимиз зарур.

Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштириш муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги инвестицияларни молиялантиришда ички манбаларнинг нисбатан чекланганлиги; чет

эл капитали келишининг етарли эмаслиги ва бевосита хорижий инвестициялар кредитлари ролининг юқорилиги; молиялаштиришда давлат механизмларининг суст ривожланганлиги; қўшма корхоналарнинг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётганлиги; инвестиция жараёнининг миңтақавий нотекислиги; экспорт таркибида ноанъанавий бўлган маҳсулотларни кўпайтирадиган лойиҳалар ҳиссасининг пастлиги, ички банк кредитини жалб қилишнинг етарли эмаслиги; валюта лойиҳаларида бой маҳаллий хомашё ресурсларидан кам фойдаланиш; лойиҳаларни амалга оширишда инвестицион ресурсларни баҳолаш зарурати ва бошқалар билан белгиланади. Халқаро молия институтларининг валюта-кредит линияларидан фойдаланиш, лизингни ривожлантиришга йўналтирилган ишлар ва бошқалар инвестицияларни молиялаштириш амалиётига жиҳдий ўзгартиришлар киритади. Инвестициялашнинг бозор механизмларини жорий қилиш, молия бозори орқали инвестиция ресурсларини шакллантиришни кенгайтириш, ноанъанавий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш амалиётини чуқур, атрофлича тадқиқ этиш ва уларни умумлаштириш заруратини кун тартибига кўяди.

8.2. Инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши

Инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича замонавий қараш нуқтаи назарларининг ўрганилиши шуни кўрстадики, итисодий фанларнинг турли бўлимлари ва амалий фаолиятда улар турлича талқин этилади. Инвестициялаш мақсадлари, соҳалари, сафарбар этилиш обьектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб, инвестициялаш тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан, фақат капитални йўқотиш риски мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларини вужудга келтиради. Инвестицияларнинг таснифи (классификацияси)га мувофиқ ва улар молиялаштириш манбаларининг ишончлилигига қараб рисклар мажмууси ўзгариб боради.

Инвестициялар капиталнинг барча шакллари (ссуда, акциядорлик, тадбиркорлик)дан фарқли ўлароқ, бутун рисклар мажмууни ҳис этади ва капитал қийматининг ўқотиши рискини минималлаштиришни назарда тутади. Капиталдан фарқли ўлароқ, инвестициялар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан онгли равишда тўқнашади ва боғланади. Инвестицияларнинг мамлакатлараро кўчиб юриши ноаниқ рисклар ва ноаниқлик даражасини оширади.



1-чизма. Инвестицияларнинг классификацияси

Хар бир мұайян ҳолатда капиталнинг ҳозирғи қийматини жиддий жүқтош рискини пасайтиришга инвестицияларнинг мақсадлари, яғни уларнинг хавфсизлиги, даромадлилігі, капиталлашуви ва ликвидлилігін таъминлаш орқали эришилади.

Инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қыла туриб, инвестор лойихаларнинг рисклелігіні, манбаларнинг мұваққат қийматини, мұқобил имконияттарға күра, лойиханың жозибадорлыгын эътиборга олади. Бундай қарорға у рисқнинг мақбул дарајасыда кутилаётган даромадлилікнинг таҳлили асосида келади.

Инвестицияларнинг мөхияти бүйінча хulosса чиқарылса, улар аниқ ва ноаниқ бүлған рисклар ва бұлажакдаги даромадлар билан боғлиқдир. Инвестициялаш ҳақидағи лойиха танланар ва улар бүйінчі қарор қабул қылышар әкан, асосий эътибор рискларни ва бұлажак инвестиция даромадлилігіні ҳисобға ола билишга қараталиши зарур. Инвестициялар қийматни нақадар самара келтириш йұналишларини аниқлаш асосида улар манбаларини ишончлилігіні танлаб олиш, инвестициялаш билан боғлиқ аниқ ва ноаниқ рискларни ўлчаш билан боғлиқдир. Капиталнинг даромадлар келтириш имконияти улар келадиган манбалар ва ишлатиладиган йұналишлар билан боғлиқдир.

Инвестицияларнинг мазмұны, аниқ манбалардан маблағ олишга, капитал қийматини сақланиш риски дарајаси ва бұлажак са- марага эришишни ҳисобға олған ҳолда уларнинг асослы күйили-

шини билдиради. Ана шу белгиларга күра, инвестициялар бошқа құйылмалардан фарқ қилиши мүмкін. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Капиталнинг ҳаракат қилиш жараёнiga жалб этилиши инвестициялар мөхиятини акс эттиради. Инвестициялаш жорий қиймати сақлаш, келгуси жамғармаларни таъминлаш мақсадида капиталлашуға қаратылади. Холоса қилиб айтадиган бұлса, инвестициялар назарда тутилған ва тутилмаган, аммо әхтимоли бор рисклар ҳамда күзланаётгандықтан самарапаларни баҳолаш асосида, ұз ва үзға маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради.

Баён этилған таърифда инвестицияларнинг қуйидаги мұхим сифат тавсифлари акс этади: молиялаш манбаларининг құлға киритилиши мүмкінligини ва ишончлилиги келгусидаги қиймат әвазига жорий истеъмолдан воз кечиш, инвестицияларни аниқ, ноанық рисклар билан боғлаш ва молиявий оқибатларни бащоратлаш; реал ва молиявий активларга эга бўлиш йўли билан инвестицияларни капитал ҳаракатланиш жараёнларига боғлаш; инвестициялар ликвидлиligини ҳисобга олған ҳолда уларни муайян муддатларга сафарбар қилиш; диверсификациялаш орқали инвестициялаш мақсадларини үйғунлаштириш; инвестицияларнинг капиталлашуви ва жамғарилиши.

8.3. Иқтисодиётта хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари

Халқаро инвестиция муносабатларида инвестицияларнинг ҳукуқий шароитлари алмашиши асосида құшымча рисклар таъсири әхтимоли ошади. Мамлакат риски қуйидагиларни назарда тутади: сиёсий вазият; иқтисодий ривожланиш тенденцияси; ҳукуматнинг бюджет сиёсати ва унинг жамғарма ва инвестицияларга таъсири; нархлар ва валюта курсини барқарорлаштиришга қаратылған пул кредит сиёсати; мамлакат риски қабул қилиниши мүмкін бўлган ҳолларда инвестициялардан даромад олишлик имкони. Булар хорижий инвестициялар рисклари доирасини кенгайтиради.

Хорижий инвестицияларнинг кескин фарқи уларнинг мамлакатлараро құчиши, фақат ұз мақсадини күзлаши, амал қилиш шароитларининг үзариши, анча қулай шартлар билан қўйилиши, ишонч қозониши ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни таърифлашда уларнинг үзига хос барча ҳусусиятлари акс этиши лозим деб ҳисобланади. Бунинг сабаби, хорижий инвестициялар бир иқтисодиёт субъекти капиталини бошқасига боғлаб қўйиш бўлиб, бунга үзига хос

қўшимча рисклар, хуқуқий шароитлар, инвестиция иқлимининг ўзгариши хосдир. Натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради. Хорижий инвестицияларнинг кириб келиши капитал импорт қилувчи мамлакатда солиқ, ижара ҳаки ва бошқа тушумлар купайишини таъминлайди.

Бозор қитисодиёти тўлиқ қарор топгунича, инвестициялар учун солиқ кредитлари, солиқ имтиёзлари, божхона тўловларини камайтириш, иқтисоднинг кўп меҳнат талаб қиласидан секторлари, шу билан бир вақтда бандлик муаммосини ҳал этувчи янги лойиҳаларга хорижий инвестицияларни жойлаштиришини рафбатлантиришдан тўлиқ фойдаланиш қилинади. Инвестициялашда устуворлик катта капитал талаб қилинадиган ва илмий янтиклар яратиладиган тармоқларнинг янги лойиҳаларига жойлаштирилиши зарур.

Хорижий инвестициялар жалб этилишининг амалдаги белгиланган шартларини айрим мамлакат ва муайян инвесторлар учун халқаро келишувлар билан мувофиқлаштириш зарур. Бунда ечиладиган масалаларга боғлиқ равишда қўшимча имтиёзлар яратиш ва рафбатлантиришни йўлга қўйиш талаб этилади. Хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат ўз экспортини импордан устунлигига эришиши лозим. Бу билан уларнинг кредит тарзида жалб этилиши ва ўз имкониятларидан ортиқ даражада истеъмол этишнинг олдини олиш мақсади қўзланади.

Оммавий-хуқуқий ва хусусий-хуқуқий меъёрлардан фойдаланишга асосланган инвестиция фаолиятини тартиблаш усуллари миллӣ ва халқаро хуқуқ тизимлари уйғунлаштирилиши асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Халқаро инвестиция муносабатлари, мамлакат ички муносабатларидан фарқли ўлароқ, айрим мамлакатлар, корпорациялар, компанииялар, молия ва кредит муассасалари ва муайян инвесторлар манфаатларини акс эттиради. Узбекистонга чет эл сармоялари оқими кенгайиши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компанииялар, муайян инвесторлар манфаатларининг самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат тартиблashi кўпроқ хусусий тадбиркорлик соҳалари ва иқтисоднинг аралаш секторлари инвестиция фаолиятига жалб этилиши ва бу борада уларни рафбатлантиришга қаратилиши лозим.

Хориж капиталини жалб қилувчи мамлакат, улар оқимини рафбатлантириш, қулай шароиларни таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари ва бошқа кафолатлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги аҳамиятлиdir.

Инвестицияларни кучли рафбатлантириш омили сифатида

жадаллаштирилган амортизациянинг турли усулларидан фойдаланиши ҳисобланади: бир маромда эскириш қийматини ажратиш (straight line); йиллар йигиндисига қараб ажратиш усули (sum-of-years line); қиймат қолдигини икки ёқлама тутатиш усули (double-declining balance); эксплуатация бирлиги усули (units of production). Мулоҳаза қилинган ва ҳар томонлама ҳисобкитобдан ўтказилган амортизация ажратмаларининг жадаллаштирилган усуллари инвестицияларга йўналтирилган маблағни фойда солигига тортилишидан сақлаб қолади.

Ўзбекистон амалиётида жадаллаштирилган амортизация усули асосий капитал хизмат муддатини қисқартиришга имкон беради, бироқ амалий жиҳатдан жадаллаштирилган амортизацияни деярли истисно қиласди, ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицияларни рафбатлантириш тадбирлари доирасини торайтиради.

Рафбатлантирувчи солиқ имтиёзлари инсон капитали, технологик ва техникавий билимлар соҳаси ривожлантирилишга қаратилган инвестициялар кўлами кегайтирилишига қаратилиши зарур. Буларнинг барчаси Ўзбекистондаги инвестиция муҳити моделлаштирилишини талаб этади, бу билан хорижий инвесторлар саъй-ҳаракатига таъсир этувчи омиллар ҳақида тадрижий тасаввур олиш, чет эл инвестицияларини тартибга солиш воситаларини ўйғунлаштириш имконлари туфилади.

8.4. Ўзбекистонда инвестициялар манбаларининг таҳлили

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш, кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва тузилмавий ўзгартаришлар, хусусий корхоналар ҳиссаси ортиб бораётган шароитларда Ўзбекистонда ЯИМнинг барқарорлиги кузатилади, бу эса капитал инвестициялар ўсишига мос эмас.

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ва инвестициялар кўрсаткичлари

Йиллар	Номинал ЯИМ (млрд. сўм)	ЯИМ (доимий нархларда)	Асосий капиталга инвестициялар (доимий нархларда)
1993	5,1	97,7	95,0
1994	64,9	94,8	78,0
1995	302,8	99,1	104,0
1996	559,1	101,7	107,0
1997	976,8	105,2	117,0
1998	1416,2	104,3	115,0
1999	2128,7	104,4	102,0
2000	3194,5	104,0	101,0

Жадвалдан кўринадики, кейинги йилларда иқтисодиётнинг асосий капиталига инвестициялар киритиш анча пасайған. ЯИМ таркибини харажатлар бўйича тадқиқ этиш шуни қўрситадики, истеъмол асосан уй хўжаликлари ҳиссасининг кўтарилиши ҳисбига нисбатан юқорилигича қолмоқда, ялпи капитал инвестициялари ҳиссасининг пасайиши тенденциялари кузатилади.

11-жадвал.

Ўзбекистон ЯИМнинг харажатлар бўйича таркиби (жамига нисбатан %ларда)

	1995	1996	1997	1998	1999	2000
ЯИМ	100	100	100	100	100	100
Пирорвад истеъмол	72,9	77,3	81,3	83,5	82,7	83,4
Уй хўжаликлари истеъмоли, Давлат ва хусусий Нотижорат ташкилотлар истеъмоли	50,6	55,2	60,8	63,0	62,1	63,7
Ялпи капитал	22,3	22,1	20,5	20,5	20,6	19,7
Инвестициялар	24,2	23,0	18,9	14,8	17,2	15,9
Товарлар ва материаллар захираси ўзгаришлари	33,0	36,8	33,8	30,4	27,1	25,0
Соф экспорт	-8,8	-13,8	-14,8	-15,6	-9,9	-9,1
	2,9	- 0,3	- 0,2	1,7	0,7	0,7

Жадвал Иқтисодиёт вазирилги макъумотлари асосида тузилиган.

Тадқиқ этилаётган даврда асосий истеъмолга инвестициялар ҳиссасининг пасайиши юз берди. 2000 йилда ЯИМда капитал жамғармалар салмоғи (солиширма ҳиссаси) 25 %ни ташкил қилди. Агар 1999 йилда ЯИМда жамғармалар ҳиссаси 17,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу қўрсаткич 16,6 %га тушди. Бундай ўзгаришлар ЯИМда ишлаб чиқариш соҳалари ҳиссасининг кўтарилиши, айни пайтда соф солиқларнинг ошиши билан кечди. Айни пайтда ЯИМда саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишнинг ҳиссаси пасайди. Капитал инвестицияларнинг ЯИМга нисбати шуни кўрсатадики, Узбекистонда кейинги йилларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига боғланган инвестицияларнинг нисбати ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий капитал пасайиши томон борди.

Инвестицияларнинг тармок тузилиши таҳлили кўрсатишинча, сўнгти йиллардаги, биринчидан, инвестиция сиёсатида асосий эътибор коммуникация билан боғлиқ секторларни ривожлантиришга қаратилди, иккинчидан, инвестиция тузилишида ноишлаб чиқариш соҳаси улушкининг юқорилигига эришилди, учинчидан, жами инвестицияларда давлат улушкининг катта бўлиши

таъминланди. Бу билан давлат нафақат бош ислоҳотчи, балки бош инвесторлик вазифасини ҳам ўтади.

Таҳлиллар кўрсатишича, асосий капиталга сафарбар этилган инвестицияларнинг учдан икки қисми давлат молиялаши воситасида амалга ошмоқда. Бунда ишлаб чиқариш соҳасига сарфлар улушининг пасайиши, хусусий мулк доирасидаги инвестицияларда ноишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ сарфлар ошиши кузатилмоқда. Бу ҳол, айниқса, фуқаролар ва ижтимоий ташкилотлар мулкида яққол намоён бўлмоқда. Натижада актив капиталга маблағ юбориш пастлигича қолмоқдаки, бу янги технологияга таянган қувватлар ўсимини чекламоқда. Давлат сектори чет эл кредитлари ва бошқалар ҳисобидан молиялаш устунилигича қолиб келди.

Инвестициялаш жараёнларини эркинлаштириш бозор меҳанизмлари тўлароқ ишлапини тақозо қиласди. Бўнда нодавлат сектори доирасида инвестиция фаолиятини жадаллаштириш талаб этилади. Таҳлил кўрсатишича, молиялашнинг давлат воситаси ҳозирчалик инвестиция сарфлари самараси ошишига олиб келмади, бу ҳолни давлат ва нодавлат мулки миқёсидаги инвестициялар, тармоқ ва технологик тузилмалардаги ўзгариш динамикаси ҳам тасдиқлайди. Буларнинг барчаси молиявий воситачиликни ривожлантиришга кўмаклашувчи турли давлат молиявий институтлари тармоғи кенгайтирилишини талаб қиласди. Уй хўялиги бўш маблағлари ва индивидуал жамғармаларни жалб этиш йўли билан улардан узоқ муддатли инвестиция ресурсларини ҳосил этиш мумкин.

Инвестицияларни молиялашнинг давлат ва бозор воситалари бир вақтда амал қилиши иқтисодиёт турли субъектларини тенг бўлмаган шароитга қўяди, ҳаракат эркинлиги ва ижодий ташаббусни бўғади, бюджет маблағни олувчиларда боқимандаликни юзага келтиради. Инвестицияларни молиялаш манбаларининг таркиби шуни кўрсатадики, уларни таъминлашда корхоналар ва аҳоли хусусий маблағлари, чет эл инвестициялари улущида ўзгаришлар кузатилмоқда.

Бюджетдан ташқари давлат маблағларини ҳам ҳисобга олганда инвестициялашда давлатнинг устуворлиги кузатилади. Шу боис Узбекистонда инвестиция жараёнини қайта қуришнинг асосий йўналиши, бизнинг фикримиз, инвестиция юкини бюджетдан молиялашдан иқтисодиёт куйи субъектлари зиммасига ўтқазиш бўлади. Бу ўз-ўзини молиялашдан иборат бозор тамойилига мос келади. Яна бошқа бир муаммо – иқтисоднинг давлат секторидаги инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимотини алоҳида назорат қилган ҳолда турли манбалардан келган инвестициялар нисбати

самарали бўлишига эришишдир. Молиялаш манбаларини такомиллаштириш инвестициялар ва молиялашда индивидуал ва корпоратив мулклар ролини оширади, инвестиция рискларини субъектлар ўртасида диверсификациялаб, уни минималлаштириш, ресурс эгалари масъулиятини, даромадларнинг жадал капиталлашуви самарасини ошириш масаласини ҳал этишга ёрдам беради. Банк кредити ролининг ошиши фикримизча, молиялаш натижалари учун корхоналар масъулиятини кўчайтиради, чунки кредитнинг аҳамияти ошиши билан банк кредит рисклари мажмuinинг даражаси ҳам ошади. Шунинг учун давлат корхоналарига нисбатан, давлат бюджетидан инвестиция ажратишни белгиланган ва паст даражадаги имтиёзли % ставкалари асосида давлат молия институтлари тизими томонидан бошқариладиган арzon кредитта айлантирилиб, уни танлов (тендер) асосида тақсимлаш бозор талабига мос келади.

12-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга сафарбар этилан инвестицияларнинг молиялаш манбалари (жамига нисбатан %ларда)

Инв.	Молиялаш- нинг жами манбалари	Шу жулудан				
		Давлат бюджети маблағлари	Корхоналар ва ахолининг хусусий маблағлари	Банк кредитлари	Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари	Чет ал инвестициялари ва кредитлари
1992	100,0	59,3	40,7	-	-	-
1993	100,0	27,2	72,8	-	-	-
1994	100,0	15,1	84,1	-	-	0,8
1995	100,0	27,2	58,4	13,1	0,1	1,2
1996	100,0	27,3	48,8	9,6	-	14,3
1997	100,0	26,2	49,2	7,5	-	17,1
1998	100,0	26,2	45,8	7,3	0,6	19,9
1999	100,0	24,2	48,7	6,1	0,7	20,3
20009	100,0	30,5	37,6	5,4	0,3	26,2
2001	100,0	30,3	39,1	7,55	1,4	21,7

Жадвал Собиқ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Инвестицияларни молиялаш манбаларидағи хусусият давлат бюджети маблағи солиштирма салмоининг юқорилиги, корхоналар маблағи ва хусусий маблағнинг солиштирма салмоғи пастлиги ҳисобланади. Уларнинг солиштирма салмоғи кейинги йилларда деярли икки марта камайди ва чет эл кредитлари солиштирма салмоғи бир неча марта ошди, аммо бевосита чет эл инвестицияларининг улуши пасайди.

Чет эл инвестициялари ва кредитларининг асосий қисми бугунги кунда давлат мулкчилиги шаклидаги корхоналар асосий капиталини молиялаштиришга жалб қилинмоқда. Чет эл инвестициялари ва кредитлари таркибида кредитлар асосий ўринни эгаллайди. Асосий капитални молиялаштириш манбаларида чет эл инвестициялари ва карзлари кейинги йилларда 20 ва ундан кўп % ни ташкил қилган ҳолда ўз тузилмасига кўра, ўзгариб бормоқда, чет эл инвестициялари камайган ҳолда чет эл кредитлари ҳиссаси ортиб бориши тенденцияси қузатилади ва уларнинг кўпроқ қисми ҳукумат кафолатлари билан жалб қилинмоқда.

Инвестицияларни молиялашнинг хориж манбаларида ҳукумат кафолати остида кредитларни пасайтириш ҳисобига чет эл инвестициялари улушкини ошириш лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, инвестицияларни молиялап манбаларида қарз аҳамиятининг ошиши асосан чет эл ва миллий марказлаштирилган кредитлар ҳисобига юз бермоқда. Ҳукумат кафолати остида олинган чет эл кредитлари улушкининг ошиши валютадаги кредитларнинг қайтарилмаслиги рискларини ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, инвестиция қарорларини қабул қилишда, инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда ва халқаро қарз маблағларидан фойдаланишда банкларнинг масъулиятини жиддий равишда оширишини талааб қиласди.

Нобанк кредит муассасаларига ривожи рақобат орқали молиявий воситачиликни кенгайтириш ва инвестиция фаолияти учун тўпланаётган маблағлардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Банкларнинг инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва рискларини диверсификациялаш учун бир неча банк ёки кредит муассасалари томонидан синдициялашган кредитлар берилшини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, иқтисоднинг реал секторида ҳаётchan лойиҳаларни лойиҳавий молиялаштириш услугияти асосида таъминланиши мумкин.

Кредит уюшмалар ўз аъзоларига тезда оқланадиган лойиҳа асосида арzon ссудалар бериши иқтисодиёт қўйи субъектларининг инвестиция ташаббусига йўл очади. Бунга эришиш учун % ставкалари кредит уюшманинг операцион харажатларини қоплашни таъминлайдиган даражада белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Булар орқали кичик ишлаб чиқаришни, майдада савдони кредитлашни ташкил этиш мумкин бўлади. Иқтисоднинг кичик субъектлари учун асосий масала молиялаш манбаларини топиш ҳисобланади. Бу масалани ҳал этиш учун тижко-

рат банкларидан ташқари молия институтлари тузилиши лозим. Бу институтларнинг сусда капитали маҳсус фондлар, қуий субъектларининг ўз жамғармалари, шунингдек, корпоратив облигациялар чиқариш ва жойлаштириш' ҳисобидан шакллантирилиши мумкин.

Давлат молия институтлари алоҳида рискли, лекин устувор тармокларда ҳамда етарлича кредитга қобил бўлмаган ва қарз маблағларини талаб қилувчи корхоналарнинг асосий ва айланма капиталини кенгайтириш учун имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар бериши керак. Кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялашдаги кредитнинг аҳамиятини кучайтириш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур: рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларига устуворлик бериш; давлатнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи маблағларини ягона фондга бирлаштириш, хусусий корхоналарнинг ўз жамғармаларини инвестицияларга тортиш учун қўшимча имтиёз бериш; халқаро маркетинг марказини барпо қилиш ва унинг негизида экспортёrlарни, маҳсулот сотиладиган бозорлар бўйича маркетинг-ахборот тизимини қўллаб қувватловчи минтақавий марказлар тармоғини бунёд этиш, лизинг, кафолат фондлари, ихтисослашган банкларнинг ўзаро кредитлаш жамияти, мини-техника ва ускуналар лизингини, кичик маблағларни жамлаш учун кредит уюшма (кооператив)лари тармоғини шакллантириш кичик ва ўрта корхоналар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон тикланиш ва ривожлантириш банкини тузиш; чет эл кредитлари ва инвестицияларини босқичма-босқич жалб этиш дастурини ишлаб чиқиши.

Кичик ва ўрта корхоналар инвестиция лойиҳаларини экспертиздан ўтказиш чоғида уларга хомашё етказиб берувчи аниқ бозорнинг мавжудлиги, маҳсулот сотиладиган бозорлар маркетинг тадқиқоти натижалари; айланма капитални ўз маблағлари ҳисобидан таъминлаш имкониятларини баҳолаш; меҳнат ресурслари сарфини баҳолаш кабилар талаб қилинади.

Қисқача хуросалар

Инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди.

Молиявий моҳиятига кўра, инвестициялар даромад олиш учун хўжалик фаолиятига сарф қилинган ҳамма турдаги активлардир. Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар капитални яратиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш учун кетадиган харажатлар ва шунга боғлиқ равишда айланма капиталнинг ўзгаришидир.

Ўзбекистонга чет эл сармоялари оқими кенгайиши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларининг самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади.

Инвестицияларни молиялаш манбаларидағи хусусият давлат бюджети маблағи солишишима салмоғининг юқоришлиги, корхоналар маблағи ва хусусий маблағ солишишима салмоғининг пастлиги ҳисобланади. Уларнинг солишишима салмоғи кейинги йилларда деярли икки марта камайди ва чет эл кредитлари солишишима салмоғи бир неча марта ошди, аммо бевосита чет эл инвестицияларининг улуши пасайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлатнинг инвестиция сиёсати моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Инвестициялар иқтисодий ўсишга қандай таъсир этади?
3. Давлат инвестиция сиёсатининг зарурлиги қандай ҳолларда намоён бўлади?
4. Инвестициялар самарадорлиги қандай аниқланади?
5. Капитал қўйилмалар деганда нима тушунилади ва уларнинг таркиби қандай?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедова.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши - Т.: Ўқитувчи 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУРИЛИШ МАЖМУИ

9.1. Қурилиш, унинг халқ хўжалигига тутган ўрни ва аҳамияти

Қурилиш республикадаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири. Республика иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин З-йеринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,8%, халқ хўжалигига банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 10,34% қурилиш ишлари билан машғул.

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат қўрсатиб, асосий фондларнинг қайта тақрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Республикада қурилиш ишлари пудрат, субпудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш мажмуига республикадаги қурилишга хизмат қиласиган барча муассаса, ташкилот, ишлаб чиқариш бошқармалари ва корхоналари, яъни лойиҳалаштиришдан тортиб, бино ва иншоотларни фойдаланишга топширгунча хизмат қилувчи босқичлар киради. Турли хўжалик соҳалари алоқаларининг кучайишини тармоқлараро қурилиш саноати таъминлайди.

Ҳозирда, республикада қурилиш саноати қишлоқ хўжалиги ва транспорт сингари муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиш саноати завод- фабрикалар, кон-каръерлар, канал-сув омборлари, йўл-туннеллар, муассаса-корхоналар, уй-жойлар ва ҳоказолар қуришни ўз ичига олади.

Қурилиш саноати қурилиш ва доимий кадрлар билан иш кўради. Унинг маҳсулотлари битказилган ва фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлардир. Буларнинг ҳаммаси республиканинг жуғрофий муҳити, жойларнинг иқлими, тузилиши, ер ости сувлари, геологик ва сейсмик ҳолати ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Масалан, республикамиз сейсмик фаол районда жойлашганидан бино ва иншоотларни 9 ва 10 балли сил-кинишларга бардош берадиган қилиб қуриш талааб этилади.

Қурилиш саноатининг маҳсулотлари саноат, қишлоқ хў-

жалиги, транспорт ва ҳоказоларга ҳамда уй-жой хўжалиги, маданий-майиший, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари ривожланишга хизмат қилади.

Қурилиш саноати тараққиёти табиий ва меҳнат ресурсларининг жугофий хусусиятларини чуқур илмий таҳлил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистонда қурилиш ишларининг муваффақияти барпо этилган қурилиш ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

9.2. Қурилиш индустряси

Ўзбекистон Республикасида қурилиш индустрясининг негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўщма ва бошқа пудрат қурилиш-монтажи ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда 245 монтаж-қурилиш трести, 196 қурилиш саноати корхонаси, 1882 қўйи пудрат ташкилоти, 3 мингта яқин кичик корхона, 64 лойиҳа ва илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатади. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари ихтисослаштирилган корпорация, компания, бирлашма, трестлар ва бошқармаларга уюшган. Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади.

Қурилиш индустрясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зинапоялар ва бошқаларни завод усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди. Қурилиш тобора бино ва иншоотларни монтаж қилиш жараёнига айланниб бормоқда. Биноларнинг зилзилабардошлиги таъминланган. Қишлоқ жойларида лойиҳалаш-қурилиш тамойиллари ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича саноат мажмуилари ўрнига кичик фирмалар қурилмоқда. Имаратларни тиклашда енгил конструкциялар кўпроқ кўлланилмоқда, хўжаликлар кўргонларини қуришда уй-жойлар билан бир пайтда маданий-майиший муассасалар, ишлаб чиқариш бинолари комплекс фойдаланишга топширилади. Қурилишда жами жараёнларни қамраб олган қишлоқ қурилиш комбинатлари барпо этилган.

Ўзбекистонда қудратли иқтисодий салоҳиятни барпо этишдаги муваффақиятлар бевосита қурилиш билан боғлиқ. 1924-95 йилларда 5,5 минг км. темир ўйл, 1500 дан ортиқ йирик давлат саноат корхонаси, 40 га яқин магистрал канал, 54 йирик сув ва сел омбори қурилди, 2 млн. га дан ортиқ сугориладиган ерлар ўзлаштирилди, 29 млн. га яйловга сув чиқарилди.

1995 йилда жами манбалардан ўзлаштирилган капитал маблағлар 82,2 млрд. сўмни, жумладан унинг 47,0 млрд. сўми ни қурилиш-монтаж ишларига сарфланган маблағлар ташкил этди. Капитал маблағлар таркибида давлат ҳиссаси 57%га тушди. Уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилди ва молиялашнинг жами манбаларидан фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг капитал қурилиш янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-машиний бинолар, бозор ва савдо расталари, ҳаммом, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, ўнлаб меъморий мажмуилар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди.

Капитал маблағларнинг 66,8%и ишлаб чиқариш, 33,2%и ноишлаб чиқариш обьектлари йўналишда сарфланди. Қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида халқаро классдаги меҳмонхоналар қурилиши ва таъмирлаш ишлари бошланди. Республика тарихида биринчи марта қапитал қурилиши соҳасига чет эл инвестициялари жалб этилди. Капитал маблағлар таркибидаги хорижий инвестициялар ҳиссаси 16%ни ташкил этди.

9.3. Қурилиш тизими

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида қурилиш ишлари са-марадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тутатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган ихтисослашган давлат концернлари, компаниилар, давлат акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар ташкил этилди. Уларнинг энг йириклари: «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўздеҳқончиликкурилиш», «Ўзжамоахўжаликқурилиш» давлат ширкат бирлашмалари, «Тошкентуй-жойинвестқурилиш» корпорацияси ва бошқалардир. Сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни «Ўзсувқу-

рилиш» давлат концерни олиб боради. «Ўзтрансқурилиш», «Ўзва-
тойўл» концерни, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳам
курилиш ишларини бажаради.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси республика саноат қурилиши, уй-жой ва бошқа ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш билан шугулланади. Қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларни ихтиёрий асосларда бирлаштиради. 1992 йил 25 декабрда республика Давлат бошқаруви органи хуқуқи берилган хўжалик ташкилоти Қурилиш вазирлиги негизида ташкил қилинган. Корпорация таркибида 8 ўюнма, 147та акциядорлик жамияти, 7 давлат корхонаси, 6 қўшима корхона, З илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти ва бошқалар бор.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» ўюнмаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида монтаж ва маҳсус қурилиш ишларини олиб боради. Технологик жиҳозлар, электр таъминоти объектлари, автоматика, алоқа тизимлари, металл ва йиғма темир-бетон конструкциялари, иссиқлик изоляцияси жиҳозлари, лифт ва кўтаргичлар, саноат печлари ҳамда қувурлари ва бошқаларни монтаж қиласди, қуради. 1992 йил 27 октябрда Ўзбекистон монтажи ва маҳсус қурилиш ишлари вазирлиги (1965) ва бошқа ташкилотлар негизида ташкил этилган. Ўюнма таркибида ихтисослаштирилган трест, «Ўзэлектрмонтаж», «Ўзсантехгазмонтаж», «Ўзиссиқлиkmонтаж», «Ўзсаноатвентиляция», «Ўзпўлатконструкция», «Фарғонанефткимёмонтаж» трестлари, «Ўзбекнефтмонтаж» бошқармаси, Тошкент енгил металл конструкциялари, Тўйтепа металл конструкциялари, Тошкент санитария жиҳозлари заводлари, «Ўзмонтажлойиҳа» институти ва бошқалар бор.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатлар фирмалари билан турли корхоналар қурилишида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

«Ўздехқончиликқурилиш» бирлашмаси қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилиш ишларини олиб боради. Республика Қишлоқ қурилиши вазирлиги ва «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасининг айрим ташкилотлари негизида ташкил этилган. Бирлашма қишлоқ хўжалигининг моддий- техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, жамоат бинолари, мактаблар, йирик касалхоналар, савдо марказлари, клуб ва маданият саройлари, боғчалар, майший хизмат қўрсатиш комбинатлари ва бошқалар қурилишида катта ютуқларни қўлга киритди. Республика қишлоқларини ободонлаштириш, йўл, электр шохобчалари, газопроводлар қурили-

ши, қишлоқ мөхнаткашларининг буюртмалари бўйича уй-жойлар қуриб бериш ишларини ҳам бажаради. Бирлашма таркибида 23 бош пудратчи трест, 191 механизациялашган кўчма колонна, 27 завод, 14 автобаза, «Ўзделхончиликкурилишлойиҳа» институти ва бошқа ташкилотларда 64 минг ходим ишлайди. Бирлашманинг ўз корхоналарида темир-бетон панеллари, керамзит, ўтга чидамли гишт, бутловчи қисмлар, санитария, техника қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

«Ўзжамоахўжаликкурилиш» ширкат бирлашмаси қишлоқ туманларида, жамоа хўжаликларида уй-жой, жамоат ва маданий-маиший обьектлар, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бўйича бош пудратчи. 1991 йил май ойида ташкил этилган Республика агросаноат мажмуини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бирлашма таркибида 15 та вилоят умумий қурилиш трести, маҳсус қурилиш ва қурилиш таъминоти билан шуғулланадиган 3 бирлашма, лойиха институти, автобаза, трестлар таркибида 191 бошланғич қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ва темир бетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган 39 саноат корхонаси ишлайди. Бирлашмада 36 мингта яқин ишчи ва муҳандис ходимлар банд.

Бирлашма тарихи 1964 йилдан бошланади. Ўша йили апрел ойида вилоятлардаги колхозлараро қурилиш бошқармалари, кичик цехлар, гишт заводлари негизида «Ўзколхозқурилиш» бирлашмаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси республика қишлоқ қурилишида ягона техника сиёсатини ўtkазиш, хўжалик, уй-жой, маданий-маиший, коммунал ва бошқа мақсадлардаги обьектларни қуриш ва бошқалардан иборат эди.

«Тошкентуй-жойинвестқурилиш» молия қурилиш корпорацияси Тошкент шаҳрида уй-жой, маданий-маиший ва саноат қурилишини олиб боради. 1994 йил декабрда Тошкент давлат акциядорлик қурилиш корпорацияси (1963-1993 йилларда Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқарма) негизида ташкил этилган. Очиқ турдаги акциядорлик бирлашмаси, таркибида қурилиш, лойиха ташкилотлари, бинокорлик материаллари корхоналари, кредит-молия муассасалари, инвестиция-суғурта тузилмалари бор. Фақат қурилиш соҳасида 12 трест, 4 уйсозлик комбинати, маҳсус транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентқурилиш», «Тошкентшаҳарлойиҳа» лойиха институтлари ва бошқа ташкилотлар ишлайди, корпорацияда 28 мингдан кўпроқ қурувчи ва муҳандис-техник ходим банд.

Республика Президентининг 1996 йил 31 январдаги «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-куватлашни кучайтириш тұғрисида» Фармонига қўра аҳо-

лининг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадларида Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой жамғарма банки (Тошкенттуйжойжамғармабанк) ташкил этилди ва банк уй-жой облигацияларини чиқарди.

9.4. Қурилиш материаллари саноати

Ўзбекистон Республикаси кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпгич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳақ, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хомашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланди.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талаби тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги кўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб, кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда табиий хомашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бинолар қурилишида хом фишт, гувала, ёғоч, синч, оддий тупроқдан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдоңларда пиширилган фишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мармар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустрисининг биринчи корхонаси 1913 йил қурила бошлаган Хильково цемент заводидир. Республикада цементга эҳтиёж ошиб борганидан кейин 1932 йилда Қувасой цемент заводи ишга туширилди.

Республика цемент саноати тармоғида йилига 5 млн. т.дан кўпроқ цемент ишлаб чиқарадиган 5 йирик корхона ишлайди. Цементнинг ҳамма асосий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цемент корхоналарида шифер, абоцемент қувурлар, минерал пахта ва ундан тайёрланадиган буюмлар, цемент-кум черепицалари ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга кўйилган.

Тоштарошлиқ (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мармар ва гранит)дан ишланган қоплама материаллари ва банклар Марказий Осиё меъморчилигига кўп ишлатилган.

Коплама тошлар захиралари, хилма-хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мармар, гранит, тровертин, туф ва бошқа жинслар конлари топилган. Республикада норуда ва қоплама материаллар тармоғида тошига ишлов беришадиган 19 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Деворбоп материаллар саноати соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат фиштининг асосий қисми Яланғоч 2-фишт заводи, Янгийўл 8-фишт заводи ва бошқа заводларда чиқарилади. 1990 йиллар бошидан гиштни янги технология асосида тайёрлаш бўйича экспрементал цехлар ишга туширилди.

Керамика саноати тармоқларида Ангрен керамика комбинати ва Тошкент қурилиш материаллари комбинатида барча турдаги сопол кошинлар, санитария-қурилиш фоянси, гипс, канализация қувурлари, малойиҳа буюмлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шиша-ойна саноти соҳасида «Қувасойшиша» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Фазалкент шиша-ойна заводи ишлайди. Бу корхоналарда йилига 212 млн. дона консерва шиша идишлиари, 80 млн. дона бутилка, 2 млн.м² дераза ойнаси ишлаб чиқарилади.

Қисқача хуросалар

Фондларнинг такрор ишлаб чиқаришни бевосита таъминловчи моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва лойҳа ташкилотлари биргаликда қурилиш мажмуини ташкил этади.

Қурилиш мажмуи лойиҳалашдан бошлиб, токи тайёр объектларни ишга тушунишгача бўлган барча босқичдаги ишларни амалга оширади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида қурилиш ишлари са-марадорлигини янада ошириш мақсадидага айрим қурилиш вазирликлари тутатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган ихтисослашган давлат концернлари, компаниялар, давлат акциядорлик бирлашмалари, уошмалар ташкил этилди.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талабини тўла қондиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қурилиш мажмуи қандай моҳиятта эга?
2. Қурилиш индустряси негизида қандай маъно бор?
3. Капитал қурилишнинг ҳозирги кундаги вазифалари нималардан иборат?
4. Қурилиш тизимишининг таркибига нималар киради?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. - М.: Специальная литература, 1997.

РЕСПУБЛИКАДА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

10.1. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг устувор йўналишлари

Президент И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси 9 сессиясидаги маърузасида (2002 йил, 29 август) кўрсатилган вазифалар мамлакатимизни, жамиятилизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бу борада амалга оширилган ижобий ишларни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган мэрраларга етказиш мақсадларини ўзида мужассам этган дастурнинг негизини қуидаги устувор йўналишлар ташкил этади:

Биринчи устувор йўналиш. Энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгиз олий неъмат- мустақилликни бундан бўён ҳам асрар-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш, демакдир.

Бу узоқ - яқин қўшилиларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида ящаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносаб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш, демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш – мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталитини таъминлашдан иборат. Чунки бу мезонлар ҳар доим ривожланиш ва тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Шунинг учун ҳам экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятлармизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим.

Учинчи устувор йўналиш – бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

Тўртингч устувор йўналиш. Їкамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жихатидан янгилаш борасидаги тўртингчи ва энг муҳим устувор йўналиши – инсон хуқуqlари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалда жорий қилишдир.

Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташқилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичмá-босқич ўтказа боришни таъминлашдир.

Олтинчи устувор йўналиш – суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни давом эттиришдан иборат. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоги зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъи ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар.

Етtingчи устувор вазифа – барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Бу - демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Барча яхши биладики, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишининг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу, ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиласидиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоги керак.

10.2. Устувор йўналишлар мазмуни

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинч сессиясидаги маърузасида, «Жамиятимиз тараққиёти устувор йўналишларининг учинчиси» бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, қучли бозор инфратузилмасини яратип, барқа-

пор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат» эканлиги белгилаб берилди. Бу йўналишнинг муваффақиятли амалга оширилиши, биринчи навбатда, хусусий секторнинг мавқеини янада оширишни, кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантиришини тақозо этади. Мустақиллигимиз рамзларидан бири бўлган сўмимизнинг барқарорлигини ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамламасдан, жозибадор инвестиция мухитини ва инвесторлар учун кафолатларни яратмасдан, ташки ва ички сармояларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтинвалюта захираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтирмасдан, ҳалқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтирмасдан, дунё иқтисодий тизимиға интеграциялашмасдан, Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратмасдан туриб, бу устувор йўналишнинг ҳаётга татбиқ этилишини тасаввур этиш амалда мумкин эмас.

Энг аввало, бугунги кунда иқтисодий соҳада вазифаларнинг айнан шундай белгиланганлигини ҳар биримиз тўла-тўкисидрок этмоғимиз лозим.

Шу ўринда «Хўш, вазифалар нега бу шаклда белгилана япти? Уларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Вазифалар шу тарзда белгиланган экан, биз нималарга эътибор бермоғимиз лозиму, қандай ишларни амалга оширмоғимиз керак?» деган саволлар туғилиши табиийдир. Бундай ҳаётий саволларга жавоб берадиган пайтимизда, шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада, айрим ҳолларда ақл бовар қўймайдиган ишлар амалга оширилганини холисона тан олмоғимиз лозим. Бу ўринда мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттирувчи ва бир неча млрд. АҚШ долларида ифодаланувчи рақамларни келтириб ўтишимиз, республикамиз ялпи ички маҳсулотининг қанча қисми қайси секторларда ишлаб чиқариладиганлигини ифодаловчи диаграммаларга мурожаат этишимиз, қанча миқдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилинганио, қанча янги корхоналарнинг қурилганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишимизга хожат бўлмаса керак.

Шундай бўлишига қарамасдан, учинчи устувор йўналишда вазифаларнинг айнан шу мазмунда қўйилаётганлиги, албатта, бежиз эмас. Чунки вазифаларнинг бу тарзда қўйилаётгалиги, бир томондан, бизни иқтисодий соҳада эришган ютуқларимиздан эсанкирамасликка чақирса, иккинчи томондан, ҳамон иқтисодий соҳада оддимизда қилиниши лозим бўлган талайгина ишлар турганлигидан далолат беради.

10.3. Устувор вазифаларни амалга ошириш йўллари

Бугунги кунда бу вазифалар бекорга кун тартибига қўйиляётгани йўқ. Чунки амалиётга назар соладиган бўлсак, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш ва бунинг натижасида янада юқорироқ кўрсаткичларга эришишимиз учун каттагина имкониятларимиз мавжуд эканлигига, улардан етарли даражада ҳамда керакли вақтда фойдалана олмаётганимизга амин бўламиз. Буни тушуниш учун куйидагиларга эътибор берайлик: амаддаги тартиб-қоидаларга кўра, халқаро молиявий ташкилотлар Ўзбекистонга тегишли молиявий характердаги қарорлар қабул қилиши учун, дастлаб тегишли маълумотларни талаб қилишади. Тан олайлик, айрим ҳолларда, арзимас сабабларни рўкач қилиб, керакли маълумотларни ўз вақтида тақдим қилишининг үддасидан чиқа олмаяпмиз. Тақдим этилган маълумотларимиз ва уларда келтирилган рақамларимиз баъзи ҳолатларда бир-бирига зид қелмоқда. Таклифларимизни ёки фикрларимизни етарли даражада ишонарли қилиб асослаб бера олмаяпмиз. Ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизга нисбатан эса, айрим ҳолатларда ҳафсаласизлик қилиб, уларни бажаришда ҳам маълум хатоларга йўл қўяяпмиз. Негадир, халқаро молиявий ташкилотлар билан бўлаётган муносабатларимизда «Қарс икки қўлдан чиқади», «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам», «Сиздан угина, биздан бутина» каби ўзбекона нақллар бекорга айтилмаганини унутиб қўяётиrmиз.

Юқоридаги ҳолатларнинг содир этилаётганилиги, сиртдан қаралганда, арзимас бир нарсага ўхшасада, лекин айрим ҳолларда улардан биргинасини эътибордан четда қолдириш ҳам халқаро молиявий ташкилотлар томнидан ажратилиши лозим бўлган, Ўзбекистон иқтисодиёти учун, ўрни келганда, сув ва ҳаводек зарур бўлган юз млн.лаб АҚШ доллари ҳажмидаги маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига тўсқинлик қилмоқда ёки уларнинг ажратилиш муддатларини ортга сурмоқда. Бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини идрок этиш албатта, унча катта ақл талаб этмайди.

Биз бу ерда «Ўзбекистонимиз халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағларга муҳтождир» деган фикрни билдиримоқчи эмасмиз. Аксинча, истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонимиз бундай ташкилотларнинг ёрдамисиз ҳам ўз қаддини ростлаб олиш имкониятига эга. Ватанимизнинг мавжуд иқтисодий салоҳияти ана шундан далолат беради. Лекин, шундай бўлсада, биз Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми эканлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларида эса маълум мақсадларга эришиш учун халқаро молиявий ташкилотларнинг кўмагидан фойдаланиб келинмоқда. Шу маънода, биз ҳам мамлакатимиз учун халқаро молиявий ташкилотлар томонидан маблағлар ажратилишидан манфаатдормиз. Буни ҳам тан олайлик.

Шу жойда масаланинг бошқа бир жиҳатини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Чунки биз учун маблағлар ажратилишидан халқаро молиявий ташкилотларнинг ўзи ҳам биздан кам манфаатдор эмас. Бунинг боиси шундаки, бозорнинг ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган қонунларига мувофиқ, улар ихтиёрида тўпланган маблағлар, бир дақиқа бўлса-да, ҳаракатсиз туриши мумкин эмас. Ҳар бир халқаро молиявий ташкилот ўз ихтиёридаги маблағларни у ёки бу мамлакатлар иқтисодиёти тармоқларига самарали жойлаштиришга ҳаракат қилмасдан ўзга чораси йўқ. Бозорнинг ёзилмаган қонуни шуни тақозо қиласди.

Шундай экан, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омил сифатида қаралаётган халқаро молиявий ташкилотлар ихтиёридаги ресурсларни ўз вақтида ўзлаштириб олишга эришиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эмасми? Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳар биримиз, энг камида, ўз иш жойимизда Ватанимизнинг салоҳиятини, унинг нимага қодир эканлигини кўрсата, ҳисобкитобларимизнинг кам-кўстсиз бўлишини таъминлай олишимиз, масъулиятимизни опиришимиз, бефарқлик, ўзибиларлик ҳолатларига сира йўл қўймаслигимиз лозим.

10.4. Бюджет иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омил

Мамлакат иқтисодиётининг ҳаёт-мамотини белгилаб берадиган муҳим масала бюджет. Шу маънода, Олий Мажлиси-миз томонидан қонун даражасида қабул қилинадиган Давлат бюджетининг шаклланиш жараёнида қанча кенг қатламдаги аҳоли иштирок этса, унга ўз ҳиссасини қўшса, шунча мақсадга мувофиқдир. Тугри, кўплаб тармоқлар ўз мутасаддиларига кўра, масалага лоқайд эмаслар, лекин уларнинг фаоллиги аксарият холларда бюджет ажратмаларидан ўз соҳаларига салмоқлироқ бўлакни ундиришда намоён бўлади.

Бюджетни шакллантиришда биринчи галда харажатлар қисмини эмас, балки даромадлар бандини белгилаш муҳимдир. Халқимизда «Даромадга қараб буромад» деган нақл бор. Буромад чиқим, сарф-харажат. Ҷемак, киримга қараб чиқим қилиш иқтисодиётнинг олтин қоидаси ҳисобланади. Гап шундаки, бюд-

жет тақсимотида кўпроқ ажратма сўраш учун тафаккурни ишга солиши талаб қилинмайди. Ўз Ватани тараққиётини, истиқболини кўзлайдиган одам, аввало, юрт хазинасини бойитувчи манбаларни кўпайтириш ҳақида ўйлаши керак.

Даромад ва харажат - булар ўзаро бир-бирини тақозо этадиган тушунчалар бўлиб, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, нохуш оқибатлар келтириб чиқаради. Шундай экан, бюджетнинг даромад қисмини бойитиш учун қандай манбалар мавжуд? Аввало, амалга оширилаётган ислоҳотларимизда солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг фиксал (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рабоатлантирувчилик вазифаси тўла даражада бажаришини таъминлаш муҳимдир. Бу фикрни солиқни қанча кўп йигсак, бюджетнинг даромад қисми шунча кўпаяди, деган маънода тушуниш ўта гўллик бўлур эди. Президентимиз жуда кўп чиқишлиарида солиқларни муттасил такомиллаштириб бориши зарурлиги ҳақида таъкидлайдилар. Афсуски, юртдошларимиз орасида солиқни гардандаги юқ сифатида тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Агар биз солиқларнинг Ватан құдратини юксалтиришдаги аҳамиятини юракдан англасак, бу улкан ишга муносиб улуш қўшиш учун интилган бўлур эдик.

Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида яратган асари «Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобида «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, ҳалқ ҳўжалиги вазифаларини ҳал этиши учун зарур бўлган микдорда шаклланишини таъминланиши лозим», деб уқтирган эдилар. Ўйлаб кўрайлик, корхоналар ўртасида молия интизоми бузилса, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари чигаллашиб бораверса, қандай қилиб бюджетдаги мутаносибликка эришиш мукин?! Бу савол ҳаммамизни ўйлантирса, вазиятдан чиқиш учун чоралар топилса айни муддао бўлур эди.

Агар биз буюк давлат қуриш учун асдойдил интилмоқчи бўлсак, баландпарвоз ва чиройли ибораларга маҳлиё бўлиш ўрнига ислоҳотлар йўлидаги муаммоларимизни англаб олиш муҳимдир. Албатта, мустақил ҳаётимизни ўтган ўн бир йиллик даври Узбекистон бошлаган ислоҳотлар, аввало, бозор иқтисодиётiga ўтиш, демократик жамият қуришдаги йўлимиз қанчалик тўғри эканлиги ва бу йўлдан қаймаслигимиз зарурлигини кўрсатди. Эндиги ишларимиз шу йўлнинг давоми бўлиб, у ислоҳотларни янги погонага кўтариши керак.

Парламентнинг тўққизинчи сессияси 2003 йил давлат бюджетини қабул қилиш асносида якунланаётган иатижаларини кўриб чиқди. Мазкур масала бўйича сўзга чиққан нотиклар-

нинг айтишича, 2003 йил давлат бюджети даромадлари 1 трлн. 842,2 млрд. сўм бўлиши кутилмоқда. Агар харажат 1 трлн. 927,2 млрд. сўм бўлиши кўзда тутилаётганини ҳисобга олсак, - бюджет тақчиллиги 85 млрд. сўм эканлигини англаш қийин эмас. Ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,2 %ни ташкил этади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, даромадлар таркибида бевосита солиқлар бўйича белгиланган режалар ошириб бажарилиб, тушумлар 497,2 млрд. сўм ёки жами даромадларнинг 27 %и микдорида бўлиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич солиқ юкини камайтириш бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг яхши натижа бераётганлигидан далолатdir.

Бюджет ижросида ижтимоий соҳага алоҳида этибор бериш Узбекистон иқтисодий сиёсатининг бош йўлидир. Куйидаги рақамларнинг мағзини чақайлик: 2002 йилда ижтимоий соҳани молиялаштириш харажатлари 732,6 млрд. сўм, ижтимоий ҳимоя тадбирлари учун эса 142,4 млрд. сўм микдорида бўлиши кутулмоқда. Бу харажатлар жами бюджет сарфининг 45,4 фоизларини ташкил этади.

Албатта, ижтимоий соҳа дегани жуда кенг қамровни ўз ичига олади. Бу жабҳада, айтайлик, маориф учун кўзда тутилган бандлардан баъзиларини тилга олсак, бюджет харажатлари қанчалик пухта шаклланганлигини тасаввур этиш мумкин. Булар - умумтаълим мактабларини дарсликлар, ижтимоий ҳиммояга муҳтоҷ оиласаларга мансуб мактаб ўқувчиларини қишки кийим-бош ва пойабзал, 1-синиф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактаб ўқув мебели ва компьютер техникаси сотиб олиш кабилар унча тўлиқ бўлмаган рўйхатdir. Хулас, бюджет иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омилdir.

Хўш, бюджет баракасини таъминлаш учун қайси йўналишлар устувор аҳамият касб этади? Буни ҳар бир фуқаро билиб қўйса, айни муддао бўларди.

Мамлакат макроиқтисодиётининг асосий кўрсаткичларини юксалтиришда валюта захирасини бойитиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчага аён. Биз ер ости ва усти бойликларимизни, муҳим стратегик маҳсулотларни сотиш орқали бу борада муайян имкониятларга эгамиз. Лекин дунё бозорида пахта ва олтиннинг нархи бекарор бўлиши туфайли кейинги йилларда неча юз млн. долларни ололмаганлигимиз ҳам ҳақиқат-ку? Айниқеа, пахтадан оладиган даромадимиз тинимсиз тебраниб турибди. Дунё бозоридаги нарх-навонинг бекарорлигидан ташқари пахта ҳосили табиий шароитга боғлиқ эканлиги ҳаммага

маълум. Шулардан келиб чиқиб, президентимиз фақат қишлоқ хўжалигига суяниб қолмаслигимиз зарурлигини, қишлоқда янги иш ўринлари яратиш мухумлигини таъкидламоқдалар.

Юртимиз иқтисодий қудратини юксалтиришнинг муҳим омилларидан яна бири – хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Бу жабҳада ҳам изланиб, интилиб ишлаш тақозо этилади. Айрим қўшни мамлакатларда катта-катта корхоналарни чет эллик корчлониларга сотиш амалиёти қўлланилаётгани сир эмас. Лекин фақат бугунги кун билан яшамаётган Узбекистон хориж сармоясини сарфлашда қўшма корхоналар сонини ва сифатини қўпайтириш ўйлидан боряпти. Сифат деганда, нимани тушуниш мумкин? Гап шундаки, мамлакат раҳбариятининг оқилона иқтисодий сиёсати туфайли юртимизга ҳам сармоя, ҳам технология келтириляпти. Айни пайтда қўшма корхона фаолияти қайси бир чет мамлакатдан бутловчи қисмларни олиб келиб, бу ерда йиғишдан иборат бўлмаслиги керак. Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган локализация сиёсати, яъни тайёр маҳсулот олишда ишлатиладаган хомашёни ўзимизда ишлаб чиқариш мухум аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон четдан келадиган сармояни қўллайтиrmай туриб, тез орада тараққий этган мамлакатлар қаторига ўта олмайди. Бу қонуниятни мактаб ўқувчиси ҳам яхши билиши керак. Нафақат билиш, қўйилган мақсадни амалга оширмаш учун интилиш керак. Чет эллик сармоядорларга қулай шарт-шароит яратиш бениҳоя мухимдир. Бунинг асосий шарти мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидир. Яна бир омил – ўша давлатнинг эртанги кунга ишончи қай даражада эканлигидир. Айни пайтда сармоядор учун ҳуқуқий кафолат ҳам қулай иқлимни таъмин этади. Бизда бундай шароит бор, фақат у ҳақда хорижий ишбильармонларга кўпроқ ахборот беришимиш зарур.

Яна бир муаммо – Ўзбекистон айрим хорижий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун бозорга айланиб қолмаслиги керак. Айтайлик, ҳозирги пайтда Хитойда ишлаб чиқарилаётган сирти ялтироқ, ичи қалтироқ молларни ўша мамлакатнинг ўзида сотиш тақиқланган. Шундай экан, бизнинг халқимиз нега ўтмас матоҳни олиши керак? Масаланинг яна бир ижтимоий жиҳати борки, бу ҳақда Юрбошимиз бир неча йил муқаддам огоҳлантирган эди. Агар биз четнинг ялтироқ молларига қаттиқ валюта сарфлаш йўлидан борсак, улар қўлига ўзимизни ипсиз боғлаб борамиз. Яъни, ўша мамлакатда одамлар иш билан таъминланади, бизнинг пахта ва олтинимиз хисобига тўланган валютамизни ҳазм қилиб бораверади. Биз эса мащақватли меҳнат эвазига етиштирган хомашёни тайёр маҳсулотга нисбатан

бир неча баробар арzonга топширамиз. Бу ўзимизга заар эканлигини англаб етайлик!

Афсус, бу борадаги давлат сиёсатини лаҳзада манфаат кўриб келган чайқовчилар тушуниши қийин кечяпти. Ахир, Ўзбекистонда арzon, сифатли пойабзаллар ишлаб чиқаришга эришамиз-ку? Нега ўзимиздаги бой хомашёдан сифатли маҳсулот тайёрлаш ҳақида ҳамма бирдай жон куйдирмайди?

Иқтисодиётимизнинг устувор йўналишлари этиб, экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот тури ва салмоғини кўпайтириш белгиланган. Бу йўл бюджетнинг даромад қисмига даромад киритади. Шундай манбаларни кўпайтириш йўлида тинимсиз изланиш ўзини Ўзбекистон фарзанди ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир...

10.5. Республикада иқтисодиёт ва статистика

органларининг ташкилий тузилишини такомиллаштириш

«Иқтисодиётдаги бозор механизми ва услубларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодиёт ва статистика органлари ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тутатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил этилди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўtkазиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига қўйидагилар юкланди:

- макроиқтисодий барқаорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишини таъминлаш;

- кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчилик ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- бой табиий ва минерал хомашё захираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали

ҳамда оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлида-ги тузилмавий сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқти-содий тизими миқёсида интеграциялашувини таъминлаш;

- янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқило-на банд қилиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналти-рилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмуш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфра-тумани ривожлантиришни таъминлаш;

- мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ри-вожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлашти-ришни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг асо-сий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

- жамиятни ривожлантириш ҳамда демократик қайта ўз-гартиришларнинг мақсад ва устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришда бозор услублари ва ме-ханизмлари жорий этилишининг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишини ташкил қилиш;

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, республика, мин-тақалар ҳамда тармоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривож-ланиш даражасини комплекс тизимли таҳлил қилиб бориш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденци-яларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини асослаб бериш;

- иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантили сце-нарийларини, минтақалар ва секторлар бўйича мамлакатни ижтимлий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа муддатли ба-шоратлари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

- энг муҳим қиймат, моддий ва меҳнат балансларини иш-лаб чиқишини ташкил этиш;

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғланишини таъминлай-диган таъсирчан механизмни шакллантириш;

- демографик башоратлар, аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, ҳалқ фаровонлигини ўстириш, ижтимоий инфрату-зилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ўрта муддатли

башоратларини, замонавийлаштириш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ресурсларни тежайдиган илгор технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- тузилмавий сиёсат мақсадларига эришишни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган қисқа муддатли ва ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

- экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рагбатлантириш, ташки савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товар (ишлар, хизмат)лар экспорти башоратини тайёрлаш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимиға интегриялашув стратегиясини ишлаб чиқишида қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўз зиммасига юкланган вазифаларни мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишига оид башоратларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умуниқтисодиёт мажмусига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ўйли билан амалга оширади.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси зиммасига қўйидағи асосий вазифалар юклатилди:

- статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ҳалқаро талаблар ва андозаларга мос келадиган статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

- илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тузишни таъминлайдиган ҳамда ҳалқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика услубияти ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш;

- статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва ҳолислигини таъминлаш, статистика ахборотини олиш бемалоллиги, унинг очиқлилиги ва ошкоралилигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувларга йўл қўймайдиган статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш;

- статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда уларни статистик ахборотларни тезкор узатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий компьютер ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш,

статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш;

• корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини юритиши.

Ўзбекистонда иқтисодиёт ва статистика бўйича фаолият кўрсатаётган бўлинмалар негизида қўйидагилар ташкил қилинди;

Қорақалпоғистон Республикасида – Иқтисодиёт вазирлиги ва статистика бошқармаси;

- республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида – иқтисодиёт бош бошқармалари ва статистика бошқармалари;

- республика шаҳар ва туманларида – иқтисодиёт бўлимлари ва статистика бўлимлари.

Қўйидагилар асосий вазифа қилиб белгилаңган;

- иқтисодиёт худудий органлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Ҷенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қарашли;

- статистика худудий органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига қарашлидир.

Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг сунъий равишда камайтирилишига, корхоналар фаолиятига нохолис баҳо берилишига, шул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишига олиб келадиган нотўри статистик ҳисботни тақдим этишда, статистика маълумотларини яширишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Қисқача хуросалар

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришиндан иборат. Бу тизим марказида маънавият, одоб—аҳлоқ, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Хукуматнинг вазифалари мавжуд қонунлар ва давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади. Унинг тузилмаси вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назардан ташкил этилади.

Халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш ва бунинг натижасида янада юқорироқ кўрсаткичларга эришишимиз учун каттагина имкониятларимиз мавжуд ва улардан етарли даражада фойдаланиш лозим.

Бюджетни шакллантиришда биринчи галда харажатлар қисмини эмас, балки даромадлар бандини белгилаш муҳимдир.

Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган, чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юкланди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бошқарув тизимининг вазифалари нималардан иборат?
2. Давлатнинг иқтисодий асослари қандай аниқланади?
3. Жамиятимиз тараққиётининг устувор йўналишларини баён этинг?
4. Бюджет иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишида қандай ўринга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатдари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯ – КРЕДИТ ЙЎЛЛАРИ

11.1. Давлат бюджети: асосий қўрсаткичлар ва миқдорий баҳолаш муаммолари

Давлат қарзи – аввалги давлат бюджети тақчиллигига тенг бўлган, давлатнинг қимматли қоғоз эгалари олдидаги давлат қарзлари, давлат ички қарзлари – давлатнинг қимматли қоғоз эгалари бўлмиш фуқаролар, фирмалар, ташкилотлар олдидаги қарзлари. Ташқи қарзлар – давлатнинг чет эл фуқаролари, фирмалари ва ташкилотлари олдидаги қарзлари. Хусусий қарзлар – нодавлат секторининг хусусий қимматли қоғоз эгалари олдидаги қарзлари умумий ҳажми.

Давлат қарзлари ва хусусий қарзлар – “Даромад-харажат” айланмасининг таркибий элементидир. Даромадлар ортган сайин, уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва бошқалар томонидан ишлатилиши лозим бўлган жамғармалар ҳам ортиб боради.

Қарзларни ташкил қилиш – харажат қилувчи шахсларга жамғармаларни бериш механизмидир. Агар истеъмолчилар ва бизнес қарз беришга лаёқатли бўлмасалар, хусусий қарзлар ортиб бораётган жамғармалар ҳажмини абсорбировка қилиш учун етарли тезликда ўсмайди ва бу вазифа давлат қарзининг ортиши ҳисобига амалга оширилади. Акс ҳолда иқтисодиёт ресурсларининг тўлиқ бандлик шароитидан чиқиб қолади.

Бюджет тақчиллиги – давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқдир. Бюджет тақчиллиги ва қарзни миқдорий баҳолаш қўйидаги омиллар таъсири остида мураккаблашади:

Одатда, давлат харажатлари ҳажмини баҳолашда иқтисодиётнинг давлат секторидаги амортизация ҳисобга олинмайди, бу эса бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари объектив тарзда ошишига олиб келади.

Давлат харажатларининг мухим моддаларидан бири қарзлар бўйича %ларни тўплаб, аста-секин асосий қарзни ўчириш. Давлат харажатлари давлат қарзининг номинал фоизларини эмас, балки реал фоизларини ўз ичига олиши шарт.

Бюджет тақчиллигининг ортиши, давлат харажатлари қарз бўйича тўланадиган инфляцион фоизларининг кўпайиши ҳисо-

бига ўсишидан юзага келади. Баъзан бир вақтнинг ўзида давлат бюджетининг иоминал тақчиллиги ва қарзи ўсиб, реал дефицит ва қарз эса пасайиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин. Бу хил вазият давлатнинг бюджет солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бюджет дефицитини баҳолашда инфляция ҳам ҳисобга олиниши лозим.

$$\text{Давлатнинг реал} = \text{Давлат бюджетининг} \\ \text{тақчиллиги} \qquad \qquad \qquad \text{иоминал тақчиллиги}$$

$$\text{Давлат харажатлари} \\ \text{ҳажми}$$

$$\text{Инфляция} \\ \text{суръати}$$

Одатда, давлат бюджети дефицитларини макрокўламда баҳолашда, ўз ортиргаларига эга бўлиши мумкин бўлган маҳаллий бюджетлар ҳисобга олинмайди. Кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимиёт органлари федерал бюджет ҳисобига ундирилувчи соликларни пасайтириш мақсадида атайлаб маҳаллий бюджетларга тегишли маълумотларни бузиб кўрсатадилар. Бу хил қонуният фискал децентрализациялаш кузатилган барча ўтиш давридаги иқтисодиётлар учун хос. Натижада эса федерал бюджет тақчиллигини баҳолашда ошириб кўрсатишлар кузатилади.

Индустрисал ва ўтиш давридаги иқтисодиётда баҳоланаётган (расмий) давлат бюджети тақчиллигидан ташқари, унинг Марказий банк ҳамда давлат ташкилотлари ва тижорат банкларининг квази фискал фаолиятига асосланган яширин дефицити ҳам мавжуд. Квази фискал операциялар қаторига куйидагилар киради:

а) Тўлиқ бандликнинг давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши ва банк ссудалари ёки ўзаро қарзларни тўплаш ҳисобига иш ҳақини бозор ставкаларидан юқори равишда тўплаш;

б) Иқтисодий ислоҳотларнинг бошланғич даврида Марказий банкдан ажralиб чиққан нотижорат банклари жамғармалари, яъни ҳозирда ишламаётган ссудалар (уй хўжаликлари, фирмалар ва ҳоказоларга ажратилган кредитлар). Бу кредитлар асосан Марказий банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига тўланади, бунда “ёмон қарзларнинг” ўтиш давридаги иқтисодиёт учун аҳамияти каттадир.

в) Марказий Банк томонидан валюта алмашув курсини барқарорлаштиришдан юзага келган чиқимларни, давлатга %сиз имтиёзли кредитлар (буғдой, гуруч, кофе ва бошқалар хариди учун) бўйича харажатларнинг молиялаштирилиши;

Яширин бюджет тақчиллиги ҳақиқий бюджет тақчиллиги ва давлат қарзининг ҳажмини камайтириб кўрсатади, кўпинча атайлаб (масалан, сайловдан олдин) ҳамда давлатнинг

ҳар бир йил учун мувозанатлаштирилган бюджетнинг “қаттиқ-қўл” курси қолипларидан келиб чиққан ҳолда. Демак, бюджет тақчиллиги ва давлат қарзининг мутлақ ўлчамлари узоқ муддатга ишончли макроиқтисодий қўрсаткич бўла олмайди, устига-устак ЯММ билан бир қаторда қарзларнинг ҳам ўсиши хисобга олинса...

Бюджет тақчиллигининг турғунликка ва давлат қарзи ошишига олиб келувчи асосий сабаблари қуйидагилардир:

а) ҳарбий ёки бошқа ижтимоий келишмовчиликлар шаротида давлат харажатларининг ошиши. Бюджет тақчиллигини узоқ муддат давомида молиялаштириш, пул массасининг ортиб кетиши ҳолатини четлаб ўтган ҳолда, инфляцион босими юмшатиши имконини беради;

б) иқтисодиётнинг даврий пасайишлари ва ўрнатилган стабилизаторлар;

в) иқтисодиётни стимуллаштириш мақсадида солиқларнинг қисқартирилиши.

11.2. Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги ва қарзнинг ўз-ӯзини яратиш механизми

Иқтисодий ўсиш омилларидан бири $\frac{\text{Қарз}}{\text{ЯММ}}$ нисбатидир.

Бу нисбат динамикаси қуйидаги омилларга боғлиқ:

– қарз бўйича тўланадиган %лар катталигини белгиловчи, реал % ставкаси катталиги;

– реал ЯММнинг ўсиш суръатлари;

– давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги умумий дефицит ва қарзлар бўйича тўланадиган %лар йигиндиси ўртасидаги фарқдан иборат.

Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллигини қарз бўйича молиялашда қарз ҳам, у бўйича хизмат қўрсатиш коэффициенти ҳам ортади, яъни иқтисодиётдаги “қарз салмоғи” ҳам ортиб боради.

Бирламчи ортиқчаликнинг ортиши қарз ўз-ӯзини яратишнинг олдини олиши мумкин.

$$ВД \text{ умумий} = (G+N+F) \cdot T$$

$$\text{Бирламчи ВД} = (G+F) \cdot T$$

$$N = D + R, \text{ Бу ерда:}$$

G - давлат хариди;

F - трансфертлар;

T - бюджетга келиб тушувчи солиқлар;

N - қарз бўйича тўловлар;

Д - қарз катталиги;

R_r - реал % ставкаси. Давлат қарзининг ўз-ўзини яратиш механизмини қуйидагича ифодалаш мумкин:

бирламчи ВД $\uparrow \Rightarrow$ давлат зайлари $\uparrow \Rightarrow$ давлат карзи $\uparrow \Rightarrow N \uparrow \Rightarrow$ умумий ВД $\uparrow \Rightarrow$
 \Rightarrow Янги давлат зайлари $\uparrow \Rightarrow$ карз $\uparrow \Rightarrow N \uparrow$

Агар реал % ставкаси ЯММнинг ўсиш суръатидан юқори бўлса, давлат қарзининг ортиб бориши бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади, чунки реал ЯММнинг ҳар бир ўсиши қарз бўйича %ларни тўлаш учун сарфланиб, қарз оғирлигини ифодаловчи $\frac{\text{Карз}}{\text{ЯММ}}$ нисбатининг ортиб кетишига сабаб бўлади. $\frac{\text{Карз}}{\text{ЯММ}}$ нисбати динамикасини башпорат қилиш учун қуийдаги боғлиқлик ишлатилиди:

$$\Delta\lambda = \lambda \left(R_r = \frac{\Delta Y}{Y} \right) - \sigma$$

$\Delta\lambda \frac{\text{Карз}}{\text{ЯММ}}$ - нисбатидаги ўзгаришлар,

$\lambda \frac{\text{Карз}}{\text{ЯММ}}$ - нисбатининг натижаси

R_r-реал % ставкаси

$\frac{\Delta Y}{Y}$ - реал ЯММни ўсиш суръати

ЯММдаги бирламчи бюджет ортиқчалигининг улуши.

$\frac{\text{Карз}}{\text{ЯММ}}$ нисбатини камайтириш учун қуийдаги иккита шароит мавжуд бўлиши дозим:

– реал % ставкаси, реал ЯММнинг ўсиш суръатидан кичик бўлиши шарт.

– ЯММдаги бирламчи бюджет ортиқчалигининг ўсиши доимий бўлиши керак. Давлат бюджети бирламчи тақчиллигининг мавжудлиги «қарз салмоғи» ортишининг омили ҳисобланади.

Солиқлар миқдорини орттириш – давлат томонида қарз бўйича тўланадиган %лар ва қарзларни қоплаш учун зарур бўлган даромадларни олиш усулидир.

Қарз бўйича хизмат кўрсатиш графигига риоя қилиш учун давлат солиқлар кўринишида N дан кам бўлмаган суммани йиғипши лозим. Бу эса $\frac{N}{\text{ЯММ}}$ нисбати даромадга солинадиган солиқ ставкасининг қуий чегараси эканлигини билдиради.

$\frac{N}{Y} \leq \frac{T}{Y}$ Бу ерда: Y- жами даромад

давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари бошика харажатлар ҳам молиялаштирилиши кераклиги учун

$$\frac{T}{Y} < \frac{G}{Y} + \frac{N}{Y} + \frac{F}{Y}$$
 ҳолати бюджет соҳасида босим ортиб боришини исботлайди.

Солиқларнинг ортишини ўсиб бораётган қарз бўйича хизмат кўрсатиш шарти бўлиб келиши меҳнатга, янгилик киритишга, инвестициялашга бўлган лаёқатнинг пасайишига олиб келади.

Шунинг учун йирик давлат қарзларининг мавжудлиги нисбатан иқтисодий ўсиш имкониятларини чегаралайди.

Бу чегараланишларни четлаб ўтиш учун, давлат қарзларни қайта молиялаштириши мумкин, яъни янги давлат зайдарини босиб чиқариб, улардан келган даромаддан «эски қарзларни» қоплаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Давлат доимо солиқларни ошириш, давлат қарзини қайта молиялаш ёки бюджет тақчиллигининг монетаризацияси ўртасида танлаш имкониятига эгалигини ҳисобга олиб, давлатга салмоқли қарзларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан унинг инқирозга юз тутиш хавфи деярли йўқ.

Давлат бюджет дефицитини узоқ мuddат давомида молиялаш % ставкасини оширади, бу эса ўз навбатида, инвестицион харажатлар пасайишига олиб келади. Хусусий секторда ё истеъмол, ё инвестицион товарлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Агар давлат харажатларининг ўсиши хусусий сектордан инвестицион товарлар ишлаб чиқаришини сиқиб чиқарса, бугунги авлоднинг яшаш даражасига таъсир қўлмайди. Лекин келажак авлодга кичик ҳаждидаги асосий ишлаб чиқарувчи фондлар мерос бўлиб қолади ва ўз навбатида бу даромадлар даражасининг пасайишига олиб келади. Бу хил таъсир давлат харажатларини асосан истеъмол харажатлари (ижтимоий трансферлар, ўқувчилар учун субсидиялар ва ҳоказо) ни кўтариш ҳисобига оширилганда рўй беради. Давлат инвестициялари (сармоялари) хусусий сармоялар қаби иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлайди. Агар давлат харажатлари, инвестицион харажатлар (масалан, сармояларнинг автострадалар қурилишига, соглиқни сақлаш тизимига, таълимга жалб этилиши) кўринишга ўтса, у ҳолда келажак авлод қўлига ўтадиган ишлаб чиқарувчи кучлар камаймайди. Уларнинг тузилиши, таркиби эса давлат капитали улушининг фойдасига ўзгаради. Лекин шу билан бирга истеъмол учун мўлжалланган хусусий инвестициялар сиқиб чиқарилиши мумкин, бу эса аҳолининг жорий истеъмоли чегараланишига олиб келади.

Давлатнинг қарздорлик даражаси ортиб борган шароитда истеъмолчилар хулқи бир-бирига зид, кафолатланмаган, нотурғун бўлади, бу эса давлат қарзига анъанавий ва рикардион нуқтаи назардан ёндашувчилар ўртасида бўлиб ўтадиган баҳс, мунозараларда акс этади. Анъанавий нуқтаи назарга кўра, солиқлар пасайиши давлат заёмлари ва қарз жамғармалари орқали молиялаштирилади, истеъмол харажатларини стимуллаштириб, миллий жамғармаларнинг камайишига олиб келади. Истеъмоннинг ўсиши аввалига жами талаб ва жами даромадни қисқа муддат ичida ошириб юборади, лекин кейинчалик жамғарма капитал ҳажмини камайтириб, иқтисодий ўсишни чеклайди.

Рикардиан нуқтаи назарга кўра эса, солиқларнинг пасайиши, давлат қарзлари ортиши ҳисобига молиялаштирилиб, истеъмол харажатлари ўсишига йўл қўймайди ва жамғармалар ўсишини чекламайди, балки аниқ муддат, яъни ҳозирдан келажакка қадар бўлган муддат ичida солиқлар «оғирлигини» қайта тақсимлайди.

Келтирилган концепциялардан ҳеч бирини тўлалигича рад этиб бўлмайди, чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам бюджет солиқ сиёсатининг аниқ моделлари шаклланишига маълум маънода ўз таъсирларини ўтказишади. Инвестицион талаб хулқи ҳам турлича бўлиши мумкин. Сиқиб чиқариш эфекти берилган талабининг эгри чизигида хусусий инвестицияларнинг, бюджет дефицитини қарз ҳисобига молиялашдан юзага келадиган юқори даражали % ставкалари сабабли камайишини кўзда тутади.

Бироқ, агар иқтисодиёт бошидан пасайиш ҳолатида бўлса, давлат харажатларининг ўсиши мультиликатор самараси таъсири остида яна ҳам кучайиши мумкин.

Бу эса хусусий бизнесдаги фойда кутилишини янада яхшилаб инвестицион талаб эгри чизигини ўнгга силжитиши, инвестицион талабининг ўсиши сиқиб чиқариш самарасини қисман ёки бутунлай йўқ қилиши мумкин.

Маълум вазиятда айнан битта механизм – бюджет дефицитини қарз ҳисобидан молиялаш ҳам хусусий инвестицияларнинг сиқиб чиқариши самарасини келтириб чиқариш, ҳам уни йўқ қилиши мумкин. Шунинг учун давлатнинг қарздорлик даражаси юқори бўлган шароитда бюджет - солиқ сиёсатининг самарадоригини баҳолаш жараёни чукур макроиктисодий таҳдилни талаб этади.

11.3. Иқтисодиётнинг молия - кредит дастаги сифатида солиқлар тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти

Республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар бошлангандан бери долзарб, кўпгина баҳсларга сабаб булаётган масала-

лардан бири – солиқлар масаласидир. Хўш нима учун шундай?

Солиқлар мураккаб ва кўп қиррали категориядир. Давлат улар ёрдамида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва ўз харажатларини қоплаш учун мажбурий равишда қийматнинг бир қисмини олиб қўяди.

Солиқ тизими - муайян шароитда давлат фойдасига ундириладиган солиқлар мажмуудир, уларни йигиб олиш йўллари ва усулларининг ташкил этилишидир. Солиқ тизимига солиқ турлари, солиқ имтиёzlари, солиқлар миқдори, солиқ ундириладиган даромадларни аниқлаш киради.

Солиқ тизимининг вазифаси қуйидагилардир:

а) солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

б) иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятни рафбатлантириш ёки четлаб ўтиш;

в) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёzlар берishi;

Солиқлар ва уларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрларни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, солиқлар, авваломбор марказлашган ресурсларни шакллантирувчи асосий унсурдир. Солиқлар охир оқибатда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг самарали ишлашини таъминлаши керак. Бунинг учун улар қулай бўлиши лозим. Солиқларнинг қулайлиги қуйидагиларга аҳамият беришни тақозо этади:

Махсулот қийматидан маълум бир қисмининг солиқ шаклида олиб қўилиши ишлаб чиқарувчи даромадини камайтиради, шу билан бирга уни йўқолган даромадни қоплаш мақсадида фаолроқ фаолият кўrsatiшга рафбатлантиради. Инглиз иқтисодчиси Мак Куллоҳ шундай деган эди: «солиқларнинг ортиши хусусий одамга, унинг оиласининг ўсиши ва харажатларининг кўпайишига қандай таъсир этса, миллатта ҳам шундай кучли таъсир кўrsатади. Солиқларнинг доимий ўсиб бориши, тадбиркорлик, ижодкорлик, ривожланиш ва иқтисод қилишга шароитлар яратади. Агар солиқлар енгил бўлганда эди, улар бундай самарали бўлмас эди».

Бошқа томондан, даромаднинг жуда ҳам пасайиб кетиши меҳнат фаолиятини сусайтиради. А.Трусеvнинг фикрича, ишлаб чиқарувчи фаолиятига солиқларнинг ижобий таъсири қуйидаги ҳолларда бўлмаслиги ёки салбий таъсир қилиши мумкин:

а) агар иш куни узун бўлсада, унинг янада узайтирилиши рухий-физиологик сабабларга кўра, меҳнат интенсивлигининг пасайишига олиб келса;

б) агар ишлаб чиқарувчи солиқлар натижасида маҳрум бўлган моддий неъматларни кўпайтиришдан дам олиши юқори қўйса;

в) агар тұловчы барибир мәхнат натижалари солиқлар орқали олиб қўйилади, деб мәхнат фаолиятини оширишни фойдасиз деб топса (бу ҳолда солиқлар ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва мәхнат эммиграциясига олиб келади).

Шундай қилиб, гап шундай солиқ микдорини ўрнатиш ҳақида кетаяптики, у мәхнат фаолиятининг пасайишига эмас, балки унинг жонланишига ёрдам берсин ва мана шу асосда солиқлардан келадиган тущумларнинг ошишига олиб келсин. Худди мана шу қирраси орқали солиқлар тизими ёрдамида иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти ривожини тартибга солиши мүмкін. Шу ерда солиқ обьекти ва солиқ солиши манбаи хусусида бир оз сүз юритишга тұғри келади. Солиқ обьекти даромад ва мол мулкдан иборат бўлади. Масадан, ялпи даромад, иш ҳақи, ер солиқ обьектларидир. Солиқ обьекти иккига бўлинади: турли манбадан келган пул даромадлари, даромад келтириши мүмкін бўлган мол-мулк. Солиқ обьектини кўпайтириш билан солиқларнинг умумий ҳажмига таъсир қилиши мүмкін.

Солиқ солиши манбаи солиқ солиши обьектидан мажбурий тұловлар, моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар олиб ташланғандан кейинги қисмидир. Республикамиз бошқарила-диган бозор иқтисодиётiga ўтиш йўлидан бораётган ҳозирги даврда бошқаришнинг иқтисодий усусларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий бошқаришнинг асосий усусларидан бири солиқлар тизимидир. Шунинг учун ҳам солиқларга катта аҳамият берилмоқда.

Солиқ назариясини тавсифлашдан олдин уларнинг асосий қирралари ва хусусиятларини аниқлаб олиши зарур. Улар қўйидагилар:

1. Солиқлар давлат томонидан қўйиладиган ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласи.

2. Солиқлар микдорини давлат бир томонлама белгилайди. Солиқлар ҳар доим мажбурий характерга эга.

3. Солиқ олиш қонуний асосда амалга оширилади. Солиқ микдори, вақти енгилликлари олдиндан қонунда кўрсатилади.

Солиқ тизимининг самараадорлигига маълум бир мажбуриятларга амал қиласи. Солиқлар назариясининг асоси А.С. Смитнинг қўйидаги тўрт қоидаси ҳисобланади:

1. Ўзаро тенглик. Ҳар бир давлат фуқаролари ҳукумат ёрдамида олаётган даромадларига қараб, ҳукуматни қўллаб-қувватлашда моддий жиҳатдан иштирок этади;

2. Аналитик. Фуқаро тўлайдиган солиқ аниқ ҳисобланган бўлади. Солиқ тўлаш вақти, йўли ва қиймати солиқ тўловчига аниқ бўлиши керак;

3. Қулайлик. Ҳар қандай солиқ шундай вақт ва йўл билан олиниши керак, у солиқ тўловчига энг қулай бўлиши керак;

4. Иқтисодлилик. Ҳар қандай солиқ шундай олиниши керакки, у халқдан давлат ғазнасига тушадиган солиқдан кўп бўлишига йўл қўймаслик керак;

Инглиз иқтисодчиси Стинглиц ҳар қандай иқтисодий тизмининг беш хусусиятини кўрсатади:

1. Иқтисодий самарадорлик. Солиқ тизими ресурсларининг самарали тақсимланиши ўзгартирмаслиги керак;


2. Маъмурӣ соддалик. Солиқ тизими иқтисодий шароит ўзгаришига тенг тез ва автоматик равишда мослашувчан бўлади;

3. Сиёсий жавобгарлик. Солиқ тизими шундай тузилиши керакки, сиёсий жараёнда фуқаролар ижтимоий хоҳишлигини акс эттириши керак;

4. Адолатлилик. Солиқ тизими турли солиқ тўловчиларга нисбатан адолатли бўлиши керак.

Солиқлар назариясининг энг муҳим масалаларидан бири солиқ миқдори масаласидир. Солиқлар миқдорининг иқтисодий фаолиятга таъсири қандайлигини Лефффер эгри чизигида яқъол кўриш мумкин. Эгри чизиқ ўртача солиқ миқдори билан бюджетга тушумлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади.

Лафффер эгри чизиги.



Бу ерда: OR-бюджетта солиқлар орқали тушадиган тушумлар;

ОН-солиқ миқдори;

N^x -кулай солиқ миқдори, унда бюджетта тушадиган тушумлар энг юқори бўлади;

R_{max} -бюджетта тушадиган тушумларнинг энг юқори миқдори.

Артур Лафффер гепотезасига кўра, солиқ миқдори ошибкетса, солиқлардан тушадиган тушумлар камаяди. Бунда солиқлардан даромадни яшириш ҳоллари кучаяди.

Лафффер фикрича, тадбиркорлар ва аҳоли даромадининг 30% дан ортигини солиқ шаклида олиб қўйиш мумкин эмас. 40-50 % и олиб қўйилса, жамғармалар камаяди, бу эса иқтисодиётнинг хусусий секторида вестицияларниң камайишига олиб келади. Яъни солиқлар макроиқтисодиёт мақсадини қўзлаб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қўлмаслиги керак. Бунда солиқнинг оғирлиги капиталга эмас, даромадга тушиши керак. Шунинг учун ҳам солиқ назариялари масалалари бошдан-оёқ қунт билан ўрганилиши, келажақда Ўзбекистон бюджетининг даромад қисмини таъминлай олувчи, муқобил солиқ турларини қўллаш масалалари олдинга қўйлиши ва ечилиши лозим.

Солиқлар назариясини ўрганишдан асосий мақсад қайси солиқ қандай таъсир қилиши, унинг миқдори қандай бўлиши керак ва ҳоказо саволларга илмий асосланган жавоб топишимиз мумкинлигидадир. Солиқлар ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига имкон яратади.

Республикамиз улкан иқтисодий ўзгаришлар даврида турганлиги учун мана шу ўзгаришларниң моҳиятини тушуниб етиш керак. Солиқларни кўриб чиқишидан олдин уларниң вазифалари ва мазмунини билиш лозимдир. Солиқларниң асосий вазифаларидан бири унинг йўналтирувчилк вазифасидир. У маълум харажатларни молиялаштириш учун давлат ва маҳаллий ресурсларни шакллантиради. Навбатдаги вазифаси тақсимлашдир. Унинг моҳияти даромадларни қўллаб-қувватлаш, нафақа ва стипендиялар, товон пуллари тўлаш учун ишлаб чиқариш соҳалари, аҳоли гурухлари, минтақалар ўргасида даромадларни қайта тақсимлашдан иборат.

Яна бир муҳим вазифаси – истеъмол ва жамғариш ўргасида мутаносибликни ушлаб туради. Асосий мақсади, моҳияти аҳоли истеъмолини улар даромадининг бир қисмини олиб уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш орқали чеклашдир.

Кейинги вазифаси – рагбатлантирувчанлик, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уни янгилаш, илмий янгиликлар яратишга имконият яратишидир.

Навбатдаги вазифаси, чеклаш, яъни маълум бир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни, аҳолининг ҳаддан ташқари ўсишини чеклашдан иборат.

Сўнгти вазифаси – назорат ва ҳисоб-китоб қисмидир, яъни корхона ва аҳоли гурухлари даромадлари ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибини, молиявий маблағлар ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш.

Бу вазифаларниң бажарилиши республикамизда амал қилаётган солиқ турларига бевосита боғлиқдир. Республика-

миз солиқ турлари билан танишишдан олдин, умуман соликларнинг қайси белги ва хусусиятларига қараб, қандай турларга туркумланишини кўриб чиқамиз:

1. Соликқа тортиш обьекти бўйича: бевосита, билвосита.
2. Соликларни қаерга тушиши кўра: давлат ва маҳаллий.
3. Фойдаланиш тартибига кўра: умумий ва маҳсус.

Энди бевосита Ўзбекистонда қўлланиладиган амалдаги солиқ турлари билан яқиндан танишамиз.

“Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан корхоналардан олинадиган дастлабки солиқ даромад солиғидир. Бундай солиққа қуидагилар тортилади:

– юридик шахе бўлган мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил балансига ва банк муассасида ҳисобкитоб счетига эга корхоналар, бирлашмалар (корхоналар)нинг, ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа мустақил бўлинмалари;

– хўжалик ҳисобида турмайдиган, лекин фаолиятидан даромад олинадиган ташкилотлар, бюджетдаги илмий текшириш ташкилотлари бундан мустаснодир;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги ташкилотлар, корхоналар уларнинг филиаллари.

Даромад солиғи олинаётган вақтда солиқ обьекти корхонанинг ҳисобот давридаги ялпи даромади ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадларида корхонанинг ҳисоблаб чиқилган ялпи даромади маҳсулотларни, ўзга моддий бойликларни реализация қилишдан тушум йиғиндисидан ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялар натижасидан иборат бўлади.

Хариц моллари билан савдо қилувчи корхоналар учун солиқ солиш мақсадларида сотишдан олинадиган даромадлар дейилганда реализация қилинган товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қиймати ўртасидаги фарқ тушунилади.

Қисқача хуросалар

Бюджет тақчиллиги – давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқдир.

Солиқлар мураккаб ва қўп қиррали категориядир. Давлат улар ёрдамида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва ўз харажатларини қоплаш учун мажбурий равишда қийматнинг бир қисмини олиб қўяди.

Иқтисодиётни бошқаришда молия-кредит дастаклари сифатида мамлакат бюджетини назорат қилиш, бюджетнинг тушум қисмини ташкил этувчи солиқларни ўрганиш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молия тизимида бўлаётган ўзгаришлар нималардан иборат?
2. Давлат бюджетининг миқдорий баҳолаш мезонлари қандай?
3. Давлат бюджети тақчиллиги ва қарзнинг ўз-ӯзини яратиш механизми нимадан иборат?
4. Иқтисодиётнинг молия-кредит дастаги сифатида солиқ тизими қандай аҳамият касб этади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳлид, барқарорлик шартлари ва тараққит кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 30 август 2002.
- 3.Ишмуҳамедов А.Э., Қаланова Л.З., Раҳмимова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

РЕСПУБЛИКАДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

12.1. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлиги ва йўллари

Хозирги кунда бирорта ҳам мамлакатда соф бозор мавжуд эмас. Барча мамлакатларда иқтисодиёт озми-кўпми тартибга солинади. Агар иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солинмас экан, ишлаб чиқариш соҳасида, албатта, инқироз ҳолатлари вужудга келади. Хозирги кунда ривожланган бозор хўжаликлирида давлатнинг у ёки бу даражада иқтисодиётга аралашуви мавжуд. Лекин барча ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бир хил эмас. Масалан, Швеция, Финляндия каби мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кенг миқёсда бўлиб, бу асосан ижтимоий соҳага тегишли янги ижтимоий демократизм сиёсатидир. Англия, Италияда эса давлат иқтисодиётга ҳам аралашади.

Бозор иқтисодиётининг асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг қай даражада эркинлиги билан белгиланади. Агар товар ишлаб чиқарувчилар мутлақо эркин бўлишса, бозор муносабатлари ривожланган бўлади ва шу билан бирга инқирозга олиб келиши мумкин. Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига давлат уч хил усулда: қонун йўли билан, маъмурий йўл билан, иқтисодий йўл билан аралашади. Шуни таъкидлаш керакки, агар иқтисодиётни самарали иқтисодиётга айлантироқчи бўлсак, бозор шароитида ҳам уни тартибга солиш албатта лозим бўлади.

Илғор мамлакатлар тажрибасида қўлланган ва бугунги кунда ҳам қўлланилаётган бозор иқтисодиётини тартибга солишининг турли хил йўллари мавжуд. Шуни ҳам айтиш керакки, бу мамлакатларда қўлланиладиган усуллар бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Мазкур мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш ишлари инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс томонидан яратилган маҳсус циклларга қарши сиёсатдан бошланган эди. Бу сиёсатнинг негизи миллий пул даромадларини яратиш учун мўлжалланган моделдир. Бу моделнинг камчилиги шундаки, у реал иқтисодиёт қонунларига риоя қилмайди. Давлат даромадини ва харажатини тўғрилаш, шунингдек солиқ ставкасини ўзгартириш бу сиёсатнинг моҳиятини ташкил этади. Солиқ ставкасини ўзгартириб эҳтиёжларни кенгайтириш ва камайтиришга эришиш мумкин.

АҚШнинг атоқли олими М. Фридманнинг назарияси бўйича давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш учун пул масасицинг ўсиш суръатларини доимо бир маромда сақлаш лозим. Шунингдек, ҳозирги кунда бозор иқтисодиётини ривожланган мамлакатлар солиқлар, кредит, валюта сиёсати, баҳоларни назорат қилиш, инвестицион қонунчилик, режалаштириш, дастурлаштириш ва бошқа маъмурий таъсирлар орқали тартибга солмоқдалар.

Солиқлар орқали тартибга солиш шунга асосланган: бирорта маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилиши лозим бўлса, шу маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга камроқ солиқ солинади, агар шу маҳсулотни камроқ; ишлаб чиқариш лозим бўлса, кўпроқ солиқ олинади.

Кредит орқали эса ишлаб чиқарувчиларга кредит бериш миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш, фоизларини ўзгартириш натижасида таъсир кўрсатилади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солища баҳолар айниқса, катта ўрин тутади. Давлат томонидан олиб борилаётган нарх сиёсатига қараб мақбул равишда иқтисодиётни бошқариш мумкин.

Бундан ташқари ҳозирги кунда илғор мамлакатларда иқтисодиётни бошқаришда дастурлаштириш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисодиётни бошқаришда мулк шаклларининг хилма-хиллиги ниҳоятда катта роль уйнайди. Масалан, АҚШда яратилаётган миллий маҳсулотнинг 40 %и, капитал қурилишнинг 25 %и давлат секторига тўғри келади ва бозорнинг ўзгаришига қараб бу нисбат ўзгартириб турилади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан бири мулкнинг қанча қисмини хусусийлаштиришни оқилона даражада аниқлашдан иборат.

Ҳозирги кунда барча ривожланган мамлакатларда бозорни тартибга солувчи восита сифатида режалаштириш ва дастурлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда. Биз ҳам бозор иқтисодиётини тартибга солища режалаштиришдан муқобил равишда фойдаланишимиз лозим. Чунки бизда шу вақтгача ҳам режалаштиришнинг моҳиятини бутунлай ўзгаририш кузда тутилмоқда, яъни директив (кескин, қатъи) режалар ўрнини индикатив (тавсиявий) режалар эгаллаши мумкин. Бунинг маъноси шуки, эндиликда марказлашган қатъи режалаштириш ўрнига тавсиявий режалар ишлаб чиқилади. Бу режалар ишлаб чиқаришни, истеъмолни ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларини ўзида мужассамлаштиради. Биринчи навбатда, шундай режалар бир йил муддат

га тузилиши кўзда тутилмоқда. Корхоналар хоҳласа шу режа асосида ишини давом эттирадилар, агар хоҳламаса, ўзлари билганича иш юритади. Бу, албатта, хусусий сектордаги корхоналар учун шундай бўлади. Давлат корхоналари эса (давлат томонидан) марказдан тузилган режалар бўйича иш юритади. Кейинчалик эса 10-15 йилга мўлжалланган тавсиявий режалар ишлаб чиқиши кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, бозор иқтисодиётiga ўтар эканмиз, бозорни тартибга солиш йўлларининг энг мақбулларини танлаб олиб, ишлаб чиқаришни, бозорни тартибга солишда улардан фойдаланишимиз лозим.

12.2. Бозор муносабатларининг республика иқтисодий мустақиллигига таъсири

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти юқори самарали меҳнат унумдорлиги ютуқларига таянади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор механизмисиз юқори самарали иқтисодиёт ҳам йўқdir.

Бозорга ўтиш даврида қўйидагиларга катта эътибор бериш керак: молия ҳолатини яхшилаш, сўмнинг қадрсизланишини камайтириш, истеъмол бозорини баланслаштириш.

Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг бошланғич даврида салбий оқибатлардан қочиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг бирмунча пасайиши асосан «A» гурӯҳ маҳсулотлари ва саноат қурилишида кўзга кўринади. Ишсизлар сони бир оз ортади. Аҳолининг моддий аҳволи баҳолар ошици натижасида ёмонлашади.

Фақат Ўзбекистоннинг ўзида бозор муносабатларига ўтиш билан ишсизлар сони, ҳисоб-китобларга қараганда, 2-2,5 баробар кўпайиши мумкин. Бу салбий оқибатларнинг олдини олиш учун эса ижтимоий муҳофаза механизми зарур. Ижтимоий муҳофаза доирасига асосан ишсизлар, меҳнатга яроқсиз кишилар, кўп болали оиласалар киради. Давлат бу тоифа кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишни икки йўл орқали амалга ошириши мумкин:

Кам таъминланган кишиларнинг меҳнати билан улар ўз молиявий аҳволларини бирмунча яхшилашлари учун шароит яратиш;

Ночор кишилар ва оиласаларни марказлашган ҳолда маблағ билан таъминлаш.

Агар биринчи йўл рағбатлантиришга асосланса, иккинчиси ижтимоий компенсация қилишга асосланган. Бу ўринда асосий масала ишсизликни йўқотиши муаммосидир. Ўзбекистон аҳоли-

сини иш билан таъминлашнинг оқилона йўлларини топиш учун аввало фаол таркибий сиёsat ўтказиш лозим. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш ва янги иш жойларини ташкил этиш билан чет давлатлар сармояларини жалб қилиш керак.

12.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ва унинг асосий йўналишлари

Бозорга муносабат ҳар хил. Баъзилар уни ҳар қандай мушгулотлардан қуриладиган омил, замонавий, гуллаб-яшновчи жамият қуриш учун бирдан-бир имконият, деб билмоқдалар. Бошқалар ўтиш босқичидаги турмуш шароитининг ёмонлашувидан хавфсираб, бозорга шубҳа билан қарамоқдалар. Учинчи тоифадагилар бу гояни мутлақо қабул этмаяптилар.

Мана шундай бир шайтда хукумат фавқулодда мураккаб иш қилиниши лозимлигини пайқаб турибди. Бу вазият эса қуйидагиларни тақозо этмоқда:

Биринчидан, бозорга ўтишни ҳам, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришни ҳам таъминлайдиган чора-тадбирларни айни бир вақтда амалга ошириш зарур. Аввало, бюджетнинг камомадини камайтириш, пул муомаласини соғломлаштириш, сўмнинг обрў-эътиборини ва харид қобилиятини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлаш вазифаларини алоҳида ажратиб олиш талаб этилади.

Иккинчидан, воқеа ва ҳодисаларга аниқ қарааш, муҳокама қилинганда иқтисодий турмушни бир кун тўхтатиб бўлмаслиги ни унутмаслик лозим. Поезд ва самолётларнинг қатновида, металл қўйишда, кимё корхоналарида, чорвачилик соҳасида ва новвойхоналарнинг ишида узилишлар бўлмаслиги зарур. Бунинг олдини олиш учун бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга, қандай қилиб бўлмасин, хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ҳамда бу алоқаларнинг узилишига йўл қуймаслик лозим.

Учинчидан, сиёсий барқарорликка, қонунни ва хукуқ тартиботини ҳурмат қилишга, ижрочилик интизомига қаттиқ риоя этилишига эришмоқ керак. Қонунга амал қилмай қўйган мамлакат муқаррар равища ўзаро курашувчан гурухларнинг олишув майдони бўлиб қолади, унда порахўр унсурларнинг таъсири кучаяди, бузғунчилик жараёнлари бошқарув тизимиға тобора кўпроқ тўсқинлик қиласи.

Иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ ва равшан англаб етиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ходим, илфор фикрловчи

киши ислоҳотлар фояси билан яшаши керак. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий дастурининг энг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий дастурнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу тамойилга мувофиқ бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тамойилларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш тизимидан, шаклланган тўқисчилик ва боқимандалик кайфиятидан қатъиян воз кечиш лозим;

- бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг нжодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради.Faқат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишини таъминлай олади.

Бу борада бугунги қунда республикамиз иқтисодиёти олдидаги турган энг муҳим масалалар қўйидагилардан иборат:

- давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатा�ётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш;

- нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёsat ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

- бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган кадрлар тайёрлаш.

Иқтисодий дастурнинг стратегик вазифаси — иқтисодиётимизнинг таркибини қайта қуришdir, яъни иқтисодиётнинг бир ёқлама — хомашёга йўналтирилганлигини қатъиян бартараф этиш ички сиёsatнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш зарур. Ҳақиқатан ҳам бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона ҳалқ хўжалик мажмуининг таркибий қисми эди. Марказ қабул қиласидаган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфатларидан йироқ эди. Ҳуллас, чор империяси давридагидек, республика хомашё учун стратегик база эди. У тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолганди. Ресpubлика ул-

кан табиий бойликларидан фойдаланилган ҳолда даромадлар унинг худудидан олисда қолиб кетарди.

Шунинг учун республика иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар, аввало, қуидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилиши лозим:

- қишлоқ хўжалик хомашёси ва минерал ресурсларни чукурроқ қайта ишлашни, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларини қайта ишлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Янги қайта ишлов қувватларини яратиш, кенг миқёсларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш, уларни ташиб келтиришни камайтириш ва экспортни ошириш;

- пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатидан иборат бўлган ҳалқ хўжалиги мавжуд таркибининг истиқболи йўқ. Шунинг учун асосий вазифа илм-фанга асосланган, техник жиҳатдан мураккаб тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини таъминлаш, ақлий салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудгә келтириш;

- илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантириш.

Қисқача хулюсалар

Бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бозор инфратузилмасини вужудга келтиришга қаратилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор механизмисиз юқори самарали иқтисодиёт ҳам йўқ.

Иқтисодий дастурнинг стратегик вазифаси — иқтисодиётимизнинг таркибини қайта қуришдир, яънн иқтисодиётнинг бир ёқдама — хомашёга йўналтирилганлигини қатъиян барта-раф этиш ички сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Республикадаги бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда қандай йўллардан фойдаланилади?
3. Бошқариладиган бозор иқтисодиётининг самарадорлигини қандай аниқлаш мумкин?
4. Бозор иқтисодиётига ўтишда қандай дастурлардан фойдаланилади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши — Т.: Уқитувчи. 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. — М.: Специальная литература, 1997.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

13.1. Давлатнинг иқтисодий вазифалари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашгуви зарурлиги

Давлатнинг иқтисодий вазифалари кўп ва турли хилдир. Шунинг учун таҳлилимизга асос сифатида давлатнинг қуидаги иқтисодий фаолиятларини қараб чиқамиз.

Биринчидан, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизими ривожланишини енгиллаштириш ва қўллаб-куватлаш мақсадига эга. Бундай вазифалар сирасига қўйидаги икки фаолиятни киритишмиз мумкин:

- бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган хуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;
- рақобатни ҳимоя қилиш.

Иккинчи гуруҳ вазифаларини бажаришда давлат бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва турлайди. Бу ерда давлатнинг қуидаги учта вазифаси асосий аҳамиятга эга.

- даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;
- миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;

— иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий конъюнктуранинг эгилувчанлиги натижасида пайдо бўладиган ишилизик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

— давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва хуқуқий базани таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Хуқуқий базани таъминлаш асосан хусусий корхоналарга ҳақ-хуқуқлар бериш, хусусий мулкчиликни аниқлаш ва шартномалар бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, бошқаларда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётида рақобат асосий тартибга солувчи механизм бўлиб ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсундирадиган ягона кучdir. Бозор тизимига бўйсунадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Кимки бу қонунни бузса, зарар кўради ва оқибатда батамом тутатилиши мумкин. Рақобат шароитида истеъмолчи - бу хўжайин, бозор - унинг таъминотчиси (агенти), корхона эса, хизматкори ҳисобланади.

Монополиянинг ўсиии бу вазиятни тезда ўзгартиради. Монополия рақобат билан алмашинар экан, сотувчилар бозорга таъсир қилиши мумкин ёки ўз манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда нархларни ошириш орқали мамлакатга зарар олиб келади.

Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиласидаган харажатлар ўргасида номутаносибликлар пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эга. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топган. Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга муҳтоҷ, бокиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Фермерларга кафолатланадиган баҳо ва минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонунчилик давлатнинг аҳоли айрим гуруҳлари даромадларини тенглаштириш мақсадида баҳони тартибга солиб туришга мисол бўла олади. Бундан ташқари аҳолидан олинадиган даромад соликларининг %лар бўйича табақаланиши ҳам аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлардан биридир.

Иқтисодчиларга бозор фаолияти бузилишининг икки ҳолати маълум. Биринчидан, керак бўлмаган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қандай ресурслар бўлишидан қатъиназар, иқтисодий жиҳатдан фойдалилигини аниқ ажратиб кўрсата олмайди. Биринчи ҳолатда ресурсларни тусланиши ёки қўшимча самарага, иккинчидан эса, давлат ёки ижтимоий манфаатга боғлиқ.

Олдинги мавзуларда кўрдикки, рақобатли бозор тизимининг кулагайликларидан бири ресурсларни самарали тақсимлашдан иборат. Бошқача айтганда, ҳар бир турдаги товар ва хизматни ишлаб чиқаришда ресурслар тўғри ёки мақбул тақсимланади.

Рақобатли бозордаги ресурсларнинг самарали тақсимлашида яширинча равишда камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, ҳар хил турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда қўшимча самара ёки товланиш бўлмайди, деб ҳисобланади. Товланиш товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган имконият ва харажатлар учинчи томонга, яъни бевосита сотувчи ёки сотиб олувчи бўлмаган томонга ўтади. Товланиш, шунингдек, қўшимча самара деб ҳам юритилади. Чунки, у бозор олди - сотдисида қатнашаётган индивид ёки гуруҳлар ҳисобига тўғри келадиган имконият ва харажатларни билдиради.

Товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда учинчи бир томондан кутилмаган харажатлар пайдо бўлиши товланиш харажатларини англатади. Бу харажатларнинг кўпгина қисми атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Давлат харажатлар товланиши натижасида ресурслар номутаносиб тақсимланишининг олдини олиш учун қонунлар қабул қиласди, ва ўзига хос солиқлар жорий этади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувидан асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуслар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, ИТТ ютуқларидан самарали қўллаш асосида ресурслардан унумли фойдаланишни йўлга кўйиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришdir.

13.2. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатнинг кўринишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мамлакат иқтисодиётiga бевосита аралашади. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётiga аралашуви макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Бу сиёсатга асосан қўйидагиларни киритамиз:

- бюджет;
- пул-кредит;
- дотация; субвенция; субсидия;
- халқ хўжалиги баланси;
- солиқ механизми;
- чегараланган баҳолар ва бошқалар.

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансерт тўловлари) кўпайтириш ёки қисқартириш орқали мамлакат иқтисодиётiga аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуслари ёки бюджет сиёсати товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯММ ни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини кўрсатиш, нархлар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш ва шунингдек, мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмусидан иборат. Авваламбор у мамлакатда пул массасини тартибга солишга қаратилган ва унинг асосий вазифаси нархлар ва реал миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига мос келадиган пул эмиссияси ҳисобланади. Пул-кредит сиёсати деганда тўлиқ бандишишади.

длик шароитида жами маҳсулотларни ишлаб чиқаришга инфляцияни таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушунилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳётга татбиқ этади.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солища очиқ бозорда операцияларни, яъни давлат қимматли қофозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ўшбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гурухи билан биргаликда амалга оширади. Бозорда Марказий банк хазина қимматли қофозларини сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яъни пул бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалигини мавжуд деб фараз қиласиз. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун, у очиқ бозорда ўзининг қимматли қофозларини аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматли қофозларининг (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унинг баҳоси пасаяди, ўз навбатида унга бўлган харид (яъни қимматли қофозларни сотиб олганларга % шаклида ҳақ тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади.

Банклар ва аҳоли қимматли қофозларни кўпроқ харид қила бошлайдилар, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифи банк мультурликаторига тенг нисбатда қисқаришига олиб келади. Бу банк захираси ва пул таклифининг ортишига олиб келади.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг қўйидаги йўналишлари мавжуд:

- давлат томонидан пул массасини олдиндан билиш, уни доимий назорат қилиш;
- Марказий банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш пул муомаласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;

• кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини тақомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомади шароитида уни пул чиқариш ҳисобига эмас, балки давлатнинг қимматли қофозларини сотиш ҳисобига қоплаш зарур.

Бу сиёсатнинг асосий воситаси, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ҳисоб ставкасини тартибга солиш, тижорат банкларининг мажбурий равишда Марказий банкда сақлайдиган захира меъёрини ўзгартириш, қимматли қофозлар

бўйича очиқ бозордаги операцияларни йўлга қўйиш ва бошқа тадбирлардан иборат.

Давлат томонидан хўжаликларга кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади.

Дотация - бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг заарларини қоплаш, шунингдек, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағлариdir.

Субвенция - қатъи мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, фойдаланиш шарти бузилганда уни қайтариб олиш мумкин.

Субсидиялар - пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан кўrсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиш мумкин. Тўғри субсидиялар – капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар, эгри субсидиялар солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва ҳоказолардир.

Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансферлари кўринишида ҳимоя қиласи.

Баланс – икки қисмдан иборат бўлган иқтисодий ҳисобкитобdir. Биринчи бўлимда, ресурсларни ташкил этиш манбалари, иккинчисида улардан фойдаланиш йўллари кўrсатилади. Икки бўлимнинг бир - бирига тенглиги ресурслар ва улар искеъмоли мутаносиблигини билдиради. Баланслар - моддий баланслар, меҳнат баланслари, молиявий балансларга, шунингдек, яна ҳисобот ва режа балансларига бўлинади.

Баланслар ёрдамида ҳалқ хўжалиги тармоқлари, турли хўжалик юритувчи субектларнинг иқтисодий фаолиятлари ҳамда моддий ва молиявий бўлимлар ҳаракати ўргасидаги боғлиқлик таъминланади. Балансларнинг энг асосийларидан бири Ҳалқ хўжалиги баланси ҳисобланади. Бу баланс жадваллар тизими бўлиб, унда миллий иқтисодни ривожлантириш кўrсаткичлари, ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳажми ва ўсиш суръатлари, жамғариш ва искеъмол фонdlари, ишлаб чиқариш воситаларини ва искеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, аҳолининг пул даромадлари ва уларни маҳсулотлар билан таъминлаш ва бошқалар ўргасидаги асосий нисбатлар ўрин олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилadi. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиғи, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солиқ тўлайди. Шу каби жуда

кўп мавжуд солиқ турларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланиш орқали давлат солиқ тизими сиёсатини, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёзлари турларини аниқлаиди. Ва шу билан бутун макроиктисодий вазиятга таъсир кўрсатади. Яъни, солиқларни ўзгартериш орқали инвестициялар ва жамғармалар рағбатлантирилади.

Давлат бозор тизимининг фаолият кўрсатишида баҳо механизмидан, хусусан, чегараланган баҳолардан кенг фойдаланилади. Жумладан, чегараланган баҳолар аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида айрим турдаги озиқ - овқат маҳсулотларига белгиланган. Чегараланган баҳо унинг ҳақиқий қийматларидан бир неча баробарга кам бўлиши мумкин. Давлат чегараланган баҳони бозор баҳосидан юқори ва кам белгилаши мумкин.

Қайд этилган нархлар давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усувлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Бозор тизимида нархлар талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий восита ҳисоблансада, бироқ дунёning барча мамлакатларида давлат нархларини шакллантириш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

13.3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви

Шундай хизмат турлари ҳам мавжудки, уларга қандайdir миқдорда нарх белгилаш мумкин. Масалан, қуча ва автомагистраллар, милиция ёнғинга қарши кураш, кутубхона ва музей, профилактик, тиббий (медицина) хизматлари ва бошқалар.

Демак, бозор тизимидағи баҳо ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган ресурсларни ажратмас экан, у ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш механизми қандай олиб борилади?

Ушбу товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришга зарур бўладиган ресурслар тақсимоти асосан давлат орқали гурӯҳ ёки жамоа қарорларида қабул қилинади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсан, у демократик давлатларда сиёсий усул, яъни овоз бериш орқали аниқланади. Ижтимоий манфаатлар истеъмоли ҳажми давлат сиёсати билдиради. Сиёсий минбарларда қабул қилинган бу гурӯҳ қарорлари уй хўжаликлари ва корхоналарининг бешта фундаментал саволларга берган жавобларига қўшимча бўлиб хизмат қиласди.

Ижтимоий манфаатларнинг ишлаб чиқариш учун шахсан индивидуал истеъмолдаги қандай ресурслари қайта тақсимланади? Тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатаётган иқтисодиётда давлат олдида ижтимоий манфаатдағи товар ва хиз-

матларни ишлаб чиқариш учун индивидуал истеъмолдаги товарларнинг ишлаб чиқаришдан ресурсларни ажратиш муаммоси туради. Хусусий тармоқдан товарларни ажратиб олиш учун уларнинг хусусий талаби қисқартирилади. Бунга асосан уй хўжаликлари ва корхоналардан солиқларни олиш орқали эришилади. Уй хўжаликлари ва корхоналар кам даромад олиш натижасида инвестицион ва истеъмол харажатларини камайтиришади. Қисқача айтганда, солиқлар хусусий истеъмолдаги товар ва хизматларга бўлган талаб қисқартиради, бу ўз навбатида, ресурсларга хусусий талабни қисқаришига олиб келади.

Давлат бу солиқларни тақсимлашда ижтимоий манфаатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни эътиборга олади ва шу соҳага маълум бир қисмини йўналтиради.

Қисқача хуносалар

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувидан асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, ИТГ ютуқларини самарали кўллаш асосида ресурслардан унумли фойдаланишини йўлга қўйиш ва ахолининг турмуш даражасини юксалтиришdir.

Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви макро-иқтисодий сиёsat орқали амалга оширилади.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва хуқуқий базани таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлатни иқтисодиётга аралашишидан мақсад нима?

2. Давлат томонидан амалга ошириладиган макроиқтисодий сиёsat қандай куринишда бўлади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишига хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Уқитувчи, 1996.

4. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций: – М.: Специальная литература, 1997.

ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ИЖТИМОЙ МАЖМУИ

14.1. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида, тўртинчи устувор йўналиш сифатида ҳалқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий муҳофаза қилиши ҳақида тўхталиб, «Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласди. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таънган ҳолда иш олиб боришимиз керак», деб ёзди.

Демократик ва бозор ислоҳотлари ҳамда янгиланиш йўлида қилаётган барча ишларимиз ҳалқимиз манфаатларини кўзлаб, уларнинг фаравонлигини оширишга қаратилиши лозимлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромадни 1,8-2,0 баробар оширишга имкон беради.

Иккинчидан, аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш зарур. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган қатъий чораларни кўриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланиш даражасини 6-8 % камайтиришга эришиш зарур. Асосан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни юксалтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш чора-тадбирларини амалга ошириш даркор. Шу мақсадда санот ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушкини яқин беш йил ичида 50 %га етказиш зарур.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим.

Давлат томнидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда

ёрдамга мұхтој бўлган кишилар ва оилаларни ижтимоий ёрдам олишларини таъминлаш лозим.

Тўплаган ижобий тажрибани ҳисобга олиб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлаш ва муҳофаза қилиш тажрибасини янада кенг жорий этиши зарур. Шундагина биз аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда аниклик ваadolатни, энг муҳими, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фойдаланишини таъминлай оламиз.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида ёлғиз қариялар, нафақаҳўрлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичидаги ёлғиз нафақаҳўрлар ва ногиронларнинг уй-жой, миаший шароитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва маҳсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар уйларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишилари зарур.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётта қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ногирон болаларни тиббий, ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришнинг кўзда тутадиган маҳсус Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш зарур.

Бу ишларнинг ҳаммасига ташкилотларни, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни, тадбиркорлар ва ҳомийларнинг маблагини кенг жалб этиш лозим.

Тўртингчидан (аслида бу вазифани биринчи қилиб қўйиш ҳам мумкин, меҳнат бозорини шакллантириш), янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёsat ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, эҳтиёжларини қондириши, турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаравонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда, аввало, қишлоқ жойларда, ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бушаб қолаётган ортиқча ишчи кучларини жалб этишини ҳисобга олган ҳолда молиявий манбалар билан мустаҳкамланган янги иш жойларини барпо этиш Дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Шу билан бир вақтда жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган қишиларни ҳудудларни ободонлаштириш, йўллар солиши ва уларни созлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга доир ҳақ тўланадиган саноатчилик ишларига кенг жалб этиш лозим.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузилмани, аввало, қишлоқ жойларида янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини бажариш керак. Яқин беш-етти йил ичидаги мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик сув билан таъминланиши зарур. 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 %га, табиий газ билан таъминлаш 82 %га етказилиши керак. Бунинг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушуриш даркор.

Халқ фаравонлигини барқарор, оширишни, аҳолини ижтимоий муҳофазалашни устувор йўналиш қилиб белгилаш орқали ислоҳотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фараёнлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз.

Барча ислоҳотларнинг – иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан асл мақсади инсоннинг муносаб турмуш ва фолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтоҷ табоқаларини ўз вақтида қўллаш кувватлаш эса, ўз навбатида, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш гарови, бошланган ўзгариш ва тикланиши жараёни орқага қайтишга йўл бермайдиган ижтимоий таянчdir.

Бозор муносабатларига қийинчилкларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратdir.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз бутун аҳолини олдиндан ижтимоий муҳофаза қилиш йўлидан бордик. Шу қоидага амал қилиб, ҳукуматимиз вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб қўйди. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади, республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишлаб чиқилган ва ўтказилган ижтимоий сиёсат қўзланган мақсадни тұла-тұқис рўёбга чиқарди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Биз бозор муносабатларига яқинлашган сайин ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш ва муҳофаза қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган муҳим сабоқ чиқариб олдик. Ислоҳотлар бошланғич босқичининг ҳар бир аниқ даврига мослаб ижтимоий муҳофазалашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими ҳам яратилди. Бошқача айтганда, ижтимоий қўллаб-куватлаш чора-тадбирларини ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мослаштиришнинг ўзига хос воситаси яратиб қўйилди.

Ижтимоий муҳофаза аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши керак. Ижтимоий муҳофаза тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларини қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашувдан иборат бўлмоғи лозим.

Бу иш ҳақиқатдан ҳам давлатнинг моддий ёрдамига муҳтоҷ бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган бўлиши, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши керак.

14.2. Соғлиқни сақлаш соҳасининг аҳамияти ва ўрни

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ишлаб чиқариш кучларининг қувватига ва ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятига, техника билан жиҳозлаш ва ишловчиларнинг касб-кор тайёргарлигигагина эмас, балки кўт жиҳатдан демография жараёнларининг ҳолатига, аҳоли соғлиғига ва соғлиқни сақлаш даражасига ҳам боғлиқдир.

Кейинги ўн йилликда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга Республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилаётган Узбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан тасдиқланган «1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси» да Узбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсатида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш устуворлиги ва аҳоли соғлигини яхшилаш учун шартшароитлар яратиш ўзининг умумий ифодасини топди. Аҳоли соғлиги потенциали миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми ва маданиятли жамиятнинг фундаментал хусусиятларидан бири ҳисобланади. Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш хизматини ҳар томонлама ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим шарти ва ижтимоий ривожланиш даражасининг интеграллашган қўрсаткичидир.

Ислоҳотларнинг асосий мақсади мамлакатда жаҳон таж-

рибасини хисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашнинг эҳтиёжлари учун давлат сарф-харажатларини йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада энг кўп қисқартирган ҳолда республиканинг бутун аҳолисини тиббий хизматлар билан ялпи қамраб олишини таъминловчи самаралироқ тизим яратишдир. Бу соғлиқни сақлаш сингари ўзига хос ва алоҳида соҳада марказлаштирилган давлат бошқаруви усуллари ва қўллаб-қувватлашни бозорга хос йўналтириш механизмлари билан мақбул қўшиб олиб бориш йўлларини излаш зарурлигини кўрсатади.

Соғлиқни сақлашни ривожлантириш масалаларини ҳал қилишга бундай ёндашишнинг долзарблиги Ўзбекистонда иқтисадиётнинг институционал ва таркибий қайта тузилиши ва бозор муносабатларининг жадал ривожланиши жараёнида ушбу соҳага энг ривожланган мамлакатларда синовдан ўтган тамойиллар ва усулларнинг жорий этилиши билан ҳам белгиланади.

Хорижий тажрибани таҳлил этиш жорий муаммоларни ҳал қилишга йўл топиш ва соғлиқни сақлашни ривожлантирища бўлажак тенденцияларни башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиц имконини беради.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тартибга солишининг қатъий янги моделига ўтиш жараёнида хорижий мамлакатлар тажрибасининг республика шароитларида қўлласа бўладиган айрим ютуқларини оқилони жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда бугунги кунда соғлиқни сақлаш иқтисодиёти соҳасидаги назарий, амалий, молиявий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув жиҳатларини таҳлил килувчи комплекс ишланмалар етарли эмас, шунингдек, хорижий мамлакатларда соғлиқни сақлашни тартибга солувчи бозор механизми амалиётининг қиёсий таҳлили йўқ. Ушбу ҳолатга концептуал қараб чиқиш соғлиқни сақлашга бозор муносабатларининг салбий таъсирини энг кам даражага келтириб, замонавий шароитларда самарали бозор ислоҳотларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

14.3. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш

Жаҳон амалиёти жамият цивилизациясининг фундаментал хусусиятларидан бири бўлган аҳоли соғлиги ижтимоий ҳаётнинг қўплаб омиллари таъсири остида шаклланиши ва ўзгаришидан дадолат беради. Аҳоли соғлигининг ҳолати ва тадрижий ўсиши ҳам хусусий, ҳам умумлаштирувчи бир қанча кўрсаткичларда акс эттирилган. Агар хусусий кўрсаткичлар аҳоли со-

ғлигининг айрим жиҳатлари ҳақида тасаввур берса, уни яхлит қамраб олиш учун фақат умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг тизимили таҳлили лозим. Зарур турлаштириш-популяцияларнинг сифат ҳолати кўрсаткичлари кўп ўлчамли, иерархик тизими билан белгиланадиган аҳоли соғлиғига ёндашиш имконини беради, чунки соғлиқ кўрсаткичлари бир хил ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги мінтақаларда барқарор ва қонуний такрорланади. Ҳозирги вақтда соғлиқнинг замонавий тушунчаси тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий етуклик ҳолатини ўз ичига олади. Бу ушбу тушунчага яхлит ёндашишни акс эттиради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун ислоҳотларгача бўлган яқин ўн йилликларда ўзаро боғлиқ тармоқ ички алоқаларига ҳамда иқтисодий усусларга эмас, балки маъмурий бошқарув усусларига асосланган, вертикал иерархияга эга бўлган ва ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизими хос эди. Соғлиқни сақлашнинг шаклланган монотизимида халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани сингари тиббий хизматларнинг ижроҷилари (ишлаб чиқарувчилари) ўртасида соғлом рақобат йўқ эди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги туб ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимини жиддий равишда қайта ўзгартириш йўлларини белгилаб берди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида соғлиқни сақлашни ривожлантирипнинг амадга оширистаётган концепцияси жамиятни тиббиётий ижтимоий-иқтисодий категория сифатида идроқ этишга йўналтиради. Бозор муносабатларининг холисона хусусияти аҳоли томонидан ўз соғлигининг иқтисодий шартланганлигини аиглатади, соғлиқни сақлашнинг тижоратлашувида, пулли тиббий хизматлар ҳажмининг кенгайишида, маркетинг операциялари ривожланишида ва тадбиркорликнинг турли шакллари жорий этилишида ифодаланади. Мулкчиликнинг турли шаклларидағи тиббиёт субъектлари фаолияти фаол ривожланади, мустақил хусусий врачлик амалиётининг кенг ривожланиши тенденцияси барқарорлашади.

Янги иқтисодий шароитларда соғлиқни сақлаш тизимида юз берәётган иқтисодий жараёнлар ўзгаришини умумлаштириб, ушбу ўзгаришларнинг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи навбатда, тижорат муносабатларига асосланиб фаолият бошлаган тиббиётга нисбатан одамлар онги ва муносабатларидаги ўзгаришни қайд этиш зарур. Пулли тиббий хизмат кўрсатиш ривожланиши муносабати билан инсон тиббий хизматларнинг эҳтимол тутилган истеъмолчиси сифатида танлаш имконияти ва хуқуқига эга бўлади; кўрсатилаётган хизматлар учун

ҳақ тұлаёттандырылғанын аңглайди. Иккінчи томондан, тиббий хизматтар бозори қанчалик хилма-хил бүлмасин, у үзи харид қилаётганды тиббий хизматтардың сифатини билиши зарур.

Республикадаги реал вазият таҳлилига күра, тиббий хизматтар ҳозирги ҳолатининг ижобий ва салбий жиҳатлари қуидагилар:

- бозор шароитларыда ҳар қандай хизмат ёки товар - мазкур ҳолатда тиббий хизмат - пулли;

- күрсатылған тиббий хизмат учун ҳақ тұлаш билвосита ёки бевосита миңжознинг - ушбу хизматтар пировард истемол-чисининг зиммасига тушади;

- миңжоз үзи хизматлардан фойдаланишни хоҳловчи мұаассаса ва мутахассисни танлаш ҳуқуқыга әгадир;

- тиббий хизматтарның үзиге хослиги күрсатылған тиббий хизматтар сифатини тұлық даражада баҳолаш имконини бермайды.

14.4. Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиёти

Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиётини таҳлил этиш тиббиёт тузилмасини үз вақтида қараб чиқыш ва уни тартибға солиши масалаларини ҳал этиш зарурлитетини күрсатади.

Масалан, инглиз тилида сұзлашадыган бешта йирик мамлекат (Австралия, Буюк Британия, Канада, Яңғы Зелландия ва АҚШ) соғлиқни сақлаш тизими кейинги ўн йиллик мобайнида давлат хизматчилари ва врачларның фаолиятидан норозилик туфайли жиғдій үзгаришларға учради. Ушбу мамлакаттар күпчилигининг расмий шахслари консенсусға әришиш ва үзгаришларни құллаб-куватлаш мақсадида коалицияны шакллантириш учун ислоҳоттарни моделлаштыриш ва стратегия билан шуғулланадылар. Соғлиқни сақлашта харажаттар камайтирилишига уриниш унинг сифат жиҳатдан яхшиланишига эътибор ортиши билан мувофиқ-лаштырилиши кераклығы түғрисидеги нұқтаи назар күчаймоқда.

Халқаро амалиёт таҳлили давомида умумий мавзулар күтариб чиқылди. Улар асосида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бир қанча йұналишлари белгиланды. Соғлиқни сақлаш хизматларини интеграциялаш усуллари, бу хизматтарның мавжуд вакиллари ва уларниң миңжозлары, молиявий рағбаттардан фойдаланиш ва уларни чеклаш, мониторинг учун ахборотни яхшилаш имконияти ва соғлиқни сақлаш тизими самардорлигини ошириш, тиббий сұгурта билан қамраб олиш тенденцияси шулар сирасига киради.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг халқаро амалиёти соғлиқни сақлаш хизматларини интеграциялашга асосланган лигини кўрсатади. Саноати ривожланган ҳар қандай давлатда соғлиқни сақлаш қиммат туради, ўтган асрнинг 80-йилларида ва 90-йиллар бошида соғлиқни сақлашга сарфланадиган умумий харажатларнинг ўсишини тұхтатищ түғрисидаги масала катта ташвиш келтириб чиқарди. Күпчилик мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат бюджетдаги қийинчилеклар ва солиқ «юки» ўсишини назорат қилиш хохиши билан бөглиқ эди. Америкалик ёлловчилар ва сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахслар соғлиқни сақлашга харажатлар камайғанлигини маъқуллаб кўтиб олдилар, бироқ халқаро маълумотлар ушбу харажатлар АҚШда бошқа мамлакатлардагига нисбатан тезроқ камайиб борганлигини ҳеч бир тарзда тасдиқламайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШда соғлиқни сақлашда жон бошига харажатлар саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларнинг ўртача даражасида ва Канада ёки Буюк Британиядагига қараганда тезроқ ўсади. Канадада давлат бюджетига нисбатан қаттиқ чоратадбирлар қўлланилиши натижасида соғлиқни сақлашга харажатлар ялпи ички маҳсулотга % нисбатида доимий даражада сақланиб қолди.

Хорижий тажриба ўтиш даврида соғлиқни сақлашни ривожлантиришда давлат асосий жамловчи бошқарувчи куч эканлигини кўрсатади. Масалан, 1998 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотдан соғлиқни сақлашга умумий харажатлар 3,6%ни (rivожланган мамлакатларда 6,2 %, rivожланаётган мамлакатларда 2,3 %) ташкил этди.

Ривожланган мамлакатлар тизимларининг энг сўнгги кўрсаткичларини таққослаш шуну кўрсатдики, бунда бир неча йил мобайнида соғлиқни сақлаш түғрисидаги баҳсларда устунлик қилувчи уч параметр тўпланди. Улар қиймат, хизматлардан фойдаланиш ва натижалар. Айрим солиштиришлар учун маълумотлар базасига киритилган 29 мамлакат маълумотларидан, айримлари учун эса фақат «катта еттилик» мамлакатлари (Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва АҚШ) маълумотларидан фойдаланилди.

14.5. Соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболи

Ижтимоий соҳа тармоқларига, биринчи навбатда, соғлиқни сақлашга тизимда тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини юқори даражада чекловчи ҳамда бозор муносабатлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қанча ўзига хос хусусиятлар

хос эканлигини кўрсатди. Бундай аҳвол тиббий хизматларда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ўзига хослиги ушбу соҳада талаб ва таклиф ўзаро муносабатининг алоҳида хусусиятига эга эканлиги билан боғлиқдир, бошқача айтганда, соғлиқни сақлаш ижтимоий йўналтирилган соҳа тармоғи сифатида бозор механизми амал қилинишини бузуб кўрсатувчи бир қанча хусусиятларга эга. Улар орасида тиббий хизматларнинг кўпчилик турлари «ижтимоий товар» хоссасига эга эканлиги, мижозларнинг бу соҳада тегишли маълумотларга эга эмаслиги, тиббий ёрдамнинг асосий турларини олишдаги тенглик тамойилини алоҳида ажратиб кўрсатиши зарур.

Аҳолининг узоқ умр кўриши соғлиқнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Республикада 1999 йилда аҳолининг узоқ умр кўриши 1990 йилдаги 69 ёш ўрнига ўртача 70,3 ёшга, шу жумладан, шаҳарларда 71,6 ёшга, қишлоқларда 69,5 ёшга етди, аёллар эркакларга нисбатан 4,8-4,9 йил, шу жумладан, шаҳарларда 4,9-5 йил, қишлоқларда 4,7 йил кўп умр кўради.

Шунингдек, касалликка чалиниш кўрсаткичлари ҳам аҳоли соғлиги ҳолатининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўтиш даври мурakkabliklari муносабати билан давлат томонидан соғлиқни сақлашига ажратилаётган бюджет маблағлари (реал ифодада) кескин қисқарди. Дори-дармонлар нархлари ўсиб бориши, соғлиқни сақлаш муассасалари биноларини сақлаш, асбоб-ускуналар, анжомлар ва инвентар сотиб олиш, беморларни овқатлантиришни ташкил этиш борасида бюджетдан маблағ билан таъминлаш имкониятларининг орқада қолиши касалликларнинг олдини олиш ва беморларни даволашда даволаш муассасалари имкониятларининг сезиларли даражада чекланишига олиб келди.

Хусусий соғлиқни сақлаш ҳолисона сабаблар туфайли бу даврда давлат соғлиқни сақлаш тизими имкониятлари қисқаришининг ўринини боса олмади.

Фарбий Европа мамлакатлари ва ўтиш даври мамлакатлари тажрибаси:

- демографик ўзгаришлар;
- соғлиқни сақлашга сарфланаётган харажатларнинг кўпайиши;
- аҳоли эҳтиёжининг хукуматнинг тиббий хизматлар билан таъминлаш имкониятидан юқорилиги;
- даволаш ва технология янги шаклларининг доимий равишда пайдо бўлиши каби типик жиҳатлар билан характерланишини кўрсатади.

Фарбий Европа мамлакатлари, шунингдек, ўтиш даври мамлакатлари учун соғлиқни сақлаш ахлоқий масала ҳисобланади

хамда барча ижтимоий синфларни адолатди таъминлаш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан барчанинг фойдаланиши доимий равинида ислоҳотларни амалга ошириш давомида ҳал этилади. Соғлиқни сақлаш хизматлари интеграциясига касалхонала да волашни камроқ ҳақ туланадиган амбулатория даволази билан алмаштириши ва касалланишининг олдини олиш шунингдек мижозлар даромади даражаси ва шифохонада даволанишини тадаб этувчи касалликлар оғирлашишининг олдини олиш учун дорилар буюришни ўз ичига олуви стратегия сифатида қаралади.

Иқтисодиёт нуктаи назаридан соғлиқни сақлаш истиқболини учга ажратиб курсатиш мумкин. Булар ижтимоий еки давлат, пулли ва тиббий суғурта йўллари.

Бизнинг фикримизча, энг муҳими, бозор муносабатларига ўтишда соғлиқни сақлаш тизимини нафакат кенгайтириш, унинг моддий-техника базаси тақрор ишлаб чиқарилишини ҳам мамлакатда юз берастган иқтисодий ўзгаришлар, давлат мазкур тизимни модификаштириш ҳажмийни кискартириши шароитида тиббий суғурталани фаол киритилишининг муқобилигини тушунмоқлийдир.

Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари асосида йуналтириш ҳалқаро тажрибасини кулаш ушбу соҳанинг қатъий жиҳатдан характерли бир канча янги белгиларидан ўз аксиини топади. Улардан асосийлари куйидагилар:

- хўжалик юритувчи субъект белгиларига эга бўлган тиббийт муассасасининг янги иқтисодий мақоми;

- тиббий хизматлар пулли экандиги суръатларининг кучайиши;

- муассасанинг хўжалик фаолияти жараёнида дайдо бўлувчи иқтисодий муносабатлар тизимида тиббиёт ходимлари ўрни ва ролининг ўзгариши.

Ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида соғлиқни сақлашнинг роли ва ўрни ушбу соҳада бошқарув усуударини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Биринчи навбатда, бу тармоқни бошқариш жараёнига комплекс ёндашишни тақозо этади, чунки соғлиқни сақлашнинг мамлакатда юз берастган ижтимоий-иктисодий муносабатлар ўзгариши, ижтимоий-сиёсий вазият, экология муаммолари, саноат ишлаб чиқаришида техника хавфсизлигига риоя этиш ва жамият турмушининг бошқа жиҳатлари билан мустаҳкам алокадорлиги кузатилади.

Узбекистонда биринчи даражади аҳамиятта эга бўлган куйилаги вазифалар ҳал этилган тақдирда соғлиқни сақлаш тизими бозор ривожланиши тамойилларига мослашиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига устун даражада иқтисодий муносабатларнинг

ёйилиши ва тегишлича иқтисодиётдан ташқари, маъмурий усулларнинг кескин қисқариши.

Бозорнинг шакланинг тиббий хизматлар кўрсатувчиларнинг хўжалик мустақиллигига эга бўлишини тақозо этади. Иқтисодий қонунлар мантиғи тиббий хизматлар кўрсатувчиларнинг соғлиқни сақлашни бошқариш органидан ажralишини талаб этади, бунингиз шартномавий муносабатлар тўғрисида сўз хам юритиб бўлмайди.

Шу билан бирга, бошқарувнинг маъмурий усулларидан тулиқ воз кечиш тўғрисида сўз бормаётганлигини таъкидлаймиз. Чунки, тармоқ ва худудий бошқарувнинг оқилона бирга қўшиб олиб боритишини соғлиқни сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати назорат қилинини бошқарувнинг маъмурий усулларисиз таъминлаш мумкин эмас. Бунинг устига, иқтисодий самарадорлигидан қатъиназар амалга оширилиши керак бўлган даволаш турлари, шунингдек, тиббиёт техникасини жорий этишга нисбатан муайян талаблар мавжуд. Буларнинг барчаси даволаш муассасалари фаолиятига маъмурий усуллар билан таъсири кўреатиш фойдасига хизмат қиласди.

Соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашнинг қатъий жиҳатдан бўниса схемасига ўтиш тиббиёт муассасаларини эмас, балки тиббий ёрдам кўрсатишни маблағ билан таъминлаш, хизматларни хариц қилишга сарф харажатларни маблағ билан таъминлашдан қайта йўналтирилган молиявий хисоб-китоблар таомили, шунингдек, соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашда давлатнинг роли ўзгаришига олиб келади.

Соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминловчи республика ва маҳаллий бюджетлар билан бир қаторда мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта маблағлари, тиббий хизматларга мижозлар томонидан ҳақ тўланиши хисобига манбаларнинг кўпайиши, тадбиркорлик соғлиқни сақлаш секторининг шакланинши, шу жўмладан, чегаралари иқтисодий вазият барқарорлашиши давомида сўзсиз кенгайиб борадиган давлат даволаш муассасалари доирасида шаклланади.

Рақобат муҳити яратилиши, ушбу йўналишда биринчи ва аён кўриниб турган қадам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда давлат буюртмасини рақобатли жойлаштириш тамойилини жорий этиш йўли билан қўйилиши мумкин. Маблағ билан таъминловчи томонлар, бюджетлар, тиббий суғурта жамғармалари, «аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражаси D харажатлар» параметри бўйича тиббий хизмат кўрсатиши мумкин бўлган хизматларнинг қиёсий самарадорлигини малакали баҳолаши зарур.

Қисқача хуросалар

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ислоҳотларниң барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласиди.

Соғлиқни сақлашни ривожлантириш масалаларини ҳал этишга ёндашишнинг долзарблиги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг институционал ва таркибий қайта тузилиши ва бозор муносабатларининг жадал ривожланниши жараёнида ушбу соҳага энг ривожланган мамлакатларда синовдан ўтган тамойиллар ва усусларнинг жорий этилиши билан белгиланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиши шароитларида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг амалга оширилаётган концепцияси жамиятни тиббиётни ижтимоий-иктисодий категория сифатида идрок этишга йўналтиради.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳалқаро амалиёти соғлиқни сақлаш хизматларини интеграциялашга асосланган лигини кўрсатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Соғлиқни сақлаш иқтисодиёти нималарни қамраб олади?
2. Соғлиқни сақлашни бошқариш ва тартибга солиш қандай усуслар орқали амалга оширилади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдиц, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ МУАММОЛАРИ

15.1. Меҳнат бозорини шакллантириш ва иш жойларини барпо этиш

1999 йилги маълумотларга қараганда республикамиз аҳолисининг 62% га яқини қишлоқларда яшайди. Аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми меҳнат ресурслари ҳисобланади. Уларга 15 га кирган ўсмирлар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 16-60 ёшгача бўлган эркаклар ҳамда пенсия ёшидаги меҳнатга қобилияти фуқаролар киради. Шу масала «Меҳнат кодексида» (1.04.96 йил) «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (1.05.98 йил) қонунда батафсил ёритилган.

1999 йилнинг 1 январга мамлакатимизнинг аҳолиси 23 954,8 минг нафардан иборат, шундан 50,1% и меҳнат ресурсларини ташкил этади. Меҳнат ресурсларининг (11998,9 минг) аксарият қисми қишлоқда ишламоқда. Улар жуда катта аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиёт назариясида қийматнинг меҳнат яратиши алоҳида таъкидланган. Шундай экан, қишлоқ хўжалигидаги барча маҳсулотлар жонли ва буюмлашган меҳнатнинг маҳсулидир. Бу жараёнда жонли меҳнат, яъни фуқароларнинг онгли, мақсадга мувофиқ равишда сарфланадиган қуввати, ишлаб чиқариш воситаларидан (улар буюмлашган меҳнат натижаси) фойдаланган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Демак, ҳар қандай жараёнда меҳнат қатнашиб, маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилётган маҳсулот микдори, сифати меҳнатга бевосита боғлиқ. Сарфланаётган ҳар қандай меҳнат унумли, самарали бўлиши лозим. Маълум бир вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш микдори, қиймати ёки маълум микдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш учун сарфланган меҳнат унумдорлиги эканлигидан, бу ҳолат меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши тўғрисидаги иқтисодий қонуний ҳаракатлигидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлиги юқори корхоналар, тармоқлар иқтисодиёт даражаси юқори суръатлар билан ривожланган бўлади. Шунинг учун бу масалага, яъни меҳнат унумдорлигини юксалтиришга республикамиз хукумати доимо катта эътибор бермоқда. Меҳнат ресурслардан фойдаланиш масалари-

ни ҳал этишда унинг бир қанча хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, унинг унумдорлиги об-ҳаво шароитларга бевосита боғлиқ. Йшлаб чиқаришнинг даврийлиги (мавсумийлиги), ундаги ишларнинг механизациялашганлик даражаси нисбадан пастлиги ҳам мухим масаладир. Қишлоқ хўжалигига фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти тор доирада ихтинослашмаган. Бу тармоқда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

15.2. Қишлоқ хўжалигига меҳнат бозори

Қишлоқ хўжалигига фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти таклифи ҳамда уларни ишга олиш (сотиб олиш), яъни иш билан таъминловчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимини амалга оширадиган манзил (ҳудуд) меҳнат бозоридир. Меҳнат бозорида ўзларининг меҳнат қилиш қобилиятини таклиф этувчи фуқаролар бир томондан уларни истъемол этувчи яни ишга олувчи корхоналар иккинчи томонда учрашиб меҳнат алмашув (меҳнатни олди-сотди) жараёнини амалга оширадилар. Меҳнат бозори – иқтисодий муносабатларни амалга оширувчи бозорлар тизимининг мухим таркибий қисми.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорининг назарий асослари шотландиялик иқтисодчи Адам Смит, инглиз иқтисодчisi Давид Риккардо, Нобель мукофоти лауриати американлик иқтисодчий Пауль А. Самуэльсон ва бошқа олимлар томонидан етарли даражада асосланган.

Қишлоқ хўжалигига меҳнат бозори асосан туманлар миқёсида ташкил этилган «Меҳнат биржалари» шаклида фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзларининг фаолиятларини «Биржалар тўғрисидаги», «Корхоналар» тўғрисидаги ва бошқа қонунлар, меъёрий хўжжатлар асосида юритадилар. Меҳнат бозорида корхоналар қатнашиши натижасида ўз ишлаб чиқаришларининг ишчи кучига бўлган талабини қондириб, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳаракат этсалар, жисмоний, ақлий меҳнат қилиш қобилиятини сотаётган фуқаролар эса, иш қобилиятларини сотиш ҳисобига иш ҳақи баҳоси сифатида оладиган иш ҳақига эга бўлиб, истеъмол товарларига бўлган талабларини маълум даражада қондирадилар. Бу жараён эркин рақобат асосида амалга оширилиши лозим. Демак, меҳнат қилиш қобилиятига эквивалент сифатида бериладиган иш ҳақи меҳнатнинг баҳоси ҳисобланади. Меҳнат бозорида

амалга ошириладиган муносабатлар иқтисодий қонунлар талабидан келиб чиқиши лозим. Энг аввало, талаб ва таклиф қонунларининг талаблари имконият доирасида қондирилиши лозим. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонунлари талабларининг бажарилишини таъминлаш учун қуидаги ҳолат шакллантирилиши лозим:

1. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, кишининг меҳнат қобилиятини олди-сотди жараёни эркин рақобат асосида амалга оширилиши (меҳнат қилиш қобилиятини сотишни хоҳлаганлар учун сотиш (бериш)га, уни сотиб оловчи корхоналарга эса олишга шароит яратилиши) керак.

2. Масалан, меҳнат қобилиятининг олди-сотди жараёни амалга оширилиши натижасида меҳнат қобилиятини берувчилик (сотувчилар) унга эгалик килиш хуқуқларини сотиш эвазига иш ҳақи (баҳосини) олишлари, меҳнат қобилиятини оловчиларга эса ҳақ тўлаш эвазига меҳнатга эгалик қилиш хуқуқини сотиб олиш имконияти яратилиши зарур. Сотиб оловчи ишчининг меҳнат қобилиятига эгалик қилиш, ундан унумли фойдаланиш хуқуқига эга бўлиши лозим.

Демак, меҳнат бозорида фуқароларнинг ўзи эмас, балки меҳнат қобилияти олди-сотди қилинади. Бу жуда муҳим масала, уни доимо назарда тутиш лозим. Меҳнат бозорида (биржа, бюро хизмати) қатнашувчилар бу бозорнинг қуидаги вазифалари бажарилишини таъминлашлари зарур:

- меҳнат қилиш қобилиятини сотувчи фуқаролар билан уни истеъмол этувчи (сотиб оловчи)лар ўртасидаги учрашувлар ташкил этилишини;

- сотувчи (берувчи)лар ва оловчилар ўртасида эркин рақобат йўлга қўйилишини;

- мувозанатли иш ҳақи ставкаларининг ўрнатилишини, белгиланишини;

- аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини самарали ҳал этилишини;

- ишсизларнинг ижтимоий муҳофазасини амалга оширилиши.

Юқоридаги масалалар талаб даражасида ҳал этилиши натижасида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий – иқтисодий муносабатлар бажарилади. Меҳнат муносабатларини амалга оширишда меҳнат қилиш қобилиятини сотувчилар билан уларни истеъмол этувчилар ҳам қатнашадилар. Бу муносабатлар турли хилдаги меҳнат шартномаларини тузиш билан яқунланиши мумкин. Меҳнат бозоридаги талабни фуқароларнинг меҳ-

нат қилиш қобилияларини сотиб олиш имконияти, хоҳиши, таклифни эса меҳнат қилиш қобилиягини берувчи (сотувчи) ларнинг хоҳиши ташкил этади. Улар учрашган нуқта ўртадаги мувозанатни ҳамда меҳнат баҳосини, яъни иш ҳақи миқдорини белгилайди.

15.3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланиш лозим. Улардан қандай фойдаланилаётганлигини бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда энг аввало, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициентидан фойдаланилади. У ҳақиқатда ишлаб чиқаришда ишлаган меҳнат ресурсларининг миқдори (кишилар)ни меҳнат ресурсларининг мавжуд бўлган миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Унда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$MP = \frac{MP_i}{MP_m};$$

Бунда: MP_i - ҳақиқатда ишлаган меҳнат ресурслари (-киши);

MP_m - мавжуд бўлган меҳнат ресурслари.

Меҳнатга қобилиялти бир кишининг I йилда, I ойда ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақтини аниқлаш учун ишлаб чиқаришга жами сарфланган иш вақтини (киши кунлари, соатларида) сарфланган (ишлаган) жами меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига тақсимлаш лозим. Уни қўйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$MP_{iv} = \frac{\sum C_{iv}}{\sum MP_i};$$

Бунда: MP_{iv} - ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақт ($к/к/с$);

$\sum C_{iv}$ - жами сарфланган иш вақти ($к/к/с$).

Меҳнат ресурсларининг иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти. У ҳар хил гурухдаги ишчи, хизматчиларнинг I йил, I ой давомида ҳақиқатда ишлаган вақтини уларнинг ишлаши лозим бўлган (меъёрий) вақтга нисбати

билин аниқланади. Ишлаши лозим бўлган вақт I йилдаги (ойдаги) календарь кунлар миқдоридан байрам, дам олиш, меҳнат таътили кунлари айрилиши натижасида аниқланади. Бу кўрсаткич ушбу формула ёрдамида топилади:

$$Ивк = \frac{Ив}{Ин};$$

Бунда: Ив - I кишининг ишлаган вақти (к/к/с);

Ин - ишлаши лозим бўлган (норматив) вақт (к/к/с).

Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти. У бир ой давомида энг кўп ишлаган кун энг кам ишлаган ой билан таққосланиши натижасида аниқланиши мумкин. Масалан, пахтачиликда сентябрь, октябрь ойларида ўртacha 30-31 кун, январь, февраль ойларида эса 10-15 кун ишлаш мумкин: $(30,31):(10,15) = 2,3$. Бунда меҳнатнинг мавсумийлиги шу ойлар (йил) ичida 2,3 га teng degan фикрга эга бўлиши мумкин. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ифодалайди. У маълум бир вақтда (I йилда, 1 ойда, 1 кунда) ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматини, миқдорини шуни етиштириш учун сарфланган вақт миқдорига тақсимлаш натижасида аниқланиши мумкин. Бунда ушбу формулаардан фойдаланилади:

$$Му = \frac{ЯМк(ЯМи)}{Св};$$

Бунда: Mu - меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм, г, к...);
ЯМ=(ЯМи)-ялпи маҳсулот қиймати (сўмда), миқдори(t,к);

Св - сарфланган вақт (киши-кунида, соатда).

Юқоридаги формуланинг акси ҳам меҳнат унумдорлигини кўрсатади. У меҳнатни тежаш қонуни амал этаётганлигини исботлайди. Унинг ёрдамида 1ц (сўм) маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфланганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган айrim маҳсулотлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқланиши мумкин. Юқоридаги кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда меҳнат унумдорлиги даражаси қандай ахволда эканлигини аниқлаш ва уларни тўлиқ таҳлил қилиши имкониятини беради. Шунга асосланган ҳолда келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини белгилаш мумкин.

15.4. Қишлоқ хұжалигыда мәҳнат ресурсларидан фойдаланиш, мәҳнат унумдорлиғи

Хар қандай соқалар, тармоқлар мавжуд мәҳнат ресурсларидан йил давомида түгри ва самарали фойдаланиши таъминлашлари зарур. Бунинг учун улар мавжуд иш жойларини батафсил (штат жадвали, технологик карталар асосида) аниқланишлари лозим. Шундан сұнг үзларининг таркибидаги мәҳнат ресурсларини (уларнинг таркиблари бүйича) аниқлашлари зарур. Юқоридаги маълумотлар таққосланиб тармоқларнинг, корхоналарнинг мәҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси аниқланади. Бунинг учун юқоридаги формулалардан фойдаланилади. Буида мәҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланганлик маълум бўлса, у ҳолда ортиқча мәҳнат ресурсларини қандай қилиб иш билан таъминлаш тадбирлари белгиланиши зарур. Мәҳнат ресурслари етишмаётганлиги аниқланган ҳолларда эса, бу масалани қандай йўллар билан ҳал қилиш чоралари кўрилади.

1999 йилнинг бошига республикамизда мәҳнат ресурсларининг умумий миқдори 11998,9 минг нафарни ташкил этган. Улардан 8640,1 минг нафари иқтисодий фаол мәҳнат ресурслари ҳисобланади. 15 ёшта тўлган ўсмирлар ўқишда, ҳарбий хизматда бўлган мәҳнат ресурслари ўртадаги фарқни ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашган мәҳнат ресурслари эса, 8800 минг нафар. Демак, республикамиз ҳалқ хұжалигыда мәҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти 0,995 ёки 99,5% ни ташкил этаган [$(8800:8640,1)*100\%$].

Маълумотлардан кўриниб турибдикি, иқтисодий фаол аҳолининг 40,1 минг нафари ёки 0,5% ишсизлардир. Мәҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси вилоятлар бўйича хилма-хил.

Ишсизлар сафига мәҳнат биржаларида рўйхага олинған мәҳнат ресурслари киритилади. Ишсиз сифатида рўйхатга олинганидан сұнг уларга давлат нафақаси тўланади. Нафака миқдори энг кам ойликдан кўп бўлади. Қишлоқ хұжалигыда ишлаб чиқариш жараёни даврийлигидан, мавсумийлигидан келиб чиққан ҳолда мәҳнатнинг мавсумийлик даражаси (коэффициенти) аниқланади. Бунда энг кўп ишланган ойдаги иш кунлари миқдори энг кам ишланган ойдаги иш кунлари миқдорига бўлинади. Бундай кўрсаткичларнинг бир неча йиллигини аниқлаб, содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш зарур. Щу билан бирга тармоқда, корхоналарда ҳар бир ишчининг йил давомида

ҳақиқатда ишлаган вақтини ҳамда иш вақти фонди даражасини аниқлашы лозим. Бу күрсаткыштарни аниқ рақамлар ёрдамида аниқлаб, уларга таъсир этувчи омилларига алоҳида тұхталиш талаб этилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш құламининг ўзгариши, унинг ихтисослашғанлығы, барча жараёнларнинг механизациялашғанлық даражаси, мәхнатнинг рағбатлантирилиши таҳлил этилиши зарур. Мәхнат ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини исботлаш учун сарфланған жонли мәхнат унумдорлиги аниқ маълумотлар асосида аниқланишиб, таҳлил қилинishi зарур. Улар ишлаб чиқарылған маҳсулотлар бүйіча тармоқлар ҳамда корхоналар миқёсида аниқланиши мүмкін. Уларнинг миқдори бир йиллик даражасида аниқланғанды, шу йил ичидеги бир-бірларига нисбатан ҳоллари таҳлил этилади. Масалан корхоналарни, тармоқлары бир йил ичидеги фарқини аниқлаш мүмкін. Мәхнат унумдорлиги қиёсий баҳолардан фойдаланған ҳолда бир неча йиллігі аниқланса, у ҳолда бир корхона, тармоқни бир неча йиллар давомида бұлған ўзгариши аниқланади ва улар таҳлил этилади. Мәхнат унумдорлиги натурал вакиймат күрсаткыштарда аниқланади.

15.5. Мәхнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш йұллари

Республикамиз қишлоқ хұжалигыда мәхнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласында алоҳида әзтибор берилмекідә. Бунга ақолини иш билан таъминлаш тұғрисидеги қонун ҳамда бир қанча қарор ва фармонлар эълон қилингани ва улар асосида күрилаётган чора-табдирлар яққол далилдір.

Мәхнат ресурсларидан фойдаланиш, мәхнат унумдорлиги даражасини аниқлаб, уларга таъсир этувчи омиллар тизими белгилаб олиш зарур. Қишлоқ хұжалигыда уларга асосан құйидеги омиллар таъсир этиши мүмкін: даставвал об-ҳаво шароити, шунингдек бозор иқтисодига ўтишда қишлоқ хұжалиги иқтисодининг иқтисодий ҳолати ҳамда амалға оширилаётган аграр-иктисодий ислохотлар тизими. Шу билан бирғаликда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашғанлық даражаси, барча жараёнларнинг механизациялашғанлық, электрлаштырылғанлық даражаси, мәхнат ресурсларининг маңақаси, табдиркарлығы ва бошқалар. Уларни аниқ маълумотлар ёрдамида таҳлил қилип асослаш лозим. Бунда яхши натижаларни салбай ҳолатлар билан таққослаш зарур. Сүнгра бу жараёндан аниқланған масалаларни ҳал этиш табдирларини, режаларини белгилаш талаб этилади.

Кишлоқ хұжалиғида мемлекет ресурсларидан тұлиқ ва самарали фойдаланисиң учун ишлаб чықаришни ихтисослаштиришни янада құқуралаштириш, агросаноат интеграциясіні амалға оширишни ривожлантиришга әрішиш лозим. Бунитіг учун турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш орқали янги иш жойларини шакллантириши мақсадға мувофиқдир. Бу жараёнда құшма корхоналарни, кичик корхоналарни, цехларни ташкил этишга уларни ривожлантиришга алоқида әтъибор бериш керак. Улар ишлаб чықариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда хизмат күрсатиши соҳаларида амалға оширилиши зарур. Шу билан бирға харидоргир маҳсулотларни ишлаб чықаришға ҳамда барча тармоқтарда иш жараёнлари механизациялаштирилишинин таъминлайдиган ва бошқа тадбирлар бажарилишига ижобий таъсир этағынан янғын техникаларни, самарали технологияларни жорий этишга катта әтъибор бериш зарур.

Мемлекет ресурсларидан фойдаланисиң яхшилаш ва мемлекеттің үнүмдорлығини ошириш мақсадыда бу ресурсларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириши, шунингдек уларнинг иш шароитларини яхшилашга әтъибор бериш талаб этилади.

Қисқача хуросалар

Маълум бир вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш миқдор ёки маълум миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат меҳнат унумдорлигидир.

Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти таклифи ҳамда уларни ишга олиш, яъни иш билан таъминловчилар ўргасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини амалга оширадиган манзил меҳнат бозоридир.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат ресурслари нима? У қандай тартибга эга?
2. Меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади ва унга қандай омиллар таъсир этади?
3. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат бозори қандай хусусиятларга эга?
4. Меҳнат унумдорлигини қандай яхшилаш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мағфураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши – Т.: Ўқитувчи, 1996.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРИНИ ТУЗИШ

16.1. Давлатнинг антиинфляция сиёсати мазмуни - бул инфляцияни ташкил этилишига ўзаро давлат тарафидан оғизланаётган. Антиинфляция сиёсати фаол ва мослашувчанлик сиёсатларига бўлинади. Фаол сиёсат инфляцияни юзага келтирадиган сабабларни бартараф қилишга, мослашувчанлик сиёсати инфляция шаротига мослашиш ва инфляциянинг салбий оқибатларини енгиллаштиришга йўналтирилади.

Инфляция ва ишсизлик хукумат олдида турган асосий муаммолари хисобланади. Бу муаммоларнинг ечилиши ўзаро зич борлиkdir. Инфляция жараёнларини бошқариш воситалари давлат кўлидадир. Шунинг учун ҳам давлат тут таклифига ва мос равища пул масасининг каттанигига масъудир. Мубомаладаги пулларнинг қисқариши инфляциянинг тўхташига шароит яратади. Инфляцияга қарши самарали курашни учун унинг сабабларини билиш керак. Бу эса тул крэдит ва фискал сиёсатининг ўзгаришини талаб қиласи.

Хукумат инфляциянинг бартараф этилишга сабаб бўладиган тўғри монитар воситалар йиғиндисига эга. Улар қуйидагилардир:

- тут эмиссиясининг назорати;
- қавлат бюджетининг эмиссион молиятширишга йўл қўймаслик;
- пул массасининг жорий назорати, очиқ бозорда операцияларнинг амалга оширилиши;
- пул суррогатлар муомаласининг кесишуви.

Юқорида саналган дастлабки тўрт омил самараси фақат гина инфляцияни куттириш ёки олдини олиш мақсадида таъминланиши мумкин. Гиперинфляция шароитида эса, бирдан-бир чора пул ислоҳоти ҳисобланади.

Конфискацион пул ислоҳотлари кўпгина мамлакатларда ўтказилган, шу жумладан Европанининг ярим давлатларида ва собиқ СССРда II Жаҳон урушидан кейин. Бу ислоҳотларнинг I Жаҳон урушидан кейин Германияда ўтказилганини мисол тариқасида қараб чиқамиз. 1922 йилга келиб Германияда инфляция энг баланд чўққисига чиқди: нархларнинг 40 баробар ошиши, пул эмиссияси билан қопланадиган бюджет тақчиллиги 40% харажатни ташкил қилган, марканинг алмасиши курси 50 баробар пасайди.

лишларининг бирданига тез тушишига, бу эса барқарор инфляциясиз ривожланишига шароит яратиб беради. Камчиликларга эса, ишлаб чиқариш ва ишсизлик даражасининг бирданига тушиб кетиши, шунингдек, иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашиши натижасида ижтимоий силжишнинг ўсиши киради.

16.2. Антиинфляция сиёсатини амалга ошириш йўллари

Секин сиёсатнинг яхши томони, биринчи навбатда, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишидир: ишсизликнинг секин ўсипи қайта малака эгаллаш дастурлари муваффақият билан бажарилишига уйғотади, тузилмавий қайта қуришга ва ишлаб чиқариш йўналишларини қайта ишлаб чиқишга умид уйғотади. Камчиликлари эса биринчидан иқтисодий сиёсатнинг ноҳақлиги, иккинчидан бундай сиёсат етарли даражада инфляцион күтарилишларни сақлади.

Таъсирчан чоралардан яна бири – валюта курсини музлатиб қўйиш орқали барқарорлаштириш. Ушбу чора ўз ичига кўп салбий томонларни олади. Бироқ, унинг айниқса кўп тарафлама ташки савдога боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ижкобий жиҳатлари ҳам борки, уларга аҳамият бермасдан ўтиб кетиш мумкин эмас.

Ушбу чора нафақат талаб инфляциясига, балки иқтисодиёт жуда катта даражада импортга боғлиқ бўлган ҳолда харажатлар инфляциясига қарши кураш воситаси ҳамдир. Шуни таъкидлаш жоизки, харажатлар инфляциясига қарши кураш чоралари турли хилдир. Улар сирасига куйидагилар киради:

- харажатлар инфляциясига қарши йўналтирилган чоралар;
- фактор даромад ва нархларнинг ўсишини ушлаш;
- иқтисодиётда монополизмга қарши кураш ва бозор институтларининг ривожланиши;
- ташкилот иқтисодиёти чегараларида ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви.

Фактор даромадлар ва нархларнинг ўсишига қарши сиёсат, яъни даромадлар ва нархларни ушлаб турувчи еиёсат, турли воситалар, чунончи, нархлар ва иш ҳақини музлатиб қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин. Нархлар ва даромадларнинг ушланиб туриши жуда қисқа вақт ичida натижа беради. Бироқ, иқтисодиёт барқарорлашувининг бозор механизми ушлаб турилгани учун, бундай дефляциянинг нархи баланд бўлади, инфляцион кутилишлар ва диспропорциялар музлатиб қўйилади. Қисман чегараланиш учлик, яъни «давлат-тадбиркорлар-касаба ўюшмалари» ўрнатилишини ёки нархлар ва даромадларнинг

лишларининг бирданига тез тушишига, бу эса барқарор инфляциясиз ривожланишига шароит яратиб беради. Камчиликларга эса, ишлаб чиқариш ва ишсизлик даражасининг бирданига тушиб кетиши, шунингдек, иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашиши натижасида ижтимоий силжишининг ўсиши киради.

16.2. Антиинфляция сиёсатини амалга ошириш йўллари

Секин сиёсатнинг яхши томони, биринчи навбатда, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишидир: ишсизликнинг секин ўсиши қайта малака әгаллаш дастурлари муваффақият билан бажарилишига уйғотади, тузилмавий қайта қуришга ва ишлаб чиқариш йўналишларини қайта ишлаб чиқишга умид уйғотади. Камчиликлари эса биринчидан иқтисодий сиёсатнинг ноҳақлиги, иккинчидан бундай сиёсат етарли даражада инфляцион кўтирилишларни сақлади.

Таъсирчан чоралардан яна бири – валюта курсини музлатиб қўйиш орқали барқарорлаштириш. Ушбу чора ўз ичига кўп салбий томонларни олади. Бироқ, унинг айниқса кўп тарафлама ташқи савдога боғлик бўлган иқтисодиёт учун ижобий жиҳатлари ҳам борки, уларга аҳамият бермасдан ўтиб кетиши мумкин эмас.

Ушбу чора нафақат талаб инфляциясига, балки иқтисодиёт жуда катта даражада импортга боғлик бўлган ҳолда харажатлар инфляциясига қарши кураш воситаси ҳамдир. Шуни таъкидлаш жоизки, харажатлар инфляциясига қарши кураш чоралари турли хилдир. Улар сирасига қўйидагилар киради:

- харажатлар инфляциясига қарши йўналтирилган чоралар;
- фактор даромад ва нархларнинг ўсишини ушлаш;
- иқтисодиётда монополизмга қарши кураш ва бозор институтларининг ривожланиши;
- ташкилот иқтисодиёти чегараларида ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви.

Фактор даромадлар ва нархларнинг ўсишига қарши сиёсат, яъни даромадлар ва нархларни ушлаб турувчи еиёсат, турли воситалар, чунончи, нархлар ва иш ҳақини музлатиб қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин. Нархлар ва даромадларнинг ушланиб туриши жуда қисқа вақт ичида натижада беради. Бироқ, иқтисодиёт барқарорлашувининг бозор механизми ушлаб турилгани учун, бундай дефляциянинг нархи баланд булади, инфляцион кутилишлар ва диспропорциялар музлатиб қўйилади. Қисман чегараланиш учлик, яъни «давлат-тадбиркорлар-касаба уюшмалари» ўрнатилишини ёки нархлар ва даромадларнинг

ўсиши учун унга қўшимча солик қўшиш масаласини олдиндан кўриб чиқади. Нархлар инфляциясини енгишда иқтисодиётда монополияга қарши кураш ва бозор институтларининг ривожланиши асосий ўрин тутади.

Ниҳоят, таклиф иқтисодиёти чегараларидағи ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга йўналтирилганchorани таъкидлашимиз керак. Бу берилган концепциянинг мақсади, хукуматнинг узоқ муддатли ялпи таклиф эгри чизиги силжишига таъсир қиласидан даражага, яъни табиий ишлаб чиқиши даражасининг ўсишига олиб келишдир. У ҳолда қисқа муддатли AS эгри чизиги табиий ҳолда юқорига силжишсиз ўнгга силжайди.

Таклиф иқтисодиёти сиёсатининг асосий элементларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- солиқларнинг камайтирилиши. солиқларнинг бизнесга камайтирилиши тадбиркорлик фаоллашуви учун қўшимча рафбат беради;

- инфратузилма секторида рақобатнинг шаклланиши;
- ижтимоий сиёсатни ўзгартириш йўли билан аҳоли меҳнат мотивизациясининг кучайиши;

- қатъий чегара ичидаги бўлган табиий ишлаб чиқариш даражаси кутилаётган қўшимча ўсишининг пул эмиссияси.

Мослашувчан сиёсат:

• индексация

• нархлар ва иш ҳақларининг ўсиш суръатлари ҳақида тадбиркорлар ва касаба уюшмалари билан келишувлар.

Индексация, яъни номинал пул ҳақларининг ўзгариши, ўрнатилган даромадларни олувчилик тарқатилганлиги учун, яъни инфляциядан энг кўп йўқотувчилар учун инфляция натижаларини енгиллаштиришда жiddий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, агарда индексация инфляция суръатлари билан боғлиқ бўлса, у ҳолда у инфляцион кутилишларга пасаювчи босим таъсир этиши мумкин.

Индексациянинг салбий жиҳатларига унинг тегишли нархлар корректировкаси ушланишига таъсирини айтишимиз мумкин. Агар инфляция таклиф тузилишининг ўзгариши билан содир бўлган бўлса, у ҳолда индексация инфляцион спиралнинг сабабчиси бўлиши мумкин. Мосланувчан чораларга эслатиб ўтилган «даромадлар-нархлар» сиёсатини қўшиш мумкин.

Иш ҳақи ва нархлар ўзгаришининг суръатлари ўртасида бир хил нисбат мавжуд экан, у ҳолда Филлипс эгри чизиги ўз моҳиятига кўра инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради, аниқроғи инфляциянинг ўсиш суръатида ишсизликнинг паст даражаси кузатилади ва аксинча ишлаб чиқа-

риш қисқариши ҳолда ишсизлик күпайиши билан нархлар ошиши күзатилади. Бу ҳодиса стагфляция деб аталиб, ҳам инфляция, ҳам ишсизликнинг ўсиши билан ифодаланади.

Давлатнинг меҳнат бозорига таъсир этиш чоралари Филипс модели билан чекланиб қолмасдан, ўз қамровига яна солиқ, пул-кредит сиёсатининг кенг таъсир этиш чораларини ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни ҳам олади.

Инфляция нархлар даражасининг ошишидир. Инфляциянинг баҳолар индекси орқали кўришимиз мумкин:

$$P = \frac{P_t}{P_{t-1}} \cdot 100\%$$

Инфляциянинг ўсиш суръатини аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\text{Инфляциянинг ўсиш суръати} = \frac{P_t - P_{t-1}}{P_{t-1}} \cdot 100\%$$

Инфляциянинг қўйидаги турлари мавжуд:

- нормал инфляция (3-5%);
- ўртacha инфляция (20-25%);
- галопирующая инфляция (30-200%).

Гиперинфляция, бунда нархлар б ой давомида ойига 50% дан ортиб боради, сўнг пул қоғозга айланади ва ўз вазифасини баҳара олмайди.

Стагнация - нархлар билан бир қаторда ишсизлик даражасининг ошиб кетишидир.

Стагфляция - стагнациядан фарқли равишда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиб кетишидир.

16.3. Макростратегиялар танлашнинг хорижий тажрибаси

Хозирги замонда соф иқтисодий тизимга асосланган давлатни топиб бўлмайди. Ҳар бир тизим хўжалик юритишнинг миллий моделига эга. Щулардан энг машҳурларини санаб ўтамиш.

Америкачача модель - тадбиркорлик фаоллигини тақдирлаш, фаол аҳолини бойитиш асосига тузилган. Кам таъминланганларни қисман таъминлаш ва уларга ёрдам беришини кузда тутади. Меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига ва шахсий муваффақиятга эришишга асосланади.

Японча модель - аҳолининг яшаш даражаси (шу жумладан, иш ҳаки даражаси)нинг меҳнат унумдорлигидан орқада

қолиши билан тавсифланади. Шу асосда дунё бозорида нарх пасайишига эришиллади. Бу модел миллий ўз-ўзини англашга, миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйишга асосланади.

Шведча модель — кучли ижтимоий сиёсатга асосланади. Унга кўра, давлат қўлида асосий фойдаларнинг 4 % гинаси бўлади, давлат харажатлари эса ЯИМнинг 70 фоизларини ташкил этади. Харажатларнинг яримидан қўпроғи ижтимоий эҳтиёжларга ишлатилади. Швецияда солиқлар микдори жуда юқори, шуни ҳисобига аҳоли турмуш даражаси энг юқори давлат ҳисобланади. Бундай модель «функционал ихтисослаш» деган ном олган. Аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш (бандилик, таълим, ижтимоий суғурта) давлат зиммасида.

Режали иқтисод 1990 йилларда ўз имкониятларини йўқотди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилгач, бозор иқтисодиётiga ўтиш тамойиллари ишлаб чиқилди, туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди, аралаш иқтисодиёт вужудга келди.

Президентимиз томонидан аралаш тизимнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Ижтимоий ҳимояланган, бозор иқтисодиётiga асосланган хуқуқий демократик давлат қуришга киришилди. Юқорида кўрсатилган моделлар асосида макростратегиялар танлаш мумкин.

Республикамиз ижтимоий-иктисодий ривожланишда 5 тамойилга асосланади:

1. Иқтисодни сиёсатдан устунилигини таъминлаш.
2. Қонун устуворлигини таъминлаш.
3. Давлат — асосий ислоҳотчи.
4. Бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш.
5. Кучли ижтимоий муҳофаза.

16.4. Макростратегик дастурлар

Макростратегик дастурлар ишлаб чиқишининг асосий йўналишларидир.

Республикамизда кўплаб макростратегик дастурлар, мустақил, демократик хуқуқий давлат қуриш борасида потенциал концепция, унга эришиш учун 5 тамойил ишлаб чиқилган. Бу тамойиллар асосида биз иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришимиз керак.

Макростратегик дастурларга қўйидагилар киради:
- давлатнинг ижтимоий сиёсати бўйича дастурлар;

- ахолининг турмуш даражасини стратегик ривожлантириш;
- ахолининг такрор ишлаб чиқариш, ишчи кучи ва бандли-лик дастурлари;
- ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш дастурлари;
- илмий-техника тараққиёти дастурлари;
- экология бўйича дастур ва ҳ.к.

Қисқача хуросалар

Антиинфляция сиёсати фаол ва мослашувчанлик сиёсатларига бўлинади. Инфляция жараёнларнинг бошқариш воситалари давлат қўлида. Шунинг учун ҳам давлат пул таклифига ва мос равища пул массасининг каттадигига масъудир.

Макростратегийлар танлашда ҳар бир тизим ҳўжалик юритишнинг миллый моделидан келиб чиқади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий тизимларни қандай тавсифлаш мумкин?
2. Макростратегиялар нима?
3. Макростратегик дастурлар қандай аҳамият касб этади?
4. Макростратегик дастурларни ишлаб чиқиш қандай кечади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – М.: Специальная литература, 1997.

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҚАММОЛАРИ

17.1. Ҳудудий стратегияни роли

Ҳудудий – инновацион стратегия макро ва микроинновацион стратегиялар оралиғидаги стратегия ҳисобланади. Униг роли шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ва инновацион жараён ўзининг ҳудудий жойлашувига эга. Давлат дараҗасидаги макростратегия марказлашган ресурсларни аниқ, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бу корхона ва ташкилотлар маҳаллий ашёлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаради, илмий инфратузилмалардан фойдаланади. Агар кўрсатилган элементлардан биронтаси етарли даражада ривожланган бўлмаса, унда мазкур ҳудудда макроинновацион стратегияни амалга ошириш кўлами чегараланиб қолади.

Макродаражадаги ҳудудий муоммоларни ҳисобга олишининг зарурӣ қирраларидан бири бу - ҳар қандай давлатда алоҳида ҳудудларни ривожлантиришга аҳамият беришидир. Акс ҳолатда, алоҳида ҳудудларни ижтимоий-иктисодий чегаралаш ҳудудий муаммолар кескинлашувига олиб келади (масалан, собиқ СССР, Россия Федерацияси, Югославия, Хиндистон, Канада ва бошқалар). Агар мезо ва микродаражаларни инновацион ривожланиши маъносида кўриб чиқулса, унда ҳудудий ривожланишининг бу ҳолатдаги даражаси ҳал қилувчи аҳамиятта касб этади. Чунончи, ҳар бир ҳудуд ўзи шахсий манфатларига эга бўлади. Шундай қилиб, ҳудудий стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш зарурлигини мувофиқлаштирувчи куйидаги тўргта асосий омилни ажратиш мумкин:

- макроинновацион стратегияларнинг ҳудудий жиҳатлари;
- ҳудудни ривожлантиришнинг давлат сиёсати;
- ҳудудлар ривожланишининг шахсий ижтимоий - иқтисодий ва илмий - техник мақсадлари;
- корхоналарнинг микроинновацион стратегиялари.

Илмий - техник мажмуилар ҳудудий ривожланиши дараҷаси ва ўз вазифасига кўра:

- илмий-техник парклар технополисларни қуриш ва молиялаштириш, жойлаштириш режаларини ишлаб чиқади;
- илмий-техник фаолиятнинг ҳудудий бошқарув органларида раҳбарлик қиласи.

Округ ва вилоят техник құмиталари илмий-техник ва илмий-ишилаб чиқариш фаолиятини амалға ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган аниқ вазифаларга эгадирлар. Худудий илмий-техник фаолият бошқарув органлари республика органларига маъмурӣ жиҳатдан мунтазам тарзда бўйсунадилар.

Уларнинг вазифалар доирасига қўйидагилар киради:

- эҳтиёжларни аниқлаш, уларни келажакда илмий-техник ривожланиши таъминлаш;
- илмий-техник ва ишилаб чиқариш объектларининг ўзаро алоқалари истиқболини текшириш;
- янги илмий-техник ва ишилаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва уларнинг имкониятларини аниқлаш;
- фаолият тури бўйича аниқ мажмууларни шакллантириш;
- ташкилот ва корхоналарда худудий буортмаларни жойлаштириш;
- илмий-техник тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш учун молиявий захиралар қидириш;
- худудда ишилаб чиқариш техник инкубаторларни ташкил этиш;
- фаолият кўрсатаётган корхоналардаги бўш ишилаб чиқариш қувватларини излаш;
- зарурый ахборотларни тўплаш ва республика доирасида тарқатиш.

Янгилик киритиш мажмуми вазифалари ва тузилишидаги фарқлар кўпроқ худуднинг илмий-техник ривожланиш даражасига боғлиқ. Худудларни бу белгиларга кўра, шартли равишда З та гурухга бўлиш мумкин: юқори, урта ва кучсиз ривожланган.

Юқори даражадаги худудларнинг илмий-техник стратегияси, аввало, илмий имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилган. Бошқа йўналиш эса, илмий-техник қарорларни шакллантириш ва экологик вазиятни яхшилашдан иборат. Чунки яхши ривожланган худудларда экологик вазият талабга жавоб бермайди. Урта даражада ривожланган худудлар аввало ўз қамро-видаги илмий-техник соҳаларни ва саноатни кўтариш, ривожлантиришдан манфаатдор. Бу худудлар энг мувофиқ стратегиялар биримасини топишлари керак, яъни юқори даражада ривожланган худудларда самарасиз ҳисобланадиган, лекин бозорда барқарор талабга эга бўлган ишилаб чиқаришнинг оралиқ синфини ўзлаштиришлари лозим.

Кучсиз ривожланган худудлар стратегияси мавжуд табиий ресурслардан, иқлимий хусусиятлардан фойдаланишга қаратилади. Асосий вазифа - шунинг асосида малакали кадрлар ва меҳнат ресурслар билан таъминлаш. Агар худудда меҳнат ресур-

слари керакли даражадан ортиқ бұлса, бунда құшымча иш жойларини ташкил этиш ва күп ишчи талаб этиладиган корхоналарни барпо қилиш вазифаси вужудға келады. Охирги вазифа юксак даражада ривожланган худудлардаги қорхона филиалдарини ривожлантириш ҳамда лицензия ва патентлардан фойдаланиш ҳисобига ҳал қилиниши мумкин.

17.2. Худудий стратегиянинг таркиби ва тузулиши

Худудларнинг мавқеи даражаси уларни құллаб-қувватлашга боғлиқ бұлади. Бу құллаб - қувватлаш худудларда илмий - техник ташкилоттарни ташкил этиш учун қарор қабул қилиш, шунингдек, турли худудлараро ва худудлар ичидә шу худуднинг илмий-техник ривожланишига оид күрсаткічлар тизимини солишириш орқали юз беради.

Бу тизимга қуидагилар киради:

- худуд илмий-техник соҳасининг меңнат потенциали;
- худуднинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш - техник жихозланиши;
- худудни билим талаб қилинадиган маңсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлик даражаси, ишлаб чиқариш - техник мақсадларга мұлжалланган маңсулотлар сифати, унинг экспорт имкониятлари;
- худуд илмий-техник потенциалининг тузилиши.

Худуднинг илмий-техник соҳаси потенциали күрсаткічлари қуидагиларни аниқлайди:

- худудни такрор ишлаб чиқариш имкониятлари;
- илмий-педагогик кадрларни ривожлантириш даражаси (профессор, ўқитувчилар таркиби).
- худуд ахолисининг умумий маълумот даражаси;
- худудда илмий меңнат потенциали концентрацияси даражаси.

Худудда меңнатни такрор ишлаб чиқариш имкониятлари коэффициенти қуидагича аниқланиши мумкин:

$$К_{TBV} = \frac{C_{cr}}{C_3} \quad (1)$$

Бу ерда: C_{cr} ишлаб чиқаришда банд бўлган талабалар сони; C_3 - ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган талабалар сони.

Коэффициент катталиги малакали илмий кадрлар захираси мавжудлигини кўрсатади. Агар K_{TBV} кўрсаткичи юқори бўлса, худудий марказни олий ўқув юртларининг ўзида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-педагогик кадрларнинг ривожланиши коэффици-

енти профессор-ўқитувчилар сонини ҳудуддаги банд бўлган аҳоли сонига бўлиш орқали топилади:

$$\text{Кріпс} = \text{Чпс} \backslash \text{Ч}_3 \quad (2)$$

Бу ерда: Чпс - профессор ўқитувчилар сони.
 Ч_3 - банд бўлган аҳоли сони.

Кріпс катталиги ҳудуд илмий-техник даражаси потенциалининг асосий индикатори ҳисобланади.

Илмий-текшириш меҳнат потенцияли даражаси қўйидагича топилади:

$$\text{Кріпс} = \text{Чнии} \backslash \text{Ч}_3 \quad (3)$$

Бу ерда: Чнии - ИТИ ва Кб да банд бўлганлар сони;
 Ч_3 - банд бўлганларнинг умумий сони.

Бу коэффициент тармоқ ва академик илмий изланиш ва конструкторлик ташкилотлари базасида марказларни ташкил этиш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради. Аҳолининг умумий маълумотлилик даражаси қўйидагича аниқланади:

$$\text{Коу} = \text{Чво} \backslash \text{Ч}_3 \quad (4)$$

Бу ерда: Чво - олий маълумотлилар сони.
 Ч_3 - банд аҳолининг умумий сони.

Мазкур коэффициент ҳудуднинг умумий интеллектуал мухитини тавсифлайди.

Кадрларни илмий-техник концентрация даражаси қўйидагича аниқланади:

$$\text{Ккнк} = \text{Чзн} \backslash \text{Пр} \quad (5)$$

Бу ерда: Чзн - илмий соҳада банд бўлганлар, шунингдек, илмий-педагогик кадрлар сони.

Пр-ҳудуд майдони.

Ккнк коэффициенти ҳудуд майдонининг илмий-техник меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини қўрсатади.

17.3. Ҳудудни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришда муқобил стратегияни излаш

Ҳудудни ишлаб чиқаришнинг техник ва илмий - техник ресурслар билан жиҳозланганлиги қўрсаткичлари гуруҳи қўйидагиларни аниқлайди:

Ишлаб чиқариш - техник жиҳозланганлик даражаси:

$$\text{Кито} = |\Phi_{сог} \Phi_{П}| \quad (6)$$

Бу ерда: Фсо - корхонанинг асосий фондлари қиймати. Булар ишлаб чиқариш-техник жиҳозланиш учун мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқаради;

Фп - худуддаги ишлаб чиқариш обьетларидағи асосий фондларнинг умумий қиймати.

Мазкур коэффициент корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати ҳудудга янгиликлар киритишини шакллантиришда фойдаланиш имкониятини тавғисифлайди:

Илмий-техник жиҳозланганлик даражаси:

$$\text{Кито} = \Phi_{\text{НТ}} / \Phi \quad (7)$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{НТ}}$ ва КБ лардаги асосий фондлар қиймати, шунингдек алоҳида олий ўқув юртларидағилар ҳам;

Φ - худуддаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектарининг асосий фондлари қиймати.

Кито ёрдамида ҳудуднинг илмий-техник базасини баҳолаш мумкин.

Тажриба-синов қувватлари билан таъминланганлик даражаси:-

$$\text{Коэ} = \Phi_{\text{ОЭ}} / \Phi_{\text{Н}} \quad (8)$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{ОЭ}}$ – тажриба-синов корхоналарининг асосий фондлари қиймати;

$\Phi_{\text{Н}}$ - ИТИ, КБ, олий ўқув юртларининг асосий фондлари қиймати.

Мураккаб ишлаб чиқариш-техник маҳсулотларни ($\Phi_{\text{ВН}}$) ишлаб чиқаришда ҳамда ИТИ ва КБ да меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги . Булар асосий фондлар қийматининг санаб ўтилган соҳалардаги ишчилар сонига нисбати билан топилади. Фонд билан қуролланганлик коэффициенти асосий фондларни ҳудуддаги банд аҳоли сонига нисбати орқали аниқланади:

$$\Phi_{\text{ВП}} = \Phi_{\text{П}} / \Phi_{\text{П}}$$

$$\Phi_{\text{ВН}} = \Phi_{\text{Н}} / \Phi_{\text{Н}} \quad (9)$$

$$\Phi_{\text{ВР}} = \Phi_{\text{П}} + \Phi_{\text{Н}} / \Phi_{\text{З}}$$

Бу коэффициентлар марказлар ишини меҳнат талаб қилинадиган фаолият турларига йўналтириш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

Ҳудуднинг ишлаб чиқариш - техник ва илмий-техник фонд билан таъминланганлиги:

$$\text{Кфот} = \Phi_{\text{П}} + \Phi_{\text{НТ}} / \Phi_{\text{Пр}} \quad (10)$$

Худуднинг билим талаблилилк ва сифатли маҳсулотлари кўрсаткичлари. Мазкур гурух кўрсаткичлари қўйидагиларни аниқлаш имкониятини беради:

- ҳудудни самарали ишлаб чиқариш, техник йўналиши:

$$\text{Кито} = \text{Рспт} \backslash \text{ЧЗ} \quad (11)$$

Бу ерда: Рспт - ишлаб чиқариш, техник мақсадларга мўлжалланган мураккаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи.

- Худуднинг илмий-техник унумдорлиги:

$$\text{Китп} = \text{Ритп} \backslash \text{ЧЗ} \quad (12)$$

Бу ерда: Ритп - илмий-техник маҳсулотлар ҳажми кўрсаткичли.

Худуднинг илмий-техник йўналиши (бунда илмий-техник маҳсулот ҳажми ишлаб чиқариш, техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади).

$$\text{Китом} = \text{Ритп} \backslash \text{Ритп} + \text{Рспт} \quad (13)$$

Бу коэффициентни ҳисобга олиш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда худуднинг ихтинослашуви тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Худудни экспорт ишлаб чиқариш, техник йўналиши (экспорт қилинаётган ишлаб чиқариш - техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотларнинг шу маҳсулотлар умумий ҳажмидаги улуси)

$$\text{Кэксо} = \text{Рэкс} \backslash \text{Рспт} \quad (14)$$

Худуднинг илмий-техник патенциали тузилиши кўрсаткичлари:

- пропорционаллик коэффициенти.

$$\text{Кстр} = \text{Рвуз} : \text{Рак} : \text{Ротр} : \text{Рзар} \quad (15)$$

Бу ерда: Рвуз - олий ўқув юртларида илмий-техник ишлаб чиқариш ҳажми;

Рак - академияларда илмий-техник ишлаб чиқариш ҳажми;

Ротр - тармоқларда илмий-техник ишлаб чиқариш ҳажми;

Рзар - заводларда илмий-техник ишлаб чиқариш ҳажми.

Булар худуднинг илмий секторига тегишли. Бу коэффициент ҳудуднинг у ёки бу илмий-техник соҳа секторига йўналишини ишлаб чиқиш имконини беради.

- илмий - техник соҳа ташкилотларини жамлаш.

$$Крас = M1\MI+M0 \quad (16)$$

Бу ерда: $M1$, $M0$ - илмий-техник объектларга эга ва эга бўлмаган шаҳарлар сони. Крас ни қўллаш тармоқдан фойдаланиш имконини беради.

Худуд илмий-техник ривожланиш даражаси индикаторларининг таҳлили.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш тури усууллар билан амалга оширилиши мумкин. Улардан асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- мазкур худуд кўрсаткичлар даражасини яхши ва ўрта худудлардаги кўрсаткичлар билан солишириш;
- мазкур худуднинг бир неча кўрсаткичларини бир-бири билан солишириш;
- мазкур худуд ривожланишининг интеграл индикаторини ҳисоблаш.

Хусусий индикаторнинг аҳамиятини ҳисоблаш қўйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$И1=K1\Ke(л) \quad (17)$$

Бу ерда: $K1$ - худуднинг илмий-техник ривожланиш кўрсаткичи;

$Ke(л)$ - ўрта (яхши) худуднинг илмий-техник ривожланиш кўрсаткичи;

Индикаторлар аҳамиятини қўйидаги вариантлар орқали аниқлаш мумкин:

$И1<1$ - мазкур худуд ривожланиш даражасининг ўрта худуддан паст бўлиши;

$И1=1$ - мазкур худуднинг ривожланиш даражаси ўрта худуд даражасига мос келади;

$И1>1$ - мазкур худуднинг ривожланиш даражаси ўрта худуднинг ривожланиш даражасидан ортади.

Аниқ индикаторлар аҳамиятлилигини таҳлил қилиш ва уларни ўзаро солишириш орқали худудий илмий-техник сийёсат йўналиши тўғрисида аниқ хулоса чиқариш мумкин.

Қисқача хуросалар

Хукуматнинг вазифалари мавжуд қонунлари ва давлатнинг иқтисодиёт сиёсатидан келиб чиқади. Унинг тузилмаси вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назардан ташкил қилинади.

Худудларда илмий-техник ташкилотларни ташкил этиш учун қарор қабул қилиш, турли худудлараро ва ҳудудлар ичida ҳудуднинг илмий-техник ривожланиши хусусий кўрсаткичлари тизимини солиштириш лозим бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Худудий стратегия нима?
2. Худудий стратегия қандай таркибга ва тузилишга эга?
3. Худудий ривожланишда муқобил стратегия қандай изланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 4.Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций.- М.: Специальная литература, 1997.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИОН ЙЎНАЛИШ

18.1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиши йўларини белгилаш, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

Очиқ турдаги иқтисодиётининг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимdir.

Хаътто катта ҳудудга, кўп млн.ли аҳолига, хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатнинг бутунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб, бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. 1991 йил августда давлат ўз суверенлигига эга бўлган пайтдан бошлиб, ўзи танлаган ташқи иқтисодий сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизими, унинг интеграциясини изчил руёбга чиқаришdir.

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иктисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросга хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан табиий ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал хомашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига, геопотолик ёндашиш жиҳатидан фақат Евроосиё қитъаси эмас, хозирги кунда тикланаётган Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим стратегик ўрин эгаллайди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ролини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига тақсимланиши бўйича бешинчи ўринни эгаллайди; республикада 30 та олтин қази-

малари топилған бўлиб, ҳозирча улардан фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Мурунтовдаги (Навоий вилояти) олтини бор қазилмаларни (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондайк (АҚШ), Витватерранд (ЮАР), Колар (Хиндистон) билан бир қаторга қўйиш мумкин. Юқори пробали қимматбаҳо металл бу ерда чорак асрдан бери қазиб олинмоқда. Уни қазиб олиш арzon очиқ йўл билан борајпти. Шундай қилиб, давлат суверенитети шароитида республика ўз олтинига ўзи хўжайин, жаҳон олтин бозорида тенг хуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охирги найтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта туйинтирилиши тенденциялари рўёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металлнинг сифатига талаб анчамунча юқорироқ бўлди.

Масалан, 1991 йилда Жаҳон банкининг кўрсаткичларига кўра, бу фарқ 220-320 тоннага етди. Бундай шароитларда олтинга бўлган нарх-навони барқарор равишда ушлаб туриш мушкул бўлиб колди. Чуники собиқ итифоқ парчаланиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатлар ташкил топиши Farb мамлакатларини ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон олтинини сотишда фоят омилкорлик зарур.

Ўзбекистонда 370та кон ишлаб турибди. Улардан ҳар йили 200 млн. тонна турли минерал ҳомашёлар қазиб олинади, йилига 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан захираларга бой, бу худудда яна кўплаб қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа муҳим ва ноёб металларнинг катта-катта конлари мавжуд.

Республика ривожланган курдатли ёқилғи-энергетика базасига эга. Табиий газ топилмалари тахминан 2 трилион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қиласди. Охирги икки йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ички эҳтиёжларни қондиришига, балки энергия берувчиларнинг экспорти ҳақида ҳам гап юритишга йўл беради.

Ўзбекистон нефть конларидағи қора олтинни қайта тайёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДҲда пахта етиштирувчи асосий республика, бу борада жаҳонда тўртинччи ўриндадир. Бу ерда жаҳон ва МДҲ давлатлари билан асосий ҳамкорлик

йўналишларидан - Республикада пахтани чукурроқ қайта ишлаб, ташки бозорга якунланган қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мүлжалланган.

Республикада ҳар йили 1,7 млн. тонна пахта тоғаси тайёрланади. Буни жаҳонда чиқарилаётган пахта билан солиштириш мумкин: МДҲда умумий 2,75 млн. тонна, Хитойда 4,2 млн. тонна, АҚШда 3,4 млн. тоннапахта ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш хажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг хукуқли ҳамкор булишиши мумкин, лекин бизнинг пахтамиз сифати чет элники олдида анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориши ва фурсат даркор. Худди шундай вазият қоракўл терилари ва ипак хомашёси етиштириш жараёнида.

Мева ва сабзавотлар етиштиришда собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлиб, Иттифоққа ҳар йили ялпи мева-сабзавотнинг 60 фоизларини етказиб берарди. Бутунги кунда ҳам мамлакатимизда йилига 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, кўплари ноёб тамға эга. Ўзбекистон бу тармоқ бўйича ҳамкорликка тайёр. Республикасининг бу тармоқка бўлган асосий эътибори маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилган.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда туризм саноати ривожлантирилиши учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг худудида дунё миқёсида танилган тарихий ва архитектура марказлари - Самарқанд, Бухоро, Хива жойлашган, 4000 дан ортиқ архитектура - маҳобатли обидалар бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясидадир.

Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари кафолатли бўлиб, бир томондан бозор иқтисодини ислоҳотлаштириш, бошқа томондан эса, собиқ иттифоқ ўрида шаклланган янги иқтисодий макон интеграцияси, тенг хукуқли ва ҳамкорлик билан халқаро меҳнат тақсимотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида баббаробар иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат суверенитетига ва мустақилликка 1991 йилнинг августида эришиб, мустақил равишда халқаро бозорга чиқиш йўли жуда идеал бўлмаса ҳам (1-жадвал), лекин ривожланиш учун кўплаб захираларга эга эди. Республика ташки иқтисодий алоқалари интенсификациясининг келиб чиқиш шартшароитлари қўйидагилардир:

- ер бойликлари, минерал хомашё ва ўсимликлар ресурслари, шунингдек, ажойиб тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта

тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш мажмую базасини яратиш учун хаддан зиёд имкониятларининг мавжудлиги;

- миллий халиқ хўжалиги мажмую инфратузилмасининг юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциалнинг жамулжамлиги;

- экспорт потенциалининг юқори даражада эканлиги;

- тегишли қооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёрдамида рақобатга бардошли маҳсулотларни юқори даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришини қисқа вақт ичидага яратиш потенциалининг мавжудлиги;

- нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арzon ишчи қучига эга бўлиши мумкинлиги;

- хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий мухитнинг яратилганини.

18.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Фарб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳнат ресурслари ҳамма вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига дахлдор бўлиб келган, чунки унинг географик жиҳатдан савдо-иқтисодий потенциали қўплаб мамлакатларни қизиқтирган.

Мустақилликдан олдинги ўн йилликда Ўзбекистон асосан агротехника хомащёси (пахта, ипак, қорақўл), машинасозлик ва асбобсозлик тармоқлари учун комплектлаш маҳсулотлари, олтин, уран ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Уриш даврида қўпгина заводларнинг Ўзбекистонга эвакуацияси туфайли республикада кончиллик, самалётсозлик, тракторсозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбекистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди, республика саноат соҳасининг ривожланиши муайян даражада ташқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Унинг иқтисодий ва давлатчилик тараққиётининг биринчи босқичи (1991-1995й.) иқтисодни бошқарадиган ўз инфратузилмасини яратиш ва интенсив равишда жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини ривожлантиришига боғлиқ эди.

Хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўtkазили ва шакллан-

тириш; тараққиёт стратегиясини белгилаш; ички ва ташқи бозларда умумдавлат манфаатларни таъминлаш; иқтисодий, фантехникавий, савдо. Маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали ёрдам бериб бошқарадиган Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги (МВЭС) барпо этилди. 1992 йил 26 марта қабул қилинган хукумат қарорига кўра вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисида намойиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қиласди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро хуқукий нормаларга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган битимларига, қонунларига ва норматив актларига амал қиласди.

Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқарувида, иқтисодиётда, ташқи савдо алоқаларида ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди. 1995 йилда МДҲ давлатлари орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири бўлди.

Олтин қазиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳаларида дастлабки саноат инвестицияларининг лойиҳалари тугадланди; ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан агаррар ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

ЕХ иқтисодий комиссиясининг кўрсатмаларига кўра, миллий маҳсулотнинг салмоғи 1991 йилдагига нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда 82,21 %ни, Россияда 49%ни, Қозоғистонда 43%ни, Беларусда 41%ни ташкил этди. Ўзбекистоннинг бу кўрсаткичини марказий ва Фарбий Европага яқин жойлашган Шарқий Европа мамлакатлари кўрсаткичлари билан солиштириб ўтамиз.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998 й.) негизларидан бири - бозор иқтисодиётининг амалда мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, макроиктисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этишдир.

Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички бозор учун (импорт ўрнига) ва ташқи бозор учун (экспортга) рақобатардош молларни ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига кўплаб хорижий технологик сармояларнинг кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- кон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекомуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиаация ва темир йўли портларини комплекс равишда қайта қўришга; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

1996 йилда давлат бюджетининг тақчиллиги Ташқи Миллий Маҳсулот (ВНП)дан келиб чиқиб, 3,5% даражада баҳоланди ҳамда МВФ экспорти томонидан назорат қилинадиган даражада кескин ошмади. Ўзбекистон 3 млрд. АҚШ доллари билан баҳоланадиган юқори потенциалли минерал хомашё ресурсларига, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, меҳнат ресурслари ҳамда барча ишлаб чиқариш соҳаларидағи малакали қадрлар ва хизмат кўрсатиш доиралари миқёсида халқаро савдо-сотиқни унумли равишда янада ривожлантириш имкониятларига эга.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорт тузилиши шуни кўрсатдики, 1998 йил якуний натижаларга кўра, ташқи савдо айланмаси 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдода 216 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча сальдо таъминланди. МДҲ давлатларининг товар айланмаси 24 %га тушиб кетдики, бу ҳол параллел равишда эркин конвертация қилинадиган валюта воситасидаги савдо ҳажмининг ортишига олиб келди.

1998 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкори Швейцария бўлди. Шунингдек, ташқи савдо олиб борилган биринчи беш мамлакат қаторида Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия бўлдики, бу борада анча салоҳиятга эришилди.

Ўзбекистоннинг асосий товар айланмаси Европа иқтисодий Ҳамжамиятининг саноати ривожланган мамлакатларига 30,6 %, Жанубий Кореяга 16,2 %, Туркияга 6,2 %, Бирлашган Араб

амирликлариға 2,2 %, Хитойга 1,8 %, АҚШга 1,2 %, МДХ мамлакатларига товар айланымасыда Россияга 49,1 %, Қозоғистонга 18 %, Тожикистанга 8,9 %, Украинаға 4,0 %, Қирғизистонга 3,9 % тұғри келди.

13-жадвал
Ўзбекистоннинг 1998 йилдаги ташқи савдо баланси
(АҚШ млн. доллары ҳисобида)

	Жами	МДХ	МДХдан болық
Экспорт	3481.63	1690.10	1791.53
Товарлар экспорты	3194.17	1517.05	1677.12
Пахта толаси	1799.08	383.55	1415.53
Энергия таңуучилар	435.42	423.50	433.7
Болық товарлар	959.85	710.00	249.85
Экспорт хизматлари	287.46	173.05	114.41
Юк ташини	227.99	164.60	63.39
Саёхатлар (туризм)	10.89	0.09	10.80
Бошқа хизматлар	48.59	8.37	40.22
Импорт	3713.33	1793.80	1919.54
Товарлар импорты	3217.99	1408.70	1809.29
Озик-овидат	687.72	181.50	506.32
Энергия таңуучилар	60.29	52.59	7.7
Машниналар, усқуналар ва транспорт воситалари	1278.65	437.7	782.95
Болық товарлар	1191.33	678.91	512.42
Импорт хизматлари	495.34	385.10	11.24
Баланс:			
Экспорт	3484.63	1692.10	1791.53
Импорт	3713.33	1793.80	1919.53
Ташқи савдо айланымасы	7196.96	3485.90	3711.06
	- 229.70	- 101.70	- 128.00

1998 йилда экспорт товарлари ва хизматлари 3,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, яқин хорижий мамлакаталарга экспорт жеткізілді. Узоқ хорижий мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулотнинг құпайишига экспорт товарларини сотиши бозорининг географик көнгайиши ҳамда табиий күламининг ўсиши, шунингдек, хомаше маҳсулотларига, бириңчи навбатда, пахта толаси ва мисга жаһон конъюнктура баҳоларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг 1996-1998 йиллардаги асосий маҳсулотлари түрининг экспорт тузилишига оид маълумотлар 14-жадвалда берилган.

Эркин конвертацияланганадиган валютанинг экспорт ҳажми яқин хорижий мамлакатлар билан 27,2 марта, дунёдаги бошқа мамлакатлар билан эса 2 баробар ўди. 1999 йилда эк-

спорт тузилиши баҳоланган нархга кўра хомашё товарлари, аввало, пахта толаси қисман даражада салмоқли ўрин тутади - 57,8%. Энергоеетказкичлар улушига 14%, кора ва ранги металларга 5,4% тўғри келади. 2000 йилда умумий импорт ҳажми 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. МДҲ ва Болтиқ бўйи мамлакатларидан келтириладиган импорт товарлари оқими 8,8%га қисқарди ва 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, натижада мазкур мамлакатларнинг умумий импортдаги улуши камайиб, 44,7%дан иборат бўлди. Яқин хорижий мамлакатлардан келтириладиган импорт эса анча қўпайиб, 1994 йилдагига нисбатан таққосланганда 2,1 марта ўси.

14-жадвал

1999-2000 йиларда Ўзбекистон Республикаси экспортининг тузилиши (АҚШ млн. доллари хисобида, хизматларсиз)

Асосий маҳсулот турларининг экспорт тузилиши	1999	2000
Жами	694.062	1677.2
Пахта толаси	550.281	1415.3
Машинадар, аэроб-ускуналар ва транспорт	0.865	3
Рангили металлар ва улардан тайёрланган булоналар	68.168	110.1
Минерал ўнитлар	14.005	35.5
Пахта газламалари	19.984	27.5
Кора металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	5.497	10.4
Шойи	6.03	8.8
Пахта чинницилари	2.937	5.2
Усмиллик ёғи	-	5.5
Чарм хомашёси	0.557	1
Нефть ва нефть маҳсулотлари	0.307	0.3
Электроенергия	7.556	11.6
Пахта линти	1.642	11.3
Тўқимачилик ва трикотаж кийим-кечаги	-	0.6
Тоза пахта	1.633	1.6
Бонка маҳсулотлар	14.635	29.5

Узоқ хорижий мамлакатлардан импорт товарларини келтириш 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Натижада узоқ хорижий мамлакатларнинг салмоғи баҳоланган нархга кўра, импорт ҳажми 1996 йилдаги 45,7%дан 55,3%га қўпайди. Ўзбекистон учун импортдаги салмоқли ўринни Жанубий Корея - (27%), Германия - (22,9%), Венгрия - (9,2%), Швейцария - (7,5%), Туркия - (5,7%), Япония - (4,4%) эгаллади. Бу мамлакатларнинг импортдаги улуши 80%га тўғри келади.

2000 йилда импорт тузилишида тубдан ўзгаришлар юз берди, буни жадвалдан кўриш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси импортининг 1998-2000 йиллардаги тузилиши (АҚШ доллари хисобида, хизматларсиз)

		1998		2000	
		баҳоси	%	баҳоси	%
Жами		1187.34	100	1809.29	100
Будой	млн. тонн	241.41	20.33	129.93	7.10
Гүнит ва сутмаҳсулотлари	млн. тонн	71690.50	6.04	46354.40	2.58
Сут ва сут маҳсулотлари	млн. тонн	13.91	1.17	12.55	0.69
Сарнёф	млн. тонн	4952.30	0.42	9082.70	0.59
Чимзик ёғи (нахта ёғидан ташинари)	млн. тонн	0.16	0.01	362.30	20.00
Шакар	млн. тонн	64955.30	5.47	93653.50	5.10
Фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, дори-дормонлар	млн. тонн	5.85		65.09	3.60
Тұқымачылык, трикотаж кийим-кечаклари	млн. тонн	27.57	2.32	39.11	2.10
Оптика, жаррохлик ва табииниң асбоблар ва аппаратлар	млн. тонн	3.18	0.27	52.21	2.80
Теле ва видеопараллар	млн. тонн	12.36	1.04	78.51	4.30
Маниналар, асбоб-ускуналар ва механизмлар	млн. тонн	158.98	13.39	498.22	27.50
Бошқа товарлар	млн. тонн	252.98	21.31	221.32	23.64

Хоҳ яқин ва хоҳ узоқ хориж мамлакатларидан импорт қилинадиган товарлар ичида машиналар ва асбоб-ускуналар салмоғи ортиб бормоқда. Улар ялпи импорт товарларининг 37,5% ини ташкил этади.

Ватанимизда ёқилғи-энергетика мажмуининг жадал суръатлар билан ривожланғанлиги туфайли чет мамлакатлардан көлтирилдиган нефть ва нефть маҳсулотлари умумий импорт салмоғига нисбатан анча қисқарди.

Импорт тузилишининг таҳлили шуни күрсатмоқдаки, Ўзбекистонга бозорда тезда сотилиб кетадиган истеъмол товарларини күплаб көлтириш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигининг эксперклари турли даражадаги импорт товарлари ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини таҳлил қылмоқда. Импорт болжона солиқларининг дифференциал ставкасини жорий этиш мүлжалланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт алоқалари муҳим аҳамиятта эга. Ўзбекистоннинг йирик халқаро темир йўл, денигиз ва автомобиль портларидан йироқ жойлашганлиги импорт ва экспорт товарларини етказишида транспорт хизмати баҳосига жиддий таъсирини ўтказмоқда.

Юқ ташиш ишларининг 90%и темир йўл транспорти орқали амалга оширилади. Ўзбекистон ичкарисида темир йўл ало-

калари тизими етарли даражада ривожланмаган ва зич жойлашган (50 км дан 100 кв. км гача) ҳамда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қырғызистонга чиқиши мүмкүн. 180 та станциядан 11 таси йирик габаритли контейнерларни қайта ишлаш учун зарур воситалар билан жиҳозланган. Ҳар куни Ўзбекистонда 8000 вагон қайта ишланади.

Товарларнинг анчагина қисми автомобиль транспорти орқали ташилади. Тезкор йўллар масофаси 42 минг км ни, маҳаллий йўллар масофаси 90 минг км ни ташкил этади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳамда ёнма-ён бўлган халқаро авиация компонияси хизматидаги транзитмагистрали ғоятда катта аҳамиятга эга. МДҲ мамлакатлари ва 15 та узоқ хориж юртларига самолётлар тўғридан-тўғри парвоз қилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фарғона шаҳарлари халқаро аэропортлар мақомига эга.

18.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий, қонуний ва ҳуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёrlар даражасида асослаб берилди. Чунончи, Республика Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги фармонига кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар хорижий валюта тошириш ва уни Марказий банкка мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил май ойида қабул қилинган «Чет эл инвестициялари асосида ташкил этилган корхоналар фаолиятини рағбатлантириш хусусидаги қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги фармонида амалиёт учун энг зарур бўлган кўпгина қоидалар кўрсатилди.

Бунга кўра, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30%дан ошган корхоналар белгиланган нормалардан икки барабар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга республикада хорижий сармояларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк

манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга биноан ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтидан бошлиб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Узбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш қўзда тутилган.

“Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот таркибида экспортга ишлаб чиқариши бўлса, имтиёзларга эга.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими қўйидагилардир:

- ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга , мулчичлик шаклларидан қатъиназар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга одиб кетиш;

- Узбекистон худудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг Устав фондига хисса қўпип учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш.

Хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ чет эллиқ шериклар учун уларнинг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошика пулларни чет элга ўтказишга, олингай фойдани республика худудида сармоя тарзида қайта ишлатиш, республика банкларида ҳисоб рақамига ва унда чекланмаган мисдорда ҳар қандай валюта маблагига эга бўлиш кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши қўзда тутилган қонун хужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун кулагай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қиласи.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

Канада, Хитой Ҳалқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ долларига яқин миқдорда хукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузилди. Ҳозир бу битимлар амал қўлмоқда. Узбекистон 30 дан ортиқ савдо ва иқтисодий битимлар тузган. Улардан 20 таси узоқ хориж мамлакатлари билан тузилган. Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикага 5 млрд. АҚШ доллари кириб келди.

18.4. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республикамизнинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Ўзбекистоннинг бошқа ташқи иқтисодиёт институтлари билан биргаликда ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқади ва миллий инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштиришни амалий ҳал этади. Юқорида кайд қилинганидек, иқтисодий тараққиётнинг иккинчи босқичида асосий дикқат-эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам юқори сифатли товарларни яратишга йўналтирилган ва рақобатли баҳодаги сармоялар меъёрий-хукуқий қайдномаларда (актларда) кўзда тутилган афзалликлар ҳамда имтиёзлардан фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон хукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли худудлари учун афзал бўлган инвестиция лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Ҳусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (МБ) ихтиёрида мукаммал аналитик базага эга бўлган 177 лойиҳа мавжуд. Улардан айримлари ҳозирданоқ жорий қилинмоқда. Масалан, ягона замонавий навигация тизимини яратиш иккинчи фазада амалга оширилмоқда; тракторлар, самолётлар, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам аллақачон киришилган.

Ўзаро фойда келтирадиган савдо ва прагматик тамойилларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон шериклари билан ҳамкорликни муайян даражада кенгайтириб бормоқда ва улар таклиф қилган замонавий, юқори сифатли технология ўзлаштирилиб, саноатимизда қўшима корхоналарнинг якуний маҳсулоти ишлаб

чиқарилмоқда. Бундай ёндашиш ўзаро фойдали ҳамкорлик ва савдонинг адекват тамойилига асосланади. Жаҳон бозори билан бундай ҳамкорликни жадал ривожлантириш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва изчиллик сиёсати билан кафолатланади: ислоҳот йўлларида уларнинг амалга ошиши қатор ижобий натижалар бермоқда.

Биринчидан, жами ташқи савдо айланмаси 2001 йилда бир мунча ошибб, 6001,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, яқин хориж (МДХ) мамлакатлари билан савдо 2609,0 млн. АҚШ доллари ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо 3392,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жами ташқи савдо айланмасида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқнинг салмоғи анча кўпайди.

Республиканинг эркин валютада экспорт операциялари хажми ортди: 1998 йилги 51,2%дан 2001 йили 91,9%га ошиди. Бартер операциялари 1996 йилги 48,8%дан 2001 йилда 8,1 %га камайди.

Иккинчидан, ташқи бозорга кўпгина хўжалик субъектларининг чиқиши Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг республикада ТИАБ ни қайта тузиш хақида қароридан кейин ортди, Республика иқтисод элементларининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимиға мослашишига олиб келди, бу бозор иқтисодиётининг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни республика мустақиллиги шароитида олиб бориш кўпгина янги бошқарув ва ташкилий-хўжалик тузилмаларини яратишга имкон беради: хуқуқий ва норматив базалар ишлаб чиқарилмоқда, улар республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди, ташқи иқтисодий копмлекс инфратузилмасининг кенг тармоғи шаклланмоқда ҳамда ташқи савдо, элчихона, халқаро иқтисодчиликда касбий маҳоратга эга бўлган кадрлар тайёрланмоқда.

Бироқ, ташқи алоқалар жараёнида салмоқли ютуқларга эришишимиз билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодий-ислоҳотларини амалга ошириш давомида учраётган муҳим ва долзарб муаммолар ҳали ечимини топгани йўқ. Бунга бир неча сабаблар бор:

Биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришида туб ўзгаришлар рўй бермагунча, хомашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан асло етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ.

Иккинчидан, қолоқ (жаҳон стандартларига нисбатан олганда) технологиядан ва ишлаб чиқариш воситаларидан фой-

даланиш паст даражада давом этмоқда, айниқса, республика-нинг хомашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётган экспорт база тарақ-қиётини чеклаб қўйишда асосий түсиқ бўлмоқда.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга оид қабул қилинган қарорлар маъмурий-ташқилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаянти ҳамда иқтисодий ва амалий чораларни ҳал этишда қатъиятлилик етишмаяити.

Тўртинчидан, вазирликлар, идоралар, концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари, барча хусусий корхоналар ҳамда матлубот ташкилотлари республика қонунчилиги асосида ўз зиммаларига юклangan ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазифаларини мукаммал бажармаяптилар, бунга қисман иқтисодий рафоатлантириш чораларидан самарали фойдалана олмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон бозори қонунлари ва талабларини яхши билмаслик, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаслик, муносиб кадрлар тайёрлаш ишида масъулиятсизлик ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Қисқача хуросалар

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти-нинг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналинилари-нинг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўринни эгаллади.

Ўз тараққиёти биринчи босқичининг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқарувида, иқтисодиётда, ташқи савдо алоқаларида ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва норматив-хуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи иқтисодиёт баланси нима?
2. Нима сабабдан «узоқ хориж» айланмаси «яқин хориж» айланмасига нисбатан тез ривожланади?
3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги нималар билан шуғулланади?
- 4..ИхтиROLи лойиҳалар деганда нималар тушунилади?
5. Тармоқларни ислоҳ қилишда ютуқларга қандай эришилади?
6. РЕспубликанинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг қайси йўналиши мўлжалланмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисадиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций.- М.: Специальная литература, 1997.
6. Кругман П.Р., Обстфельд М. Ҳалқаро иқтисадиёт. Назария ва сиёsat, МДУ. - М.: 1997.
7. Расулов А., Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистонни ташки фаолият ва жаҳон хўжалигига бирлаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР

19.1. Пуллик хизматлар соħасининг иқтисодий ривожланишдаги роли ва уни тартибга солиш усуллари

Агар анъанавий иқтисодиётда хизматлар соħаси ишлаб чиқариш элементларининг ҳаракатига күмак беріб келган бұлса, иқтисодиёттің үсиши ва мураккаблашуви илмий-техника тараққиеті жадаллашуви билан бу соħа жуда зарур, ҳаттоқи истиқболда иқтисодиёттің асосий омилиға айланади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва рақобатлаштириш биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг технологияларга, ахборотта ва алоқа воситаларига, фақат шундан сұнггина хомашё ва мәжнат ресурсларига талабини оширди.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтка-зиш маълум қийинчиликлар билан боради ва баъзида янги муаммоларни туғдиради. Ўтиш даврида республика иқтисодиётида мууаммолар қўйидагилар билан белгиланади:

- маъмурӣ-буйруқбоззик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш;

- иқтисодиёт нисбатан бир томонлама – хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги шароитида ресурслардан оптималь фойдаланиш, шунингдек, уларни максимал фойдали экспорт қилиш;

- янги технологияни, тармоқларни ривожлантириш;

- асосий техникаси жисмоний ва маънавий эскирган корхоналарни қайта жиҳозлаш;

- кадрларни бутунги талаблардан келиб чиқиб тайёрлаш ва қайта қуриш;

- капитал ва янги технологиялар етишмаслиги туфайли хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- иқтисодиёттің ижтимоий тузилмасини ўзgartириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар синфини шакллантириш;

- иқтисодиёттің ижтимоий йўналтирилганлиги тармоқларни химоя қилиш. Ижтимоий бекарорликни камайтириш учун аҳолининг яхши таъминланмаган табақаларини муҳофаза қилиш;

- бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Шуни таъкидлаш зарурки, директив иқтисодиёт даврига нисбатан давлаттің иқтисодий жараёнларга таъсири камайиши натижасыда давлат иқтисодиётни бошқариш ва бошқа хиз-

матлар күрсатишини янги шаклланган институтларига топширади. Шу туфайли айнан шу даврда иқтисодиётнинг уларга талаби кескин сезилади.

Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларни ўтиш даврига хос бўлган хизматлар соҳаси зарурлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётни маъмурӣ-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтказиш, ислоҳотларнинг мураккаблашуви ва илмий стратегик (ривожланиши стратегияларини белгилаш, уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш, реал харакатларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш), хукуқий, сиёсий базалар яратилишини тақозо этади. Бу муаммо хизматлар соҳасига ҳам тўлиқ тааллуклидир.

Бунда давлат фаолияти биринчи даражали аҳамиятга эга бўлсада, жойларда ислоҳотларни ўтказиша ҳукуқий, банк-консалтинг ва бошқа хизматларнинг аҳамияти кескин ошади.

Ресурслардан оптимал фойдаланиш муаммолари аста-секин давлатининг таъсир доирасидан чиқади. Бу табиийдир. Чунки ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқарувчиларнинг, яъни улардан фойдаланувчиларнинг муаммосидир. Ахборот, алоқа хизматларига энг кўп эҳтиёжни ташқи савдо соҳаси сезади. Шуни айтиш жоизки, 1991 йилга қадар республика ташқи иқтисодий алоқалар юритмаган, шу сабабли иқтисодий фаолиятнинг бу соҳасини янгидан ўзгартиришга тұғри келмоқда.

Бу ҳолатда хорижий фирмалар ташқи бозорга ихтисослашганлиги, катта тажрибага эга бўлганлиги учун ҳам юқори позицияда турадилар. Бу соҳада мамлакат фирмалари ва мутахассисларнинг устун бўлиши стратегик вазифа ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт тузилмасини ўзгартириш фан сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш, инвестициялаш муаммоси билан чамбарчас боғланган. Бу вазифани ҳал этишда давлат тузилмалари ва хорижий фирмалар ҳамда миллий иқтисодий субъектларнинг ҳамкорлиги нисбатан самарали ҳисобланади. Уларнинг самарали ҳамкорлик қилиши фақатгина ривожланган хизматлар сектори шароитида мумкин бўлади. Бу жиҳатдан Узбекистон жуда олдинга чиқди. Мулкчилик ва эркин тадбиркорликни шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишдаги қонуний жараёндир. Лекин бу жараён эркин, табиий жиҳатдан жуда секин рўй беради ёки сунъий тезлаштирилганда ижтимоий зиддиятлар кучайишига, жамиятнинг жуда бой ва жуда камбағалларга табақаланишига олиб келиши мумкин. Бу жараённи оптималлаштириш учун ижтимоий сиёсатни ривожлантириш керак. Бу соҳада маҳаллий бошқарув органлари, вилоят ва туман ҳокимиятларининг роли кескин ошади. Бу ҳол, айниқса, хизмат кўрсатиши соҳасида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг ролини эътироф этган ҳолда шуни қайд қилиш керакки, подавлат хизматлар сектори ривожлантирилмас экан, жамиятнинг бюрократлашуви дараҷаси кучайиб бораверади. Бу тузилмаларни шакллантиришида давлатнинг имтиёз бериш сиёсати ижтимоий ислоҳотларнинг ишончли базасини вужудга келтиради. Бу хизматлар характеристига кўра, ҳақ тўланмайдиган хизматлардир.

Хизматлар соҳасининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамияти иқтисодий ислоҳотлар ва миллий иқтисодиётнинг ижтимоий ўйналтирилганлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳар қандай иқтисодиётдаги хизматлар соҳасининг аҳамияти бу соҳа тартибга солинишини зарур қилиб қўяди.

Бошқа бозорларга хизматлар билан кириб бориш товарлар билан кириб боришдан кўра қийинроқдир.

Энг янги турдаги хизматлар бу соҳалари бўлган банк иши, телекоммуникациялар, ахборот ва бошқалар устидан назорат ўрнатиш миллий суверенитетга хавф тутдириши мумкин. Чунки бу хизматлар орқали замонавий ишлаб чиқариш бошқарилади.

Шу сабабли мамлакатда хизматлар соҳасини тартибга солиш тадбиғлари ишлаб чиқилади.

19.2. Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили

Мустақиллик йилларида хизматлар соҳаси, жумладан, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш бошқа тармоқлардагига нисбатан барқарор ривожланади. Капитал сифими юқори бўлмаган ва унча муракқаб бўлмаган технологияларни тараббӯдига ишлаб чиқарилади. Натижасида бу соҳа ичида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Бу сифат ўзгаришлари ўйналишига, шунингдек, давлатнинг бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга қаратилган кўп томонлама иқтисодий сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши бўйича қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, бу жараёнларнинг қонуний ўтказилиши, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш ва хизматлар соҳалари савдо ва умумий овқатланишида, миллий хизматда (молия ва кредитда) мамлакат ҳамда хорижий фирмаларнинг фаолиятини кучайтиришнинг иқтисодий механизмини яратиш бўйича катта ишлар қилинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида майний хизмат кўрсатиш, савдо обьектларининг хусусийлаштирилиши, кўпгина транспорт корхоналарнинг акциядорлик жамиятларига айлантирилиши хизмат кўр-

сатиши соҳаси барча тармоқларида хусусий капиталнинг кенг иштирок этишини, бу соҳага бозор муносабатларини кенг жорий қилиш ва рақобат мухитини яратишни таъминлади.

Рақобат хусусий ва давлат корхоналари, мамлакат ва хорижий фирмалар ўртасида ривожланди.

Маълумки, хизматлар бозорининг ривожланиши талаб ва таклиф механизмлари билан чамбарчас боғланган. Хизматларга талабнинг моддий асоси бўлиб ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, қулай инвестиция мухитини талаб этади. Саноат ва қишлоқ хўжалигидағи иқтисодий ўсиш хизматларга талаб ўсишини келтириб чиқаради. Иқтисодий қонунларга кўра, бозорда маълум бир вақтда таклиф этилган хизмат ёки товар уларга талаб туғилишига олиб келади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республикада хизматлар соҳаси улар таклифига боғлиқ равишда ривожланиб бормоқда. Масалан, ички бозоримизда мобил телефон алоқаси хизматига талаб бу хизматни таклиф этувчи хорижий фирмалар пайдо бўлиши билан юзага келди. Кейинги йилларда таклиф қилинаётган хизматлар доираси ва имконияти кенгайиши билан хизматларга талаб кескин ўсади. Республикада хизматлар соҳаси ривожини ўрганиш учун маълум кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилди. Бу кўрсаткичларни таҳдил қилиш хизматлар соҳаси ривожини характерлаш имконини беради.

Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш нисбатан тор соҳани ўз ичига олади. Расмий статистикада савдо, умумий овқатланиш ва қурилишга алоҳида тармоқлар сифатида қаралади.

Соддаликка эришиш учун қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва саноатдан бошқа тармоқларни хизматларга киритамиз.

16-жадвалдан кўриниб турибдикси хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ даги улуши ўсио борган. Чунончи, 1993 йилда 40,6% бўлган бўлса, 1999 йилда 43,1% ни ташкил этган.

16-жадвал

Ялпи ички маҳсулот таркибининг ўзгариши (ЯИМга нисбатан%)

	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999
1.ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100
2. Жами қўйилган қиймат	90,6	91,8	86,8	85,6	87,6	85,6	85
А)товарлар	50	51,5	45,2	40,2	43,9	41,7	41,9
Б)хизматлар	40,6	40,3	41,6	45,4	43,7	43,9	43,1
-соғлиқни сақлани ва ижтимоий соҳа	3	2,1	2,3	2,5	2,3	2,25	2,3
Транспорт сақлани ва алоқа	5,1	5,8	7,3	6,7	6,5	6,8	6,46

Аммо бу иқтисодиёт ривожланишининг самардорлигини англатмайди, чунки моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси пасайиши натижасида келажакда хизматларга талаб пасайишига олиб келиши мумкин. Тармоқлар бўйича аҳоли даромадларининг ўсиши хизмат кўрсатиши билан банд корхоналар рентабеллигини белгилайди.

1990-1996 йиллар давомида номинал иш ҳақи саноатда 4,6 марта, қурилишда 3,53 марта, соғлиқни сақлашда 3,94 марта ошиди. Айниқса меҳнат ресурсларининг 40% и банд бўлган қишлоқ хўжалигида аҳоли даромадларининг ошиши хизматлар, хусусан пуллик хизматларга талаб ортиши учун муҳим омилдир. Куйидаги жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, пуллик хизматлар ҳажми 1995 йилга қадар пасайиб борган.

17-жадвал

Ўзбекистонда пуллик хизматлар динамикаси

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
1.Жорий пархларда (млрд.)	3,4	15	34	70,3	114,6	189,4	305,4
2.Аввалиги даврга ишбетни тақослама пархларда % ўзгариши	-18,9	-25,8	9,9	21,3	9,5	12,6	18,6

1996 йилдан эътиборан пуллик хизматлар ҳажми ўсиб 2000 йилда 18,6%нп, 97 йилда 21,3%ни ташкил этган. Бу пуллик хизматлар секторида рақобат жараёнлари кучайганлиги, хизматлар таклифи ошганлиги, хусусий сектор ривожланганлиги, аҳоли даромадлари кўпайганлиги умумий иқтисодий вазият яхшиланиб бориши натижасидир.

18-жадвал

Пуллик хизматлар ҳажмида турли секторлар улуши, %

Давлат	жами	Нодавлат				
		хуёсчий фуқаролар ва корхоналар	хорижий фуқаролар ва корхоналар	хистадорлик жамиятлари	бонккалар	
1996	67,1	32,9	16,3	0,1	10,7	5,8
1997	57,2	42,8	23,6	1,4	16	1,8
1998	48,4	51,6	29,7	3,2	17,2	1,6
1999	45,3	54,7	34,4	4,1	12,4	3,8
2000	43,7	56,3	36,1	5,4	10,8	4

**Пуллик хизматлар таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан, %)**

	1998	1999
1. Йўловчи транспортни	35	34,6
2. Ўй-жой ком.хизматлари	4,6	4,1
3. Манийи хизматлар	14,8	15,4
4. Бониқаруи (соғлиқни саклаш, дам олиш, маданият)	45,6	45,9

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш умумий ҳажмда йўловчи ташиш хизматлари етакчи ўринда туради (34,6%). Шунингдек, майший хизматлар ҳиссаси ҳам юқори бўлган (15,4%). Кейинги йилларда соғлиқни саклаш, дам олиш ва маданият хизматлари ҳиссаси ўсиб бораётти. Агар 2000 йилда республикамиз бўйича жон бошига ўртача 12340,2 сўмлик майший хизмат кўрсатилган бўлса Сирдарёда бу кўрсаткич 4477,4 сўмни ташкил этган, холос. Фақат бу кўрсаткич 7 вилоятдагина умум республика даражасининг 50%идан, Бухоро вилоятида эса 90%идан юқори. Бу борадаги сумма Тошкент шаҳри ҳисобига катта.

Бунга туризм хизмати кўрсатувчи фирмалар, коммунал хизмат корхоналари меҳмонхоналар, аэропортлар, йўловчи транспорти корхоналари йирик шаҳарларда жойлашганлиги, қишлоқ хўжалик жойларида хизмат кўрсатиш корхоналари яхши ривожланмагани ҳам сабаб.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми

	1999 й.	2000 й.	2000 й.га нисбатан % ҳисобида	Республика умум даражага ҳисобида %
Ўзбекистон Рес.	7787,6	12340,2	112,5	100
Қаркалийонистон Рес.	3406,5	5152,1	113,1	41,75

Вилоятлар

Андижон	6398,9	10715,8	138,3	86,83
Бухоро	7431,1	11417,4	112,1	92,5
Жиззах	3950,5	5677,1	106,8	46
Қаниқадарё	3115,7	5789,5	134,0	46,9
Навоий	6032,6	8770,7	117,3	71
Наманган	3656,0	6131,6	131,1	49,69
Самарқанд	5146,5	7715,7	113,7	62,92
Сурхондарё	3841,9	5907,8	106,3	47,87
Сирдарё	3058,2	4477,4	107,1	3612
Тоникент	6070,2	8975,2	108,2	72,73
Фарғона	4777,4	7485,3	113,7	60,65
Хоразм	6509,1	8746,4	104,5	70,85
Тоникент ш.	25720,0	42043,1	108,6	340,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1994-1996 йилларда хизматлар экспорти ҳажми ўсиб борган, 96-99 йилларда эса пасайиб кетган. Бу хизматлар экспортига картер рейсларда йўловчи ташиш, туристик хизматлар киради. Жами экспорт хизматлар экспортидан тезроқ қисқаргани учун улуси ўсиб, 1995 йилда 9,5%ни ташкил этган.

21-жадвал

Хизматлар экспорти ва импортининг жами экспорт

	1994	1995	1996	1997	1998	1999
1. Жами хизматлар экспорти (млн. АҚШ доллари)	141	287,7	379,4	361,1	310	30,8
2. Жами экспортдаги улуси, %	5,24	6,27	8,26	8,23	8,79	9,5
3. Жами хизматлар экспорти	6,7	14,48	19,4	337,2	164,1	269,6
4. Импортдаги улуси, %	4,75	5,03	0,2	7,45	5	8,7

Хизматлар импорти мутлақо янги турдаги хизматлар кўрсатувчи хорижий фирмалар (интернет, мобил, телефонлар ва х.к) мамлакат бозорига кириши туфайли кескин ошди ва 2000 йилда жами импорtnинг 8,7% ини ташкил этди. Жадвал маълумотларидан хизматлар савдоси бўйича мамлакатимиз ижобий натижага эга эканлиги кўринади. Агар туризм ва бошقا хизмат турлари кескин ривожлантирилса, мамлакат валюта захираларини янада кўпайтириш учун замин яратилган, қўшимча иш жойлари очилган бўлар эди.

Таҳлилга яқун ясаб, пуллик хизматларни ривожлантириш борасида юқорида қайд этилганидек қатор муаммолар борлигини таъкидламоқчимиз.

19.3. Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш йўналишлари

Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ва ечилаётган стратегик вазифаларнинг ажralмас қисмидир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида пуллик хизматларни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш зарур. Бу омиллар республикамизнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Бу масалаларни пуллик хизматларнинг айrim соҳалари бўйича кўриб чиқамиз.

Туризмни ривожлантиришдан республикамиз қўйидаги манфаатларни куради:

1. Янги иш жойлари ва корхоналар очилади (1996 йилда туризм соҳасида 30 минг киши ишлаган). Айрим ҳисобларга кўра, туризм республикада иқтисодий фаол аҳолининг 5фоизла-рини иш билан таъминлаши мумкин.

2. Кўпгина даромад ва тушумларга эга бўлади. 1998 йилда республика туризм соҳаси 271,2 минг хорижий туристларга хизмат кўрсатиб, 325,4 млн. сўм тушумга эга бўлди.

3. Маҳаллий товарлар учун янги бозорлар пайдо бўлади.

4. Маҳаллий инфратузилма, коммунал обьектлар ва хизматлар модернизация қилинади.

5. Янги касблар ва технологиялар ўрганилади.

6. Жамият атроф муҳит ва маданий мерос муаммоларини ва уларни ҳимоя қилиш заруриятини чуқурроқ ҳис этади.

7. Ердан фойдаланишга янгича ёндашув шаклланади.

Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, туризм соҳаси ислоҳ қилинади. Бу ислоҳотлар 4 босқичдан ўтади.

1-босқич - 1992 йил. Республика Президенти фармонига кўра, «Ўзбектуризм» миллий комплекси тузилади.

2-босқич - 1993-1995 йиллар. Туризм соҳаси инфратузилмаси ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим роль ўйнайди. Янги туристик маршрутлар очилди.

3-босқич. 1995-1997 йилларда бу хизмат соҳасида фаол хусусийлаштириш жараёнлари борди. 1996 йилда «Ўзбектуризм»нинг 90% туристик обьектлари нодавлат секторига берилди.

1998 йилдан Ўзбек туризми иқтисодий ислоҳотларнинг тўртинчи босқичига кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги қарорига кўра, «Ўзбектуризм» тутатилиб Ўзбекистон хусусий туристик фирмалари ассоциацияси тузилди. 1999 йилда Республика Президентгининг «Республикада туризмни 2005 йилга қадар ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Бу дастурга кўра, иқтисодиёт тармоғи сифатида миллий туризм олдида турган асосий вазифа Ўзбекистон туристик комплексини янада ривожлантириш ва унинг халқаро туризм тизимиға интеграциялашувидир. Бунинг учун соҳадаги ислоҳотлар стратегияси ва тактикаси ўзгаради, туристлар оқими 15% га ошади. Туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги турдаги туристик хизматларни ўзлаштириш, янги авиалинияларнинг очилиши бу соҳа ривожини таъминловчи муҳим шароитлардан биридир.

Иккинчи бир муҳим пулли хизматлар соҳаси коммунал хизматлардир. Ўй-жойлар хусусийлаштирилгандан сўнг бу соҳадаги энг муҳим қадам коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари уй-жойдан фойдаланиш корхоналари ширкатларининг ташкил қилиниши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги ПФ-2832 - сонли фармони коммунал хизматлар ривожида янги босқични очиб берди. Энди уй-жой таъмири масалалари билан уй-жой мулкдорлар ширкатлари тегишли пудрат шартномалиари бўйича шартнома асосида шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу фармон асосида «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» карор қабул қилди. Ушбу қарорга кўра, уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузиш жадвалига риоя этиш учун 1991 йилгача қурилган кўп қаватли бинолар маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига мукаммал таъмирдан чиқариладиган бўлди. Бу ширкатлар тузилаётганда ва рўйхатдан ўтаётганда тегишли йигимларни тўлашдан озод этилдилар. Улар банкда у хисоб варақаларига даромаднинг қўшимча манбаларига эга.

Бу тадбирлар коммунал хизматларнинг сифатини оширишга, таннархини пасайтиришга қаратилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида пуллик хизматларни ривожлантириш янги босқичига кирайти. Пуллик тиббий хизмат доирасининг суғуртасини ривожлантиришни заруратга айланмоқда.

Тиббий суғуртани ривожлантириш эса пенсия жамғармасига ажратма ва ушланмалар ставкаларни кўриб чиқилишини талаб этади. Айни пайтда бепул, давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган, кафолатланган тиббий хизматлар сақланиб қолади.

Қисқача хуросалар

Хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш эмментларининг ҳаракатига кўмак бериб келган бўлса, иқтисодиётнинг ўсиши ва мураккаблашуви илмий-техника тараққиёти жадаллашуви билан бу соҳа жуда зарур, ҳаттоқи, истиқболда иқтисодиётнинг асосий омилига айланади.

Капитал сифими юқори бўлмаган ва унча мураккаб бўлмаган технологияларни талаб этувчи хизмат соҳаси тармоқларининг нисбатан юқорироқ суръатларда ривожланиши натижасида пуллик хизматлар соҳасида таркибий ўзгаришлар рўй берди.

Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ва ечилаётган стратегик вазифаларнинг ажралмас қисмидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пуллик хизматларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни қандай?
2. Пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари нималардан иборат?
3. Республикада хизматларни ислоҳ қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Қаланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – СПБ.: Специальная литература, 1997.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРАОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИНИГ ЎРНИ

20.1. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни

Кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий негизи мустаҳкамланди, рўйхатга олинган кичик, ўрта корхона, микрофирмалар сони 240 мингтага етди ва улар хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 91,5 %ни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг кичик ва хусусий секторида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажарилиши ва хизмат кўрсатилиши 2001 йилда юқори суръатлар билан ўди. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи субъектлари (дехқон хўжаликларисиз) томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 24,4 %и ишлаб чиқарилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг жадаллаштирилган режалари давлат дастурини амалда бажариш натижасида мазкур секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдагига нисбатан 2,8 %га ортди. Аҳолини иш билан таъминлашда кичик ва ўрта бизнес муҳим омил бўлмоқда. 2001 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 4842,5 минг киши банд бўлган. Бу иқтисодиётда барча банд бўлган аҳолининг 53 фоизларини ташкил этди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида мулкни давлат таассрувидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил ўтказилди. Утган йилда республикамизда жами 1449 та корхона хусусийлаштирилиб, улар негизида 775 та хусусий корхона, 240 та очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва турли ташкилий-хуқуқий шаклдаги 674 та нодавлат корхона тузилди. Хусусийлаштириш натижасида давлат бюджетига тушган пул маблағлари ҳажми 23,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида 2002 йил 1 январь ҳолатига нодавлат секторда мамлакат барча корхона ва ташкилотларининг 87,1 %и фаолият кўрсатди. Утган йилда нодавлат секторда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 74,1 %и, саноат маҳсулотларининг 70,8 %и ишлаб чиқарилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99 %и етиштирилди, қурилиш ишларининг 83,9 %и бажарилди. Чакана товар айланмасининг 97,1 %и, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 59,4 %и нодавлат секторда шаклланди. Жами иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 76 %и нодавлат секторга тўғри келди ва макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

Иқтисодий хусусий сектор мустаҳкамланди, бир қатор (қишлоқ хўжалик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалар) тармоқларда эса, ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг анча қисми хусусий сектор улушидир. 2002 йилда 62,5 минг корхона (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ўз фаолиятини хусусий мулкчилик доирасида амалга ошириди. Хусусий корхоналарнинг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасида, ҳар олтинчиси саноатда фаолият кўрсатмоқда.

Натижада 2001 йилда (2000 йилдагига нисбатан 8,1 %га кўп) 1329,1 млрд. сўмлик истеъмол моллари (10,9 %га кўп) ишлаб чиқарилди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий секторда янги турдаги ишлаб чиқариш ва тармоқлар жадал суръатлар билан ривожланди. 2001 йилда республика саноат корхоналари томонидан 467 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва чукурлаштириш даврида маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чукур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда. 2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Қабул-Фарғона», «Чиноз тўқумачи» каби янги кўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 %ни ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 24 %га етди. Пахта толаси ва ипак хомашёларидек мукаммал технология асосида тайёрланган қалавали ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошиди.

Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Жўмладан, 2001 йили ана шу сармоялар улуши 62 %дан зиёдни ташкил этди. 2002 йилда эса республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 %ни ташкил қилди. Капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар хиссаси кўлпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 %ига ёки 1 млрд. АҚШ долларига тўғри келмоқда.

20.2. Маҳаллий ресурсларни қайта ишлашда кичик ва ўрта бизнес

2001 йилнинг муҳим хусусияти -- маҳаллий ресурсларни қайта ишлаш асосида кичик ва ўрта тадбиркорлик суръатлари янада тезлашганидадир. Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликлари

нинг қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланади ва такомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишининг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур ишлаш борасида имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошлангич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан республикада кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб -куватлаш миқёслари кенгайтирилди. Масалан, 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2,4 мартадан ошди. Буларнинг 70 %га яқини ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27млрд сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар - хомашё биржаларида сотиши ҳажми ошиб бормоқда. Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ошмоқда. Чунончи, 2002 йилнинг бошида 24,5 %ни ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бутун мамлакат иқтисодиётida банд бўлган аҳолининг 53 %идан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Республикадаги яна бир бебаҳо бойлик – сувдир. Буни сўнгти икки-уч йил давомида мамлакат бошига тушган, қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисодиётга жуда катта зарар келтирган қурғоқчилик даврида яққол ҳис этилди.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш ширкатларга айлантирилган 18 минг,55,1 минг фермер хўжалиги ва уларга бириткирилган 1054,7 миг гектар ерни (бир хўжаликка ўрта ҳисобдан 19 гектар ер тўғри келади) суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга эришаётганларни рағбатлантиришга қаратилган ва илмий тадбирларни ҳаётга татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика Президенти Й.Каримовнинг «Ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетган. Жумладан Бухоро Навоий, Сурхондарё, Наманган қаби бир қатор вилоятларда содир бўлаётган бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини чуқур, синчилаб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш лозим»¹.

¹Иқтисодни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. Халқ сўзи, 2002 йил 13 февраль.

Алоҳида эътиборни талаб қиласиган яна масала вилоятлар, Тошкент шаҳрида ва бошқа аҳоли пунктларида ичимлик сувини тежаш масаласидир. Яқин йиллар ичидәёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматли табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятларининг айрим туманларида сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдада.

Бу масала ўрганилганда аҳоли томонидан сув сарфланишининг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баробар ортиқ экани аён бўлди. Масалан, Тошкент шаҳридаги корхоналарда, автомобиль ювиш шоҳобчаларида ичимлик сувидан техник мақсадларда фойдаланиш каби одатларга ҳанузгача чек қўйилгани йўқ. Бундан ташқари республиканинг айрим шаҳарлари ва туман марказларида сугориш шоҳобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангани туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан сугориш мақсадлари учун фойдаланмоқда.

Ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи мосламаларни, ўлчагичларни ўрнатиш ишлари қониқарсиз ахволда. Тошкент шаҳрининг ўзида аҳвол айниқса ёмон. «Тошвилоятсувоқава» трестига қарашли истеъмолчиларнинг атиги 3 %идагина ана шундай ўлчагичлар мавжуд.

Энергетика ресурсларидан, биринчи галда табиий газдан фойдаланишининг аҳволи яхши эмас. Масалан, республика бўйича ўтказилган текширишлар натижасида жами 12 мингдан ортиқ иссиқхоналар қонунга хилоф равишда газ билан таъминланадигани аниқланди. Бундай иссиқхоналар сони Самарқанд вилоятида 4250 та, Тошкентда 1500 та, Андижон вилоятида эса 1450 та эканлиги маълум бўлди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёридагига нисбатан 1,5-2 баробар ортиқ.

Моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса, ўз навбатида, ана шу маҳсулот таннархи қимматлашувига олиб келади. Товарнинг нархи ошиб кетади ва оқибатда у рақобатга бардош бера олмайди. Шу тариқа, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлидаги саъӣ-ҳаракатлар йўққа чиқди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борада тартиб ўрнатиш ва маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига тезроқ интеграциялашувига имкон

беради, бу имкониятлардан бири табиий газлардан оқилона фойдаланишыдир. Ҳақиқатан республикамизда табиий газ захиралари кенг тарқалган. Мутахассисларнинг айтишларича, мана шу газимиз таркибидан 148 турдан зиёд полиэтилин ишлаб чиқариш имконияти бор. Бу имконият Шуртан газ кимё мажмусида рүёбга чиқарылмоқда. Чунки республиканинг чўл бағрида бунёд этилган ушбу масканни қуршаб турган манзаранинг ўзи кишини маҳлиё этади. Бу ерда 450 гектарга яқин ер ям-яшил масканга – ўрмонга айлантирилган. Қарийб 1 млн. туп кўчат ўтказилган.

Кўриб турибмизки, истиқолол туфайли Ўзбекистон маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали янги мэрраларни забт этмоқда, мамлакатлар қитъалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқда.

20.3. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши истиқболи

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик ва ўрта бизнес корхоналарини самарали фаолият олиб боришга ундаидиган механизм сифатида намоён бўлди. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ жавоб берса, демак, корхонанинг ушбу маҳсулотларни сотишидан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона қўшимча кенгайиш имкониятларига эга бўлади. Иккинчи томондан, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисидаги хабар бўлиб хизмат қилиади. Товарларнинг бозордаги нархлари ошиши билан ишлаб чиқарувчиларда рағбат пайдо бўлади ва улар бозорга қўплаб маҳсулотлар чиқара бошлийдилар.

Шуларни ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти кўрсаткичларини эконометрик моделлаштиришнинг услугбий асослари тадқиқ қилинади ва улар ривожланишининг моделлари ишлаб чиқилади. Бунинг учун иқтисодий жараёнларни моделлаштириш усуллари ва унда қўлланиладиган ёндашувлар, моделларни таҳлил қилиш ва уларни кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини тизимли ўрганиш ва ривожланишидаги аҳамияти очиб берилади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш, меҳнат ва моддий ресурслар миқдорларини ҳамда фойда ва харажатлар ҳажмини моделлаштириш усуллари ва уларга мос ишлаб чиқариш вазифалари тузилиши лозим.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқаришини йўлга

қүйиши вақтида турли хил ресурслар, технологиялар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни жалб этадилар. Ушбу корхоналар мақсаддатрига қараб узоқ ва қисқа муддатли оралиқтарда фаолият күрсатадилар. Қисқа муддатли оралиқта корхона ишлаб чиқариш қувватини ўзгартыра олмайды, лекин ундан фойдаланишини интенсивлаштириши мүмкін. Узоқ муддатли оралиқта ишлаб чиқариш қуввати ҳам ўзгаради. Албаттa, узоқ ва қисқа муддатли оралиқтар, ҳар хил маңсулотлар учун турлича бўлиши мүмкін. Шу даврларда корхоналарнинг асосий мақсади фойданинг энг катта ҳажмига эришишдан иборатдир. Умумий ҳолда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айриш орқали топилади:

$$\pi = TR - TC, \quad (1)$$

Бу ерда: π - фойда; TR -умумий даромад; TC - умумий харажат.

Шундан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фойда, харажатлар ва оптимал ишлаб чиқариш миқдорини моделлаштириш усули таклиф этилиши лозим.

Ишлаб чиқариш керакли маңсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан ҳамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Уларни йириклишган уч гурухга бўлиш қабул қилинган: меҳнат, капитал ва материаллар.

Бундай омиллар биргаликда олиб қарадиган бўлса, улар ишлаб чиқариш вазифаси орқали ифодаланади ва ишлаб чиқариш вазифаси бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг чегаралангандан ресурслардан қай даражада фойдаланаётганлигини таҳлил қилишга имкон беради. Агар омиллар мажмуси капитал сарфи, меҳнат ва материаллардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш вазифаси қуидаги куринишда бўлиши мүмкін:

$$Q=f(K,L,M), \quad (2)$$

Бу ерда: Q - берилган технологияда энг кўп ишлаб чиқариладиган маңсулот миқдори; K - капитал; L - меҳнат; M -материаллар.

Агар ишлаб чиқариш вазифаси иккита K (капитал) ва L (меҳнат) омилларига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш вазифаси қуидагича ёзилади:

$$Q= f(K,L). \quad (3)$$

Ушбу вазифада маңсулот ишлаб чиқариш ҳажми иккита ишлаб чиқариш омилига боғлиқ - капитал ва меҳнатга. Маса-

лан, ишлаб чиқарип вазифаси ёрдамида нон ишлаб чиқариш комбинатида меҳнат ресурсларидан ва капиталдан фойдаланган ҳолда қанча нон маҳсулоти ишлаб чиқарилишини ёки қышлоқ хўжалик корхонасининг берилган меҳнат ресурсларидан ва техникадан фойдаланган ҳолда маълум вақт оралиғида қанча маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалаш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпроқ қўл меҳнатига асосланган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш вазифасини фақат сарфланган меҳнатга боғлиқ равишда ёзиш мумкин: $Q=f(L)$ Агар маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпроқ капитал сифимига эга бўлса, ишлаб чиқариш вазифасини $Q=f(K)$ кўринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (2) ва (3) тенгламалар ишлаб чиқаришнинг маълум технологиясида қўланилиши мумкин. Агар технология ўзгарса, яъни янги технология қўлланса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ресурслар ҳажми ўзгармаганда ҳам ўсиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда кичик корхоналарда ишлаб чиқариш меҳнат ва капитал сарфига, меҳнат сарфи ўзгармас бўлиб, у фақат капитал сарфига боғлиқ бўлган ҳамда технологиялар такомиллашувининг ишлаб чиқариш ҳажмларига таъсирини моделлаштириш усуллари асосланган ва улар нон маҳсулотлари, мебель ва бошқа турдаги ишлаб чиқаришларнинг оптималь ҳажмларини аниқлаш орқали синааб кўрилиши керак.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида миллий иқтисоднинг барча тармоқларда кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхонлари вужудга келмоқда. Ушбу корхонлар аҳоли даромадларини ошириш билан уларнинг бандлигини таъминлашда, ички истеъмол бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим рол ўйнамоқдалар. Шуларни ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишлари бўлган корхоналар сонини ошириш, иқтисодий рақобатни таъминлаш, бу соҳага инвестиция ресурсларини жалб қилиш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида уларнинг улушини ошириш каби кўрсаткичларни башорат қилишнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган.

Ушбу моделлар асосида республикада кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш истиқболлари башорати натижалари қуйидаги 22-жадвалда келтирилган.

Башорат натижаларининг таҳлили шуну кўрсатадики, 2005 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 2001 йилдаги ҳақиқий ўсишга солиштирилганда қарийб 30 %га кўпайиши,

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 69,4 %га, ишловчилар сони бунда 26,4 %га ошиши кутилади. Бундай жараёнларга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 36,9 млрд. сўмга ошиши лозим бўлади.

22-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2002-2005 йилларда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг асосий қўрсаткичлари башорати

Йиллар	I-ажратилган инвестициялар млн.сўм	Y ₁ -корхоналар сони, мингта	Y ₂ -и.ч маҳсулот миқдори, млн. сўм	Y ₃ -асосий фондлар киймати, млн.сўм	Y ₄ -ишловчилар сони минг киши
1992	4563	20105	19183	67125	110,45
1993	9124	46577	28397	82344	163,12
1994	7344	72314	40119	102375	220,17
1995	12186	101241	52331	94160	422,80
1996	20617	127654	68805	110541	245,24
1997	32315	130172	89683	153200	249,09
1998	58541	142714	101422	188617	364,78
1999	74338	163645	147728	223155	392,31
2000	91845	159719	260284	307155	411,65
2001	107321	201962	344968	350425	475,25
2002	108121	209954	377010	335890	496,59
2003	120177	227234	409052	366432	531,34
2004	132234	244515	441094	390074	566,09
2005	144290	261795	67125	427516	600,84

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истиқболларини амалга оширишдаги чора-тадбирлар мамлакат миёсида бажарилиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга тижорат банклари, чет эл сармоялари, маҳсус фондлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан кредит ресурслари беришни янада соддалаштириш ҳамда лизинг хизматидан фойдаланишини кенгайтириш керак. Иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес корхонларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятига четдан бўладиган аралашуввларни, турли хил назоратларни ва текширувларни камайтириш лозим. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун яна бир муҳим манба - ахборот ресурсларига бўлган талабларини имкони борича тўлиқроқ қондириш керак. Кўпчилик ўрта бизнес субъектлари ички ва ташки бозор конъюнктураси тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Ушбу масалани ҳал этиш учун ҳозир фаолият қўрсатадётган мониторинг тизимини бозорлар ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этиш ҳисобига кенгайтириш зарур.

Республикамизда ташкил этилаётган кўплиб кичик ва ўрта бизнес корхоналари етарли даражада хуқуқ ва манфаатларини

ҳимоялашни тушуниб олишлари учун маҳсус ҳуқуқий ёрдамни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим. Қичик ва ўрта бизнес корхонлари ишлаб чиқарған маҳсулотларни экспортта чиқарышга ҳар томонлама күмаклашиш ва уларни рағбатлантириш лозим. Бу ишларни хизмат күрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган воситачи ташкилотлар ва фирмалар орқали амалга ошириш мумкин. Қичик ва ўрта бизнес корхоналари бошқарув аппарати, ишловчиларини түрли хил касб ва малака ошириш институтларида ўқитиш зарур. Чунки бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар учун биргина тажрибанинг ўзи етарли эмас. Баъзи ҳолларда тезкор қарорларни қабул қилишда илмий асосланган, ноанъанавий ёндашуввлар лозим бўлади.

Республикамизда қичик ва ўрта бизнес қўл меҳнати талаб қилинадиган, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, курилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги пайтда республикамизда қичик ва ўрта бизнес ўзининг эволюцион ривожланиш босқичида турибди. Яъни анъанавий турдаги қичик корхоналар ўрнига замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқарышларни ривожлантириш лозим. Бундай корхоналар тармоқда фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи корхоналар жумласига киради.

Қичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирлар пировард натижасида ўзининг ижобий самараларини беради. Ушбу самаралар қўйидаги кўрсаткичлар орқали на-моён бўлади: қичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши бозорда рақобат муҳитини келтириб чиқаради; ички бозорда харидорлар эҳтиёжларини қондирувчи товарлар ва хизматлар пайдо бўлади ва маҳаллий истеъмолчиларнинг республикамизда ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талаби шаклдана боради; маҳаллий қичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарған товарлар истеъмолчилар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки хорижий мамлакатлардан импорт қилиб олинадиган товарларни камайтиришга олиб келади, бу эса, ўз навбатида, товарларни импорт қилиш учун кетадиган валюта маблағларини тежаш имконини беради; қичик ва ўрта бизнес корхоналари сонининг ортиши кенг кўламликтининг самарасини келтириб чиқаради, яъни корхоналар сони қанчалик ортиб борса, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам шунчалик ортиб боради.

Хулоса қилиб яна шуни айтиш лозимки, республикамизда қичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланишини кўллаб-куватлаш мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичи бўлган - аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга олиб келади ва республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

Қисқача хуросалар

Иқтисодиётнинг хусусий секторида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажарилиши ва хизмат кўрсатилиши юқори суръатлар билан ўсади.

Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чукур ишлаш йўлида имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошлиғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан республикада кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб -куватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик ва ўрта бизнес корхоналарини самарали фаолият олиб боришга ундаидиган механизм сифатида намоён бўлди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда бизнеснинг ўрнини қандай таърифлаш мумкин?
2. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари нималардан иборат?
3. Маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш йўллари нималардан иборат?
4. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш қандай истиқболга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағқураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Қалanova Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – СПБ.: Специальная литература, 1997.

XXI боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

22.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари

Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек Марказий Осиё мамлакатларининг истиқтолга эришганидан кейинги биринчи ўн йиллиги «ута мастьулиятли ва улкан тарихий аҳамиятга эга давр»дир. Бу даврда мустақил давлатчиликни барпо этиш билан биргаликда, трансформация (яъни иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш асосида бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш) ҳамда жаҳон хўжалигига интеграция жараёнлари энг долзарб вазифалар қаторидан жой олди.

Ушбу жараёнларнинг дастлабки босқичида янги мустақил давлатларниң кўпчилигига ишлаб чиқариш ва даромад соҳаларида кескин пасайиш юз берди. Иқтисодиёт бўйича 2001 йили Нобель мукофоти совриндори Ж.Стigliц ана шу ҳолатни таърифлаб бундай дейди: «Россиядаги ва собиқ иттифоққа кирган бошқа кўпчилик мамлакатлардаги ислоҳотларнинг муваффақиятсизлиги фақаттина тўғри иқтисодий сиёсатни амалга ошира олмаслик билан боғлиқ эмас. Уларнинг негизи чуқурроқ бўлиб, бозор иқтисодиёти ёсоларини тушуниб етмасликка, шунингдек, институтцион ислоҳотлар асосларини етарлича англаб етмасликка бориб тақалади. Ушбу давлатларнинг кўпчилиги жиддий ютуқларга эриша олмаслиги самаралироқ иқтисодий сиёсат олиб бориш учун уларда имкониятлар борлигидан ҳам далолат беради».

Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ўтган давр ичидаги тажрибаларни ўрганиш бу борада муайян хulosаларга келиш ва бозор ислоҳотларини ўтказишда самаралироқ йўлларни танлаш учун зарурдир. Бироқ ана шу муаммолар атрофидаги фикрмuloҳазалар ҳамда мунозаралар асосан Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларида, Россияда, камроқ даражада эса бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзоларидағи ўтиш даврини таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолди. Марказий Осиёдаги беш давлат - бу борада энг кам эътибор берилган мамлакатлардир. Фақат кейинги пайтлардагина чет элларда шу мамлакатлар ҳақида ҳам баъзи нашрлар пайдо бўлди, лекин уларнинг тажрибасини яна ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамон долзарб бўлиб туриди.

Иқтисодий ўсипи, айниқса, сабиқ иттифоқ республикалари орасида, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми 2001 йилда 1991 йил дарајасидан ошиб 103 %га кўпайиши негизидаги омилларни ўрганиш - ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун назарий ва амалий жиҳатдан баъзи янги сабоқларни бериши мумкин. С.Фешер ва Р. Сахей фикрларига кўра, Ўзбекистон 26 сабиқ социалистик мамлакатлар ичida «ЯИМ ўсишига ўтиш даври та-мойилларининг стандарт тавсияларини тўлиқ қабул қилмаган холда эришган икки давлатнинг биридир». Халқаро валюта фонди (ХВФ) эксперлари Ўзбекистондаги «иқтисодий ўсип жумбоғи» ни ечишга бир неча бор уриниб кўришди. Лекин бу уриницлар асосан неоклассик монетаризм ғоялари нуқтаи назаридан олиб борилди. Бу борадаги бир томонлама чекланганликни бартараф этиш учун эса, ана шу жумбоқقا баҳо беришда бошқа бир назарий-услубий ёндашиш ҳам талаб этилади.

Ўтиш даври ҳамда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида иқтисодий ривожланиши омиллари нималардан иборат? Айни бир хил ислоҳотлар мажмуи ўтиш давридаги турли мамлакатларда нима учун турлича натижка бермоқда? Ўзбекистон иқтисодий модели ва тажрибаси ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий сиёсат борасида нима учун «ўтиш даври жумбоғи» даражасида ўрганилмоқда?

Ана шу саволларга жавоб беришдан олдин ҳар бир мамлакатда тизимлар трансформацияси ва дастлабки шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг тадрижий сабоқларини ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Ана шундагина амалга ошириладиган сиёсат бошқа бир вазиятда бошқача натижаларга олиб келиши мумкин бўлармиди, деган саволга жавоб бериш имкони бўлади. ЯИМ ўсишига катта таъсир қилган эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик жараёнлари билан бирга дастлабки шарт-шароитларни ҳам хисобга олиш ўтиш даври мамлакатларига нисбатан 90- йилларнинг иккинчи ярмида қўлланила бошланди. Фақат яқиндагина, ХВФ ва Жаҳон банки ҳисоботларида ва амалга оширилаётган ислоҳотларда дастлабки шарт-шароитларнинг иқтисодиёт юксалишига таъсири бирмунча таҳлил қилина бошланди.

Лекин шунга қарамай, тизимлар трансформацияси жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини белгиловчи омил сифатида дастлабки шарт-шароитнинг мутлақ ва нисбий аҳамиятига оид масала хусусида баҳс-мунозаралар давом этмоқда ва бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада фақат рақамлар билан кифояланиш етарли ғимас, зеро биргина миқдорий кўрсаткичлар орқали мунозарани ҳал этиб бўлмайди.

Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осий мамлакатларида иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш ҳамда бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилишида миңтақанинг ўзида ва ундан ташқарида түпланган тажриба етарлича ўрганилмаган.

Марказий Осиё давлатлари миллий бозорларининг институтционал ва таркибий тайёрлиги, шунингдек; банк-молия тизимининг ривож топган институтлари етарли эмаслиги; экспортта йўналтирилган ракобатбардош қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти камлиги; ушбу мамлакатларнинг олдинги тизимдан мерос қолган ва ишлаб чиқариш кучлари технологик жиҳатдан жаҳон андозаларидан орқада қолган иқтисодининг таркиби; ташқи савдо, валюта сиёсати ва ташқи қарз муаммолари етарли даражада эътиборга олинмаган.

21.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий нагизлари

Иқтисодий жараёнларда трансформация жараёнларининг таҳлилига етарли институтционал эволюцион нуқтаи назардан ёндашилмаган. Буни ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатида, қўилаб чет эллик муаллифларнинг чоп этилган назарий ҳамда амалий тадқиқотларида қузатиш мумкин. Уларда бу жараёнларда макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортиқча урғу бериши, шунингдек, ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитлар атрофлича ҳисобга олинмаслиги қайд этилган. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва уларга устуворлик беришига қисқа муддатли вазифалар тарзида қаралиши кўрсатилган.

Ўтиш даврининг дастлабки ун йиллиги тизимларни қайта ташкил этиш, яъни марказлаштирилган тарзда режалаштиришга асосланган маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотларга ўтиш амалда анча мураккаб ҳамда тассавуримиздагига нисбатан узоқроқ давом этадиган жараён эканлигини кўрсатди. Иқтисодий сиёсат борасидаги етакчи хорижий тадқиқотчиларнинг ўтиш даврига оид турли муаммолар юзасидан нашр этилган адабиётларда ҳамон бир қатор масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Фикр-мулоҳазалар турлича бўлиши ва сиёсий иқтисодга ёки эконометрик таҳдилларга асосланганликлардан қатъиназар, улар бу мамла-

катлар тавсия қилинган иқтисодий сиёсатни етарли даражада амалга оширганлари учун тизимлардаги ўзгаришлар жараёнида жиддийроқ түсиқларга дуч келганиларини кўрсатиб беришга мўлжалланган.

Услубий нуқтаи назаридан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. Бу ибора ўтиш даврида эволюцион тараққиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарма-қаршиликлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади. «Институтцион қопқонлар» нинг жудаям қалтис шакллари шу ҳолларда намоён бўладики, унда сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг даражаси ва табиатига мос келмайди, давлат ва халқ янги имкониятлардан керакли даражада фойдаланишга тайёр бўлмайди. Бундай ҳолатда кутилган натижалар билан воқелик, харажатлар билан даромадлар, имкониятлар билан мақсадлар ўртасида катта тафовутлар юзага келади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амал қилинган стратегия ва сиёсий тизимлардаги ўзгаришлар мутлақо турлича, батъзи ҳолларда эса тескари натижаларга олиб келиши мумкин. Шу маънода барча мамлакатлар ўтиш даврининг илк босқичида, гарчи, турли даражада ва қўринишларда бўлса ҳам, «қопқонлар»га илинади (юқори ёки гиперинфляция, давлат бюджетидаги юқори тақчиллик; ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва саноатининг инқизози; камбағаллашувнинг жадаллашиши ва даромаддаги тенгсизлик). Буларнинг кўплигига ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш интизоми барбод бўлганлиги, шунингдек, глобаллашувга хос бўлган «қопқонлар» (ташқи савдода ҳамда молиявий тангликлар, жорий операциялар ҳисобидаги узлуксиз тақчиллик, капиталнинг четга чиқиб кетиши ва ташқи қарзнинг тобора кўпайиши олдида ожизлик) сабаб бўлди. Ўтиш даври ҳамда глобаллашув «қопқонлар», яъни тизимларни қайта шакллантиришдаги «қопқонлар» дастлабки шарт-шароит билан амалга оширилаётган сиёсат ўртасида номувофиқлик кўпроқ содир бўлган давлатларда хатарлироқ кечади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари ва унинг ялпи пасайиши сабаблари ўтиш даврининг илк босқичларида ёқ намоён бўлади, булар турли усувлар, шу жумладан, мавжуд статистикадаги ва услубиётдаги хатолар билан ҳам изоҳланади. Бироқ ЯИМ миқдорини ўлчашда қўшимча яна уч гуруҳ омилларни эътиборга олиш керак. Булар: бошланғич институтционал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар; ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (собиқ СЭВ) ва унинг парчаланиши; давлат назоратининг бе-

кор қилиниши натижасида юзага келган саросималик ва тизим парчаланишидаги «қопқонлар» билан боелиқ бошқа ҳолатлар. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши сабабларини аниқлаш ва тизимли ўзгариш билан боелиқ бошқа «қопқонлар»ни уйғунлаштириш учун танланган ва олиб борилган сиёсатни унинг мавжуд институтционал ва бошқа омиллар билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиши муҳим ва зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлардаги ўта қаттиқ макроиктисодий барқарорлашув ҳам реал ЯИМ ҳажмига салбий таъсир ўтказади (23-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, тубдан эркинлаштириш сиёсати иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва тўлов балансига салбий таъсир кўрсатди. Тизим ўзгаришлари жараёнида, «очиқ эшиклар» иқтисодига анча эҳтиётлик билан ёндашган, ташқи ва ўз ички бозорларида юз берадётган ўзгаришларга pragmatik тарзда муносабатда бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан қаралганда камроқ шикастландилар. Шу билан бир вақтда амалда туб ислоҳотлар ўрин олган ички ва ташқи сиёсат фаолиятини ялпи эркинлаштирган давлатлар кўпроқ даражада зарар кўрди.

23-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва инфляция даражаси ҳақида айрим маълумотлар (1991-2001 й.)

Давлатлар номи	Инфляция максимум даражага етган йил	Инфляциянинг максимал даражаси	Барқарорлашув дастурларини ишга туширишсанаси	Инфляция 40%дан настга тушган йил	Энг кам ЯИМ ишлаб чиқарилган йил	Энг кам ЯИМ 1989 й.га ниебатин хисса
Қозогистон	1992	2984,1	Январ 1994	1996	1995	55,0»
Кирғизистон	1993	1363,0	Май 1993	1996	1995	50,4
Тоҷикистон	1993	7343,7	Февраль 1995	1994-1998	1996	39,2
Туркманистон	1993	9750,0	Январ 1997	1997	1997	42,0
Ўзбекистон	1994	1281,0	Ноябр 1994	1998	1995	83,4

Маиба: 1.Transitron report 2001. European Bank for Reconstruction and Development - Energy in Transitron in Central and Eastern Europe, the Baltic Sea and the CIS (2001 й.) 63, 73-б.

Туб истроҳотлар ва инвестицияларнинг камайиши. Капиталнинг четга чиқиб кетиши анча сезиларли бўлди ва баъзи ҳолатларда ташқи молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Ички ва ташқи хусусий инвестицияларнинг бир меъёрда кўпайишини таъминлай олмаган мамлакатларда инвестицияларнинг камайиши, айниқса, кўпроқ салбий натижаларга олиб келди. 24-жадвалда ўтиш даври мамлакатларининг турли турухлалига оид бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган.

Хусусийлаштириш ва капиталнинг четга чиқиб кетиши. Фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари илгари сурган учта асосий унсурнинг бири эркинлаштириш ва макроиктисодий барқарорлик сингари жадал хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу ўз навбатида тизимларни қайта шакллантиришда жиддий силжишларга олиб келди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси айни пайтда шуни кўрсатадики, ўтиш даврининг бошларида йирик миқёсда хусусийлаштирумасдан туриб ҳам бозор истроҳотлари соҳасида жиддий ютуқларга эришиш мумкин экан. Туб истроҳотлар йўлидан борган мамлакатларда ўтиш даврининг дастлабки босқичида молиявий институтларнинг етишмаслиги, хусусийлаштиришдаги «ваучер» шакллар, жамият бойликларини яшириш ва ошкор тарзда эгаллаб олишлик ҳамда катта микдорда капиталнинг четга чиқиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишидаги муҳим сабаблардан бири бўлди.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет сиёсатининг аҳамияти.

Баъзи тадқиқотларда иқтисодиёт ўтиш даврида бўлган мамлакатларда бюджетнинг қисқариши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро яқин алоқадорлик борлиги қайд этилмайди. Ваҳоланки, МШЕ ва МДҲ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари маълумотлари таҳлили натижасида маълум бўлдики, ана шу икки ҳолат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, бюджет омилларидан фойдаланиши босқичида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайишига йўл қўйилмаган (масалан, Польша ва Узбекистонда).

Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш. Schumpeterуви (1912й.) таъкидлашича, иқтисодиётни ривожлантиришда банклар ғоят муҳим аҳамият қасб этади, зероки, улар пул омонатларидан фойдаланувчи компанияларни яхши танлай олади. Ушбу фикрга кўра, банк сектори омонатларнинг таҳсими нишига таъсир кўрсатган ҳолда %лар ўзгариши орқалигина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш суръатларига самарали туртки бериши мумкин. Шундай қилиб, Шумпетернинг молия ва тарққиёт бўйича му-

лоҳазалари унумдорликнинг ўсиши ва технологияниң ўзгаришига банк фаолияти биринчи навбатда таъсир этади, деган фикрни келтириб чиқаради. Кейинчалик маълум қилинган назарий моделларда ҳам (Dramond [1984.]), Boyd ва Prescott (1986.), Krug ва Levgne (1993.), Levgne (1997.)) банклар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган.

Ушбу назария амалиётдаги далиллар билан ҳам тасдиқланади: ўтиш даври иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ЯИМ нинг пасайиши жараёни молия секторининг қисқариши билан бирга содир бўлди. Тадқиқот натижаларида шу нарса аён бўлдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик жадал бўлса, молиявий воситачиликнинг қисқариш даражаси шунчалик юқори бўлади. Ўтиш даври жараёнида молиявий воситачиликнинг пасайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришга бир қанча йўллар орқали таъсир қилиши мумкин. Молиявий воситачиликнинг бўшашиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқишида катта талофатларга сабаб бўлган учта асосий кўринишда содир бўлади. Булар - тўлов тизимидағи узилиш, реал сектордаги жамғарма ва амалда инвестиция сифатида ишлатилган маблағлари ўртасидаги фарқ ҳамда банк-кредит секторининг инқирози.

21.3. Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари

Марказий Осиё республикаларида собиқ иттифоқ парчаланиб кетишидан олдин мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитни, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари билан бирга нисбий иқтисодий афзалликларни ҳамда тараққиёт муаммоларини ўрганиш натижаси шундан далолат берадики, Марказий Осиёдаги мамлакатларда ахвол турлича бўлган. Бир томондан, инвестицияларнинг камлиги ҳамда тугал ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими бузилганлиги, бунинг оқибатида эса республиканинг ижтимоий-иқтисодий тарққиётига муайян путур етганлиги кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, хусусий тадбиркорликка юқори даражада мойиллиги бўлган малакали аҳолининг мавжудлиги, табиий бойликлар, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги аҳолисининг нисбатан катта улуши, шунингдек жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган товарлари борлигидир. Бироқ синчиллаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландик, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири учун бу ҳолат турлича аҳамият касб этади.

Аҳоли ва меҳнат. Минтақа юқори малакали ва маданиятга бой бўлган кўп миллатли аҳолига эга. Лекин шу билан бирга

аҳолининг тез ўсиши (асосан балоғатга етмаган болалар сонининг ўсиши) бошқа жойларга кучиб кетиши ҳисобига саноатда, айниқса унинг юксак технологик тармоқларида ишчи кучининг камайиб кетишини тұла қоплай олмай қолди. Оқибатда нохуш вазият рүй берди: мәхнатта яроқли аҳоли тұлиб-тошған ҳамда қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарчаларда янги иш ўринлариға талағаттап бүлгап бир пайтда замонавий саноат тармоқларыда ишчи кучи етишмай қолди.

Табиий бойликлар ва атроф-мухит. Марказий Осиё ўзининг табиий бойликлари, айниқса нефть, газ, рангли ва қимматли маъданлари, хусусан олтин билан ажралиб туради. Бироқ етиштирилған маҳсулотнинг аксарият қисми жаҳон бозоридағи нархлардан анча паст даражада миңтақадан олиб чиқиб кетилған. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Жанубий Қозоғистон колхоз ва совхозлари асосан паҳтачилик билан шуғулланған. Сув ресурсларининг ҳаддан ташқари катта қисми паҳтачиликка хизмат қилиш жараённанда совурилған ва натижада Орол денгизи фожиасига - XX асрнинг әнг катта экологик инқизорларидан бирига йўл қўйилған.

Инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол. Собиқ иттифоқ даври мобайнида барча Марказий Осиё республикаларидан, амалдаги инвестициялар ҳиссаси мамлакат бўйича ҳисобланганда анча бўлган (Қозоғистон бундан мустасно). Бинобарин бу республикаларнинг ўша даврдаги қолоқлигига асосий сабаблардан бири ҳам шу. Бунга Марказий Осиёни табиий бойликлар ва қишлоқ хўжалик ҳомашёлари базасига айлантириш стратегияси ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Савдо-сотиқ ва майший хизматни қўшиб ҳисоблагандага учинчи сектор - яъни хизмат кўрсатиш соҳаси ғоят мужмал тарзда ташкил этилганини анча миқёсда яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришда, ишчи ўринлари ва даромадда мавжуд бўлған катта тафоутларни йўққа чиқара олмади. Бунинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий қалоқлик юзага келди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш, турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан улар собиқ иттифоқдаги барча республикалар ичида энг паст ўрининг тушиб қолди.

Собиқ иттифоқда миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими ҳомашё нархлари билан тайёр товарлар нархи, товар айланмаси билан субсидиялар ўртасидаги номутаносиблик, солиқларнинг турли-туманлиги, шунингдек, олинган фойданинг нотўғри тақсимланиши натижасида кўп жиҳатдан вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Айни бир пайтда маъмурий-

буйруқбозлиқ тизими туфайли иттифоқдош республикалар ташқи дунё билан алоқалари чекланганлиги сабабли улар бир-бирiga қаттиқ boglaniп қолди. Уларнинг ҳажми ва ресурслар билан таъминланганлигидан қаттинаазар барча МДҲ давлатлари, шу жумладан, Россия ҳам катта йўқотишларга учради. Улар маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимидан мутлақо бошқача муносабатли янги жамиятга аста-секинлик билан ўтишга ишобил эдилар.

Собиқ Иттифоқ давридаги Марказий Осиё республикалари ривожланишда эришган мудаффаққиятларини инкор этмайди. Бу бобдаги таҳдил бошланғич шароитларни, уларнинг қиёсий афзалликлари нуқтаи назаридан мустақил ривожланишлари ва тўпланиб қолган муаммоларни янгидан баҳолашга уринишдир.

СССРнинг тарқалиб кетиши унинг таркибида 15 республиканинг барчасида ишлаб чиқариш ва истеъмол катта тушкунлик билан чуқур иқтисодий тангликтининг асосий сабабларидан бири бўлиши шубҳасиз эди. У СССР емирилишининг Марказий Осиё республикаларига зарбаси улар «субсидияланувчи» бўлганликлари учунгина эмас, асосан иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига ҳаддан зиёд мутеликлари туфайли жуда сезиларли бўлди. Чунки тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тартиби 1970 йиллардан бошлаб Туркманистон, Ўзбекистон ёки Қозогистоннинг фойдасини кўзламасди. Бироқ шаклланган алоқаларнинг узилиши мазкур мамлакатларда ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Масалан, Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши туфайли савдо айирбошлишнинг кескин бузилиши ва молиявий операцияларнинг издан чиқиши республикалар сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий вазиятни сезиларли даражада ёмонлашириди.

Ўтказилган тадқиқотлар давлатлар ўз мустақилликлари га эришганларидан сўнг юз берган иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, инқироз ва унинг вақти, чуқурлигини яхшироқ тушунишга ва бу инқирордан кейинги йилларда чиқиш йўлларини белгилашта ёрдам берарди, қайта тикланишни талаоб этарди. Ислоҳот стратегияси шунингдек, бозор ислоҳотларининг ва глобал иқтисодиёт уйғуллашувининг босқичма-босқичлиги асосида нисбий мавжуд имтиёзлардан юқори даражада фойдаланиш мақсадида ҳар бир муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур эди.

21.4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида қайта туб ўзгаришлар стратегияси

Умумий вазиятларга қарамай Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда Собиқ иттифоқ таркибида бўлган дав-

латлар турлича имкониятга эга эди. Бу ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни ва ягона жаҳон иқтисодиётiga уйғуллашибни кийинлаштириди. Бироқ уларнинг барчасига янги муаммоларни радикал ўзгаришларнинг асосан монетар усуллари ёрдамида ҳал этиш маслаҳат берилган эди. Бу йўл неолиберал назарияга асосланган. Бундай ёндашишнинг моҳиятини қисқача тарзда А.Шляйфер (АҚШ) қуйидагича ифодаланган эди: «Эркинлаштириш хукуматнинг нарх-наво устидан назоратини бартараф этади, барқарорлаштириш хукуматга анча кескин бюджет чекловларини юклайди, хусусийлаштириш эса хукуматни тӯғридан-тӯғри назоратдан маҳрум этади».

Ривожланган мамлакатларнинг яқин ўтмишдаги тажрибасини ўрганиш, Б.Плесковиц ва Д.Ж. Стиглицларнинг фикрларига кўра, «ривожланишнинг неолиберал модели хусусидаги ишончсизликни» ошириди. «Баъзи мамлакатлар неолиберал модельга эргашган ҳолда ҳануз иқтисодий ўсиш яхшиланишини кутмоқдалар, ваҳоланки бу пайтда ушбу модельни рад этганлар илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражадаги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳис этмоқдалар».

Тизимларни қайта шакллантиришнинг дастлабки ўн йиллик тажрибаси, айниқса, МДҲ даги кўпчилик мамлакатлар тажрибаси ҳам ўта либерал «larsse-fagge» тамойилга асосланган сиёsat ўтиш даврида улар учун энг мақбул йўл бўлганлигидан далолат беради. Узоқ муддатли ривожланиш мақсадларига зарар етказмаган ҳолда ўтиш даври чиқимларини минималлаштириш учун қандай стратегия зарур? Бу борада асосий вазифалардан бири сифатида, тизим ўзгаришларининг энг мақбул стратегиясини танлаш ва амалга ошира оладиган давлат барпо этилиш лозимлиги кўрсатилади. Кучли ва самарали саноатлаштириш сиёsatи бозор иқтисодиётининг зарурий компонентларидан бири бўлиши зарур. Босқичма-босқич ўтиш стратегиясини амалга оширишга қодир бўлган давлатнинг тутган ўринини аниқлаш йўли билан институтционал эволюцион иқтисодиёт назариясига тегишли ҳисса қўшишга ҳаракат қилинди.

«Тартиба солишга барҳам бериш» (*«de-regulation»*) га қарама-қарши давлат ёрдамида институтлаштириш сиёsatи. МДҲ мамлакатларида амалга оширилган тизимларни қайта шакллантириши жараёни бир пайтлари бир бутун бўлган давлатда мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи мавжуд институтларга тезда барҳам бериши оқибатида юзага келган қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ. Қисқа вақт ичida фақат монетаристик усулларга таянган ҳолда мувофиқлаштирувнинг янги, бозор шароитига мосланган шакл-шамойилларини ишлаб чиқишнинг иложи

ҳам йўқ эди. Жамиятнинг яратувчилик куч-қудрати, биринчидан, бошқарув сифатига, яъни ҳукумат амалга ошираётган ислоҳотлар борасида аниқ вазифаларни қанчалик оқилона қўя билиши ва буларни қанчалик самарали бажара олишига боғлиқ. Иккинчидан, жамият аъзолари ижтимоий ўзгаришларга қанчалик тайёр эканлиги, шунингдек, ислоҳотларни халқ қанчалик қизғин қўллаб-кувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Ислоҳотлар стратегияси ўмумий сиёсий, иқтисодий ва институтционал ҳозирликларга (шу жумладан, ижтимоий капиталга) қай даражада мос тушиши бу ислоҳотларни амалга оширишда муваффакият гаровидир.

Давлат ва индустириал сиёсати тартибга солишдан батамом ва ялпи воз кечишининг муқобил жамоат мулкчилигига асосланган ва ҳаддан ташқари марказлашган маъмурӣ-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётiga ўтиш борасида ўзгаришларни изчил равиша, секин-аста амалга оширишдан иборатdir. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш бошқа итисодий институтларни юзага келтириш ҳамда ўтиш даврида изчил ва босқичли стратегияни тўла амалга оширишни тақозо этади. Хусусий секторни ривожлантирган ҳамда ўтиши даври жараёнида кўп тармоқли иқтисодиётни бошқариш учун мерос бўлиб қолган иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалардан юқори даражада фойдалangan ҳолда бозор муносабатларини шакллантириш давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўтиш даврида ислоҳотларнинг, саноат соҳасидаги сиёсатнинг халқаро қўламда синалган тажрибасини қўллаш тақозо этилади. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат соҳасидаги сиёсат Японияда, кейинчалик эса Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилигига янги самаралар берди. Бир неча ўн йиллар давомида иқтисодий юксалишдаги юқори суръатлар ва барқарорлик борасида эришилган натижалар кутилмаган даражада ижобий бўлди, натижада 1990 йилларнинг бошларида бу ҳолатни «Шарқий Осиё мўъжизаси» деб баҳолашди. 1960 ва 1985 йиллар орасида аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад Японияда ва «тўрт йўлбарс» мамлакатларида тўрт карра, Жанубий - Шарқий Осиёдаги янги индустрисал давлатларда эса икки ҳиссадан зиёдга кўпайди. Айни бир пайтда ижтимоий омонатлар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигига ҳам иқтисодиётнинг устувор секторларига инвестицияш учун ишлатилди, ҳомийлик эса бу тармоқларни қайта тиклаш, уларниң фаолиятини экспортга қаратиб, халқаро майдонда рақобатоардошлигини ошириш имконини берди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ўтиш даврининг бошларидаётқ саноат соҳасидаги сиёсатнинг баъзи унсурларидан фойдаланишлари мумкин эди. Масалан, таклифнинг камайиб кети-

шига, кучайиб борган кредит етишмаслигига ва импорт эркинлаштиришига қарши «зарур» чора-тадбирлар кўриш лозим эди. Чунки булар оқибатда таклиф томонидан «фалаж ҳолатлар рўй беришига», корхоналарнинг ёпилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланмаслик, инсон капиталининг малака йўқотишига олиб келди. Шунинг натижасида бундай салбий оқибатларни макроиктисодий барқарорлик сиёсати доирасида факат бозор рағбатлари йўли билан тугатиш имкони бўлмади.

Маълум бир пайтда бундай сиёсат бюджетда катта сарф-харажатлар қилишни ҳамда дефицитли молиялаштириши талаб қиласр эди. Умумий инвестицияларнинг кўпайиши эса, маълум миқдорда пул-кредитнинг кириб келишига сабаб бўлди. Иқтисодиётдаги «мўъжиза» нинг асосий сабоби шундан иборатки, қаттиқўллик билан амалга ошириладиган фискал ва монетар сиёсат оқилона бўлиши лозим, акс ҳолда мавжуд иқтисодиёт издан чиқиши ва иқтисодий ривожланиш имкониятларига путур етиши мумкин. Бошикача қилиб айтганда, бу сиёсат сунъий қопқонларга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бетартиб камайишига сабабчи бўлмаслиги керак. Шунга кўра, ҳатто, эътибор этилган барқарорлаштириш дастурлари ҳам кутилаётган инфляция даражаси ва бюджетдаги тақчиллик маеаласида эҳтиёт бўлиши, мамлакатнинг муайян эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим. Хусусийлаштириш борасида қандай чора-тадбирларни танлашнинг аҳамияти бундан ҳам юқорироқ тузилмаларга барҳам бериш сиёсати иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари ва давлат билан жамият бунга қанчалик тайёр эканлигини ҳисобга олмас экан, натижажа яхши бўлмайди.

Постсоциалистик давлатнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу давлат жамият ва иқтисодиётдаги тўла хўкмронлигидан воз кечиб, ўз вазифаларини давлат ва бозор ўртасида адолатли тарзда, демократик йўл билан қайта тақсимлашга ўтганини ифода қиласди. Бунинг учун эса бозор муносабатларини жорий қилиш ҳамда иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш; давлат сиёсатидаги муваффақиятсизликларни бозор шароитидаги янги усуслар ҳисобига тутатиш; бир томондан эса, ўтиш даври жараёнида юзага келадиган бозор тақчилликлари ва инқирозларининг кўпайишини давлат орқали жиловлаб туриш талаб этилади. Собиқ Иттифоқ ҳудудида бундай давлатни барпо этиш ҳазилакам иш эмас эди, чунки ҳаммасини бошдан бошлиш талаб этиларди.

Янги мустақил давлатларда ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган ислоҳотлар ютуғиши: хусусий секторнинг ривожланиши (катта ва кичик корхона-

ларни хусусийлаштириш, корхоналардаги таркибий ўзгаришлар); бозорлар ва савдо (нархларни эркинлаштириш, савдо ва валюта тизимлари, рақобатчилик сиёсати); молия муассалари (банк соҳасида ислоҳот ва % ставкасини эркинлаштириш, кимматли қоғозлар бозорлари ва банкларга қарамайдиган молиявий институтлар) берган натижалар орқали қиёслаб кўриш мумкин. Бу таққослар, албатта, муҳим ва зарур, лекин етарли эмас. Бу борада яна бир ўлчов - тегишли институтларга эга бўлган давлатни қандай барпо этиш ўлчови ҳам талааб қилинади.

Бозор институтларининг аҳамияти ошиб борган бир ҳолда давлат томонидан тартибга солишининг жорий этилиши ҳамда янги индустрисал мамлакатлар даражасига етиб олиш келажакда янада етук ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим омил бўлиши лозим. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларида ана шу даражага этишиш ҳамда ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш ва шунингдек, ривожланишга эришиш учун, энг аввало, давлат ва унинг иқтисодий воситалари кучайтирилиши, қайта кўрилиши лозим. Энг асосий вазифа - давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаларига путур етказмасдан, унинг маъмурӣ-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш сиёсатидан возкечиб, бозор шароитига мослашиб, иқтисодиётни керакли даражада бошқара оладиган тузилмага айлантиришдан иборат. Давлатнинг фаол аралашиш сиёсати реал секторларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан ҳам анча тўғри бўлиб чиқди. (24-жадвал).

Индустрисаллаштиришга қарши сиёсат («de-industrialisation») ўрнига фаол индустрисал сиёсат. «Де - индустрисаллаштириш» гояси ўтиш даврида саноати ривожланган мамлакатларда марказдан режалаштиришга асосланган иқтисодиётдаги номутаносибликка барҳам берадиган мантиқий ва объектив жараён сифатида «фалаж қилиб даволола» тарафдорлари томонидан илгари сурилди. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларининг аксариятида саноат етарли даражада ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги анча устувор бўлганлиги учун саноатизлаштиришга унчалик ҳожат йўқ эди. Марказий Осиё мамлакатларида кун тартиbidаги асосий масала саноатнинг янги тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини замонавийлаштириш асосида саноатни тезкор суръатлар билан ривожлантиришдан иборат эди. Шунга қарамай, Ўзбекистондан ташқари, ҳамма Марказий Осиё давлатларида «де-индустрисаллаштириш» сиёсати фаол амалга оширилди. Ўзбекистонда мавжуд бўлган саноат тармоқлари керакли миқдорда сақланиб қолиши ва янгилари барпо этилиши асосида иқтисодиётни янада саноатлаштиришга ўтиш стратегияси жуда ҳам



муҳим натижаларга олиб келди. Ўзбекистон хуқумати мустақилликнинг биринчи йилидан бошлабоқ иқтисодиётда мавжуд секторларни ривожлантиришга ургу берди.

24-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида ҳамда Марказий ва Шарқий Европадаги баъзи давлатларда ишлаб чиқариш камайишнинг давомийлиги ва даражаси (1990-2001 йиллар)

Давлатлар	ЯИМнинг камайиши		Саноатда ишлаб чиқаришининг камайиши	
	давомийлик (йиллар)	камайиши (даражаси)	давомийлик (йиллар)	камайиши (даражаси)
Марказий Осиё				
Қозогистон	8(1990-95,98,99)	1960 йиллар охири	6(1990-1995)	1970 йиллар боши
Қирғизистон	6(1991-95,99)	1970 йиллар боши	6(1990-1995)	1960 йиллар боши
Тоҷикистон	7(1990-1996)	1950 йиллар охири	7(1991-1997)	1960 йиллар боши
Туркманистон	7(1991-1997)	1960 йиллар боши	6(1992-1997)	1970 йиллар боши
Ўзбекистон	5(1991-1995)	1980 йиллар боши	1(1992)	1988 йил
МШЕ (танзаб олинган)				
Болгария	6(1990-93,96,97)	1970 йиллар охири	5(1990-93,96)	1970 йиллар ўртаси
Чехия Республикаси	5(1990-92,98,99)	1970 йиллар охири	4(1990-93)	1970 йиллар ўртаси
Венгрия	4(1990-1993)	1970 йиллар охири	4(1990-93)	1970 йиллар ўртаси
Полша	2(1990-1991)	1980 йиллар ўртаси	3(1990-1992)	1970 йиллар ўртаси
Словакия	4(1990-1993)	1970 йиллар охири	5(1990-1994)	1970 йиллар охири

Ўтиш даври стратегияси ва индустрιал сиёсат. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган, иттифоқ парчалангац мустақилликка ёришган 15 та янги мустақил давлат орасида Ўзбекистон маҳсулот ишлаб чиқаришдаги камайиши узоқ давом этмаганлиги ва даражаси унчалик юқори бўлмаганлиги ҳамда ўтиш давридаги 26 давлат, айниқса, МДҲ мамлакатлари орасида саноат ривожида юқори суръатли тикланиши билан ажralиб туради (5-жадвал). Ушбу ижобий кўрсаткичлар кўп жиҳатдан давлатнинг амалга оширилаётган стратегияси ва саноатдаги фаол сиёсати натижасидир. Давлат томонидан тўғри танланган сиёсат дастлабки шарт-шароит ва иқтисод таркибидаги бир мунча афзалликлардан фойдаланиш учун янги омиллар пайдо бўлди.

Марказий Осиё давлатлари саноат ишлаб чиқаришида 1992-2000 йиллардаги күрсаткичлар (1991 й. 100 % ҳисобида)

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қозогистон	86	73	53	48	49	51	49	51	58
Кирғизистон	74	55	40	33	34	47	50	48	51
Тоҷикистон	76	70	52	45	34	34	36	38	42
Туркменистон	85	89	67	61	73	57	58	-	-
Ўзбекистон	93	97	98	98	100,9	105	109	115	122,4
МДХ ўртича	82	72	56	52	50	52	51	54	60

Бу ўтиш даврининг бошланишида ёқ басъзи катта корхоналарни, айниқса, йирик саноат корхоналарини барча чекланишларни шошма-шошаарлик билан ва бирданига олиб ташламай, кредит ва субсидиялар билан маълум даражада кўллаб-куватлашни тақозо этди.

«Ўзбекистон аввал бошданоқ янада кескин равишда таркибий ўзгаришларни қайд этганда тўғри иш қўлган булар эди», деган фикрга қўшилиш қийин. Тузилмаларни шошилинч ислоҳ қилиш яхши иқтисодий ўсиш билан тугаганини кўрсаувчи далиллар собиқ иттифоқ худудида ҳам, Марказий - Шарқий Европа мамлакатларида ҳам йўқ. Шарқий Осиё мамлакатларининг тажрибаси ислоҳотчи давлатнинг мавжудлиги, иккинчи жаҳон урушидағ кейинги таизазулни енгишда ҳам, бутун иқтисодий «юксалин» даврида ҳам (камиде 30-40 йил мобайнида) зарурий омил эканлигини исботлади.

Бу тажрибадан чиқариладиган асосий сабоқ қуйидаги ўзгаришларнинг зарурлигини тақозо этади:

- импорт ўрнини қоплашнинг етарли даражасини сақлаган ҳолда саноат ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналишини кучайтириш;

- ўз даромадлари, жумладан, эркин алмаштириладиган валюта даромадлари ҳисобидан саноат секторида инвестиция эҳтиёжига қаратилган сиёсатни ўтказиш;

- саноатнинг асосий тармоқларини қайта ва қўшма лойиҳалар ҳамда корхоналар асосида янги қувватларни ва инфратузилмаларни барпо этиш мақсадида бевосита хорижий инвестициялар учун очиқ тадбиркорлик мухитини яратиш;

- кўп маблағлар талаб қиласидиган лойиҳаларни рағбатлантириш ўрнига кўп меҳнат талаб қиласидиган кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш мақсадида хусусий миллий инвесторлар учун нисбатан кўпроқ имкониятлар яратиш.

Бу ўзгаришларни амалга ошириш учун хусусий секторни ривожлантириш сари янги қадамлар қўйилиши лозим. Қудратли хусусий сектор бўлмаса, турли тадбиркорлик ҳаракатлари қўллаб-куватланмаса, давлат ўтказадиган ўзгаришлар ва самарали саноат сиёсати ҳам, барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам бўлмайди, халқ турмуш даражаси ҳам ошмайди.



Қисқача хуросалар

Мустақил давлатчиликни барпо этиш билан биргаликда, трансформация (иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш асосида бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш) ҳамда жаҳон хўжалигига интеграция жараёнлари энг долзарб вазифалар қаторидан жой эгаллади.

Макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштириш нинг тайёр қолилларига ортиқча ургу беришни, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитларни атрофлича ҳисобга олмасликни қузатиш мумкин.

Ўтиш даврида ислоҳотларнинг ривожланиши саноат соҳасидаги сиёсатнинг халқаро қўламда синалган тажрибасини қўллашни тақозо этарди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Трансформациянинг умумий тавсифи қандай?
2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёни нинг назарий ва услубий негизлари нималардан иборат?
3. Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари нималардан иборат?
4. Қайта туб ўзгаришлар стратегияси нимани кўзда тутади?
5. Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Давлат ва индустириал сиёсат деганда нималарни тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод. Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций.- СПБ.: Специальная литература, 1997.
6. Ҳасбулатов Р.И. Жаҳон иқтисодиёти. М.: ИНСАН, 1994.
7. Расулов А., Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистон: ташки фаолият ва жаҳон хўжалигига бирлаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Джекфи Саке. Бозор иқтисодиёти ва Россия. - М.: Иқтисодиёт, 1994.
9. Россиядаги иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи йили. Польша ва Шарқий Европа учун сабоқлар. (М.Домбровский ва П.Казаржевский таҳрири остида, Варшава, CASE, 1994).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ҚЎШИЛИШ СИЁСАТИ

22.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати

Собиқ Иттифоқ тарқалишидан бошлаб Марказий Осиёдағи беш давлат - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар учун минтақа ва жаҳон миқёсидаги интеграцияга очиқ бўлишга интилди.

Қўшимча киритилган маълумотлардан фойдаланиш 1991 йилдан бошлаб бутун давр давомида савдонинг ҳар икки томонини - МДҲ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари билан савдони таққослаш имконини беради (26-жадвал). Бунда мустақил тараққиёт ва тизимни қайта қуриш бошланишида савдо фаоллиги даражаси камайиши сабабларини ўрганиш жоиз.

Иттифоқ даврида ҳам, у тарқалгандан кейин ҳам ташқи савдо Марказий Осиё мамлакатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларда экспорт ва импортнинг ялпи миллий маҳсулотга нисбатан кўрсаткичи ўртacha МДҲ қараганда анча юқорироқ бўлган.

Ташқи савдо айланмаси нуқтаи назардан мустақил давлатларда учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич (1991 йилдан 1994 йилгача) собиқ Иттифоқнинг парчаланиш ҳамда ўзаро савдо ҳажми ва улушининг кескин камайиб кетиши бартараф этилиши билан боғлиқ.

Иккинчи босқич (1995 йилдан 1998ил 18 августгача) анъянавий савдо шериклари билан оқилона муносабатни сақлаб туриш ва дунёнинг қолган қисми билан алоқаларни кучайтиришни давом эттиришга турлича уринишлардан иборат.

Учинчи босқич (1998ил 18 августдан 2001 йилгача) жаҳон иқтисодиёти ва Шарқий Осиё молиявий инқизорзларининг салбий таъсири билан боғлиқ. Уларнинг таъсири Россия пул бирлигининг девальвация қилинishi туфайли анча кучайди ва анъянавий бозорларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлиқ дарajasiga ҳам таъсир этди. Ҳар уч даврда ҳам Марказий Осиё давлатлари ўз ташқи савдоларининг жуғрофияси ва товар таркибига оид қийинчиликларга дуч келди, бу эса, умумий ташқи савдога салбий таъсир килди.

26-жадвал

Марказий Осиё давлатларининг экспорти ва импорти умумий ҳажмида МДХ мамлакатларининг экспорт ва импорт улуши (1991-2000 йиллар, % хисобида)

Давлатлар	Кирғизистон		Қозоғистон		Тоҷикистон		Туркманистон		Ўзбекистон	
Нил	экс.	имп.	экс.	имп.	экс.	имп.	экс.	имп.	экс.	имп.
Мустақалийи давлатлар Ҳамдустлиги										
1991	90,7	85,99	97,2	80,0	76,7	84,8	94,7	78,7	84,1	82,3
1992	87,6	4,390	93,7	96,2	80,3	89,5	80,2	84,9	82,5	85,5
1993	83,6	261,1	65,5	91,3	52,6	61,9	70,1	78,3	73,7	81,3
1994	58,0	69,0	87,9	66,1	18,8	42,6	77,0	46,7	62,1	53,8
1995	52,9	69,6	65,8	67,7	33,6	59,0	49,4	54,6	39,3	40,7
1996	55,7	53,9	77,8	58,1	43,0	57,3	67,5	29,6	21,1	32,2
1997	46,0	54,0	52,8	61,4	36,6	64,3	60,1	55,0	33,0	27,0
1998	40,0	47,0	44,9	52,3	34,0	62,7	25,6	47,0	24,6	28,0
1999	26,0	43,0	40,0	43,0	46,0	78,0	41,4	33,6	30,1	26,4
2000	27,0	55,0	42,0	53,0	49,0	83,0	52,5	38,0	53,2	38,5
Россия										
1991	53,4	70,4	42,9	39,0	44,7	34,1	46,1	38,7	55,7	54,7
1992	65,4	81,8	37,2	61,2	39,2	40,8	16,2	53,1	44,1	56,5
1993	57,3	64,0	36,8	44,7	16,4	32,5	7,1	13,1	57,0	48,4
1994	44,5	36,3	17,2	21,9	30,0	15,2	13,2	10,5	26,7	28,4
1995	42,3	45,0	25,6	21,9	34,1	31,0	6,8	7,0	,5	26,2
1996	44,3	55,0	26,6	20,8	28,3	29,8	10,6	11,8	11,6	18,8
1997	33,9	46,0	16,4	26,9	8,5	15,3	7,5	13,4	14,9	16,0
1998	28,9	39,4	16,3	24,3	8,1	14,1	4,9	13,1	12,8	15,6
1999	,8	36,7	15,6	18,2	16,8	13,9	4,0	11,0	13,0	13,8
2000	,5	48,7	12,9	24,0	33,0	15,6	41,1	14,3	28,3	14,3
Марказий Осиё давлатлари										
1991	12,6	10,5	30,7	29,6	13,1	30,4	29,9	7,9	10,4	,5
1992	11,9	9,9	33,4	23,4	24,8	32,1	27,8	21,6	27,7	22,2
1993	10,7	17,5	-	-	-	-	16,2	-	-	-
1994	6,4	,0	43,9	42,1	7,4	28,6	21,2	7,0	28,3	17,5
1995	6,5	14,6	35,9	43,0	,2	41,8	8,6	4,8	16,9	10,3
1996	6,3	7,6	46,4	34,8	30,5	42,6	17,9	2,4	7,5	8,9
1997	5,0	3,7	33,2	31,7	28,4	45,0	12,9	15,2	10,2	6,6
1998	6,4	3,9	25,9	24,3	26,0	51,4	11,0	7,7	9,7	6,3
1999	3,3	3,7	22,9	22,4	27,5	59,5	6,2	5,1	11,3	7,0
2000	2,8	3,1	26,3	27,6	14,3	45,2	6,6	3,7	15,8	17,3

Жаҳондаги ва минтақавий сўнгги инқирозлар Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг импортига ҳам салбий таъсир қилиб, ташки савдонинг умумий ҳажмини 1998 йилги нархларда ўн йилликдан энг паст даражага келтириб қўйди. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан рўйхатга олинган савдонинг кескин камайиши бундай таназзулнинг бош омили бўлди, бу савдо ҳажми саккиз йил олдингидан деярли саккиз баробар кам бўлди.



Ўша йилларда бу мамлакатларининг жаҳондаги, МДҲ дан ташқари, мамлакатлар билан ташқи савдоси нисбий улуши ошиди. Кучли таназзул натижасида 1991-1995 йилларда Марказий Осиё давлатларининг умумий савдо ҳажмида анъанавий савдонинг улуши олис хорижий мамлакатлар билан бўлган савдо улушига тенглашди. Шундан кейинги йилларда собиқ Иттифоқ давлатлари билан савдо улуши жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо улушкидан ҳам камайиб кетди ва уларнинг ўртасидаги нисбат ўзгариб, 1991 йилдаги 7:1 нисбатдан 1997 йилда 1:1,3 нисбатга тушди, яъни жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо ҳажми ошиди, анъанавий савдо улуши мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин пасайди.

Бу, асосан Россия билан савдо айланмаси камайишига боғлиқ эди. 1997-1998 йилларда, айниқса, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Россия билан савдо айланмаси 1991 йилдагидан анча кам бўлди. Бу кўрсаткич Қозогистон ва Қирғизистон учун ҳамон етарлича муҳим эди, лекин 1998 йилги инқироздан кейин бу мамлакатларда ҳам жиддий камайиш тамойили кўзга ташланди.

22.2. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси, айниқса, биринчи босқичда, улар мустақилликка еришгандан сўнг, иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. МДҲ да савдонинг умумий ҳажми мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин камайишига қарамай, 1992-1995 йилларда уларнинг кўпчилигида йиллик ўртacha ўзаро савдо ҳажми 1991 йилги даражадан юқори эди. Бу ҳол минтақада савдо тақсимотига ўзгариш киритиш имконини бериб, Қирғизистон ва Тожикистоннинг савдо соҳасидаги шериклари сифатида Ўзбекистон ва Қозогистоннинг мавқеини ошириб, қандайдир барқарорлаштирувчи омил бўлди. 1998 йилда Қирғизистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлади. Қозогистон билан Ўзбекистонга Қирғизистондан қайта экспорт (ре-экспорт) қилинаётган истеъмол товарларидан саноат тармоқларини ҳимоя қилиш учун мажбурий равишда божхона - тариф чораларидан фойдаланишига тұғри келди. Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир вақтнинг ўзида Россия ва Белорус Божхона Иттифоқига аъзо бўлиши, 2000 йил оқтяброда Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг шаклланици Үрта Осиёда минтақавий ҳамкорликда муайян қийинчиликлар келтирди.



Лекин, Марказий Осиё давлатлари янада мустаҳкам минтақавий ўзаро боғлиқликнинг объектив зарурлигини тан олган ҳолда савдо соҳасида ҳам, ресурсларни (сув, энергия ва бошқалар) бошқариш ва инфратузилмалар соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришига қатъий эҳтиёж зарурлиги Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2001 йил 28 декабрдаги учрашувида яна бир бор тўла масъулият билан таъкидлаб ўтилди.

Ушбу учрашувда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташқилоти деб қайта тузишга келишиб олинди.

1994 йилдан бошлаб, Марказий Осиёдаги барча давлатларининг МДҲ дан ташқари давлатлар билан савдо умумий савдо ҳажмида экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳам, импорт кўрсаткичлари бўйича ҳам жаҳоннинг қолган қисми улуши, айниқса, Ўзбекистонда (1998 йилда 73,4% ва 72,2%) тез ўси. Савдонинг жуғрофий тақсимоти анча ўзгариб, собиқ ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашидан Європа Иттифоқи, Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва Яқин Шарқ томон силжиди. 2000 йилда Марказий Осиё давлатларининг МДҲдан ташқарида жойлашган асосий шериклари биринчидан Європа мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландия), сўнгра Шарқий Америка (АҚШ) ва Яқин Шарқ (Туркия, Эрон) мамлакатлари бўлди. Ташқи савдонинг умумий ҳажмида бу мамлакатлардаги шериклар иштирокининг улуши анча ошиди.

Ташқи савдонинг товар тарқиби муаммолари. Барча марказий Осиё давлатларининг экспорт товарлари, асосан минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат эди. Қозогистонда асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлардан, Қирғизистонда – олтин, тамаки ва жун; Тожикитонда – алюминий ва пахта толаси, Туркманистонда – табиий газ, пахта, толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, Ўзбекистонда – пахта толаси, олтин, табиий газ ва рангли металлар экспорт қилинади (кўпчилик МДҲ мамлакатларига экспорт товарларнинг шундай тарқиби таъсирлидир).

Импортга келганда эса, у асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа исъетъомол моллари, шунингдек нефть ва нефть маҳсулотлари (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, кейинги икки мамлакатда эса яна газ) дан иборат бўлган. Кейинчалик импорт тарқибida дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё улуши камайиб, машина-ускуналар кўпая бошлади. Бироқ мамлакат ичкарисида фойдаланиш учун импорт қилинаётган исъетъомол товарларининг ўрнини қопловчи қайта ишлапсаноати



товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб, импорт қилинадиган машина ва ускуналар улушкини кўпайтириш батзи давлатларда жорий операциялар счёtlари бўйича катта сурункали тақчилликка, бошқаларида эса истеъмол моллари импорти ҳаддан ташқари қисқартирилишига олиб келди.

Ташқи савдо ва рақобатбардошлик. 1998 йилнинг августида Россия рублининг девальвация қилиниши Марказий Осиё товарлари рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилди. Айниқса, Россиянинг Европа, Осиё бозорларига экспорти (ёнилғи, металлар) кўпайгани Қозоғистоннинг шундай товарларни экспорт қилишига кўпроқ таъсир ўтказди. Бошқа товарлар эса сифатсизлиги сабабли уларнинг валюталари девальвация қилингандан кейин ҳам МДҲ дан ташқаридан деярли сотилмай қолди. Бу экспортнинг рақобатбардошлиги ва хилма-хиллиги кўп жиҳатдан валюта алмашув курсининг ўзгаришга ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши оқибатида нархларнинг нисбийлигига эмас, кўпроқ тузијмалар ислоҳотига боғлиқлигини исботловчи далиллардир. Россиянда рублининг девольвация қилиниши Марказий Осиё давлатлари товарларининг ички бозорда ҳам, Россия бозорида ҳам, бошқа бозорларда ҳам рақобатбардошлигига катта салбий таъсир қилди.

Ташқи савдони янада кенгайтириш йўллари ва зарурлиги. Янги Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгач, аввал бошданоқ жаҳон иқтисодиётига интеграциялашин йўлида вужудга келадиган бир неча фундаментал мувоффикларга ва турли ташқи қийинчиликларга дуч келди. Бу мувоффикларни ҳал қилиш йўли минтақавий ва глобал савдо-сотиқни кенгайтиришидир. Бу Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан аввало савдо мижозларини, товарларнинг турларини ва транспорт транзит йўналишларини кенгайтириш ва ўзгартирини ўз ичига олади. Лекин, бу шароитларнинг ҳаммаси зарур бўлса ҳам, бозор ислоҳотлари давом эттирилмаса ва ташқи савдо эркинлаштирилмаса, улар етарли бўлмайди. Жаҳон бозорига интеграция бўйича янги имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун Марказий Осиё давлатлари, аввало, қуйидаги асосий масалаларнинг тегищли ечи мини топишлари зарур: корхоналар ўртасида бевосита ташқи савдони қўллаб-қувватлаш; ташқи савдо ва инвестиция инфраструктурилмасини, айниқса, ички ва халқаро тўлов тизимини такомиллантириш; валюта алмашуви сиёсатини ислоҳ қилиш. Акс ҳолда, инвестицияларни жалб этиб, ташқи савдо имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.



Қисқача хуросалар

Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан рўйхатга олинган савдонинг кескин камайиши бундай таназзулнинг бош омили бўлди. Бу савдо ҳажми саккиз йил олдингидан деярли саккиз баробар камайди.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси, айниқса, биринчи босқичда, улар мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати нималарни кўзда тутади?
2. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик.
3. Ташқи савдони кенгайтириш йўллари ва зарурлиги нималарни тақозо этади?
4. Жаҳон бозорига интеграция имкониятлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлиқка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 3.Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – СПб.: Специальная литература, 1997.
5. Хасбулатов Р.И. Жаҳон иқтисодиёти. – М.: ИНСАН, 1994.
6. Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистон: ташқи фаолият ва жаҳон хўжалигига бирлаштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ВАЛЮТА АЛМАШУВ СИЁСАТИДАГИ ҮРНИ

23.1. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати

ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашув (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилинч чораларини кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган яқдил фикрни билдирилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислоҳотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фақат саноқли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан бири ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси, тугаллашни тавсия қиласи. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янгича ёндашув таклиф этилади.

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гурӯҳга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозогистон биринчи ёндашувни таъсирлаши, Ўзбекистон билан Туркманистон эса ислоҳотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди. Валюта алмашув сиёсатидаги тафовутга қарамай, глобал ва минтақавий молиявий инқироз Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларнинг нозик макроқтисодий барқарорлигига оғир бўлди. Россиядаги молиявий инқироз, айниқса, кучли салбий таъсир қиласи. Бу пайтда Қирғизистон, Қозогистон ва Тожикистонда пулнинг қадрсизланиши кучайди. Қозогистонда олтин-валюта захиралари анча камайди. Қирғизистонда катта миқдордаги ташқи қарзни тўлаш муаммоси пайдо бўлади. Россия инқирозига жавобан, валюта алмашувини билвосита кучлироқ назорат қила бошлаган Туркманистон билан Ўзбекистон тўлов баланси ва миллий даромадига салбий таъсир этиши кузатилди.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг кумулятив ташқи қарзи (ўтиш давридаги ҳамма мамлакатларда ҳам шундай ҳол юз берган) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидаги шундай вазиятга тобора кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда Россиядаги валюта инқирози (1998 18 август) тўлов баланси ўртасидаги бевосита боғлиқликни эслатди. Тобора кучайиб бораётган ташқи қарз муаммоси жорий операциялар ва капитал ҳаракати счёtlари буйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, халқаро захираларнинг тўпланишига тўқсингиллик қиласи. Бинобарин, ташқи қарз муаммоларига оид чоралар балансни мустаҳкам-

лашга қаратылған сиёсатни талаб этади, яғни жорий ва капитал счетлар бүйіча тушумлар умумий ҳаражатлардан күп бұлиши керак. Стандарт тавсияларда күпинчә: а) экспортни рағбатлантириш ёки товар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан жорий операциялар счётидаги тақчилликни камайтиришга; б) импорт ўрнини босишга қодир бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқларига қўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати счёти бўйича салбий қолдиқни камайтириш чораларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, кутилмаган ташқи салбий таъсир натижасида иккала счётда ҳам салбий сальдо ҳолларда тўловсизликдан қутилиш учун халқаро расмий захираларни етарли дараражада сақлаб туриш тавсия этилади.

Ташқи қарз динамикасини баҳолаш ҳамда келажак учун зарур тавсияларни олиш учун самарали таҳлилий восита сифатида қуидаги асосий тенгламалар ва моделлардан фойдаланилади.

1-тенглама – соф ташқи қарзлар ҳажмини (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама. Микдор жиҳатдан у капиталнинг соф оқими, капитал оқими бруттоси, минус ўтган йилги амортизация билан тўпланган хорижий қарз қолдигининг фоиз тўловлари ўртасидаги тафовут сифатида ўлчанади. Уни қуидаги математик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$BT = dD - rD \quad (1) \quad \text{ёки} \quad BT = (d-r) D \quad (2)$$

Бунда: D -тўпланған ташқи қарзнинг умумий ҳажми;

d -ташқи қарзнинг кўпайиш %-и;

dD -соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;

r -ташқи қарзга тўланадиган ўртача %;

rD -ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий микдори.

2 - тенглама ушбу давлат билан хорижий давлат ўртасидаги капитал ҳаракати натижасида ҳар бир йил доирасида хорижий валюта микдорининг камайиши ёки кўпайишини кўрсатади. Агар $d > g$ бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин $d < g$ бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади. Бошқача айтганда, ташқи қарз жалб этилган капиталдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда r кўпайган тақдирда ҳам BT ижобий бўлади, ташқи қарз қарздор мамлакатнинг на қисқа муддатли, на узоқ муддатли тараққиёт истиқболига салбий таъсир этмайди.

Бу концепция заминидаги ғасосий ғоя шундан иборатки, мамлакат унинг счёти йилма-йил эмас, балки ташқи қарз олинган анча узоқ муддат доирасида баланслашиши лозим. Бироқ бу мамлакат ҳар бир давр доирасида қарзниң тұлов даражасини менсимаслиги керак, деган маънени билдиримайды. Бундан ташқари, мамлакаттинг тұлов қобилияти ва қарзларини тұлашта құдрати етиши тұғрисидаги хуоса пировард натижада пулнинг жорий ёки бир қанча йил давомида тұлаш муддатларини аниқ күрсатиб, мамлакат олган мажбурияттар ҳажми тұғрисидаги ахборотта асосланиш лозим. Буни қуйидаги эконометрик тенглама билан ифодалаш мүмкін:

$$(D_t - D_{t+1}) = Y_t - rD_t - C_t - \Gamma_t - G_t \quad (3)$$

Бу ерда: $(D_t - D_{t+1})$ - t давридан t+1 давригача ташқи қарздаги соғ үзгариш;

Y_t - t давридаги ЯИМ (соғ пул үтказиш киритилган);

rD_t - t даври учун тұла % тұлови;

C_t - t давридаги истеъмол;

Γ_t - t давридаги ички инвестиция;

G_t - t давридаги давлат ҳаржатлары.

З¹ - тенгламадан келиб чиқадыки, қарз миқдори маълум вақт давомида мамлакатда ишлаб чиқаришни күпайтириш ва истеъмолни камайтириш, ички инвестициялар ва давлат ҳаржатларини камайтириш ҳисобига камайтирилиши мүмкін. Лекин мамлакат бир даврдан иккінчи давргача бундай қилишга қодир бүлмаса ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол, ички инвестиация ва ҳукumat ҳаржатлари ташқи қарзни тұлаш учун зарур миқдордан кам бүлмайдиган даражага етса, у ҳолда мамлакат қарз инқизоризига учрайди.

$$C_t + T_t + Q_t - Y_t < dD_t - rD_t \quad (4)$$

Бу ерда: dD_t - t давидаги мамлакатта келган хорижий валютанинг жами оқими;

rD_t - ташқи қарзни тұлаш натижасида t даврида мамлакатдан чиққан хорижий валюта оқими;

$dD_t - rD_t$ - t давридаги ВТ.

Түрли ташқи ва ички мураккаб омиллар d ва r таъсир қилиши, бу эса ташқи қарз муаммосининг кескинлашувиға олиб келиши мүмкін. d ва r учун хос бүлган тамойиллар қуйидаги: аввал мамлакаттинг умумий қарзи кам бүлган ва унинг күпайтиш даражаси d, юқори тенденциялы бўлиши мүмкін. Аммо D күпайганда, d камая бошлайди, чунки ташқи қарзни тұлаш мамлакатта қўшимча капитал оқими ҳажмига тенглашади.

Иккинчидан, ташқи қарз түпланишининг дастлабки босқичида г нисбатан кам бўлади (кўпинча нисбатан анча кам бўлади), чунки бу босқичда асосий маънба муддатли ва тўлаш шартлари жиҳатидан имтиёзли расмий хорижий ёрдамдан иборат бўлади. Лекин кейинчалик г тез ўсиши мумкин. Бу тижорат банкларида бозор шартлари асосида олинган қисқа муддатли тижорат кредитлари билан боғлиқ

Мамлакат ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган пайтда дефолтдан холис бўлиш учун бундай вазиятни олдиндан қўришга имкон берадиган муайян воситаларга эга бўлиш муҳимdir. Тегишли тенгламалар (1),(4) дан фойдаланиш ташқи қарз кўпайишининг асосий сабабларини миқдорий ўлчаш учун фойдали бўлиши ва ташқи қарз хусусида тўғри иқтисодий сиёсатни танлашга кўмаклашиши мумкин.

Икки чеклашни таҳлил қилиш моделларидан расмий ёрдамга эҳтиёжни ва мамлакатнинг бу ёрдамдан самарали фойдаланиш қобилиятини аниқлаш учун фойдаланилди. Бу моделлар, умуман, ташқи қарзни ўлчаш учун ҳам фойдалидир. Қарздор мамлакатларнинг кўпчилигида иккита асосий чеклаш мавжуд: инвестиция имкониятларига нисбатан ички жамғармаларнинг етишмаслиги ва товар импортида валютага бўлган эҳтиёжга нисбатан хорижий валютанинг етишмаслиги. Бу чеклашларни бартараф этиш учун мамлакат қўшимча равишда хорижий валютани жалб этади, бу эса кейинчалик ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келади. Қарзнинг кўпайишини қўйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$dD/D_t = gD + M - E \quad (5)$$

Бу ерда: dD/D_t - қарз миқдорининг ўзгариши (биринчи ҳосила);

g - фоизнинг ўртача меъёри;

M - импорт;

E - экспорт.

Шу тариқа бир вақтнинг ўзида тўлов балансининг ҳар уч қисмида ташқи қарзнинг ўсиши ҳолатини ва муаммосини баҳолашга имкон берадиган ташқи қарзни бошқариш сиёсатини қўллаш ва миқдорий воситалардан фойдаланиш зарур. Шундай қилиб, ҳар томонлама ёндашувнинг умумий самараси ташқи қарзнинг сурункали тусини бартараф этишга ёрдамлашиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ташқи қарз муаммосидан тащқари ўз валюта бозорининг долларлашувига дуч келди. Янги миллий давлатларнинг кўпчилиги сингари Марказий Осиё давлатларида ҳам алмаштириладиган валюта жамғармасидан пулнинг

қадрсизланишидан сұғурталаш учун, валюта операцияларидан күриладиган зарарни қоллаш учун, шунингдек, бошқа рисклардан ҳоли бұлиши учун фойдаланылмоқда. Бирок, хорижий валютадаги депозитларнинг шу мамлакат банк тизими барча депозитларига нисбатан долларлашип даражасини тұла ўтлаштырып көрді.

Маълумки, сабиқ Иттифоқ мамлакатларида қонуний молиявий воситачилик даражаси паст бўлиб, норасмий операцияларда доллар мавжудлиги жуда катта роль ўйнамоқда. Шу сабабли, ўтиш даври иқтисодиётини таҳлил қилиш учун муомаладаги хорижий валюта захираси каби кўрсаткич ҳам мухимдир. Рўйхатга олинмаган битимларни миқдорий баҳолаш қийинлигига қарамай, норасмий хорижий валюта бозорининг мавжудлиги хукумат ўтказаётган сиёсатнинг самарадорлигини анча камайтиришидан далолат берувчи мисоллар кўп. Хорижий валюта яширин бозорининг улушида катта имконият мавжуд бўлади. Ҳақиқатда хорижий валютанинг яширин бозори капитал ҳаракатини тезлаштиришга ўхшаган натижа беради. Бу экспортнинг маълум қилинган қийматини камайтириш ва импортнинг маълум қилинган қийматини ошириш, капитал чиқиб кетиши учун қўшимча каналга айланади, яъни бу ҳол валюта алмаштириш даражаси юқорилиги туфайли капиталнинг исталган вақтда кенг миқёсда чиқиб кетиши учун яна бир яширин канал бўлади.

Улар биргаликда тизимларни қайта ташкил этиш босқичида янги миллий давлатларнинг кўпчилигига капиталнинг чиқиб кетишида мухим омил бўлди. Капитал чиқиб кетишининг аҳамияти глобал ва миңтақавий молиявий инқироз чофида айниқса кучайиб кетди.

Ҳам савдони, ҳам валютани эркинлаштирган, шунингдек, капитал ва жорий операциялар счети тұла конвертациялаштирилган, ҳатто молиявий инқироз чофида ҳам шу сиёсатга амал қилишга уринган мамлакатларда анча қийин вазият туғилди. Босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва валюта бозорларини астасекин эркинлаштириш сиёсатини ўтказиш йўлига ўтган мамлакатлар ҳам бир қанча ташқи зарбаларга учрайди, лекин бу зарбалар бошқача усуlda ва билвосита шаклларда бўлади. Бу ҳол расмий ва норасмий бозордаги валюта алмашуви ўртасидаги тафовутнинг сезиларлилигига намоён бўлади.

23.2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги

Ўзбекистон (Туркманистан билан) кенг доирадаги савдо чеклашларидан ва хорижий валютани назорат қилиш воситаларидан фойдаланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя

қилишга уринаётган, собық Иттифоқ таназзулга учрагач, мустақил бўлган мамлакатлардан биридир. Бу чоралар яқинда юз берган глобал ва минтақавий молиявий инқизорзинг салбий таъсирини камайтириш имконини берди, лекин шу билан бир вақтда улар катта норасмий товар ва валюта бозорларини келтириб чиқарди.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги маънода кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хоедир. Утиш давридаги деярли барча мамлакатлар тизимларни қайта ташкил этиш чоғида шу муаммога дуч келди. Уларда қоида сифатида кўп ёки кам валюта алмашув курси мавжуд бўлди. Булар: хукумат томонидан белгиланадиган норасмий бозордаги алмашув курси жамоат секторининг барча операциялари ва хусусий сектор операцияларининг бир қисми расмий бозорда расмий алмашув курсида, айни пайтда хусусий сектор келишувларининг қолган қисми яширин бозорда норасмий алмашув курсида амалга оширилди. Нақд ва нақдсиз пуллар учун турлича алмашув курси монополиячилик банк тизимининг мавжудлиги ва чинакам тижорат банклари йўқлигининг бевосита натижасидир.

Параллел алмашув курси хорижий валюта бозори бўлганини ифодалаб, бу давлат томонидан ўрганилган савдо ва молия чеклашларининг натижасидир. Жорий операциялар ва капитал счёtlари бўйича операцияларга хукумат томонидан қўйилган кенг чеклашларга жавобан кенг миёсли ва узоқ муддатли норасмий бозорлар вужудга келади.

Бундай чора-тадбирларнинг асосий сабаблари маънум индустрнал, ташки савдо ва валюта сиёсати билан боғлиқ. Хукумат батзи тармоқлар ва корхоналар учун қулай шароит яратиб бериш, жумладан, валюта алмашувининг паст ставкаларидан фойдаланишга имтиёз бериш йўли билан уларни тўғридан-тўғри ёки билвосита қўллаб-қувватлашлари мумкин. Тарифлар, савдо чеклашлари ва тўсиқларнинг мавжудлиги норасмий валюта бозори пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини таъкидлаш керак. Экспорт ва импорт операцияларининг иштирокчилари хорижий валютадан эркин фойдаланар эканлар, савдо чеклашлари алмашув курси сегментлашувини келтириб чиқармайди. Улар хорижий валютага талаб ва таклифларга таъсир ўтказса хам операцияларнинг ҳар хил турларига гов бўла олмайди. Фақат хукумат сиёсати хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш ҳажмига миқдорий чеклашларни (уни кўпинча меъёрий белгилаш дейишади) белгилаш йўли билан турли операциялар ўртасида чеклашлар барпо қиласи. Хорижий валютага қондирilmagan эҳтиёж яширин бозорни вужудга келтиради, унда ва-

люта қиймати айни пайтдаги таклиф билан белгиланади. Күпчилик эътироф этган фикр шуни қўрсатадики, миллий валюта нинг ҳақиқий қимматлашуви ва бунинг оқибатида яширин бозорда курсининг ўзгариши ички бозорда ҳукуматнинг валюта алмашувини меъёрлаштириши (чеклаши) натижасида девалвация қилинган алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши суръати ўртасидаги фарқ кўпаяди. Шу тариқа, параллел алмашув курслари ҳукуматнинг валюта бозорини сегментлашуви ва меъёрлаштириш воситаси билан валютани назорат қилиш сиёсатининг қўшимча маҳсулидир.

Одатда, турли алмашув чеклашларини жорий этиш орқали валюта назоратини жорий операциялар счёти балансини ташки салбий таъсиrlардан ҳимоя қилиш билан билан оқлашмоқчи бўлишади. Бироқ кўп сонли ва ҳар хил алмашув курси мавжуд бўлиши биланоқ жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчиллигининг муҳим омилига айланади. Алмашув курси турлича бўлган шароитда экспортчиларни чеклаш ва импортчиларни қўшимча рағбатлантириш жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчиллигига олиб келади. Айни пайтда яширин бозордаги курсни тижорат алмашув курси билан бир хиллаштириш йўли билан алмашув курсларини бозор даражасида бирлаштириш экспортни рағбатлантириш ва импорт тазиикни камайтириш ҳамда жорий операциялар балансини ҳар икки йўналишда яхшилашнинг энг самарали йўлидир.

Ўзбекистонда кўп сонли алмашув курси режимини қувватлашни оқладиган далиллардан бири шундан иборатки, у пулнинг қадрсизланишини камайтиради, ижтимоий ҳимоя чораси сифатида хизмат қиласи. Ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлат учун бу далил кўп сонли алмашув курси фойдасига хизмат қилиши ёки хизмат қилмаслигини текшириш учун бир неча статистик усуллардан фойдаланилган.

Алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик анча мураккаб. Кичик иқтисодиётда алмашув курси ўзгаришидан олдин ички нарх даражаси ўзгаради. Алмашув курси нархга икки йўл билан таъсиr қиласи. Бу товарлар импорти ва инфляция эҳтимолининг иқтисодий агентлар томонидан ҳисобга олиниши («инфляцион қутулиш»). Лекин алмашув курси ўзгариши (девалвация) натижасида ички нархнинг кўтарилиши тўла бўлмаслиги мумкин. Умуман, ўтказишнинг тўлиқ бўлмаслигига олиб келадиган икки омил мавжуд. Булар: а) хорижда талаб катта бўлган, шунга қарамай мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилаётган ва истъемол қилинаётган ҳамда

хорижий товарлар билан бевосита рақобат қилмаётган товарлар. Бундай товарларнинг нархи алмашув курси ошгандан кейин бироз кечикиб кутарилади ва ички валютанинг қадрсизланиши ставкасига тұла мөс келмайды; б) хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари нархлари құп ҳолларда ташқи нархларга бевосита боғлиқ бўлмайди.

Регрессион таҳлилнинг натижалари валюта алмашув курсини белгилаш сиёсатидаги муайян муаммоларни ҳал этиш йўлларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Алмашув курсининг коэффициенти, яъни алмашув курси нархга нисбатан ўзгарувчалиги юқорида кўриб чиқилган барча моделларда 0,12 дан 0,33 гача ўзгариб туради, бу алмашув курсининг нарх-навоға таъсири тўлиқ эмаслигини билдиради. Демак, пулнинг қадрсизланиши суръатини аниқлашда валюта биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, Узбекистонда пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш учун аввало, пул-кредит сиёсатининг бошқа асосий воситаларига таяниш зарурлигини билдиради. Ваҳоланки, алмашув курсига доир сиёсатга эса фақат қўшимча восита сифатида қарамоқ керак.

Бу таҳлил алмашув курсини эркинлаштиришни аввал бошиданоқ макроиктисодий барқарорликни таъминловчи тадбирлар қаторига киритишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Иккинчи томондан, бу алмашув курсини эркинлаштиришни ислоҳотларнинг охирига қолдириб бўлмаслигини кўрсатади. Маълум босқичдан бошлаб хорижий валюта яширин бозорининг мавжудлиги иқтисодий ўсишга борган сари кўпроқ салбий таъсир кўрсата бошлайди. Шу тариқа Марказий Осиё давлатларининг валюта алмашув сиёсатини таҳлил қилиш Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатларининг, шунингдек, Япония ва бошқа Шарқий Осиё мамлакатларининг II Жаҳон урушидан кейинги тажрибасидан келиб чиқадиган сабоқларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шунингдек, у валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштиришга қаратилган, аста-секин амалга ошириладиган чора-тадбирлар бир томонлама туб ислоҳотлар каби хавфли эмаслигини кўрсатади. Босқичма-босқич ёндашиш мамлакатларга бозор институтларининг ва энг муҳими, одамларнинг ўзгаришларга тайёрлиги асосида аста-секин пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Қисқача хуосалар

Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислоҳотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тұғрисида саноқлы огохлантиришлар бўлган эди.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги маълум маънода кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Ўтиш давридағи деярли барча мамлакатлар тизимларни қайта ташкил этиш чоғида шу муаммога дуч келди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати ўртасидаги қандай муносабат мавжуд?
2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги нима учун керак?
3. Макроиктисодий барқарорликни таъминловчи тадбирлар сирасига нималарни киритиш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Қаланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – СПБ.: Специальная литература, 1997.
6. Клас Эклунд. Самарали иқтисодиёт. Швед модели. – М.: Иқтисодиёт, 1991.
7. П.Х.Линдерт. Жаҳон хўжалик алоқалари иқтисодиёти. - М.: Тараққиёт, 1992.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Путь нашего народа – это путь независимости свободы и глубоких реформ. Выступление Президента Ислама Каримова на сессии кенгаша народных депутатов Хорезмской области. Хорезмская правда. 20 март, 1996.
6. Каримов И.А Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ҳалқ сўзи, 2003 йил 25 апрель, 88-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 1998.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедик маълумотнома. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
9. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳимнова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
10. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций. – СПб.: Специальная литература, 1997.
11. Клас Эклунд. Самарали иқтисодиёт. Швед модели. – М.: Иқтисодиёт, 1991.
12. Линдерт П.Х. Жаҳон хўжалик алоқалари иқтисодиёти. – М.: Тараққиёт, 1992.
13. Чепель С.В. Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ўсишвазифалар, муаммолар, механизмлар. Иқтисодий шарҳ. З.1999.
14. Утиш даври иқтисодиёти. Радаев В.В., Бузгалин А.В. таҳрири остида, - М.: МДУ, 1995.
15. Қишлоқ хўжалиигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўшалишлари тўғрисида ЎзР Президенти Фармони, Ҳалқ сўзи, 2003 йил 25 март, №66.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Т., 2003.
17. Абдуллаев Е.Н Сравнительное анализ эффективность региональной экономии. - Т.: Мехнат, 1987.

18. Планирование экономического и социального развития региона. – М.: Высшая школа, 1987.
19. Региональные аспекты рыночных преобразований. – Т.: Фан, 1996.
20. Лосумов Р.Я. Организация управления региональным производством. - Т.: Фан, 1982.
21. Силаев Е.Д. Эффективность экономики рынка. - М.: Наука, 1991.
22. Рузметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития.
23. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер с анг. – Таллин, 1993.
24. Абдуллаев С.Б. Рязанова Н.М. Теория организации отраслевых рынков. - М.: Магистр, 1998.
25. Формирование экономического механизма самоуправления и самоокупаемости региона. Алма-ата, МГП Делиу, 1992.
26. Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регион. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. УРСС. – М., 2000.
27. Хусанов Р. Реформирование в сельском хозяйства Узбекистана.
28. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. - Т.: Фан, 1996.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИНИГ МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	6
- 1.1. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фани ва унинг предмети.....	6
1.2. Миллий иқтисодиёт жараёнлари объектларини иқтисодий баҳо- лашда макрёндашув.....	12
1.3. Иқтисодий фанлар орасида «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» курсининг ғорни.....	12
Кисқача хуросалар.....	14
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	14
Асосий адабиётлар	14
II боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЛЧОВ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	15
2.1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси.....	15
2.2. Миллий иқтисодиётнинг амал қилишини таъминловчи омиллар.....	16
Кисқача хуросалар.....	20
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	20
Асосий адабиётлар	20
III боб. МИЛЛИЙ БОЙЛИК – ДАВЛАТНИНГ ҚУДРАТИНИ БЕЛ- ГИЛОВЧИ КЎРСАТКИЧ.....	21
3.1. Мамлакат миллий бойлиги тушунчаси.....	21
3.2. Миллий бойлик таркиби.....	23
3.3. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик.....	23
3.4. Республиканинг қазилма бойликлари.....	25
Кисқача хуросалар.....	28
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	28
Асосий адабиётлар	28
IV боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎ- НАЛИЦЛАРИ	29
4.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш – энг муҳим вазифа.....	29
4.2. Мулкий муносабатлар.....	32
4.3. Таркибий силжишлар.....	35
Кисқача хуросалар.....	38
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	38
Асосий адабиётлар	39
V боб. РЕСПУБЛИКАНИНГ САНОАТ МАЖМУАСИ.....	40

5.1. Республикада саноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий сабаблари.....	40
5.2. Саноат мажмуаси тармоқлари.....	41
5.3. Саноат мажмуасининг асосий кўрсаткичлари.....	48
Қисқача хуросалар.....	49
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	49
Асосий адабиётлар	49
VІ боб. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТРАНСПОРТ МАЖМУИ.....	50
6.1. Транспорт комуникациясининг тузилмаси.....	50
6.2.Республика транспорт мажмуасини тартибга солиш.....	58
6.3. Транспорт корхоналарининг истиқболли фаолиятини яратиш асослари.....	60
Қисқача хуросалар.....	64
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	64
Асосий адабиётлар	64
VІІ боб. РЕСПУБЛИКАНИНГ АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ, УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИ.....	65
7.1. Агросаноат мажмуаси (АСМ) – иқтисоднинг кўп тармоқли тизими сифатида.....	65
7.2. Агросаноат мажмуаси ривожланишининг асосий муаммолари...	67
7.3. Чет эл давлатлари тажрибаси ва унинг республикада жорий қилиш йўллари.....	71
Қисқача хуросалар.....	74
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	75
Асосий адабиётлар	75
VІІІ боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ.....	76
8.1. Миллий иқтисодиётта инвестиция жалб қилишининг аҳамияти...	76
8.2.Инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши...	77
8.3. Иқтисодиётта хорижий инвестицияларни жалб қилиши йўллари...	79
8.4. Ўзбекистонда инвестициялар манбаларининг таҳлили.....	81
Қисқача хуросалар.....	87
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	88
Асосий адабиётлар	88
IX боб. РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИ.....	89
9.1. Қурилиш, унинг халқ хўжалигига тутган ўрни ва аҳамияти...	89
9.2.Қурилиш индустрияси.....	90
9.3. Қурилиш тизими.....	91

9.4. Қурилиш материаллари саноати.....	94
Қисқача хulosалар.....	96
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	96
Асосий адабиётлар	96
 Х боб. РЕСПУБЛИКАДА БОШКАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	97
10.1. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари.....	97
10.2. Устувор йўналишлар мазмуни.....	98
10.3. Устувор вазифаларни амалга ошириш йўллари.....	100
10.4. Бюджет иқтисодий ислоҳотларни ҳаётта татбиқ этишда ҳал қилувчи омил.....	101
10.5. Республикада иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилишини такомиллаштириш.....	105
Қисқача хulosалар.....	109
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	109
Асосий адабиётлар	109
 XI боб. ИҚТИСОДИЁТНИ БОШКАРИШДА МОЛИЯ – КРЕДИТ ЙЎЛЛАРИ.....	110
11.1. Давлат бюджети: асосий кўрсаткичлар ва микдорий баҳолаш муаммолари.....	110
11.2. Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги ва қарзнинг ўз-ўзини яратиш механизми.....	112
11.3. Иқтисодиётнинг молия - кредит дастаги сифатида солиқлар тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти	115
Қисқача хulosалар.....	121
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	121
Асосий адабиётлар	121
 XII боб. РЕСПУБЛИКАДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	122
12.1. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлиги ва йўллари...	122
12.2. Бозор муносабатларининг республика иқтисодий мустақиллигига таъсири.....	124
12.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ва унинг асосий йўналишлари.....	125
Қисқача хulosалар.....	128
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	128
Асосий адабиётлар	128

XIII боб. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБ-ГА СОЛИНИШИ.....	129
13.1. Давлатнинг иқтисодий вазифалари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги.....	129
13.2. Давлат томонидан юритиладиган макроиктисодий сиёсатнинг куринишлари	131
13.3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви.....	134
Қисқача хуросалар.....	136
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	136
Асосий адабиётлар	136
 XIV боб. ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ИЖТИМОЙ МАЖМУИ.....	137
14.1. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш.....	137
14.2. Соғлиқни сақлаш соҳасининг аҳамияти ва ўрни.....	140
14.3. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш.....	141
14.4. Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиёти.....	143
14.5. Соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболи.....	144
Қисқача хуросалар.....	148
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	148
Асосий адабиётлар	148
 XV боб. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ МУАММОЛАРИ.....	149
15.1.Меҳнат бозорини шакллантириш ва иш жойларини барпо этиш...	149
15.2.Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори.....	150
15.3.Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги дарајасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	152
15.4.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги.....	154
15.5.Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари.....	155
Қисқача хуросалар.....	157
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	157
Асосий адабиётлар	157
 XVI боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРИНИ ТУЗИШ.....	158
16.1. Давлатнинг антиинфляция сиёсати мазмуни.....	158
16.2. Антиинфляция сиёсатини амалга ошириш йўллари.....	160
16.3. Макростратегиялар танлашнинг хорижий тажрибаси.....	162
16.4. Макростратегик дастурлар.....	163
Қисқача хуросалар.....	165
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	165

Асосий адабиётлар	165
XVII боб. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУОММОЛАРИ.....	166
17.1. Ҳудудий стратегияни роли.....	166
17.2. Ҳудудий стратегиянинг таркиби ва тузулиши.....	168
17.3. Ҳудудни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришда муқобил стратегияни излаш.....	169
Қисқача хулосалар.....	173
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	173
Асосий адабиётлар	173
XVIII боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИОН ЙЎНАЛИШ.....	174
18.1. Таҳқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари.....	174
18.2. Ўзбекистонда таҳқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши ..	177
18.3. Таҳқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий, қонуний ва ҳукукий базаси.....	183
18.4. Ўзбекистон Республикаси таҳқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари.....	185
Қисқача хулосалар.....	188
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	188
Асосий адабиётлар	189
XIX боб. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛANIШДА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР.....	190
19.1. Пуллик хизматлар соҳасининг иқтисодий ривожланишдаги роли ва уни тартибга солиш усуллари.....	190
19.2. Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳдили.....	192
19.3. Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш йўналишлари.....	196
Қисқача хулосалар.....	199
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	199
Асосий адабиётлар	199
XX боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРАОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИНИГ ЎРНИ.....	200
20.1. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни.....	200
20.2. Маҳаллий ресурсларни қайта ишлашда кичик ва ўрта бизнес ..	201
20.3. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истиқболи.....	204
Қисқача хулосалар.....	209
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	209

Асосий адабиётлар	209
XXI боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	210
21.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари.....	210
21.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий нагизлари.....	212
21.3. Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари.....	216
21.4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида қайта туб ўзгаришлар стратегияси.....	218
Қисқача хуносалар.....	225
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	225
Асосий адабиётлар	226
XXII боб. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ҚЎШИЛИШ СИЁСАТИ.....	227
22.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати.....	227
22.2. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик.....	229
Қисқача хуносалар.....	232
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	232
Асосий адабиётлар	232
XXIII боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ВАЛЮТА АЛМАШУВ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ.....	233
23.1. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати.....	233
23.2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги.....	237
Қисқача хуносалар.....	241
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	241
Асосий адабиётлар	241
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	242

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. MEANING, ESSENCE AND TASKS OF THE COURSE OF "NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN".....	6
1.1. The course of "National economy of Uzbekistan" and its subject.....	6
1.2. Microeconomic evaluation of objects of national economic process... 12	12
1.3. The role of "National economy of Uzbekistan" among other countries.....	12
Brief conclusions.....	14
Questions for discussion and control.....	14
Main literature.....	14
PART-II. ESSENCE OF NATIONAL ECONOMY AND MEASURING INDICATORS.....	15
2.1. Conception of national economy.....	15
2.2. Provision factors of depending on national economy.....	16
Brief conclusions.....	20
Questions for discussion and control.....	20
Main literature.....	20
PART-III. NATIONAL WEALTH – INDICATORS FOR GOVERNMENT POWER.....	21
3.1. Conception of national wealth of government.....	21
3.2. Structure of national wealth.....	23
3.3. Degree of economic development and national wealth.....	23
3.4. Natural resources of Uzbekistan.....	25
Brief conclusions.....	28
Questions for discussion and control.....	28
Main literature.....	28
PART-IV. MACROECONOMIC CONDITION AND ITS MAIN TRENDS.....	29
4.1. Freeing economy and strengthening measures – the main task.....	29
4.2. Property relations.....	32
4.3. Structural movement.....	35
Brief conclusions.....	38
Questions for discussion and control.....	38
Main literature.....	38
PART-V. INDUSTRIAL BRANCH OF THE REPUBLIC.....	40
250	

5.1. The main reasons for the development of industrial branch of the republic.....	40
5.2. Branches of industry.....	41
5.3. Main indicators of industrial branch.....	48
Brief conclusions.....	49
Questions for discussion and control.....	49
Main literature.....	49
PART-VI. TRANSPORT BRANCH IN ECONOMIC DEVELOPMENT.....	50
6.1. Structure of transport communication.....	50
6.2. Regulation of transport branch of the Republic.....	58
6.3. Basis for the development of transportation organizations.....	60
Brief conclusions.....	64
Questions for discussion and control.....	64
Main literature.....	64
PART-VII. AGRARIAN-INDUSTRIAL BRANCH OF THE REPUBLIC, ITS DEVELOPMENT TRENDS.....	65
7.1. Agrarian-industrial branch – as a multi branched system of economy.....	65
7.2. Main problems of the development of agrarian-industry.....	67
7.3. Experience of foreign countries and its usage in Republic.....	71
Brief conclusions.....	74
Questions for discussion and control.....	75
Main literature.....	75
PART-VIII. THE ACTIVITY OF INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ECONOMY.....	76
8.1. Essence of investment in national economy.....	76
8.2. Development and regulation of the activity of investment.....	77
8.3. Attracting ways of foreign investment to economy.....	79
8.4. Analysis of investment sources in Uzbekistan.....	81
Brief conclusions.....	87
Questions for discussion and control.....	88
Main literature.....	88
PART-IX. BUILDING BRANCH OF THE REPUBLIC.....	89
9.1. Building, its essence and role in national economy.....	89
9.2. Building industry.....	90
9.3. Building system.....	91
9.4. The industry of building resources.....	94
Brief conclusions.....	96

Questions for discussion and control.....	96
Main literature.....	96
PART-X. DEVELOPING WAYS OF REGULATION OF THE REPUBLIC.....	97
10.1. Strengthening democracy in Uzbekistan and trends of citizen	
10.2. The meaning of principal trends.....	98
10.3. The ways of implementation of principal tasks.....	100
10.4. Budget – main factor in implementation of economical	
10.5. Development of economic and statistic organizations in the	
Brief conclusions.....	109
Questions for discussion and control.....	109
Main literature.....	109
PART-XI. FINANCIAL-CREDIT WAYS IN THE REGULATION OF ECONOMY.....	110
11.1. Government budget: main indicators and quantity evaluation	
11.2. Initial deficit of governmental budget and the mechanism of	
11.3. The role and essence of tax in financial-credit system of the	
Brief conclusions.....	121
Questions for discussion and control.....	121
Main literature.....	121
PART-XII. MAIN TRENDS OF MARKET INFRASTRUCTURE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	122
12.1. Necessity of the regulation of the market economy and its	
12.2. Effects of market relations to the independent economy.....	124
12.3. The transition program to market system and its trends.....	125
Brief conclusions.....	128
Questions for discussion and control.....	128
Main literature.....	128
PART-XIII. REGULATION OF ECONOMY BY GOVERNMENT.....	129
13.1. Economic functions of government and its necessity in the development of market economy.....	129

13.2. Types of macroeconomic politics which is regulated by government.....	131
13.3. Economic integration of the government.....	134
Brief conclusions.....	136
Questions for discussion and control.....	136
Main literature.....	136
 PART-XIV. SOCIAL BRANCH OF GOVERNMENT POLITICS.....	
14.1. Provision of social protection politics.....	137
14.2. The role and essence of health care	140
14.3. Regulation of health care	141
14.4. International practice of the development of health care branch.....	143
14.5. Development of health care	144
Brief conclusions.....	148
Questions for discussion and control.....	148
Main literature.....	148
 PART-XV. REGULATION OF LABOR MARKET AND PROBLEMS OF POPULATION EMPLOYMENT.....	
15.1. Development of labor market and organizing working places.....	149
15.2. Labor market of agriculture.....	150
15.3. Utilization of labor market and indicators showing labor efficiency.....	152
15.4. Labor resources utilization in agriculture, labor efficiency.....	154
15.5. Improving labor resources utilization, ways of improving their efficiency.....	155
Brief conclusions.....	157
Questions for discussion and control.....	157
Main literature.....	157
 PART-XVI. PREPATING MACROECONOMIC PROGRAMS FOR THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ECONOMY.....	
16.1. The meaning of government's anti-inflation policy.....	158
16.2. Ways of anti-inflation policy.....	160
16.3. Foreign experience of selecting macro-strategies.....	162
16.4. Macro-strategic program.....	163
Brief conclusions.....	165
Questions for discussion and control.....	165
Main literature.....	165

PART-XVII. STRATEGIC PLANNING AND PROBLEMS OF REGIONAL ECONOMY.....	166
17.1. The role of regional strategy.....	166
17.2. Structure of regional strategy.....	168
17.3. Finding the best strategy in the process of social-economic development	
 Brief conclusions.....	173
Questions for discussion and control.....	173
Main literature.....	173
 PART-XVIII. INTEGRATION INTO THE WORLD ECONOMY.....	174
18.1. Condition of the activity of international relations.....	174
18.2. Development of international relations in Uzbekistan.....	177
18.3. Investment legal and lawful base of the activity of international economic relations.....	183
18.4. Main trends of the development of international economic relations in	
 Brief conclusions.....	188
Questions for discussion and control.....	188
Main literature.....	189
 PART-XIX. PAID SERVICES IN ECONOMIC DEVELOPMENT.....	190
19.1. The role of paid services in economic development and ways of its	
19.2. Analysis indicators of paid services development in the Republic of Uzbekistan.....	192
19.3. Paid services and its development trends.....	196
Brief conclusions.....	199
Questions for discussion and control.....	199
Main literature.....	199
 PART-XX. THE ROLE OF BUSINESS IN STRENGTHENING NATIONAL ECONOMY.....	200
20.1. The role of business in strengthening economy.....	200
20.2. Small and medium business in the re-utilization of local	
20.3. The development of small and medium business.....	204
Brief conclusions.....	209
Questions for discussion and control.....	209
Main literature.....	209

PART-XXI. TRANSFORMATION OF NATIONAL ECONOMY AMONG CENTRAL ASIAN INDEPENDENT COUNTRIES.....	210
21.1. Transformation of Central Asian independent countries, and regulation ways of economy with the help of world economy.....	210
21.2. Theoretical and methodological ways of transformation of Central Asian countries.....	212
21.3. Transformation and globalization problems of Central Asian countries.....	216
21.4. Strategic changes in the economy of developing countries.....	218
Brief conclusions.....	225
Questions for discussion and control.....	225
Main literature.....	226
 PART-XXII. NATIONAL ECONOMY OF UZBEKISTAN AND THE TRANSITION POLICY OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES INTO GLOBAL ECONOMY.....	227
22.1. Transition policy into international trade and global economy.....	227
22.2. Inter-trade of countries and regional relations.....	229
Brief conclusions.....	232
Questions for discussion and control.....	232
Main literature.....	232
 PART-XXIII. THE ROLE OF NATIONAL ECONOMY IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION AND CURRENCY EXCHANGE POLICY.....	233
23.1. Globalization problems and currency exchange policy.....	233
23.2. Rates of currency exchange.....	237
Brief conclusions.....	241
Questions for discussion and control.....	241
Main literature.....	241
 LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	242

ИШМУҲАМЕДОВ АНВАР ЭГАМКУЛОВИЧ
АСҚАРОВА МАВЛУДА ТУРОПОВНА

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТИ
(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонимурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: Д. Икромова
Техник муҳаррир: Ш. Таджиев
Мусахҳих: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: С. Гаффаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz
Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга руҳсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоги 16. Нусхаси 1000
Буюртма № 38

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«YOSHLAR МАТВУОТИ» масъулияти чекланган жамият.
700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 60-уй.

ИШМУХАМЕДОВ Айвар Эгамқулович — «Макроиктисодиёт» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи. Унинг раҳбарлигидаги 3 та докторлик ва йигирмадан ортиқроқ номзодлик диссертациялари ёқланган. У 10 тадан кўпроқ дарслик, 10 та ўқув қўлланма ва 100 тага яқин илмий мақолалар муаллифи.



АСҚАРОВА Мавлуда Турабовна — «Макроиктисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди. У 2 та ўқув-услубий қўлланма ҳаммуаллифи ва 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

Илмий ишларининг асосий мавзуси - «Суғурта бозорини ривожлантириш, иқтисодий ўсиши ва макроиктисодий барқарорлик».

